

З.Э.МАРКАЕВ, С.И.БЕКЧАНОВ,
М.Ю.АЙТБОЕВ

МИЛЛИЙ ҒОЯ: ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ



ТОШКЕНТ-2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

З.Э.МАРКАЕВ, С.И.БЕКЧАНОВ,

М.Ю.АЙТБОЕВ

*Олий таълим муассасаларининг қишлоқ хўжалиги йўналишлари учун
мўлжалланган*

ТОШКЕНТ-2019

UDK:

КБК

Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. З.Э.Маркаев, С.И.Бекчанов, М.Ю.Айтбоев – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги – Т.: “-----”, 2019.----бет. ISBN:

Тақризчилар:

М.С.Хажиева Урганч давлат университети профессори, фалсафа фанлари доктори

Ю.М.Яқубов Тошкент давлат аграр университети доценти, фалсафа фанлари номзоди

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат аграр университети Илмий Кенгашида кўриб чиқилган ва нашрга тавсия этилган. (201__ йил “___” _____ даги “___” – сонли баённома)



З.Э.Маркаев, С.И.Бекчанов, М.Ю.Айтбоев. Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Т.: 2019, бет.

КИРИШ

“Миллий ғоя: Ўзбекистоннинг ривожлантириш стратегияси” фанини ўрганиш мамлакат ҳаётида кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш билан боғлиқ қонуниятларни билиш ва ўрганишда, демократик тараққиёт йўлида «ўзбек модели» ни татбиқ этишда муҳим аҳамиятга эга. Бу демократиянинг миллий ва умумбашарий тамойилларини аниқ тасаввур этиш, ижтимоий ҳаётни у билан боғлаб олиб боришга ўргатади. Мамлакатимизда демократиянинг қарор топиб бориши, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида ўзининг нуфузли ўрнига эга бўлиши, ёшларда демократик онг ва тафаккурни шакллантириш, миллий маънавий меросни қадрлаш, ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашга қўмаклашади. Мамлакатда эркин демократик фуқаролик жамиятини қуриш назарияси ҳамда амалиёти билан чуқурроқ таништиради. Шу мақсадни амалга оширишда хизмат қилади.

“Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанини ўрганишнинг ўзига хос зарурат ва сабаблари мавжуд.

Биринчидан, бугун дунёда демократия, демократик жамият тўғрисида муайян мўътадиллашган илмий концепциялар ишлаб чиқилган. Уларда демократик жамиятнинг қиёфаси асослари яшаш ва ривожланишининг умумэътироф этилган қонуниятлари ҳамда унинг ҳар бир давлат халқининг миллий – маънавий хусусиятлари билан боғлиқ жиҳатлари тобора кенг миқёсда ўз ифодасини топмоқда. Бугунги кунга келиб дунёнинг 160 дан ортиқ давлатларида демократик тузумлар умумбашарий ва миллий кадрият сифатида қарор топгани эътироф этилмоқда. Айнан ҳозирги даврга келиб демократия инсоният ҳаёт тарзининг энг мақбул ривожланиш йўли эканини деярли барча эътироф этаётганлиги ва унинг жаҳоний кўлам касб этаётганлиги тараққиёт стратегияси билан боғлиқ масалаларни фан сифатида ўрганишни тақозо этаётган сабаблардан биридир.

Иккинчидан, Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик жамият стратегиясининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, унинг миллий ғоя билан боғлиқлигини ўрганиш зарурияти ҳам шу қонуният билан боғлиқдир.

Ижтимоий – гуманитар ва ижтимоий – сиёсий фанлар қаторида унинг махсус фан сифатида ўқитилиши дунёдаги демократик ўзгаришлар билан боғлиқ умумий қонуний асосларга эга бўлгани боис уни ҳисобга олиш зарур. Ҳар бир мустақил мамлакат ўзининг тараққиёт йўлини ва қураётган жамиятини билишга, унинг қонуниятларини аниқлаб олишга эҳтиёж сезади. Шу нуқтаи назардан ҳозирги пайтгача ижтимоий-сиёсий фанлар тизимида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга, бу жараёнларнинг миллий ғоя билан боғлиқлигини асослашга бевосита тааллуқли бўлган масалаларни илмий жиҳатдан аниқ бир воқелик сифатида яхлитлигича ўрганувчи фан вужудга келмаган. Фикримизча, “Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фани айнан шу жараённи тўлиқ қамраб олиш имкониятга эга. Негаки, бу фан энг аввало жаҳон цивилизациясининг тарихий тажрибаларига асосланган ҳолда, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, адолатли демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этишнинг нафақат назарий масалаларини, балки унинг амалий жиҳатларни яхлит тарзда ўрганади.

Учинчидан. Бу фанни яна шунинг учун ҳам ўрганиш зарурки, Шарқ ва Ғарб цивилизациялари туташган маконда тарихда биринчи бор умумэтироф этилган демократия тамойиллари миллий қадриятлар билан тўлдирилмоқда. Жамиятимиздаги бу жараённи атрофимизда рўй бераётган ижтимоий ҳодисалар, воқеалар ва улар ўртасидаги ўзаро боғланишларни аниқ воқелигимиз билан чамбарчас ўрганиш, таҳлил этиш зарур.

1-МАВЗУ: “МИЛЛИЙ ҒОЯ: ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

РЕЖА:

1. Миллий ғоянинг шаклланиш тарихи, асосий тушунчалари
2. “Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанининг мақсади ва вазифалари
3. Миллий ғоя демократик тараққиётни таъминлашнинг муҳим шарти
4. Миллий ғоя Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси фанининг жамият ривожини билан узвий боғлиқлиги

Таянч тушунча ва иборалар:

Ғоя, миллий ғоя, ғояларнинг турлари, бунёдкор ғоя, вайронкор ғоя, мафкура, идея, идеология, миллий мафкура, мафкураларнинг илдизлари, ғоявий тамойиллар, ғоявий тарбия, мафкуравий тарбия, стратегия, Ўзбекистоннинг ривожлантириш стратегияси, мафкуравий тизим, демократия, мафкуравий полигон, бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси, мафкуравий иммунитет, мафкуравий профилактика.

Маълумки, ўтган XX асрнинг сўнгги йиллиги дунё харитасида янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлганлиги билан характерланади. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида қайд этилганидек, “Улар ҳозирги тил билан айтганда, сотсиалистик ўтмишга эга бўлган, ўз сиёсий мустақиллигини тинч йўл билан қўлга киритган давлатлардир. Бу давлатлар мустақил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни янгилаш йўлига қадам қўйди”¹. Ана шундай мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйган давлатлар турли минтақаларда жойлашган бўлиб, улар ЮНИСЕФнинг 2003 йилги Ижтимоий мониторингида қайд этиб ўтилганидек, Марказий Европанинг (5 та), Болтиқбўйи давлатларининг (3 та), Болгария ва Руминия, Жанубий-Шарқий Европа мамлакатларининг (5 та), мустақил ҳамжамятдаги давлатларнинг ғарбий қисмида (4 та), Кавказорти давлатларида (3 та) ва Марказий Осиёнинг (5 та) давлатларини ўз ичига олади². Ана шу мустақил тараққиёт йўлини танлаган ва дунёдаги бошқа мамлакатлар орасида ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилаётган, тенглар орасида тенг бўлишга, жаҳон майдонида ўзига хос нуфузли ўринга эга бўлишга ҳаракат қилаётган давлатлардан бири Ўзбекистон Республикасидир.

Мустақиллик, Ўзбекистон халқи ҳаётида янги тарихий даврни бошлаб берди. Шубҳасиз, ўз мустақиллигини, эркини қўлга киритган ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият бунёд этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади.

¹Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997, 3-бет.

²Қаранг: ЮНИСЕФ. Ижтимоий мониторинг. 2003 йил, 2-бет

Ўзбекистон ҳам ўзининг миллий давлатчилик негизларига хос бўлган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий камолот ва тараққиёт йўлини белгилаб олди. Ўзбекистон ҳам ўзининг миллий давлатчилик негизларига хос бўлган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий камолот ва тараққиёт йўлини белгилаб олди. Энди айнан шу йўлнинг ўзига хос хусусиятлари, мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш омиллари, Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг моҳияти, унинг миллий ғоя билан боғлиқлигини ўрганиш ҳамда демократик тараққиёт йўлида ривожланаётган бошқа жамиятлардан фарқли жиҳатларини ҳамда умумий томонларини аниқлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, ёшларда бугунги глобаллашув жараёнларида авж олаётган турли маънавий, мафкуравий, информатсион хуружларга қарши соғлом фикр ва тафаккурни шакллантириш зарур. Худди шу зурурият “Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанининг юзага келишининг асосий сабабларидан бири деб айта оламиз.

Миллий ғоянинг шаклланиш тарихи, ривожланиш қонуниятлари, амал қилиш принципларини ўрганиш – “Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанининг **предмети** ҳисобланади. Мазкур фан мамлакатда демократик жамиятнинг шаклланиши, фуқаролик жамияти қурилиши, қарор топиши ва амал қилишининг дунёда эътироф этилган умумбашарий принциплари ҳамда миллий тамойилларга асосланади. Айни пайтда унинг мамлакатимизга хос ва мос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда эркин, демократик, адолатли фуқаролик жамиятини қуриш йўллари ва қонуниятларини ўрганиш, бу фаннинг **объектини** ташкил этади.

Биз ўрганишга киришаётган фаннинг предметини умумий тарзда қуйидагича ифода этиш мумкин:

- Миллий ғоянинг шаклланиш тарихи, ривожланиш қонуниятлари, амал қилиш принципларини ўрганиш;

- Миллий ғоянинг яхлит таълимот сифатида асосий хусусиятларини билиб олиш;

- Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт барпо этишнинг стратегик мақсадларини ва ўзига хос тамойилларини ўрганиш;

- Миллий ҳояни халқимиз қалби ва онгига сингдириш соҳалари, воситалари, усул ва йўллари ўрганиш.

Шунингдек, Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг барча соҳалари фаннинг объектидир. Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши назарияси ва амалиёти бир томондан, демократик жамият тўғрисидаги мавжуд қарашларга, назарияларга ҳамда мамлакатимизнинг давлатчилиги тарихий мероси билан боғлиқ мутафаккирларнинг ғояларини ҳисобга олса, иккинчидан, мустақиллик йилларида демократик жамият қурилиши тўғрисидаги муҳим концептуал ғоялар ва қарашларнинг ишлаб чиқирилиши, унда Ўзбекистоннинг ўзига хос ривожланиш йўли хусусиятларига таянади.

Учинчидан, бу соҳада мустақиллик йилларида эришилаётган зафарларни демократик жамият қуриш тажрибаси ютуқларига таяниб ўрганади. Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни, ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш қонуниятларини билиш ҳам

муҳим ўрин тутди. Мамлакатимизда демократик жамият қурилиши ижтимоий ҳаётимизнинг бирон-бир соҳаси билан чегараланиб қолмайди, балки унинг барча жабҳаларидаги ўзгаришларнинг негизларини ўз ичига олади ва ўрганади. Бунда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти демократиялашувининг ва сиёсий ҳаётининг эркинлаштирилиши, давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, унинг манбаи, фуқаро – жамият – давлат муносабатлари асосий негиз ҳисобланади.

Ҳар бир киши ўзи яшаётган жамият мамлакат ёки давлатнинг мақсадини, уни ифода этадиган ғояларини билиши, аниқ тасаввур этиши керак. Шунда бу мақсадлар унинг онг ва тафаккуридан жой олади. Ёки шунчаки жой олиб қолмасдан, аста-секин унга нисбатан ишонч, эътиқод пайдо бўлади. Ишонч, эътиқод шундайки, усиз инсон ўз йўлини, мақсад ва манфаатларини кўра олмайди. У қанча мустаккам бўлса, бу ғоя ёки мақсад йўлида ўзини бағишлаш, фаолиятини унга мос тарзда кўради. Ғоя, мақсадлар ҳар бир инсон қаттиҳаракати, фаолияти билан муштарак тарзда уйғунлашиб боради. Жамиятнинг ўз-ўзини ташкил этишга, инсонларни, жамият аъзоларини, миллатни, халқни бирлаштиришга, уюштиришга хизмат қилади. Аниқ мақсадлар сари йўналтиради. Инсон тафаккур воқеликни идрок этиш мобайнида турли фикрлар, қарашлар, ғоялар ва таълимотлар яратади. Лекин тафаккур яратган ҳар қандай фикр ёки қараш, мулоҳаза ёки нуқтаи назар ғоя бўла олмайди. Фақат энг кучли, таъсирчан, залворли фикрларгина ғоя бўла олиши мумкин.

Илмий адабиётларда “ғоя”, “мафкура”, “идея” ва “идеология” тушунчалари ишлатилмоқда. Идея ва идеология кўпроқ Ғарб давлатларида ҳамда рус тилидаги манбаларда учрайди. Идея ибораси юнон тилидаги *idea* сўзидан олинган, у идеология сўзининг ўзаги бўлиб ҳисобланади ва тушунча ёхуд фикр маъносини англатади.

Идеология (*Idea* - ғоя, тушунча, *logia* – таълимот) атамаси эса ғоялар тўғрисидаги таълимотни англатади ва икки хил маънода ишлатилади:

- Ғояларнинг моҳият-мазмунини шаклланиши, аҳамияти тўғрисидаги билимларни ифодалайди ва илмий соҳа бўлиб ҳисобланади.
- Муайян ғояни амалга ошириш, мақсадга етиш усуллари, воситалари, омиллари тизимини англатади.

Ғояларнинг оддий фикрлардан фарқи яна шундаки улар гарчи тафаккур пайдо бўлсада, инсон руҳиятига, хатто туб қатламларига ҳам сингиб боради. Ғоя шундай ҳаракатга келтирувчи мақсад сари етакловчи руҳий-ақлий кучга айланади.

Тафаккурнинг маҳсули сифатида ғоя теварак оламни ўрганиш, билиш жараёнида вужудга келади. Ижтимоий онгнинг барча шакллар, илм – фан, дин, фалсафа, санъат ва бадий адабиёт, ахлоқ, сиёсат ва ҳуқуқ, муайян бир ғояларни яратади, уларга таянади ва уларни ривожлантиради. Маълум маънода айтиш мумкинки, ҳар бир онг соҳасининг ўз ғоялари мавжуд бўлади.

Мазмуни ва намоён бўлиш шаклига қараб, ғояларни бир қанча турларга ажратиш мумкин.

- Илмий ғоялар;
- Фалсафий ғоялар;

- Диний ғоялар;
- Бадиий ғоялар;
- Ижтимоий – сиёсий ғоялар;
- Миллий ғоялар;
- Умуминсоний ғоялар ва ҳоказо.

Хуллас, инсоният тарихи хилма-хил ва мафкураларининг вужудга келиши, амалиёти бир–бири билан муносабатидан иборат узлуксиз жараёндир.

Бунёдкор ғоя деб, инсонни улуғлайдиган, унинг куч-ғайрати ва салоҳиятини ошириб, халқи, Ватани, бутун инсоният учун фойдали ишлар қилишга сағарбар этадиган, ўзида меҳнат, тараққиёт, дўстлик, тинчлик, адолат, ҳалоллик каби эзгу мақсадларни мужассам этадиган ғояга айтилади.

Вайронкор ғоя деб, турли таъсирчан воситалардан фойдаланиб, одамларни сохта ва пуч мақсадларга эргаштирувчи, уларнинг куч-қудратини бузғунчилик ва жиноятга йўналтирадиган, инсоният учун фақат кулфат келтирадиган ғояга айтилади.

Ижтимоий-сиёсий ғоялар ҳар бир халқ ва умуман башариятнинг орзу-умидларини, мақсад-муддаоларини ифодалайди, эркин ҳаёт ва адолатли тузумни тараннум этади. Озодлик ва мустақиллик, адолат ва ҳақиқат, тинчликсеварлик ва инсонпарварлик ғоялари шулар жумласидандир.

Илмий ғоялар - фан тараққиётининг самараси, илмий кашфиётларнинг натижаси сифатида пайдо бўладиган, турли фан соҳаларининг асосий тамойиллари (принциплари), устувор қоидаларини (постулатларини) ташкил қиладиган илмий фикрлардир. **Илмий ғоялар** - илм-фан соҳасида бирон бир сенсатсион янгиликни илгари суриш орқали уни ҳаётга татбиқ этиш йўлидаги уринишлар.

Диний ғоялар деб, ҳар бир диний таълимот ва оқимнинг асосини, диний иймон-еътиқоднинг негизини ташкил этувчи ақидаларга айтилади. **Диний ғоя ва мафкуралар** - инсоният тафаккурининг оддийликдан мураккабликка қараб интилишида дунёни, дунё ичра ўзликни англашга қаратилган диний (яъни иймон-еътиқодга асосланган) қарашлар тизими.

Фалсафий ғоялар ҳар бир фалсафий таълимотнинг асосини ташкил этадиган, олам ва одам тўғрисидаги энг умумий тушунча ва қарашлардир. Улар бизни ўраб турган дунёни билиш жараёнида, кишилик жамиятининг тараққиёти мобайнида тўпланган билимларни умумлаштириш, инсон ҳаётининг маъно-мазмунни, унинг бахт-саодати каби масалалар устида мулоҳаза юритиш асосида шаклланади.

Форобийнинг фозил шаҳар тўғрисидаги, тасаввуф даҳоларининг комил инсон ҳақидаги, Ибн Синонинг тана ва руҳ муносабатига оид, Алишер Навоийнинг адолат ва инсонийлик борасидаги теран фикрлари фалсафий ғояларнинг ёрқин намунасидир.

Бадиий ғоялар - адабиёт ва санъат асарининг асосий маъно-мазмунини ташкил этадиган, ундан кўзланган мақсадга хизмат қиладиган етакчи фикрлардир. Улар ҳаётдан олинади, бадиий талқинлар асосида баён этилади, ўқувчида муайян таассурот уйғотади. Абадий қаҳрамонларни севиш, уларга

эргашиш ҳоллари ҳам ана шу асосда рўй беради.

Умуминсоний ғоялар дейилганда, бутун инсониятга дахлдор бўлган, уларга таъсир кўрсата оладиган, умуминсоний кадриятлар ва демократик тамойилларга асосланган мафкуралар амал қилмоқда. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ва жамият камолотига хизмат қиладиган ғоялар тушунилади.

Ижтимоий-сиёсий ғоялар ҳар бир халқ ва умуман башариятнинг орзу-умидларини, мақсад-муддаоларини ифодалайди, эркин ҳаёт ва адолатли тузумни тараннум этади. Озодлик ва мустақиллик, адолат ва ҳақиқат, тинчликсеварлик ва инсонпарварлик ғоялари шулар жумласидандир. Асрлар мобайнида бундай буюк, ўлмас ғоялар халқларга куч-қувват ва илҳом бағишлаб, уларни ўз эрки учун курашга сағарбар этиб келган.

Озодлик ғояси – мазлумларни ўз эрки учун курашга чорлайдиган, қуллик ва қарамликнинг ҳар қандай кўринишини инкор этадиган ғоядир.

Мустақиллик ғояси – энгулуғ ва эзгу ғоя. Ҳар бир халқ истиқлол туфайли ўзига ёт ва бегона тузумдан, ижтимоий-сиёсий, мафкуравий тазйиқлардан халос бўлади, ўз салоҳиятини тўла-тўқис ишга солиш, ўзи истаган ва ўзи танлаган йўлдан бориш имкониятини қўлга киритади.

Адолат ва ҳаққоният ғоялари – инсоннинг табиати ва ижтимоий тузумнинг моҳиятини белгилайдиган, қудратли кучга эга бўлган ғоялардир. Одамлар асрлар мобайнида одил жамиятни орзу қилиб, ҳақиқат тантанаси учун курашиб келган. Адолат бузилган ерда умидсизлик ва тушкунлик ҳукм суради. Адолат тантана қилган жамият юксакликка кўтарилади.

Миллий ғоялар – миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб, тараққиётга хизмат қиладиган ижтимоий ғоялар шакли.

Миллий ғоя Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг туб манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-идеалларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади.

Миллат ғоя ўз моҳиятига кўра, халқ миллат тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки узоқ муддатда ҳал этилиши керак бўлган, стратегик мақсадларни ўзида ифода этади.

Миллий ғоя тушунчаси том маъно-мазмунини озодлик, тинчлик, инсонийлик, меҳрибонлик, садоқат, фидоийлик, ўзаро меҳр-оқибат, мурувват, дўстлик, биродарлик, бағрикенглик каби энг олий кадриятлар ташкил қилади.

Миллий ғоя ўзининг моҳияти бўйича миллатнинг манфаатларини умумлаштирадиган, уни ўз олдига қўйган ягона олий мақсадлари сари бирлаштирадиган ва сағарбар этадиган ғоядир. Унда бутун миллат учун умумий бўлган ғоялар ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Масалан, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги каби ғоялар умуммиллий ғоялар қаторига киради. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримовнинг фикрича: «Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак,

ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз»¹.

Ўз миллий ғоясини, ўзлигини англаган ва уни ҳаётининг маъно-мазмунига айлантирган миллат озод ва обод Ватанда яшаши, акс ҳолда эса, у вақт ўтиши билан миллат сифатида йўқ бўлиб кетиши ҳам мумкин. Миллий ғоя ҳар бир миллат ва у билан ёнма-ён яшаётган барча бошқа этнос вакиллари ҳаётида ҳам нақадар муҳим ўрин тутиши, инсоният тараққиётибосқичларининг яна бир қонунияти десак, ҳеч ҳам муболаға бўлмайди².

Ҳар бир миллатнинг миллий ғояси, авваламбор шу миллат аъзоларининг онги ва қалбида, миллатнинг тарихий хотираси орқали авлоддан авлодга ўтиб, янги-янги ғоялар билан бойиб, сайқал топиб боради. Бу ғоялар миллатнинг урф-одатлари, удумлари, тўй-маросимлари, оғзаки ижодиёти, унинг фалсафий, диний, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, бадиий, гўзалликка оид қарашлари ва менталитетида мужассамланиб ўз ифодасини топиб боради. Хусусан, донишманд халқимизнинг миллий ғоялари минглаб у яратган дostonларда, мақол ва маталларда, ривоят ва эртақларда, «Авесто» ва бошқа қадимий ёзма ёдгорликларда, буюк аждодларимизнинг асарларида, соҳибқирон Амир Темур ўғитларида, улуғ мутафаккир бобокалонимиз Мир Алишер Навоий ҳазратларининг шеърлари ва бошқа машҳур фозилу-фузалоларимизнинг қарашларида учрайди. Масалан, «Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил», «Қора кўнгил - яра кўнгил», «Қинғир ишнинг қирқ йилдан кейин ҳам қийиғи чиқар», «Қарға бўлма - қайриласан, иссиқ жойдан айриласан», «Яхшилик тўрга элтар, ёмонлик - гўрга», «Эсинг борида этагингни ёп», «Она юртинг - олтин бешигинг» ва бошқа кўплаб халқ мақоллари миллий ғоямизнинг айрим кўринишларидир.

Машҳур адибимиз Султонмурод Олим айтганидек, Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг «Ўзбекистон - келажаги буюк давлат» - деган ғояси миллий ғоямизнинг устуниси десак ҳеч ҳам муболаға бўлмайди³. Бундан ташқари, Ислom Каримов томонидан билдирилган: «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма», «Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаймиз», «Бизнинг уйимиз ягона Туркистон», «Шуазиз Ватан - барчамизники», «Ватан - биттадир», «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак ва ҳар кун қилиши керак», «Куч - билим ва тафаккурда» ва бошқа ғоялар халқимизнинг ҳозирги вақтдаги долзарб миллий ғоялари десак ҳам бўлади.

Мустақил тараққиёт йўлида аниқ марраларни кўзлаб яшашимизда, пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш борасидаги интилишларимизда биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи, илмий асос – бу миллий ғоя, миллий мафкура⁴.

Миллий ғоя – мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифлари Ислom Каримов асарларида асосланган таълимот. Унинг мазмуни қуйидагилардан иборат:

¹Каримов И.А Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т. –Б. 71.

²Қаранг: Отамуродов С. Миллий ғоя - миллий тикланиш манбаи. - «Тарих, мустақиллик, миллий ғоя». -Т.: Академия, 2000. – Б. 6-10.

³ Қаранг: Султонмурод Олим. Бош шиоримиз. «Халқ сўзи», 1991 йил 16 февраль.

⁴ Каримов. И.А. Озодва Обод Ватан, эркинфаровонхаёт-пировардмақсадимиз» Т 8. Т., Ўзбекистон, 2000. 463 Б.

❖ тарихий хотирани уйғотиш, ўтмишдан сабоқ чиқариш ва ўзликни англаш мезони бўлиш;

❖ халқимизни туб мақсадлари ифодаси ва жамият аъзоларини бирлаштирувчи ғоявий байроқ вазифасини ўташ;

❖ инсон қалби ва онгига ижрбий таъсир этадиган тушунча ва туйғулар, гўзал ва ҳаётий ғоялар тизимини ўзида мужассам этиш;

❖ ҳар бир фуқаронинг эзгу ниятларини рўёбга чиқаришга имкон берадиган энг мақбул йўлни кўрсата олиш.

❖ Ўзбекистонда яшовчи барча халқ, миллат, элат, ижтимоий қатлам ва дин вакилларига бирдай тааллуқли бўлиш;

❖ Мамлакатимиз аҳолиси онги ва қалбида «Ўзбекистон-ягона Ватан» деган туйғуни юксак даражада шакллантиришга хизмат қилиш;

❖ турли миллат, қатлам, дин вакиллари, сиёсий партия ва ижтимоий гуруҳлар мафкурасидан устун турадиган социал феномен-ижтимоий ҳодиса мазмунига эга бўлиш;

❖ бирон-бир дунёқарашни мутлоқлаштирмаслик ёки бирон-бир куч, партия ёки гуруҳ қўлида сиёсий қуролга айлантирмаслик;

❖ ҳар қандай илғор ғояни ўзига сингдириш ва ҳар қандай ёвуз ғояга қарши жавоб бера олиш;

❖ субъективизм, волюнтаризм каби иллатлардан ҳоли ва жамоатчиликнинг холис фикрига таянувчи объектив мафкура бўлиш;

❖ сўзбиланишни, назариябиланҳаётнибирлаштираолиш;

❖ давр ўзгаришларига қараб, ўзи ифодалайдиган ғоя, манфаат, мақсад-муддаоларни амалга оширишнинг янги-янги воситаларини тавсия эта олиш, яъни янгича вазиятга тез мослашадиган ҳозир жавоб ва ижодий бўлиш.

Мафкура (араб. – фикрлар мажмуи) – муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими.

Мафкура эса муайян ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад ва муддаолари, орзу интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган ғоялар тузилишидир.

Ҳар қандай мафкура муайян мақсадларга хизмат қилади, бу йўлда хилма-хил вазифаларни бажаради. Маълумки, мафкуранинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагиларда намаён бўлади:

- одамларни муайян ғояга ишонтириш;
- шу ғояни атрофида уюштириш;
- кишиларни маънавий – рухий жиҳатдан рағбатлантириш;
- ғоявий тарбиялаш;
- ғоявий иммунитетни шакллантириш;
- ҳаракат дастури бўлиш.

Миллий мафкура жамиятдаги барча социал қатламлар ва гуруҳларнинг умумий ҳаракат дастури, уларни фаолликка даъват этувчи восита ҳисобланади. Мафкуравий мақсад – ғоявий фаолиятни амалга оширишдан кутиладиган идеал

натижасидир. Мақсадни аниқ-равшан идрок этиш инсон ва жамият фаолиятига изчиллик, собитқадамлик ва фаоллик бағишлайди. Миллий мафкурамизнинг олий мақсади – Ватанмиз равнақи, юртимиз тинчлиги ва халқ фаровонлиги ғояларига таянган ҳолда халқимизни мустақилликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сағарбар этишдир.

Миллий мафкурамизнинг Бош ғояси : **Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш;**

Миллий мафкурамизнинг асосий ғоялари:

- 1) Ватан равнақи
- 2) Юрт тинчлиги
- 3) Халқ фаровонлиги
- 4) Комил инсон
- 5) Ижтимоий ҳамкорлик
- 6) Миллатлараро тотувлик
- 7) Динлараро бағрикенглик (толерантлик)

Ҳозирги пайтда кимнинг ғояси кучли, фикри тиниқ, мафкураси ҳаётӣ бўлса – ўша ғалаба қозонади. Бу – инсониятнинг XX аср тарихидан келиб чиқадиган муҳим хулосалардан биридир.

Миллий мафкурада халқимизнинг умумий манфаатлари, орзу-умидлари мақсад ва интилишлари ўз аксини топади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентиз Ислом Каримов миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадини шундай белгилайди: “Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир фуқаро ягона Ватан бахт-саодати учун доимла маъсулият сезиб яшашга чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишга эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчанлик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳёт мезонига айлантириш – миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир. Шу билан бирга мен миллий истиқлол ғояси бугунги тез суръатлар билан ўзгараётган таҳликали дунёда ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аждодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканлигимизни ҳис этиб яшашга, бу бойликни асраб-авайлаб, демократик қадриятлар, бутун жаҳон тараққиёти ютуқлари билан озиқлантириб, янги ўсиб келаётган авлодга етказишга хизмат қилмоғи зарур, деб биламан”¹

Жамиятда эзгу ғоялар барча даврларда инсонни юксак орзулар билан яшашга, олижаноб мақсадлар йўлида эътиқод билан курашишга ўргатади.

Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида қуйидагича эътироф этади: “Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётӣ тажрибаси, диний, ахлоқӣ, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган бу каби тарихий ёдгорликлар орасида бундан қарийб уч минг йил муқаддам Хоразм воҳаси худудида яратилган, “Авесто” деб аталган бебаҳо маънавий

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: “Ўзбекистон”, 2000. 4-бет.

обида алоҳида ўрин тутди. Авваламбор, шуни айтиш жоизки, олис ота-боболаримизнинг ақл-заковати, қалб кўри маҳсули бўлмиш бу ноёб ёдгорликнинг замон тўфонларидан, қанчадан-қанча оғир синовлардан ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келганининг ўзида катта маъно мужассам. Бундай ўлмас осори атиқалар бу кўҳна ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда қадимдан буюк маданият мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради”¹.

Ислом фалсафасида ва ҳадисларда табиатни асраш, илм олиш, одабийлик, ватанпарварлик, ҳаллолик, руҳий поклик, раҳм-шафқатли, меҳр-оқибатли ва адолатли бўлиш, ота-онани ва аёлни улуғлаш тўғрисидаги эзгулик ғояларини тарғиб қилувчи ғоялар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Ҳадислардаги «Илмга нисбатан гўё чўпон каби посбон бўлинглар, лекин илмни фақат ривоят қилувчи бўлманглар», «Илм ўрганиш ҳар бир мўмин учун фарздир», «Илму ҳунарни Хитойдан бориб бўлса ҳам ўрганинглар», «Ёшлиқда олинган илм тошга ўйилган нақш кабидир», «Бир-бирларингизга ҳайр-эҳсонли, меҳр-оқибатли бўлиб, қўл бериб сўрашиб юринглар, шунда дилларингиздаги ғаму-ғашлик кетади», «Ватанни севиш имондандир», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Бир-бирларингизга эҳсон қилинглар, чунки эҳсон дилдаги муҳаббатни оширади», «Жаннат оналар оёғи остидадир», «Авалло онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил», «Сизларнинг яхшиларингиз ахлоқи ёқимли бўлганларингиздир», «Экмак ниятида қўлингизда кўчат турган пайтда беҳосдан қиёмат қойим бўлиб қолиши аниқ бўлганда ҳам улгурсангиз уни экиб қўяверинг»,¹ деган даъватларда эзгулик ва инсонпарварлик ғоялари мужассамлашган. Шарқда, яъни Турон заминида эса жамият ривожини ва бунёдкорлик ғоялари хусусида Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Алишер Навоий қарашлари ўзига хос ўрин тутди. «Ал-муаллим ас-Соний» («Иккинчи муаллим»), Шарқ Аристотели деб ном олган Абу Наср Форобий (873-990 й.й) ўзининг «Фозил одамлар шаҳри», «Фуқаролик сиёсати», «Бахт саодатга эришув ҳақида» каби асарларида олийжаноб жамият, адолатли тузум ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиб, ўз даври учун изчил таълимот яратди. У ҳар томонлама етук, барча аҳолини бахт-саодатга, илм-маърифатга олиб борувчи юксак ахлоққа эга идеал жамоа ҳақидаги ғояларни олға сурди.

Абу Наср Форобий: «Инсоннинг моҳияти ҳақиқий бахт-саодатга эришув экан, инсон бу мақсадни ўзининг олий ғояси ва истагига айлантириб, бу йўлда барча имкониятлардан фойдаланса, у бахт-саодатга эришади»² деб алоҳида таъкидлаган. Ўша даврнинг буюк мутафаккирлари Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Синонинг бу борадаги қарашлари ҳам ўзига хосдир.

Улар ҳар бир нарсани кузатиш ва тажриба асосида ўрганишга, кейин хулоса чиқаришга интиланлар, барча бунёдкорлик инсоннинг меҳнатига боғлиқлигини таъкидлаганлар. Буюк ўзбек шоири, мутафаккири ва давлат арбоби Алишер Навоий эса ўз асарлари билан жамият тараққиётининг

¹Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, 31-бет.

¹Имом Бухорий. «Ал – Адаб, Ал- Муфрад, Т.: «Ўзбекистон» 1990, 46-90-93-116 бетлар; Ахлоқ- одобга оид ҳадис намуналари. Т.: 1990, 32-68-90 бетлар.

²Қаранг: Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри». –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, 188 б.

замонасига хос фазилатларни ёритишга ҳаракат қилган. У шеърлари ва дostonларида разолатга, беқарорликка, урушу жанжалларга, маърифатсизлик, жаҳолатга қарши кураш ғояларини улуғлайди. Инсонларни меҳнатга, яратувчанликка, адолатга чақиради. Маърифатга асосланган жамият яратишни орзу қилади. Унинг бу орзулари «Фарҳод ва Ширин», «Садди Искандарий» каби дostonларида ўз ифодасини топган. Шоирнинг бевосита ўзи ҳам бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлган.

Буюк мутасаввуфлар: Хожа Юсуф Хамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро; муҳаддислар: Имом Бухорий, Имом Термизийларнинг таълимотларида акс этган комил инсон ғоялари, адолат ҳақидаги қарашлари жамиятнинг соғлом маънавий-ахлоқий руҳини сақлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилди. Бу ғоялар Ватан ва халқ манфаати йўлида фидойилик ва инсонпарварликни улуғлади.

Эзгу ғоялар Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Лutfий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Жалолиддин Румий, Мирзо Абдулқодир Бедиллар ижодида чуқур ўрин эгаллади ва ўзбек давлатчилигининг ривожланишида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Билим ва ақл-идрок орқали эзгу ишлар қилиш тўғрисида Юсуф Хос Ҳожибнинг қуйидаги фикрлари эътиборга молик. «Табиат кимга заковат, ақл-идрок, билим берса, у эзгу ишлар қилишга қўл уради», - деб ёзган эди Қутадғу билиг (XI) номли асарида. Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» китобларида давлат идораси ва аҳли фуқарога муносабатда адолат, инсоф, диёнат, эл-юрт тинчлиги ва ободлиги бош ғоя сифатида илгари сурилди. Бу ғоялар Темурийлар давлати ғоявий тамойилларининг устувор йўналиши эди. Амир Темурнинг бунёдкорлик ғоялари ва амалий фаолияткатта аҳамиятга эга бўлиб, унинг асосий мақсади бунёдкорлик ва яратувчилик эди. Жумладан, у «Темур тузуклари»да: «Агар фуқародан бирининг уй иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса керакли ускуналарни етказиб бериб, унга ёрдам берилсин», деб кўрсатма беради. Шу ўринда, Юртбошимизнинг Амир Темур ўз давлатини ақл заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган десак адолатдан бўлади, деган фикрлари ниҳоятда ўринлидир. Зеро, Соҳибқирон ўз бунёдкорлик мақсадига эришиш учун собитқадамлик билан ҳаракат қилган. Жумладан, бу ҳақда «Темур тузуклари»да ёзганидек, «Бирор ишни бажаришни ўйласам бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим»², - деган сўзлари бугун ҳам ибратлидир.

Мовароуннаҳр, Хуросон ва бошқа жойларда бунёд этган иншоотлари, унинг ўзи ва Темурийлар сулоласи давридаги маданият, фан ва адабиёт соҳасидаги ютуқлар бунга мисол бўла олади. Барча даврларда ва турли халқлар тарихида миллий ғоя ва мафкура ўзида гуманизм талабларини, халқнинг ирода ва интилишларини акс эттирган тақдирда жамиятни бирлаштириб, унинг салоҳияти ва имкониятларини тўла юзага чиқаришда беқиёс омил бўлади.

²Амир Темур «Темур тузуклари», -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, 70-бет

Ҳинд халқининг буюк фарзанди Маҳатма Ганди (1869-1948) ўз маънавияти, ғоялари ва илғор қарашлари билан XX асрнинг буюк шахсларидан бирига айланди. У мустамлакачиларга қарши курашнинг тимсоли эди. У ҳиндлар билан мусулмонларнинг ўзаро дўстлигини мустаҳкамлашга интилди. Ганди дин билан сиёсатни бир-бирига боғлашга ҳаракат қилди. Фидойилик ва ватанпарварлик намуналарини кўрсатди. Мен уйим тўрт томондан девор билан ўралиб, деразаларим зич бекитиб қўйилишини истамайман. Барча мамлакатлар маданияти уйимга эркин кириб келишини хоҳлайману, лекин унинг оёғимдан қоқиб йиқитилишини ҳам истамайман деган эди. Дарҳақиқат, Маҳатма Ганди Ҳинд халқининг фидойи ватанпарвари бўлиб, у бошқа халқлар маънавияти таъсирида ўз халқи маданияти ва тараққиётининг янада ривожланишини истар эди. Масалан, XX асрда дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган японча тараққиёт моделини олайлик. Япон миллий мафкуриси «миллий давлатчилик тизими» (кокутай), «фуқаролик бурчи», «япон руҳи», «тадбиркорлик», «умуммиллийлик», «фидойилик», «ватанпарварлик», «патернализм», «жамоага садоқат», «модернизация» каби ғоя ва тушунчаларига асосланиб, мамлакат эришган юксак натижаларга пойдевор бўлди.

Инсоният тарихининг муайян даврларида баъзи мафкуралар давлат идеологияси даражасига кўтарилган. Замонлар ўтиши билан уларнинг айримлари ўз мавқеини йўқотган, лекин миллат маънавиятининг таркибий қисми сифатида сақланиб қолган. Халқ улардан қувват олган, маънавий озикланган, улар орқали ўз қадриятларини сақлаган.

Инсоният тарихида ўз талаб-эҳтиёжларини бошқа халқлар ҳисобига қондириш истаги талончилик ва босқинчилик, буюк давлатчилик ва тажовузкор миллатчилик, фашизм ва экстремизм каби мафкураларни юзага келтирган. Бундай ғоялар халқлар бошига кўп қулфат ва мусибатлар солган.

Ўз тарихини асосан XIX асрдан бошлаган ана шундай мафкуралардан бири – синфийантогонизм ғояларини мутлақлаштирган ва ҳокимиятни қурол кучи билан эгаллаб олган собиқ коммунистик тузум мафкуриси эди. **Синфий кураш** ғояси асосига қурилган ва миллионлаб кишилар тақдирида машъум из қолдирган бу мафкура жамиятни бир-бирига қарама-қарши тарафларга ажратиб юборди. Синфий кураш чизиғи нафақат ижтимоий гуруҳ ва қатламлар орқали, ҳатто оилалар ва инсонлар руҳияти орқали ҳам ўтди. Оқибатда граждандар урушига назарий пойдевор қўйилди. Инсон табиатиغا, унинг моҳияти ва руҳиятига зид бўлган биродаркушлик ҳолати вужудга келди. Ўғил отага, ука акага, дўст ўз биродарига қўл кўтариши ёқлаб чиқилди, рағбатлантирилди. Булар мардлик ва синфий онглилик намунаси деб талқин этилди. Натижада, миллий қадриятлар топталди, миллионлаб кишилар ҳалок бўлди, бутун бошли халқлар ўз ватанидан бадарға қилинди. Бу ўринда ўтган асрнинг 30-йиллари бошида ўтказилган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш жараёнидаги қулоқ қилиш, ундан кейинги сиёсий-мафкуравий қатли омлар, Иккинчи жаҳон урушида “душманга сотқинлик”да айбланиб ўнлаб халқларнинг ўз она диёрларидан бадарға қилиниши сингари жиноятларни эслаш кифоя.

Зўрлик асосига қурилган ва зиддиятли тизимга асос бўлган бу мафкура дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан салтанат ва социалистик лагерь

ҳудудида етмиш йил ҳукм сурди. Охир-оқибат ўзининг ғайриинсоний ва ғайримиллий моҳияти, мустабид табиати туфайли таназзулга юз тутди. Ўзи таянч бўлган давлат бошқарувини ҳам ўзи билан бирга олиб кетди.

Ғоя ва мафкураларни мутлақлаштиришнинг салбий оқибатлари. Тарихдан маълум бўлган реал мустабид тузумларни қиёсий таҳлил этиш улар амал қилган мафкураларнинг қуйидаги умумий хусусиятларини ҳамда бу ғояларни амалга ошириш билан боғлиқ қатор салбий оқибатларни аниқлаш имконини беради.

Аввало, мустабид мафкуралар ўз давлатларида ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг барча соҳаларини тўлиқ қамраб олишга, ягона дунёқараш тизими ҳукмронлигини ўрнатишга интилади. Бу мафкуралар, қандай бўлишидан қатъи назар, ўтмишни инкор этади, энг оқилона ғоя ва мафкура сифатида ўзинигина тан олади. Улар жамиятни инқилобий ўлбидан (тўғрироғи, зўрлик орқали) ёппасига қайта тузиш зарур ва уни қисқа муддатларда амалга ошириш мумкин, деб ҳисоблайдилар, ўзларигача бўлган қадриятларнинг барчасини ёхуд кўпчилигини бекор қилиб, уларни фақат ўз тамойиллари билан алмаштирмақчи бўладилар. Масалан, юзаки қарашда, узок ўтмиш – асосларга қайтишга чақирувчи ислом фундаментализми гўёки бундан мустаснодек туюлади. Бирок, аслида, бу ҳаракатда ҳам ўша андоза сақланиб қолади. Яъни **ислом фундаментализми** тарих ғилдирагини ўрта аср жаҳолати даврига қайтариш ниқоби остида, «ижтимоий казарма» типигаги бирхиллаштирилган мустабид «келажак»нинг ўзига хос андозасини таклиф этадики, унда инсон фуқаролик ҳуқуқларидан тўлиқ маҳрум қилинади, амалда ёппасига диний террорга дучор этилади. Бундай ғоянинг қандай аянчли оқибатга олиб келишини инсоният Ўрта асрлар Европасидаги инквизиция мисолида етарлича кўрди.

Ахборот монополияси ҳам мутлақлаштирилган мафкура табиати билан чамбарчас боғлиқдир: мустабид тузумда барча ахборот воситалари, жамиятга тарқатилаётган ахборотнинг мазмуни ва йўналиши ҳам бошқарув аппаратининг тўла назоратига олинади. Зўравонлик ишлатмасдан туриб эса бутун монополиялар тизимини сақлаш ва бошқариш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам давлат терроризми, террорни ички ва ҳатто ташқи сиёсатни ҳам амалга ошириш воситаси сифатида қўллаш мустабид тузумларнинг барчаси учун бирдек хосдир.

XX аср Туркистонда ҳам шўровий давлат тўнтариши (1917 йил)дан кейинги йилларда ҳукуматнинг сиёсий террори натижасида юз минглаб кишиларгина эмас, балки бутун-бутун ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар ҳам йўқ қилинди. Мустабид тузумнинг ғайриинсоний хатти-ҳаракатлари туфайли қарийб 2,5 миллион киши ёки аҳолининг деярли ярми маҳв этилган эди. Ўзбекистонда фақат 1937-1953 йиллар мобайнида (бундан уруш йилларида берилган қурбонлар мустасно!) шўро мустабид машинаси қарийб 100 минг кишини қатағон қилди, улардан 13 минг киши отиб ташланди.

Мустабид давлатларнинг ўзига хос бошқа характерли хусусияти жамиятнинг ҳарбийлаштирилиши, «ҳарбий лагерь» ёки «қамал қилинган қалъа»дан иборат ғоявий-психологик вазиятни вужудга келтиришдан иборатдир. Бунда мамлакат ичида ҳарбий фанатизм вазияти авж олдирилибгина

қолмасдан, шу билан бирга, агрессив ташқи сиёсат ҳам амалга оширилади. Бу сиёсат ҳарбий-худудий ва мафкуравий босқинчилик қилишга, ўзининг мустабидчилик тартибларини кенг миқёсда қарор топтиришга қаратилади.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, баъзи бузғунчи мафкура ўзининг сохта жозибаси, алдов ва макр билан омма онгини заҳарлаб, жамиятда ҳукмрон мавқеини эгаллаб олиши мумкин. Айтилганидек, XX аср 30-йилларида Италия ва Германияда фашизмнинг ғалаба қозониши нафақат итальян ва немис халқининг, балки дунёдаги миллионлаб инсонларнинг бошига чексиз кулфат солгани тарихнинг аччиқ сабоқларидан биридир. Лекин тарих яна бир адолатли ҳақиқатга ҳам гувоҳ: мустабид мафкураларнинг турли андозалари асосига қурилган тузумларнинг пировард натижада ҳалокатга учраши муқаррар. Буни совет давлати, собиқ социалистик мамлакатлар, гитлерчилар Германияси ва фашистлар Италияси, Кампучиядаги Пол Пот режими каби мутлақ ҳақиқатни даъво қилувчи мафкураларнинг тарихан истиқболсиз бўлгани ҳам яққол намоён этди. Буларнинг бари шуни кўрсатадики, ғоя ва мафкура гуманизм ва тараққиёт тамойилларини, халқ тақдиридаги юксалиш заруратини ўзида акс эттирмаса, аксинча, бу интилишларни рад этса, моҳиятига кўра уларга зид бўлса, у жамият ҳамда давлат таназзулига сабаб бўлади. Бугунги кунда бутун дунёдаги тараққийпарвар ва гуманистик кучлар бундай фожиали ва нохуш ҳолатлар такрорланмаслиги учун ҳамжихатлик билан кураш олиб бормоқда.

Биринчи Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, инсониятнинг азал-азалдан **ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиши** – тарихнинг ўзгармас қонуниятидир.

Миллий ғоя ижтимоий-сиёсий тараққиёт усунди, муҳим омил ҳам ҳисобланади. Тараққиёт – ривожланишнинг оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига йўналган шакли, унинг юксалиши. Тараққиёт борлиқнинг энг умумий хоссаларидан бири бўлиб, у предметнинг янги сифат ҳолатига ўтишида, таркиби ва структурасининг хоссалари, алоқалари ва муносабатларининг ўзгариши ва шу кабиларда ўз ифодасини топади. Вақт тараққиётнинг муҳим хусусиятлари қаторига киради. Ҳар қандай тараққиёт реал вақтда содир бўлади ва бу унинг орқага қайтмас йўналишга эга ўзгариш эканлигини намоён қилади.¹

Жамиятда ижтимоий-сиёсий муносабатларни эркинлаштириш ва демократлаштириш миллий ғояни халқимиз онги ва қалбига сингдиришнинг муҳим шартидир. Миллий ғоя, турли шахслар, ижтимоий гуруҳ эҳтиёжларини мутаносиблаштиради, уларни мавжуд имкониятлар асосида уйғунлаштириши билан умуминсоний демократик кадриятларнинг нуфузини оширади. Зеро, кишилар онгини маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, миллий маҳдудлик каби ижтимоий иллатлар асоратидан поклаш, ёт ғояларга нисбатан иммунитетни шакллантириш, мафкуравий курашда тўғри йўл танлаш ва жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ғоявий-мафкуравий ишларни демократиялаштириш ҳозирги даврдаги энг муҳим вазифалардандир.

Миллий ғоянинг стратегик мақсади кучли давлатдан кучли жамият сари бориш концепциясига асосланади.

¹Фалсафа энциклопедик луғат. – Т.: ЎМЭДИН, 2010. 254-б.

“Стратегия” сўзи “стратегос” грекча сўздан келиб чиққан бўлиб, “генералнинг санъати” маъносини англатади. У ҳозир ҳам ўз маъносида ҳарбий бошлиқ таркибининг ҳарбий операцияларини режалаштириш санъатини билдиради. Стратегия - истиқбол, яъни интилиш лозим бўлган ҳолатни кўра олиш ҳамдемақдир.

Миллий ғоя мустақил демократик тараққиётни таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади ва мамлакатда демократик жамиятнинг шаклланиши, фуқаролик жамияти қурилиши, қарор топиши ва амал қилишининг дунёда эътироф этилган умумбашарий принциплари ҳамда миллий тамойилларга асосланади. Айни пайтда унинг мамлакатимизга хос ва мос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда эркин, демократик, адолатли фуқаролик жамиятини қуриш йўллари ва қонуниятларини ўрганади.

Миллий ғоя мустақил демократик тараққиётни таъминлашнинг муҳим шарти эканлигини яна шу билан изоҳлаш мумкинки, айнан миллий ғоя орқали фуқароларда демократик жамият талабларига жавоб берадиган дунёқараш, фикрлар хилма-хиллиги, эркинликни қадрлаш, инсон қадр-қиммати, шаъни ва ор-номусини ҳурмат қилиш билан боғлиқ кадриятлар шакллантирилади. Бу вазифалар фуқароларимизни мамлакатда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, демократик кадриятларни ҳурмат қилиш орқали уларни бунёдкорлик ишларига сафарбар этишда яққол намоён бўлади. У фан сифатида ана шундан улуғ ва бунёдкорлик ишларига хизмат қилади. Бунинг учун у турли хил услублардан фойдаланади. Булар дунё фанлари фойдаланиб келаётган тажриба, қиёсий таҳлил, эмпирик-соцсиологик ва илм-фаннинг бошқа замонавий услубларидир.

Миллий ғояни тарғиб этиш, кишиларни шуғоянинг тўғри, ҳаётий ва илғор эканлигига ишонтириш – демократик жамиятда амал қиладиган плюрализм (фикрлар, қарашлар ранг-баранглиги) кишиларга ўз ҳаётий манфаатлари, мақсад ва интилишларини акс эттирадиган мазкур ғояни танлаш, ҳимоя қилиш ва ривожлантириш имконини беради.

Жамият фақат ўз шахсий манфаатини кўзлайдиган одамлар йиғиндисидан иборат эмас. Умумий манфаатларни теран англаш кишиларнинг жамият бўлиб уюшишларига, ижтимоий талаб ва нормаларни эътироф этиб, уларга амал қилишларига сабаб бўлади. Бу, айниқса, ҳозирги ўтиш даврида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шу сабабдан ҳам жамият аъзоларини умумий мақсад ва манфаатлар йўлида бирлаштириш мафқуранинг асосий вазифаларидан биридир. Ўзининг Ватан деб аталмиш улуғ бир оилага мансублигини ҳис этиш туйғуси ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки муттасил ва изчил ғоявий тарбия самараси ўлароқ, юзага келади. Оиладаги тотувлик, ахиллик, меҳр-шафқат хислатлари узлуксиз равишда турли шаклларда олиб бориладиган ахлоқий тарбиянинг маҳсули бўлгани каби, жамиятнинг ғоят хилма-хил қатламларини умумий манфаатлар атрофида жипслаштириш, одамлар ўртасида ҳамжихатлик, тотувлик, ўзаро ёрдам хислатларини шакллантириш ҳам изчил мафқуравий тарбия воситасида амалга оширилади. Шу маънода айтиш мумкинки, миллий истиқлол ғояси кишилар онгига теран сингиши билан улар умумий мақсад сари интилувчи маслакдошларга айланадилар.

Миллий ғоя миллий тараққиётнинг энг оғир, мураккаб даврида, айниқса, бир ижтимоий-сиёсий тузумдан янгисига ўтиш жараёнида кенг халқ оммасини маънавий-руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди, уларда келажакка ишонч туйғуларини уйғотишга хизмат қилади. Ана шу сабабдан ҳам чинакам миллий мафкура бўлган истиқлол ғояси ўзининг жозибаси билан кишиларни ўз кучига ишонишга, истиқболга умид билан қарашга даъват этади. Унда халқ фантазияси, орзу-умидларининг қай даражада акс этиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, тўқ, фаровон ва бахтли ҳаёт куриш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, миллатлараро тотувлик, тинчлик, дўстлик ерюзидаги барча халқларнинг азалий орзусидир. Демак, миллий истиқлол мафкурасининг ҳаётийлиги, таъсирчанлиги халқ орзу-умидларини нечоғли тўла ва ёркин акс этириши, уларни руёбга чиқаришнинг йўллари ва воситаларини қай даражада тўғри белгилашига боғлиқдир.

Зеро, жамият аъзолари миллий ғояда ўз ҳаётий манфаатлари, орзу-умидлари ифодасини кўрсагина одамларни руҳан бардам, уйғоқ ва фаол қила оладиган кучга айланади. Миллий ғоя жамиятимизда илғор ғоялар устуворлик қиладиган соғлом ижтимоий муҳитни яратишга ёрдам беради. Демократик кадриятларнинг кенг ривожланиши қарашлар хилма-хиллиги ва фикрлар ранг-баранглиги (плюрализм) нинг қарор топишига олиб келади. Кишилар руҳан юксакликка, яна ҳам бахтли ва фаровонроқ ҳаёт кечиришга интиладилар. Бундай ҳаётга эришишнинг турли восита ва йўллари мавжуд бўлиб, у турли ғояларда ўз ифодасини топади. Ғоялар илмий-назарий ёки диний асосга эга бўлади. Демократик жамият ақл ва тафаккур пойдевори устида кад кўтаради, дунёвий илм-фан ва техника жамият тараққиётининг асоси ҳисобланади. Ижтимоий ҳаёт тобора интеллектуаллашиб бораётган, илмий тафаккур инсоният маънавиятининг устувор йўналишига айланаётган ҳозирги шароитда кўпроқ илмий-назарий асосга эга бўлган илғор ғоялар устунлик қилади.

Соғлом ижтимоий муҳитни яратмай туриб, миллий ғоянинг устуворлигини таъминлаб бўлмайди. Демократик жамиятда соғлом ижтимоий муҳит–демократик принципларни хурмат қилиш, Конститутсия талабларига буйсуниш, ижтимоий тартибларга онгли равишда итоат қилиш, ижтимоий адолатни қарор топтириш демакдир. Миллий ғоя жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар, синфлар, табақалар манфаатларини акс эттирар экан, жамият ҳаётига таҳдид соладиган гиёҳвандлик, коррупция, ўғрилиқ, порахўрлик сингари ижтимоий иллатларга қарши курашишни тақозо этади.

Янгича фикрлайдиган, мутелик туйғусидан холи бўлган маънавий баркамол авлодни тарбиялаш миллий ғоянинг муҳим вазифасидир. Ижтимоий ҳаётўртага қўяётган муаммолар ижодий фикрлайдиган, ташаббускор ва юксак маънавиятли инсон шахсини шакллантиришни талаб этапти. Миллий ғоя давр талаблари ва хусусиятларини яққол ифода этгани учун ҳам кишилар қалбига тез етиб боради ва ҳаёт дастури бўлиб хизмат қилади.

Миллий ғоя ёшлар ҳаётининг маъноси ва мазмунини белгилайди, миллат, Ватан равнақи, буюк келажакни барпо этиш учун яшаш ва курашиш чинакам инсоний саодат эканлигини яққол кўрсатади. Мустақил фикрга эга бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган инсон порлоқ келажакка

дадил интилиш билан яшайди. У жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чўчимайди, балки замонавий билим ва ҳаёт ҳақиқатига суянган ҳолда ҳар қандай ғаразли ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади.

Хуллас, миллий ғоя ўзининг энг олий мақсади, вазифалари ва хусусиятларига эга. Унинг олий мақсади юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида халқимизни жипслаштириш, фуқаролар, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод онгида мустақил дунёқараш ва огоҳлик ҳиссини камол топтириш, комил инсонни вояга етказиш, уларда мафкуравий иммунитетни тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлиб қолаверади. Зеро, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ҳақли равишда эътироф этаётганидек, “сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ”.

“Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанини ўрганиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Фан талабаларни мамлакатда амалга оширилаётган демократик жамият қуришнинг мақсадлари, унинг шаклланиши ва ривожланиши стратегияси, бу стратегиянинг миллий ғоя билан боғлиқлиги тўғрисидаги ғоялар, қарашлар билан таништиради. Мазкур ғояларнинг талабалар онг ва тафаккурига сингдирилишида, ишонч ва эътиқодларига кўчишида муҳим ўрин тутади. Демократик жамият қуришнинг қонуниятларини билишда, унинг жаҳонда эътироф этилган тамойилларини ҳар бир мамлакат ва халқнинг миллий, маънавий ху-ҳусусиятлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш зарурлигини ҳис этиш ва унга амал қилиш кўникмаларини шакллантиради. Ҳақиқий демократия билан сохта демократиянинг фарқини кўришда, уни баҳолаб, муносабат билдиришда, фуқаролик позитсиясини шакллантиришда муҳим ўрин тутади.

“Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанини ўрганиш орқали эркин, демократик, фуқаролик жамияти қурилишининг назарий асосларини дунёда демократик жамият қуриш билан боғлиқ умумий қонуниятларни билиш билан бирга, демократиянинг ўзига хос миллий кўринишлари, “миллий моделлари”нинг маъно-мазмунини тўғри тушуниб олишга муваффақ бўлиш мумкин.

Ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбига эзгу фазилатларни, бунёдкорлик ғояларини сингдириш орқали миллий ва умумбашарий қадриятларга содиқлик, ватанпарварлик фазилатларини мустаҳкамлашнинг муҳим вазифалари ҳал этилади.

Миллий ғояни, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт стратегиясини, ўзбек халқининг буюк давлат барпо этиш борасидаги мақсад-муддаоларини ҳисобга олган ҳолда, ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг муайян тизими ва устувор йўналишлари мавжуд. Бунда жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиш, таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланишни тақозо этилади.

Ўзбекистон ҳаётидаги ўзгаришлар инсонлар онгида ҳам катта ўзга-ришлар қилишни талаб этади. Ўтиш даврини бошидан кечираётган ҳар қандай давлат янги замон кишисини тарбиялаш ҳақида жиддий қайғуриши, табиий. Демак,

Ўзбекистонда ҳам, “комил инсон” ғоясида эътироф этилган шахс мос сифатларини фуқароларда қарор топтириш вазифаси кўндаланг турибди. “Фуқаролик ахлоқи”ни бундай тарбиялаш мафкуравий сиёсатнинг негизини ташкил этади. Миллий ғояни ёшлар онгига сингдиришда ҳар бир ота-она ўз фарзандининг мактабгача тарбияси, унинг кейинги тараққиёт даврида қанчалик аҳамият касб этиши, бу давр узлуксиз таълим ва тарбиянинг муҳим босқичи эканини англаб етиши ниҳоятда муҳим. Бунда оиланинг таълим муассасалари тизимига изчил уйғунлашувига эришиш зарур. Бу даврдаги барча бевосита таълим берувчи муассасалар (мактаблар, литсей, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари) мафкуравий тарбиянинг асосий ўчоқларидир. Уларнинг барчасида амалга ошириладиган мафкуравий таълим жараёнида, барчаўқув қўлланмалари ва дарсликлар, кўшимча адабиётларда қуйидаги омиллар устувор аҳамият касб этиши лозим:

- ватан туйғусини шакллантириш;
- она тилимизга муҳаббат уйғотиш;
- миллий қадриятларга ҳурматни кучайтириш;
- эзгулик тимсоли бўлган аёлни улуғлаш;
- оиланинг ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашдаги ролини кўрсатиш;
- маҳалланинг демократия дарсхонаси ва ўз-ўзини бошқариш мактаби эканини тушунтириш ва ҳоказо.

Жамиятимизда таълим –тарбия, қолаверса, тарғибот-ташвиқот ишларига йўналтирилган барча институционал тизимлар орқали шакллантириладиган, тарғиб қилинаётган миллий ғоя:

Биринчидан – миллий ғоя ва миллий мафкура ўзликимизни, муқаддас анъаналаримизни ва халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини жамиятимиз олдида турган бугунги олий мақсад ва вазифаларини қамраб олишишарт;

Иккинчидан – мамлакатимиздаги инсонларнинг барчасини ягона миллий байроқ остида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини ифодаладиган, эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоя-мафкура бўлиши керак

Учинчидан – миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаш унсурлардан бошқа элат ва миллатларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашларидан мутлоқо холи бўлиб, қўшни давлат ва халқлар умуман жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо бўлиши даркор;

Тўртинчидан – миллий ғоя ва мафкура биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур.

Бешинчидан – Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий боғлаб туришга, шу билан бирга жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиладиган

ғоя бўлиши керак¹.

Аслида жамиятнинг ўз эртаси ва келажагига ишончиўз-ўзидан ҳосил бўлмайди. Бунинг замирида миллат бахт саодати йўлида, демак ҳар бир фуқаро манфаатидан келиб чиқувчи махсус фаолият – мафкуравий тарбия ётади.

Мафкуравий тарбия деганда кишилар дунёқарашини бошқариш эмас, балки одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш назарда тутилади.

Мафкуравий тарбия жараёнида фуқароларга, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлодга ғояга қарши - ғоя, жаҳолатга қарши - маърифат тамойилининг мазмун ва моҳиятини тушунтириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан 1998 йили “Тафаккур” журнали бош муҳаррирининг берган саволларига жавобларида ҳамда тарихчи олимлар билан бўлган учрашувда илк бор бу масалага диққат билан эътибор қаратилиб, “ғояга қаршиғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин” деган шиор ўртага ташланган эди. Бу масала ғоя ва мафкура тушунчасида ҳам муҳим ўринда туради. Миллий маънавиятимизни ва маънавий ўзлигимизни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун миллий истиқлол ғоясидан самаралироқ ва кучлироқ восита йўқ. Шу масалада миллий ғоянинг жуда муҳим функцияси, яъни миллий ва маънавий ўзликни ҳимоялаш каби муҳим функцияси намоён бўлади.

Миллий ғоя ана шу функцияни бажариши учун эса ёшлар ва аҳоли онгида фақат билим, тасаввур сифатида эмас, ишонч ва эътикод сифатида шаклланиши лозим. Миллий ғоянинг шакллантирилиши ва унинг ўқувчилар, тингловчилар, кенг аҳоли томонидан ўрганишга киришилиши мамлакатимиз маънавий тараққиётида алоҳида босқични ташкил қилади. Аслида миллий истиқлол ғоясининг негизлари чуқур. У халқимизнинг миллий маданий меросидан, эзгу ғояларидан озиқланади. Лекин, бу ғояни ёшлар ва аҳоли онгига сингдириш учун муайян пойдевор керак эди. Ўйни, аввало миллий кадриятларни, миллий маънавиятни тиклаш, миллий ғурурни уйғотиш, бир сўз билан айтганда, миллий истиқлол ғояси томир отиши ва гуркираб ривожланиши учун замин тайёрлаш лозим эди.

Мустақиллик кўлга киритилгандан буёнўтган давр ичида маънавият соҳасида улкан назарий, маърифий ва амалий ишлар бажарилди. Маънавият ва маърифат кенгашлари тузилди, юзлаб мақола ва рисолалар нашр этилди, тадқиқотлар ўтказилди, таълим тўғрисида миллий дастур қабул қилинди. Бир сўз билан айтганда, миллий ғояни кенг тарғиб қилиш учун замин яратилди.

Миллий ғоя жамиятни жипслаштирувчи, уни ижтимоий тараққиёт кўндаланг кўяётган масалаларни ҳал қилишга, четдан бўлаётган ғоявий, маънавий таҳдидлардан ҳимоялашга қаратилган кучдир. Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари ана шуғояга бўлган эҳтиёжни кескин кучайтиради.

¹Қаранг: Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000, 17-бет.

Холбуки, ёш авлод тарбиясида масаланинг катта-кичиги бўлмайди. Уларнинг ҳаммаси муҳим. Ҳали дунёга ҳайрат кўзи билан қараётган ёш авлод онг-шуури, қалби илдизи йўқ “оммавий маданият” учун эмас, ҳақиқий миллий қадриятлар, ҳақиқий ўзбекона маданият билан лиммо-лим бўлсин. Мамлакатимиз биринчи Президенти ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида бу масалага алоҳида тўхталиб ўтгани бежиз эмас: “Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникатсия манзарасида чуқур ўзгаришлар юз бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, **фикрга қарши фикр, ғояга қаршиғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этади**”¹.

Хулоса қилиб айтганда, ётғояга қарши биз ўз олижаноб ғоямиздан мактабларимизда, академик литсейлар ва касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртларида, жамиятимизнинг барча қатламларида бизга мутлақо бегона бўлган носоғлом қарашларга, хуруж ва ҳаракатларга қаршичиқимиз лозим. Бунда энг муҳим масалалардан бири одамлар ўз фикрини айтишга, эркин фикрлашга ўрганиши керак. Яъни фикрга қарши фикр бўлиши зарур. Шу боис ёшларимизни мактаб ва олий ўқув юртларида эркин фикрлашга, бахслашишга ўргатишимиз керак. Учинчи масала – ёшларда жаҳолатга қарши маърифат билан кураша олиш фазилатини шакллантириш масаласидир.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. “Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанини ўрганишнинг заруратини изоҳланг...
2. “Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанининг объекти ва предмети нима?
3. “Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанида ҳам ўзига хос бўлган тушунча ва категорияларини санаб ўтинг...
4. Ғоядеб, нимага айтилади?
5. Стратегия сўзи қандай маъносини англатади?
6. Демократиятушунчасининг моҳиятини изоҳланг...
7. Шахсий фикрва ижтимоий фикр бир биридан қандай фарқланади?
8. Мазмуни-моҳиятига ва намоён бўлиш шаклига кўра ғоялар қандай турларга бўлинади?
9. Бунёдкор ғоя деб, нимага айтилади?
10. Вайронкор ғоя деб, нимага айтилади?
11. Миллий мафкурамизнинг Бош ғояси қандай?
12. Миллий мафкурамизнинг асосий ғояларини санаб ўтинг...

¹Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 119-бет.

2-МАВЗУ: МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ НАЗАРИЙ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

РЕЖА:

1. Миллий ғоя Ўзбекистон жамияти ривожлантиришнинг концептуал асослари
2. Миллий ғояни шакллантиришда илмий-маънавий меросни ўрни
3. Миллий ғоя жамиятни янги тараққиёт босқичига кўтарилиши, хавфсизлик ва барқарорлини таъминлашнинг муҳим омили

Таянч тушунча ва иборалар:

Ғоявий концептуал асос, ғоявий-мафкуравий асослар, халқимизнинг илмий мероси, маънавий мерос, тарихий мерос, фалсафий мерос, миллий ғоя зарурати, жамият тараққиёти, мамлакатимиз янги тараққиёт босқичи, ижтимоий бирдамлик, хавфсизлик ва барқарорлик, стратегик мақсад, эркин демократик жамият, барқарорлик, маънавий баркамоллик, миллий ғоянинг стратегик ва тактик вазифалари, фуқаролик жамияти, кучли давлатдан - кучли жамият сари, партия, ҳуқуқий демократик давлат, Шарқона демократия ва ҳк.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон жамияти олдида турган энг катта вазифа - барпо этилиши лозим бўлган давлатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий қиёфасини ҳамда Ўзбекистон жамияти ривожланишининг ғоявий концептуал асосини аниқлаб олиш эди. Пировард натижада бундай қиёфанинг чизгилари юзага келди. “Бизнинг бош стратегик мақсадимиз – деб ёзган эди, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов, 2000 йили нашр этилган “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисолашига ёзилган сўзбошида, – бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдир. Юртимизда яшайдиган барча инсонлар учун, миллати, тили ва динидан қатъи назар, муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги каби кафолатланган турмуш даражаси ва эркинликларини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳиятини ифодалайди. Бу – халқимизнинг асрий анъаналарига, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятига, миллий қадриятларимизга содиқ қолган ҳолда, ривожланган давлатларнинг тажрибаларидан кўр-кўрона нусха кўчирмасдан, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлини изчил давом эттириш демакдир”¹.

Ўзбекистонда қурилаётган янги жамият ўзининг ғоявий концептуал асосларига суянгандагина пировард мақсадга эришиш мумкин. Қайд этиш лозимки, ўзбек халқининг минг йилликлар давомида яратган ўзига хос ғоялари - тинчлик, озодлик, ҳурлик, мустақиллик, эзгулик, барқарорлик, маънавий баркамоллик, шахсни улуғлаш, унинг манфаатларини ҳурматлаш - буларнинг бари янги шаклланаётган жамиятимизнинг ғоявий пойдевори ҳамда концептуал асослари ҳисобланади.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда миллий тикланиш, бир томондан миллий ўзликни англаш, бошқа томондан, жамиятнинг ғоявий концептуал

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.:Ўзбекистон, 2000, 28-29 бетлар.

асосларини яратиш, учинчи томондан эса бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш асносида юз берди.

Маълумки, сотсиалистик ишлаб чиқариш усулидан бозор муносабатларига ўтиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун кишилардаги эскича тафаккур тарзини ўзгартириш, иқтисодиётда эркинлаштириш жараёнини авж олдириш, ислохотларни чуқурлаштириш керак эди. Бу борада айниқса хўжалик юритувчи субектларнинг мустақиллигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, унинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш лозим бўлди.

Шу боисдан ҳам “Бу - бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шarti бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этишдан иборат, – деб ёзган эди Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов.

Бу йўналиш ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда етакчи ўринни эгаллайдиган, фуқароларнинг муҳим даромад манбаи ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлган хусусий секторнинг мавқеини янада ошириш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликни жадал ривожлантиришни тақозо этади”¹.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш энг аввало унинг ғоявий-мафкуравий асосларини мустаҳкамлашни талаб этади. Агар ҳар бир соҳадаги, жумладан, иқтисодий жабҳадаги ислохотлар ғоявий-мафкуравий жиҳатдан таъминланмас экан, жиддий миллий тикланиш тўғрисида фикр юритиш мушкулдир.

Хўш, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда унинг қайси ғоявий-мафкуравий асосларига суяниш лозим? Аввало, иқтисодий ҳаёт эркинлашиши лозим. Шунингдек, кўп укладли иқтисодиётни яратиш, мулкдорлар синфининг шаклланиши ўта муҳимдир. Бироқ, иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги энг муҳим ғоявий асос - фуқароларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шакллари мустақил белгилаш имкониятини яратиб беришдир.

Мамлакат иқтисодий ҳаётини барқарорлаштириш, миллий тикланиш концепциясида ижтимоий ҳамкорлик ва эволюсион тараққиёт каби ғояларнинг ўрни каттадир.

Ижтимоий ҳамкорлик давлат ва миллат тараққиётида ҳар бир соҳа учун муҳимдир. Сиёсат, ижтимоий соҳа, иқтисодиёт, маданий жабҳадаги ҳамкорлик миллий тикланиш учун кучли пойдевор ҳисобланади. Айниқса шу нарсани ёдда тутиш лозимки, давлатнинг бош ислохотчилик роли жамиятдаги ижтимоий ҳамкорликни таъминлайдиган иқтисодий асосларни, сиёсий вазифани, маданий муҳитни, қонуний-ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш фаолиятида яққол намоён бўлади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Т.: Ўзбекистон, 2003,21-бет.

Ҳозирги кундаги муҳим муаммолардан яна бири – Ўзбекистон жамияти ривожланишининг ғоявий концептуал асоси бўлган **миллий ғоянинг** стратегик ва тактик вазифалари масаласидир. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида қайд этилганидек, “Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси - озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Бу ғоя халқимизнинг азалий эзгу интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилайди. Ҳар бир инсон, учун муқаддас бўлган юксак гуманистик қадриятларни ўзида мужассам этади”¹.

Мамлакатимизда миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш миллат ва жамият олдида турган вазифаларни аниқлаштириб олишни талаб қилади. Умуман, бу вазифалар миллий мафқуранинг бош ғоясидан келиб чиқади. Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик – булар миллий тикланиш ғоясини амалга оширишдаги муҳим нуқталардир.

Юқорида таъкидланганидек, давлат ва жамиятнинг бундан кейинги ривожланиши ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш ва демократиялаш билан бевосита боғлиқдир. Бошқача айтганда, ижтимоий-сиёсий соҳада демократия амалга оширилмас экан - миллий тикланиш тўғрисида фикр юритиш бефойдадир.

Умуман, фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шарти давлат ва жамият курилишини эркинлаштиришдир. Ўзбекистонда бу жараён “Кучли давлатдан кучли жамият сари” деган тамойил асосида олиб борилмоқда.

“Кучли давлатдан - кучли жамият сари” концепцияси ўзининг ғоявий-мафқуравий асосларига эга бўлиб, улар Ўзбекистонда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, шаклланган қадриятлар даражаси ва қўлами билан белгиланади. Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш вазифаси бирданига ҳал бўлмайди. Унинг учун маълум шарт-шароитлар етилган бўлиши лозим. Булар қуйидагилардан иборат:

- жамият фуқароларида эски тафаккур тарзини йўқотиш, ғоявий-маънавий боқимандалик ҳиссини бартараф этиш;

- кишиларда жамият ҳаётида содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга бефарқликни, жамиятдан бегоналашув кайфиятини бартараф этиш;

- инсоннинг сиёсий онги ва маданиятини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кўтариш, жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга даҳлдорлик ҳиссини шакллантириш;

- одамларда ўз-ўзини бошқарув органларида, жамоат ташкилотлари, нодавлат муассасаларида эркин фаолият кўрсатиш кўникмасини пайдо қилиш;

- мамлакат сиёсий ҳаётини эркинлаштириш орқали демократик жамият куриш механизмининг ҳуқуқий-қонуний асосларини яратиш;

- давлат тузилмаларининг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётига кўр-кўрона аралашув механизмини йўқ қилиш;

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.:Ўзбекистон, 2000, 50-51 бетлар.

- қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меърий ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш.

Албатта, булар кучли давлатдан кучли жамиятга ўтишнинг барча жиҳатларини қамраб ололмайди. Аммо, кучли жамият юқоридаги каби ҳолатларнинг амалдаги ижросисиз ҳам пайдо бўлиши мумкин эмас.

“Кучли давлатдан - кучли жамият сари” концепцияси замирида ҳар томонлама етук, онгли фуқаролардан ташкил топрган фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсади мужассам. Ҳўш, фуқаролик жамияти ўзи нима?

Фуқаролик жамияти – фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари, бурч ва мажбуриятларини англаши, уларнинг жамиятда бўлаётган воқеа ҳодисаларга онгли муносабати ҳамда фуқаролик жамияти институтлари орқали давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этишидир.

Фуқаролик жамиятига Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов куйидагича таъриф берган эди: “Фуқаролик жамияти - ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсунуш бир вақтнинг ўзида амал қилади, бир-бирини тўлдиради ва бир- бирини тақозо этади. Бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини камситмаслиги лозим. Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт”¹.

“Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” концепциясининг моҳияти куйидагилардан иборат:

Биринчидан, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва аҳолининг турмуш фаровонлигининг тобора юксалиши;

Иккинчидан, жамият ҳаёти ва бошқарув тизимларининг иқтисодий заминлар асосида такомиллашуви;

Учинчидан, ҳокимият тармоқларининг эркин фаолия кўрсатиш имкониятларининг кучайиши ва айни пайтда ўзаро тийиб туриш тамойилининг амал қилиши;

Тўртинчидан, фуқароларнинг давлат олиб бораётган сиёсатга нисбатан ишончнинг мустаҳкамлиги ва уни қўллаб-қувватланиши кабилардир.

Кучли фуқаролик жамиятининг асосий белгиси фуқароларнинг қонунга итоат қилиши ҳаёт тарзига айланиши, уларнинг қонун билан ҳаёт кечиришининг амалиётга айланганлигидадир.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А. Каримов “Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ (12-жилд)” асарида ёзганидек: “...Фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан яна бири қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меърий ҳужжатларни ҳаётга изчил жорий

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.// Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998, 151-бет.

қилишда давлат ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳисобланади”.

Конститутсиямизнинг 34-моддасида шундай белгилаб қўйилган: “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар”.

Фуқаролик жамиятининг яна бир муҳим белгиси – бу сиёсий партияларнинг мавжудлигидир. Хўш, партия ўзи нима?

Партия – давлатнинг вакиллик демократияси асосида ташкил топувчи асосий сиёсий институти, яъни жамиятнинг ҳокимиятни амалга оширишни белгиловчи кўплаб манфаатларини умуммақбул йўл ва дастурга жамловчи сиёсийлашган институтидир.

Фуқаролик жамиятининг муҳим хусусиятлари қаторида сиёсий партиялар, жамият ташкилотлари ва фуқаролик институтларининг эркинлигининг таъминланганлиги ҳисобланади.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ҳеч шубҳасиз, жамиятни босқичма-босқич демократлаштириш билан боғлиқдир. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда янги демократик жамият қурилишининг умумжаҳон эътироф этган ўзига хос концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, унда ижтимоий ҳаётнинг муҳим ҳодисаларидан бўлган демократияни янгича талқин этиш ва тушунишга алоҳида эътибор қаратилган.

Умуман, демократияни тушуниш ва англаш, унга амал қилиш шахсдан махсус тайёргарликни талаб этади. Сиёсий онги ва тафаккури шаклланмаган инсоннинг демократия талабларига жавоб бериши мумкин эмас. Бундан ташқари, демократиянинг ўзига хос хусусиятлари, унинг ҳар бир давлат ва миллат ҳаётида амал қилиш тамойиллари ҳам мавжуд.

Юқорида қайд этилганидек, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш эркин фуқаролик жамиятининг шаклланиши билан узвий боғлиқ жараён. **Ҳуқуқий демократик давлатнинг ҳам асосий белгилари қонун устуворлиги, ҳуқуқнинг устуворлиги принципи, тенглик принципи, сиёсий институтлар хилма-хиллиги, давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи, ҳокимиятни ташкил этишда демократик сайлов ўтказиш принципларига асосланиш каби тамойиллар** фуқаролик жамиятининг шаклланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда Шарқона демократия тўғрисида айрим фикрларни айтиш муҳимдир, зеро бундай демократия аслида демократия тушунчасининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Бу демократия Шарқ мамлакатлари, асосан аҳолисининг кўп қисми мусулмон маънавиятидан баҳра олган ҳудудларга хос бўлган демократик қоидалар мажмуининг ўзига хос шакл ва мазмунда намоён бўлишидир. Шарқона демократия миллий босиқлик, андиша, ёши улуғларга ҳурмат, ўзаро маслаҳат, ҳар қандай кескин масалада ҳам томонларнинг келишувларига асослангани фаолиятдир. Ана шу хусусиятлари билан ушбу ижтимоий тушунча Ғарб демократиясидан фарқ қилади.

Айни пайтда шарқона демократия, сиёсий тартибсизликлар, бош-бошдоқлик ва митингбозликни миллий манфаатларга зид деб қарайди ҳамда

жамият ва давлатнинг ички масалалари ҳар қандай фундаменталистик ва курулли кучларга асосланган ҳаракатларни қоралаган ҳолда, ўз фаолиятини ўзига хос маданият тамойиллари асосида йўлга қўяди.

Аслида жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор:

1. Халқ қарорлар қабул қилиш жараёнидан қанчалик хабардорлиги;
2. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши;
3. Оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик фаол иштирок этиши.

“Ана шу уч соҳада ҳақиқий силжишлар бўлмас экан, - деб таъкидлайнади мазкур асарда, - демократия ҳақидаги ҳамма гап-сўзлар ё халққа ҳушомад қилиш, ёки оддий сиёсий ўйин бўлиб қолаверади. Бундай силжишлар эса бир кунда бўладиган иш эмас”¹.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги сўзлаган маърузасида Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишларини кўрсатиб беради. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Мустақилликни асраб-авайлаш, химоя қилиш ва мустаҳкамлаш;
2. Мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш;
3. Эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш;
4. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни амалий ҳаётда жорий қилиш;
5. Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтириш;
6. Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишни изчил давом эттириш;
7. Демографик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш².

Жамиятни демократлаштиришда ҳар бир давлат ва миллатнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олингандагина уни амалга ошириш даражаси реаллашади. Шунингдек, у ёки бу давлатдаги демократиянинг яшовчанлиги унинг қандай ғоявий-мафкуравий заминларга суянишига ҳам боғлиқдир. Ўзбекистон жамиятини демократлаштиришда аҳолининг маънавий-маърифий даражаси, унинг сиёсий онги ва маданияти, миллий менталитети, ўзига хос тафаккур тарзи бундай ғоявий-мафкуравий заминни ташкил этади.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий жамиятни барпо этиш шахс эркинлиги ҳамда унинг ғоявий-мафкуравий асослари билан бевосита боғлиқдир. Шахс эркинлиги аввало ижтимоий тушунча ҳисобланади. Жамиятда эркинлаштириш

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.// Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998, 151-бет.

² Каримов И.А.. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маъруза, 2002 йил 29 август - Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё, ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: 2003.

жараёнини амалга оширмасдан шахс эркинлиги тўғрисида фикр юритиш мумкин эмас. Шахс эркинлиги фуқаронинг имкониятлари, ижодий қобилиятларига йўл очади. Пировард натижада шахс ижтимоий фаол индивидга айланади.

Миллий ғоямизнинг маъно-мазмунини белгилайдиган асослардан бири – бу халқимизнинг қадимий бой тарихидир. Чунки тарих – буюк мураббий. У инсонга ибратли хулосалар берибгина қолмасдан, баъзи аччиқ сабоқларни тан олишга ундайди. Зеро, кўхна қадриятларимиз, тарихий манбалар, олиму уламоларнинг асарлари жамиятнинг ғоявий-мафкуравий асосини яратишда жуда муҳим аҳамиятга эга. Хўш, тарихий манбалар ўзи нима?

Тарихий манба деганда узоқ ўтмишдан қолган, табиат ва жамиятнинг маълум босқичдаги кечмишини ўзида акс эттирган моддий ва маънавий ёдгорликларни тушунамиз.

Моддий ёдгорликларга - қадимий обидалар, манзилгоҳлар ва мозорлар, шаҳарлар, қасрлар ва қалъалар харобалари, уй-рўзғор буюмлари ва бошқалар киради.

Маънавий ёдгорликлар деганда қадимги ёзувлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, афсоналар, ёзма ёдгорликлар – битик, қўлёзма китоб, хужжатлар ва архив материаллари тушунилади. Умуман, тарихий манба инсон ижтимоий фаолияти натижасида пайдо бўлган ва унинг хусусиятларини ўзида акс эттирган моддий ва маънавий ёдгорликлардан иборатдир.

Юқоридаги таснифдан келиб чиққан ҳолда миллий ғоямизнинг тарихий илдизлари борасидаги муайян фикрга келиш мумкин.

Кўп миллатли Ўзбекистон фуқароларининг орзу ва интилишларини ўзида мужассам этган миллий ғоямизнинг тарихий илдизлари – халқимизнинг мозий синовларидан ўтиб келаётган бой маданий ва маънавий меъроси, миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналари, қўшиқлари, байрам ва маросимлардаги озодлик, эркинлик учун кураш руҳи, ота-боболаримизнинг мустақиллик йўлида кўрсатган жасорати, бунёдкорлик ишлари ҳамда уларни амалга оширишда маънавий руҳ берган тафаккур тарзида намоён бўлади. У асрлар мобайнида йиллар синовига дош бериб, сайқалланиб, такомиллашиб келган.

Халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, тафаккури ва дунёқараши, ҳаётга, воқеликка муносабатининг ифодаси бўлган халқ оғзаки ижоди намуналари, “Алпомиш” “Шашмақом” каби санъат дурдоналари, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темурнинг соғлом манавияти маҳсули бўлган “Кучадолатдадир” деган шиори миллий ғояни таркибий қисмига айланиб келган, мамлакат бирлигини таъминлаш, марказлашган давлат барпо этишда, уни одиллик билан бошқаришда маънавий-мафкуравий асос бўлиб хизмат қилган.

Миллий истиқлол мафкурамизда халқларимизнинг маънавий-ахлоқий онги ва тафаккури ривожланишида катта ўрин тутадиган зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби “Авесто”нинг асл Ватани Ўрта Осиё, аниқроғи, кўхна Хоразмдир. “Авесто”нинг яратилганига қарийб 3 минг йил бўлмоқда.

Умуман энг қадимги маданий, тарихий, адабий ёдгорлик ва бойликларимиз қуйидаги 3 та асосий манбага таяниб ўрганилади:

1. Халқ оғзаки ижоди материаллари.

2. Буюк адиблар, алломаларнинг ижодий мероси.

3. Археологик топилмалар.

Демак, миллий мафкурамизнинг тарихий илдизлари деганда аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли, тафаккур тарзи, амалий фаолияти, бунёдкорлик ишлари, энг яхши урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни тушуниш мумкин.

Мафкурамизнинг фалсафий асосини, аввало миллий ижтимоий тафаккурнинг мумтоз намуналари бўлган дунёвий билимлар, жаҳон фалсафий дурдоналари белгилайди. Олам ва одамнинг яратилиши ва такомиллашиб бориши ҳақидаги диний ва илмий қарашлар, поклик, ҳалоллик, мардлик, комиллик ғоялари ҳам бугунги мафкурамиз шаклланишига таъсир кўрсатади.

Буюк донишманд аждодларимизнинг озодлик тўғрисидаги ғоялари, Хоразмийнинг дунёвий кашфиётлари ва Берунийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари, Форобийнинг адолатли жамият ва Абу Али ибн Синонинг дуализм таълимоти, Алишер Навоийнинг комил инсон ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари, Бобур ва Машраб, Бедил ва Дониш қолаверса асримиз бошидаги маърифатпарвар зиёлилар фаолияти ҳам миллий ғоя, истиқлол мафкурасининг теран томирларидир.

2014 йилнинг 15-16 май кунлари қадимий ва кўҳна Самарқанд шаҳрида Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан ташкил этилган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференция фикримизни яққолроқ тасдиқлайди.

Анжуманда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Сингапур, Малайзия, Кувайт, Миср, Саудия Арабистони, Россия, Озарбайжон каби элликка яқин давлатдан нуфузли ташкилотлар ҳамда таълим тизими раҳбарлари, олимлар, мутахассислар, экспертлар қатнашиб, унда ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг ҳаёти, ижоди, уларнинг тарихий мероси ҳамда илмий мактаблари фаолияти ҳақида видеофилм намойиш этилган эди.

Аслида ҳам, юртимизда ўзининг юксак салоҳияти, кенг дунёқараш ва ноёб истеъдоди, мислсиз кашфиётлари туфайли жаҳон аҳлини ҳайратлантириб келаётган улуғ алломалар камол топган. Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломаларимизнинг асарлари орадан неча асрлар ўтса ҳамки, дунё тамаддунида ўз улуғворлигини сақлаб келмоқда.

Ўрта асрларда она-заминимиздан етишиб чиққан минглаб олиму фузалолар, буюк мутафаккирлар, шоирлар башарият илм-фан ва маънавият осмонининг ёрқин юлдузлари бўлиб порлагани ҳеч кимга сир эмас. Буюк аждодларимизнинг математика, физика, кимё, астрономия, этнография, тиббиёт, тарих, адабиёт, ахлоқ, фалсафа каби кўплаб соҳаларга оид асарлари, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз, Термиз ва бошқа шаҳарлардаги осориюнавоқалар бутун жаҳоннинг бебаҳо мулки ҳисобланади.

Хусусан, алгебра фанига асос солган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий илмий кашфиётлари, фундаментал тадқиқотлари билан умуминсоний тараққиётнинг беқиёс янги ланишлар даврини бошлаб берди. Бугун дунёда кенг фойдаланиладиган ҳисоб-китоб амаллари, замонавий технологиялар фаолияти ана шу бобокалонимиз яратган қоидаларга асосланади. ал-Хоразмий астрономия, география ва тарих соҳаларида ҳам умрбоқий асарлар ёзди. У фанда биринчи бўлиб қутб координатларини қўллаган ва Ер юзининг шарқий яримшари харитасини тузган ҳамда Алгоритмус, Алхорисмус, Математика, астронимия тарих, география фанларининг ривожига салмоқли хисса қўшган. Шарқ комусчилари мактабнинг асосчиси, Шарқ географиясининг отаси. Математика, алгебра, геометрия, физика, астрономия фанларининг асосчиси.

“Ҳинд ҳисоби ҳақида” асари орқали араб дунёси ва Европанинг ҳиндларини ҳисоблаш тартиби билан таништирди. Асар 1145 – йилда Севилияда (Испания) Роберт Честер томонидан лотин тилига таржима қилинган.

Ал-Хоразмий ўзининг “Китоб сурат ул-арз” номли асарида 637 та ноёб табиий жойлар, 209 та тоғнинг географик тафсилотини берган. Денгизлар, дарёлар ва океанлар ҳавзаси шаклини, уларда жойлашган ороллар ҳақида муҳим маълумотларни баён этган.

Шунингдек, Аҳмад Фарғонийнинг китоблари ҳам асрлар давомида дунё олимлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Ал-Фарғонийнинг асосий астрономик асари “Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум” китоби (“Китоб ал-ҳаракат ас-самовия ва жавомиъ илм ан-нужум”) ХИИ асрда Оврўпода лотин тилига икки марта ва ХИИИ асрда бошқа Оврўпо тилларига ҳам таржима қилинганидан сўнг, унинг лотинлаштирилган номи «Алфраганус» шаклида ғарбда бир неча аср давомида кенг тарқалади. Унинг бу китоби шу асрлар давомида Оврўпо университетларида астрономиядан асосий дарслик вазифасини ўтади.

Юқорида тилга олинган “Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум” китоби “Астрономия асослари” номи билан танилган бўлиб, бу асар ўн иккинчи асрда лотин ва иврит тилларига таржима этилган. Кейинчалик бу асарнинг Италия, Германия, Франция, Голландия ҳамда АҚШ каби кўплаб мамлакатларда қайта-қайта чоп қилингани мазкур китоб соҳа равнақиға нақадар мислсиз таъсир кўрсатганлигини намоён этади.

Умуман, алломанинг Ер шарсимон шаклдалигини ифодалаган қарашларини орадан саккиз юз йил ўтиб амалда исботлаган машҳур сайёҳ Христофор Колумб “Ер меридианининг бир даражаси микдори ҳақидаги ал-Фарғоний ҳисобларининг тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қилдим”, дея дастхат қолдирганининг ўзиёқ ал-Фарғоний илмий тафаккури асрлар чегараларидан ўтган ниҳоятда гениал олим эканлигини тасдиқлайди.

ЮНЕСКО қарорига мувофиқ, 1998 йилда Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди. Бу буюк аждодимизнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган муносиб ҳиссаси, халқимиз илмий меросининг яна бир эътирофи бўлди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан

Қува ва Фарғона шаҳарларида мутафаккир ҳайкаллари бунёд этилди, Фарғона давлат университетига Аҳмад Фарғоний номи берилди.

Ўрта асрларда Шарқ илм-фани ривожини Хоразм Маъмун академиясида амалга оширилган кашфиётлар, ихтироларсиз тасаввур этиш мушкул. Айниқса, ушбу академия ташкилотчиси ва раҳбари бўлган Абу Райҳон Берунийнинг серқирра фаолияти диққатга сазовор. Аллома ватандошимиз математика, астрономия, геодезия, фармакология, кимё, ботаника, география, этнография, тарих ва фалсафа каби соҳаларда 150 дан зиёд асарлар яратиб, нафақат ўз даври, балки бугунги юксак технологиялар асри учун ҳам зарур бўлган кашфиётларни тақдим этган.

Дарҳақиқат, инсониятнинг интеллектуал тарихида чуқур из қолдирган илмий мактаб - Хоразм Маъмун академиясида кенг фаолият олиб борган Абу Райҳон Беруний инсониятнинг буюк даҳоларидан биридир. Тарихий манбаларда айтилишича, улуғ қомусий аллома 150 дан зиёд асар ёзган. Улардан то бизгача фақат 31 таси етиб келган. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Беруний дунё илм-фанида биринчилардан бўлиб денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги ғояларни тақлиф этди, Ер радиусини ҳисоблаб чиқди, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолатини изоҳлаб берди, Колумб саёҳатидан 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанлари ортида қитъа мавжудлиги ҳақидаги қарашни илгари сурди, минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқди, геодезия фанига асос солди. Шунинг учун ҳам ХИ аср бутун дунёдаги табиий фанлар тарихчилари томонидан “Беруний асри” деб аталиши бежиз эмас”.

Албатта, миллий маънавиятимиз илдизига чуқур сингиб кетган ва асрлар оша унинг такомил босқичларида чуқурлашиб, теранлашиб борган халқимиз қадриятида табиатга бўлган эҳтиром беқиёсдир, юртимизда уни эъзозлаш анъанаси эса инсоният тарихи қадар қадимийдир. Умуман айтганда, атроф-муҳитга муносабат, уни англаб етишга бўлган интилиш Шарқ, айниқса, Марказий Осиё халқлари тарихида ўзгача хусусиятга эга. Чунончи, Абу Райҳон Беруний “Сайдана” асарида 1118 турдаги доривор ўсимликка, шундан 750 ўсимлик ва 101 та ҳайвонга батафсил таъриф беради. У ўз ишида 4500 та араб, юнон, хинд, форс, хоразм, сўғд, турк ва бошқа тилларга оид ўсимлик номлари, ҳайвонлар, минераллар ва улардан олинадиган маҳсулотлар ҳақида маълумот тўплаб, ўша давр доришунослик атамаларини тартибга солишга ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшган.

Буюк юртдошимизнинг ўзининг илмий-назарий тадқиқотлари, тажрибаларида табиатдаги барча ҳодисалар муайян табиий қонуният асосида юз беради, ташқи кучнинг таъсири уни издан чиқариши мумкин, деган ҳулосага келади. Бу бугун ўз исботини топган ҳақиқатдир. Инсоният табиатдан фойдаланишда табиат қонунларига эмас, аксинча, шахсий манфаатларига асосланиб фаолият кўрсатиши оқибатида табиатдаги мувозанатнинг сезиларли даражада бузилгани, яъни, дунёнинг турли бурчакларида табиий офатлар: сув тошқинлари, зилзилалар, ўрмон ёнғинлари ва бошқа шу каби талофатларнинг рўй бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Инсон табиий муҳитга таъсир этар экан, унинг ўзи ҳам “акс таъсир”га дуч келмоқда.

Абу Райхон Берунийнинг “Агар инсонлар табиатга нисбатан зўровонлик қилиб, унинг қонунларини қўполлик билан бузсалар бир кун келиб табиат уларнинг бошига шундай кулфатларни солиши мумкинки, буни ҳеч қандай куч қайтара олмас” - деган сўзи бугунги глобал экологик муаммоларнинг бундан 1000 йил олдин башоратидан дарак беради.

Ўрта асрнинг бир қанча илмий ютуқлари, умуман Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тараққийпарвар ижтимоий-фалсафий тафаккур ривожини Аристотелнинг “Метафизика” асарига энг мукамал шарҳ ёзган яна бир улуғ аллома Абу наср Форобий номи билан боғлиқ. Форобий ўз замонаси илмларининг барча соҳасини мукамал билган ва бу илмлар ривожига катта ҳисса қўшганлиги, юнон фалсафасини шарҳлаб, дунёга кенг танитгани туфайли Шарқ мамлакатларида унинг номи улуғланиб, “Ал-муаллим ас-соний” – “Иккинчи муаллим” (Аристотелдан кейин), “Шарқ Арастуси” деб юритилган.

Ўша вақтларда илм-фан соҳасида эришилган ютуқлар мажмуаси ҳисобланган “Ҳиндистон дорилари ва доривор ўсимликлари” табиат оламига алоқадор китоблар Фаробийнинг етук олим эканидан далолат беради. Унинг табиатшуносликка доир “Инсон аъзолари ҳақида рисола”, “Ҳайвон аъзолари ҳақида сўз” каби асарлари алоҳида аҳамиятга эга. Фаробий Европа олимларидан 1000 йил аввал физиология фанига илмий асос солганлигининг ўзи ҳам жаҳон илм-фани тараққиёти бешигини кимлар тебратганини исботлаб турибди.

Форобий ўрта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий билимларининг қарийб барча соҳаларида 160 дан ортиқ асар яратган. У турли билимларнинг назарий томонлари, фалсафий мазмуни билан кўпроқ қизиққанлиги учун унинг асарларини 2 гуруҳга ажратиш мумкин:

1) юнон файласуфлари, табиатшуносларининг илмий меросини изоҳлаш, тарғиб қилиш ва ўрганишга бағишланган асарлар;

2) фаннинг турли соҳаларига оид мавзулардаги асарлар.

Фахр билан айтамикки, ЮНЕСКО шафелигида Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги нишонлангани, унинг фаолияти қайта ташкил этилгани юртимизда аждодлар хотирасига иззат-икром кўрсатиш ҳамда илм-фан ривожига қаратилаётган эътиборнинг ёрқин намунасидир. Ҳозир мазкур қадимий ва навқирон илм масканида Хоразм тарихи, унинг ўзига хос маданияти, экологияси, ер ва сув ресурсларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар фаол олиб борилмоқда.

Буюк мутафаккирларимиздан яна бири - Ибн Сино жиддий экологик муаммолар бўлмаган вақтлардаёқ, экология масалаларига тўхталиб, инсон саломатлигини сақлаш борасида атроф-муҳит аҳамиятига катта эътибор берди. У турли юқумли касалликларнинг келиб чиқишида атроф-муҳит омиллари сабаб бўлишини, ҳаво, сув, овқатнинг ўрнини эътироф этади. Ўша замонда микроскоп йўқ бўлишига қарамай, юқумли касалликларни кўзга кўринмайдиган майда, жонли зарралар келтириб чиқаришини, яъни макрухлар-микроорганизмлар сабабчи экани тўғрисидаги фикрни айтади. Ибн Сино ўз асарларида экология ва гигиенага бағишланган кўп масалалар ечимини ёзиб қолдирган.

“Медитсина” атамасида ўз шону шуҳратини муҳрлай олган Абу Али ибн Синонинг илмий мероси ҳам ғоят бой ва серқиррадир. У фаннинг турли соҳаларига оид 450 дан ортиқ асар ёзиб қолдирган. Бобокалонимиз томонидан ишлаб чиқилган айрим даволаш усуллари ҳозир ҳам замонавий тиббиётда қўлланиб келинмоқда. Кўплаб мамлакатларда кўчалар, ўқув ва тиббиёт муассасалари унинг номи билан аталгани, халқаро миқёсда аллома шарафига медал ва мукофотлар таъсис этилгани — унинг инсониятга қилган яхшиликлари, эзгу хизматларига бўлган миннатдорлик белгисидир.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов 1998 йил 6 ноябрда ЮНЕСКОнинг халқаро Абу Али ибн Сино олтин медали билан тақдирланганди. Бу олий мукофот халқимизнинг умумбашарий цивилизация тараққиётига қўшган ҳиссаси ва хизматининг тан олинishi, давлатимиз томонидан тарихий, маданий, маънавий меросни асраб-авайлаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилган ишларнинг муносиб баҳоси бўлди.

Халқимизнинг илмий, маънавий, тарихий ва фалсафий мероси тизимида буюк Соҳибқирон Амир Темур мероси алоҳида аҳамият касб этади. Унинг табиатга муносабати ҳақида сўз юритар эканмиз, айтиш жоизки, буюк давлат арбоби биринчи галда ободончилик ишларига алоҳида эътибор қаратган. “Темур тузуклари”да айтилишича, Соҳибқирон кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирганларни рағбатлантирган. Ушбу тузукларда яна қаровсиз ерларни обод қилиш, уларни ҳосилдор ерларга айлантириш ҳақидаги кўрсатмалар ҳам диққатга сазовордир. Уларда айтилишича, “Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса (яъни давлат ерларини бошқарувчи маҳкама) тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю, обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин. Яна амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерларда саризлар қурсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига кўприклар солсинлар, йўл устида, ҳар бир манзилгоҳга работлар қурсинлар”.

Барчага аёнки, Турон замин дунё миқёсида суғориладиган деҳқончиликнинг илк ватани сифатида машҳур. Ўлкамизда қадимдан суғорма деҳқончилик ривожланган ирригатсия ва мелиоратсия соҳасида бой тажриба тўпланган. Мисол учун, Хоразм, Бактрия, Сўғдиёна, Парфия, Кушон, Турк хоқонлиги, сўнг Сомонийлар, Қорахонийлар, Темурийлар ва кейинчалик шу ҳудудда бошқа давлатларнинг пайдо бўлишида, сиёсий, иқтисодий, маданий ривожланишида ҳам суғориш ишларининг тутган ўрни, сув захираларидан оқилона фойдаланиш масаласи алоҳида ажралиб туради. Давлат бошқарувида сувдан оқилона фойдаланишга алоҳида ўрин берилганлиги, миробларга давлат арбоби сифатида муносабатда бўлингани ҳам фикримиз исботидир.

Соҳибқирон Амир Темурнинг сеvimли набираси Мирзо Улуғбек, таъкидлаш керакки, дунёни ўзгартирган, барчани улуғвор орзуларни рўёбга чиқаришга ундаган, коинот сирларини ечишга қўл урган, дунё тарихининг буюк ва ардоқли сиймосидир. У юртимизнинг бир қатор шаҳарларида мадрасалар бунёд этди, Самарқандда ҳавас қилгулик илмий мухитни, ҳозирги тилда айтганда, замонасининг 200 дан ортиқ йирик ва таниқли олимлари

фаолият юритган, ҳозир “Улуғбек академияси” дея тилга олинаётган машҳур илм-фан даргоҳини ташкил этди. Улуғбек илмий меросининг гултожи унинг “Зиж”идир. “Зиж Улуғбек”, “Зиж жадиди Кўрагоний” номлари билан шуҳрат қозонган бу асарда 1018 юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган. Юлдузларнинг баландлиги ҳамда улар орасидаги масофа, куёш ва ойнинг ҳаракати, тутилиш вақтлари баён қилинган. Ҳайратланарли томони шундаки, у амалга оширган ҳисоб-китоблар замонавий технологиялар орқали аниқланган кузатув натижаларидан деярли фарқ қилмайди.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти ташаббуси билан 1994 йил мамлакатимизда “Мирзо Улуғбек йили” деб эълон қилинди. Ўша йили Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Париж шаҳридаги ЮНЕСКО қароргоҳида буюк алломанинг илмий мероси ва унинг аҳамиятига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислон Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида қайд этилганидек, ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зотлардан яна бири – бу Алишер Навоий бобомиздир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса. Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир. (“Юксак маънавият – енгилмас куч”, 46-47-бет).

Ўзбек халқининг буюк фарзанди, йирик мутафаккир шоир, олим ва давлат арбоби Низомиддин мир Алишер Навоий ҳижрий 844 йил рамазон ойининг 17-куни, милодий 1441 йил 9 февралда Хуросон давлатининг йирик шаҳри Ҳиротнинг Боғи Давлатхона мавзейида хизматчи оиласида дунёга келган. 4-5 ёшларида тожик шоири Қосим Анвор шеърларини ёддан билган.

Мактаб ёшига етганида Фаридуддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” фалсафий достонини тўлиқ ёдлаб олади.

Алишер 15-16 ёшлигидаёқ унинг шеърлари Ҳирот, Машҳад, Астробод ва бошқа шаҳарларда шуҳрат қозонади. Мантиқ, фалсафа, риёзиёт (математика) каби фанлар билан шуғулланади. Айни вақтда туркий ва форсий тилларда гўзал ғазаллар битиб, 15-16 ёшлигида эл орасида “зуллисонайн” шоир (“икки тил эгаси”) сифатида танилади. Алишер туркий тилда ёзган шеърларига Навоий, форсий тилдаги шеърларига Фоний деб тахаллус қўяди. Шоирнинг форсий шеърлар тўплами “Девони Фоний” деб номланган.

Алишер Навоий 16 та адабий жанрда ижод қилган. Хисрав Деҳлавийдан қарийб 200 йилдан кейин 1483-1485 йилларда биринчи бўлиб туркий тилда 51 минг мисрадан ортиқ беш дostonдан ташкил топган “Хамса” асарини ёзади. Шоир бу улуғ асарнинг 2 йил ичида ёзилганини таъкидлаб, агар бошқа ишлар халақит бермаганида уни 6 ойда ёзиб тугатиши мумкинлигини, аслида ҳам бу беш дostonни ёзишга кетган вақт “йиғиштирса 6 ойдан ошмаслиги”ни ёзиб қолдирган. Навоийнинг “Хамса” асари дунёдаги 64 тилга таржима қилинган.

Бугунги кунда дунёда буюк аждоқларимизнинг сўнмас даҳосига ҳурмат-еҳтиром билдириш, бой илмий меросини ўрганишга қизиқиш асло камайгани

йўқ, аксинча кенг миқёс ва кўлам касб этиб бормоқда. Бунинг исботини турли мамлакатларда аждоодларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий ҳамда бадиий асарлар яратилгани, улар хотирасини ёд этиб ёдгорликлар барпо этилганида кўриш мумкин. Белгияда Ибн Синога, Латвияда Ибн Сино ва Мирзо Улуғбекка, Япония, Россия ҳамда Озарбайжонда Алишер Навоийга, Мисрда Аҳмад Фарғонийга ҳайкаллар ўрнатилгани бежиз эмас.

Анжуманнинг Самарқанд шаҳрида ўтказилишида ҳам ўзига хос маъно бор. Истиклол йилларида Самарқанд ўзгача тароват ва маҳобат касб этмоқда. Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги, Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан Самарқандда улкан бунёдкорликлар рўёбга чиқарилди. Шаҳар марказида Соҳибқирон бобомизнинг салобатли ҳайкали қад ростлади. Улуғбек расадхонаси ва мадрасаси қайта таъмирланди. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Фармонида мувофиқ, 1996 йил 18 октябр куни Самарқанд шаҳри “Амир Темури” ордени билан мукофотланди. Шундан буён бу кун юртимизда Самарқанд куни сифатида нишонлаб келинмоқда.

ЮНЕСКО Бош конференцияси қарорига мувофиқ, 2007 йилда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги тантаналари бўлиб ўтди. Ушбу қутлуғ тўй арафасида шаҳар янада гўзаллашди. Ўнлаб ижтимоий-маиший иншоотлар, кўркам боғлар, хиёбонлар барпо этилди. Амир Темури мақбараси, Регистон майдони, Бибихоним ва Шоҳи Зинда ёдгорликлари ҳамда Улуғбек расадхонасини бири-бирига боғловчи кичик халқа йўлининг қурилиши шаҳар аҳли ҳамда сайёҳлар учун яна бир қулайлик яратди.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти раҳнамолигида Самарқанднинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, иқтисодий салоҳиятини юксалтириш борасидаги сай-ҳаракатлар жадал ва қизгин босқичга кўтарилмоқда. Шаҳар аҳолиси ҳамда меҳмонларга ҳар томонлама муносиб шароит яратиш мақсадида бунёд қилинган магистрал йўллар, боғу хиёбонлар, таълим муассасалари ва спорт майдончалари, тиббиёт масканлари ҳамда меҳмонхоналар кўхна ва ҳамиша навқирон шаҳар кўркига кўрк қўшмоқда.

Юқоридаги келтирилган тарихий асосларга таяниб хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, миллий ғоя асосида баркамол авлод шаклланишига таъсир кўрсатадиган жуда кўп омиллар орасида халқимизнинг илмий, маънавий, тарихий ва фалсафий мероси алоҳида аҳамият касб этади.

Зеро, Сиз-у биз истиқомат қилаётган бу муаззам заминда аждоодларимиз бундан бир неча асрлар аввал ҳозирги замонавий илм-фаннинг илк пойдеворини қўйган ва ривожлантирган. Юқорида таъкидланганидек, алломаларимиз қомусий олимлар бўлиб, улар бир вақтнинг ўзида математика, астрономия, геодезия, география, тарих, арифметика, фармакология, тиббиёт, фалсафа ва тилшунослик илмлари билан ҳам шуғулланганлар. Айни жиҳат Фарбда “Нур Шарқдан таралади” деган ибора пайдо бўлишига сабаб бўлган.

Жамият ривожланиши тўғрисидаги янгича илмий-назарий ғояларнинг ўзгариши ижтимоий ҳаёт соҳаларини тубдан ўзгартириш билан чамбарчас боғлиқ.

Жамият ижтимоий ҳаёти соҳаларидаги туб ўзгаришлар деганда унинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-маърифий ғоявий асосларини тубдан ўзгартириш ва янги асосга (негизга) ўтказилишини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти асарларида жамият ривожланиши ва унинг ижтимоий ҳаёти соҳаларидаги туб ўзгаришлар тўғрисида янги назарий ва концептуал ёндошувнинг илмий асослари ишлаб чиқилди. Буни ижтимоий гуманитар фанларни ўқитишда ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Жамият ривожланиши тўғрисидаги янги илмий назарий қарашлар ва ғоялар Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти тўла асарлар жилдида, шунингдек унинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”, “Юксак маънавият – енгилмас куч” ва бошқа асарларида унинг илмий асослаб берганлигини кўрамай.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш ўринлики, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 23 та тўла асарлар жилди нашрдан чиққан бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.

2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.

3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.

4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан.4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.

5. Каримов И.А. Янги фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.

6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.

7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курамай. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 413 б.

8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.

9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 440 б.

10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.

11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 318 б.

12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. 12-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2004.–398 б.

13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 445 б.

14.Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 276 б.

15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизни мезони ва мақсадидир. 15-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.

16. Каримов И.А. Мамлакатни модернизатсия қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 365 б.

17. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 277 б.

18. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизатсия қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 278 б.

19. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 357 б.

20. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизатсиялаш жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 320 б.

21. Каримов И.А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизатсия қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. 21-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2013. – 380 б.

22. Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. 22-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 367 б.

23. Каримов И.А. Эришган марралар билан чегараланмасдан, бошлаган ислохотларимизни янги босқичга кўтариш – бизнинг энг долзарб вазифамиздир. 23-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 404 б.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А. Каримовнинг айрим аҳамиятга молик асарлари хусусида ҳам тўхталиб ўтиш мафсадга мувофиқ:

Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.

Асар икки бобдан иборат бўлиб «Хавфсизликка таҳдид» деб номланган биринчи бобида XXI аср бўсағасида халқаро вазият, кучлар нисбатидаги туб ўзгаришлар таҳлил этилади. Умумий, минтақавий ва миллий хавфсизлик масалалари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳам кенг ёритилган. Муаллиф хавфсизликка таҳдид солаётган ижтимоий-сиёсий зиддиятлар, қарама-қаршилиқлар ва муаммоларни, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий илдизларини илмий, назарий, амалий жиҳатдан биринчи бор ҳар томонлама теран очиб берган.

Иккинчи боб «Барқарорлик шартлари ҳамда тараққиёт кафолатлари» деб номланган бўлиб, унда мустақиллик йилларида мамлакатимизда маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг шаклланиши миллий, ҳуқуқий давлатчилик, демократик институтлар ва фуқаролик жамияти асосларининг барпо этилиши ҳамда уларни янада такомиллаштириш вазифалари ёритилган.

Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. (“Тафаккур” журнали Бош муҳаррирининг саволларига жавоблар). -Т.: Ўзбекистон, 1998. –30 б. Президент жавобларидаги асосий мақсад – “Ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин” лигига қаратилган.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: Шарқ, 1998. –30 б. Китобда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг И.А.Каримовнинг республикамиз тарихчи олимлари ва журналистлари билан ўтказилган суҳбати (1998 йил 26 июн) ўз ифодасини топган.

Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. (“Фидокор” газетаси мухбири саволларига жавоблар).- Т.:Ўзбекистон, 2000.–40 б. Президент ўз жавобларида миллий мафқурани шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратар экан, «Ҳозирги замондаги энг катта хавф - инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш.

Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. 2015 йил.

- .Бизнинг мақсадимиз - эркин ва фаровон, демократик ҳаёт қуриш
- .Мустақиллик - тоғдек таянчимиз, кудратли заминимиздир
- .Ким эдигу ким булдик? Эртага ким булишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?

- .Сайлов - демократиянинг олий шаклидир
- .Тарих - бамисоли кузгу
- ."Ўзбек модели" - амалда узини облагай, ёругистикболимизни белгилаб берган тараккиёт юли

- .Кишлоқ тараккий топса, юртимиз обод, ҳдётимизянада фаровон булади
- .Ободлик кунгилдан бошланади
- .Замонавий раҳбар доимо олдинга интилиб яшаши керак
- .Кексалар - хонадонларимизнинг файзу фариштаси
- .Аёл бахти - жамият бахти
- .Фарзандларимиз биздан кура кучли, билимли,
- .доно ва албатта бахтли булишлари шарт
- .Халкимизга тинчлик ва омонлик керак

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ

Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида – Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2011 йил нашрдан чиққан Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритиш арафасида ва ундан кейинги дастлабки ойларида (1989.24.06. 1992.04.01.) олиб борган фаолиятини акс эттирган китоби

Асарда Ўзбекистон мустақиллиги арафасида ва ундан кейинги дастлабки ойларида юртбошимиз олиб борган олиб борган сиёсий-ижтимоий фаолият, айти шу мураккаб тарихий даврда сўзлаган маъруза ва нутқлари, суҳбат, мақола ва интервьюлари ўрин олган(ЖАМИ 34 ТА).

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти бу каби асарларида жамият ривожланиши қонуниятлари, шарт-шароитлари ва омилларига амал қилиб келинган турли хил қараш ва ёндошувларга нисбатан янгича концептуал ғоялар асослаб берилди ва ишлаб чиқилганлигини қуйидаги ғоялар орқали кўриш мумкин: “Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди”¹ – деб таъкидлайди И.Каримов.

Демак жамият ривожланиши тўғрисидаги қарашларни ўзгартириш жамият ривожланиши билан боғлиқ коммунистик ғоя ақидалардан воз кечиш замон ўзгаришларини ҳисобга олишга алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, мавжуд анъанавий қарашларни ўзгартириш билан боғлиқ ғоялар ва қарашлар ўртага ташланади.

Бу янгича ғоя ва қарашлардаги ўзгаришларни олдинги қарашлардан тубдан фарқ қилишини алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки жамият ривожланишига форматсион қараш жамият ривожланиши қонунларини илмий асосда ҳолисона ўрганиш имкониятини бермайди. Яъни жамият ривожланиши фақат моддий ишлаб чиқаришга боғлаб бир томонлама таҳлил этилади. Бу оҳир оқибатда жамият тараққиётини “материалистик” ёки “моддийлик” нуқтаи назаридан тушунишга олиб келди. Маънавий омилнинг роли эса ҳисобга олинмади. Жамият ривожланишига форматсион қараш ғояси уни бир чизикли тушунишга асосланади. Тараққиёт моделлининг ҳилма-хиллигига асосланади. Ислоҳ Каримов асарларида жамият ривожланишини форматсион қарашнинг чекланганлиги “бундан кейин капитализм ҳам йўқ сотсиализм ҳам йўқ” деган фикрлари орқали унинг моҳиятини аниқ тасаввур этиш мумкин. Шунингдек жамият ривожланишини инсон омилига ҳам боғлиқлиги бу асосан инсон онги ва тафаккуридаги ўзгаришлар орқали илмий асослаб берилганки, жамият ривожланиши қонунларини тўғри тушунишга илмий-назарий жиҳатдан ёрдам беради. Республикамиз Биринчи Президенти Ўзбекистоннинг туб ўзгаришига бағишланган концептуал ғоялар қаторида халқимиз ва жамиятимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинишининг асослаб берилганлиги бўлди. У шундай таъкидлайди “Мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кескинлиги, уларнинг ўзига хос хусусияти бу муаммоларни ҳал этишга алоҳида ёндошувни тақозо этади. Турмуш шароити ва тарзининг миллий хусусиятлари Шарқ маънавиятига мансублик ҳам шуни талаб этади”. Айни пайтда у ана шу ўзига хос қуйидаги хусусиятларни аниқ кўрсатиб берган.²

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожланиши босқичлари қуйидагича асослаб берилди:

- ✓ 1989-1991 йиллар - Мустақиллик остонаси;
- ✓ 1991-2000 йиллар - Ўтиш даври босқичи;
- ✓ 2000-2007 йиллар - Мамлакатни модернизатсиялаш;
- ✓ 2007 йилдан ҳозиргача - Мамлакатда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш босқичи.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мутақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.

² Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, - 1999, 10-15 бетлар.

Бу босқичлар жамият ривожланишида ўзига хос маъно-мазмунга эга. Мустақил тараққиёт йўлида амалга оширилган муҳим ўзгаришлар билан характерланади. Масалан, 1989-1991 йилларда, яъни Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасидаги ўзгаришларни қўйидагиларда кўриш мумкин:

- ✓ 1989 йил 21 октябр ўзбек тилига “Давлат тили” мақоми берилди;
- ✓ Наврўз – умумхалқ байрами сифатида эълон қилинди ва б.
- ✓ 1990 йил 24 март Президентлик лавозими жорий этилди;
- ✓ Мустақиллик декларатсияси қабул қилинди;
- ✓ 1991 йил 31 август Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди.

Жамият тараққиётидаги туб ўзгаришларни амалга ошириш, ривожланиш қонунияти нуқтаи назаридан ёндошганда муайян ўтиш даврини зарурлигини тақозо этади. Бунда 1989-1991 ва 1991-2000 йилларни ҳисобга олиш зарур.

“Ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич – 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври, том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлди”.

- ✓ Ўтиш даврида авваламбор,
- ✓ Миллий давлатчиликнинг ҳуқуқий асоси яратилди;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди;
- ✓ Давлатчиликнинг маъмурий буйруқбозликдан бошқарувидан демократик бошқарувга ўтишнинг заминлари яратилди;
- ✓ Ижро ҳокимиятининг самарали тизими ва тузилмаларини яратилди;
- ✓ Суд ҳокимияти тизими шакллантирилди;
- ✓ Миллий хавфсизлик органлари шакллантирилди;
- ✓ Қишлоқ хўжалиги тубдан ислоҳ қилинди, ғалла мустақиллигига эришилди;
- ✓ Бозор иқтисодиётининг асослари яратилди;

Бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган молия ва банк тизими шакллантирилганлиги ва бошқалар билан асосланади. Ўзбекистон жамияти ўтиш даври вазифаларини амалга ошириб, жамият ижтимоий ҳаёти соҳаларида ўз негизда ривожлана бошлайди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти асарларида тараққиёт моделларининг хилма-хиллиги, тараққиётнинг “Ўзбек модели” асослаб берилган. Бунда “тараққиёт” тушунчасининг маъно-мазмунига алоҳида эътибор бериш лозим. Тараққиёт бутакдорланмас, маълум бир мақсадга йўналтирилган ҳамда моддий ва маънавий ҳаёт соҳаларининг ҳуқуқий ўзгариши, янги сифатларга яратишга олиб келувчи фалсафий категориядир. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти асарларида тараққиётнинг якка-ю ягона модели йўқ деган ғоя илгари сурилди.

Тараққиёт моделининг хилма-хиллигида “модел” тушунчаси тараққиёт, андоза, ривожланиш маъносини англатади. Бугунги дунё тараққиётида жамият ривожланиши билан боғлиқ турли хил моделлар эътироф этилган.

- ✓ “Европа модели”

- ✓ “Хитой модели”
- ✓ “Япония модели”
- ✓ “Шветсия модели”
- ✓ “Америка модели” ва ҳоказоларда кўриш мумкин.

“Ўзбек модели” эса ана шу жамият ривожланишининг ўзига хос кўринишидир ва ривожланишнинг ўзига хос йўлидир. Бу И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли” асарида атрофлича асослаб берилган. “Ўзбек модели” қуйидаги хусусиятлар билан характерланади:

1. Иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги ва унинг сиёсатдан устунлиги;
2. Давлат – бош ислохотчи;
3. Қонун устуворлиги;
4. Кучли ижтимоий сиёсат;
5. Ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш.

Жамият ривожланиши тўғрисидаги янги назарий ғоялар жамият ривожланиши бўйича мавжуд бўлган анъанавий қарашлардан тубдан фарқ қилади. Жамият ривожланиши тўғрисидаги қарашларнинг янгича илмий асосларга қўйишни тақозо этган шарт-шароит ва омилларни мустақиллик ва мустақил демократик тараққиёт йўлини танлаш, давр ва замон ўзгаришлари ва янгича талабларидан келиб чиққан ҳолда тўғри тушуниш ва талқин этиш мумкин. Демак, мустақиллик ва жамият тараққиёти тўғрисидаги қарашларни ўзгартириш зарурлиги Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлидан ривожланиши ўзига хос ва мос тараққиёт моделини ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Мустақил тараққиёт мамлакатни ўз негизида ривожланишини таъминлаш учун тегишли шарт-шароит ва омилларни яратиб беради.

Хулоса қилиб айтганда,

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида жамият ривожланиши тўғрисидаги ғоялар ва қарашлар янгича маъзун-моҳиятга эга бўлган концептуал ғоялар асослаб берилди. У анъанавий қараш ва ёндошувлардан моҳияти жиҳатидан фарқ қилади;

Иккинчидан, жамият ривожланиши обектив қонуниятларга эга. Уни ифодаловчи омилларни аниқлаш жамият ривожланишини тўғри белгилашга хизмат қилади. Ривожланиш жараёнларида бирон-бир омилни мутлоқлаштирмасликка, уни айрим сиёсий ва ягона мафкура, мақсадлардан холис бўлишга ёрдам беради;

Учинчидан, жамият ривожланиши муайян тараққиёт босқичларини ўз ичига олади. Ўзбекистон жамияти ривожланишида бу тарққиёт босқичлари ижтимоий ҳаёт соҳаларида турган турли вазифаларни амалга ошириш билан бир- биридан фарқ қилади; Тўртинчидан, янги жамият қуришнинг ягона “модели” йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар бир халқнинг ўзига хос хусусиятлари ва тараққиёт даражаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган “модел” гина самарали “ишлаши” мумкин. Бешинчидан, жамият ривожланиши турли хил ривожланиш моделларига эга бўлади, бу демократик принципларга тўла мос келади. Айти пайтда миллий ва жамият тараққиётининг мавжуд хусусиятларини ҳисобга олинишини ҳам тақозо этади. Бу ўз навбатида

халқнинг янги жамият қуришга ислохотлаштиради ва бирлигини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз янги тараққиёт босқичида ижтимоий бирдамлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда миллий ғоя зиммасидаги вазифалар борасидаги назарий фикрлари Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президентининг барча маъруза ва чиқишларида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги **“Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз”** мавзусида, 2016 йил 30 декабр куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан учрашувда билдирган фикр мулоҳазаларида, мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги **“Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”** деб номланган маърузасида, Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганлигининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги **“Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилидир”** деб номланган нутқида ҳамда 2017 йил 19 сентябр куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида ўз ифодасини топган.

Жумладан, Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил юртимизда **“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”** деб эълон қилинди. **“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”**нинг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари юзасидан ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлигига эътибор қаратилди. Бу борада аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усулларини жорий этишимиз даркор деб, ҳар бир туман ва шаҳарда **“Халқ қабулхоналари”**ни ташкил этиш ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаш йўлга қуйилди. Бу вазифаларни амалга оширилиши инсон манфаатларини устуворлигини таъминлашга шароит яратмоқда. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш ва инсон манфаатларини устуворлиги асосланган конституцион принципларимизга тула мос келади. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида республикаимизда янги қонунлар, қарор ва фармойишлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди, ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида **“Таълим ва тарбия, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спортни ривожлантириш масалалари, ёшларимизнинг чуқур билимга эга бўлиши, чет тилларини ва замонавий ахборот-коммуникатсия технологияларини пухта эгаллашини таъминлаш доимий**

устувор вазифамиз бўлиб қолади. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” дастуридан ёшларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш масаласи алоҳида ўрин эгаллаши табиийдир. Бу борада фарзандларимиз учун зарур шароитлар яратиш, янги-янги таълим- тарбия, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш, ёш оилалар учун уй- жойлар куриш, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш бўйича бошлаган ишларимизни янги, юксак босқичга кўтарамиз. Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз, деб алоҳида таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев ўзининг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак” асарида таълим ва илм-фан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш, таълимнинг янги, замонавий усулларини, жумладан, ахборот-коммуникатсия технологияларини жорий этиш соҳасидаги ишлар аҳволи танқидий таҳлил қилиб, бир қатор вазифаларни амалга оширишга эътибор қаратдилар. Биринчи вазифа – мактабгача таълим соҳасида. Очиқ тан олишимиз керак, биз бу муҳим соҳадаги ишларни эътибордан четда қолдирдик. Ушбу соҳада болаларни қамраб олиш 27 фоизни ташкил этади. Яқинда тасдиқланган дастурга кўра, бу йўналишда 2 минг 200 та муассасанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланади. Шунингдек, тажрибали педагог ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, ўқув режа ва дастурларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Олдимизда ёшларга тарбия бериш, психология ва бошқа турли соҳаларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мураккаб вазифалар турибди. Иккинчи вазифа – умумтаълим мактаблари, литсей ва касб-ҳунар коллежлари, шунингдек, олий ўқув юрларидаги ўқитиш сифати билан боғлиқ. Замонавий ўқув режа ва услубларини жорий этиш талаб даражасида эмас. Болалар ва ёшларга махсус фанлар, мамлакатимиз ва жаҳон цивилизацияси тарихини, хорижий тилларни ва замонавий компьютер дастурларини чуқур ўргатиш вазифалари ҳали сифатли ва тўлиқ ҳолда ечилгани йўқ. Яна бир муаммони ҳал этиш ҳам ўта муҳим ҳисобланади: бу – педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионал даражаси, уларнинг махсус билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий- маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий қадриятларни шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур. Учинчи вазифа – таълим муассасаларини, энг аввало, касб-ҳунар коллежларини оқилона жойлаштиришни, шунингдек, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва ҳар бир ҳудуднинг зарур мутахассисларга бўлган талабини тўғри аниқлашни танқидий таҳлил қилишдир.

Тўртинчи вазифа – нафақат академик илм-фанни, балки олий ўқув юрларидаги илм-фанни янада ривожлантириш. Бу ўринда иккита асосий вазифани ҳал этиш зарур: биринчи – илмий муассасаларнинг моддий-техник базасини илғор хорижий марказлар даражасида ва олимлар талабларига мувофиқ сезиларли равишда мустаҳкамлаш керак. Бунда, албатта, давлатнинг эҳтиёжлари ва унинг мақсадли вазифалари инобатга олиниши шарт; иккинчи –

академикларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, моддий рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Бешинчи вазифа – китобларни чоп этиш ва тарқатишдаги муаммоларни ҳал қилишдир. Бу ўринда гап, энг аввало, ёшлар ва аҳоли ўртасида мамлакатимизнинг бой тарихини, унинг бетакрор маданияти ва миллий қадриятларини кенг тарғиб қилиш, жаҳон илм-фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш ҳақида бормоқда. Бу борада замонавий компьютер технологиялари ва, айниқса, интернет тизими биздан анча илдамлаб кетганини ҳам инобатга олиш зарур. Ана шу вазифани ҳал этишда турли дарсликларни яратиш, уларни чоп этиш ва молиялаштириш масалаларида идоралар ўртасидаги ўзаро келишмовчилик, афсуски, жиддий тўсиқ бўлмоқда. Шу ўринда ҳаммамиз учун айти пайтда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони асосида қабул қилинган “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ”нинг бешинчи устувор йўналиши Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш масалаларига қаратилганлиги ҳам фикримизнинг яна бир ёрқин далилидир. Аслида ушбу бешинчи устувор йўналишнинг белгиланишида халқимиз миллий урф-одатлари, анъана ва қадриятларига таянилган. Зеро, халқимизда асрлар давомида сайқалланиб келаётган “қўшнинг тинч-сен тинч”, “тилам сотсанг қўшнингга сот, бир чеккасида ўзинг ўтирасан”, “Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшнинг афзал” каби мақоллари бежизга айтилмаган. Зеро, ғарб мамлакатларидан фарқли ўлароқ шарқда қариндош-уруғчилик ва қўни-қўшничилик каби қадриятлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Шариатимиз ҳам биз мўмин-мусулмонларни бир-бирларимизга яхшилик қилишга, қўни-қўшни, қариндош-уруғлар билан аҳилчиликда яшашга ундайди. Аксинча, мусулмонлар ўртасидаги муносабатларнинг узилиши ва бир-биридан юз ўгириш каби салбий иллатларни қоралайди.

Аслида ҳам жаҳонда катта ва кичик миллатлар ва элатлар йўқ. Уларнинг ҳар бири асрий барқарор ва тенги йўқ анъаналари билан, тарихий меросининг бойлиги билан, миллий руҳининг умумийлиги билан, маданиятининг ўзига хослиги билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 19 сентабр куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида таъкидланганидек, “Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир.

Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона муроа асосида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Биргаликдаги сай-ҳаракатларимиз туфайли кейинги ойларда минтақамизда сиёсий ишонч даражаси сезиларли даражада ошди. Кўплаб масалалар бўйича принципиал жиҳатдан муҳим ечимлар топишга эришилди”.

МАВЗУНИ ЎЗЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР:

1. Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш энг аввало унинг қандай асосларини мустаҳкамлашни талаб этади?

2. “Кучли давлатдан - кучли жамият сари” концепциясининг моҳиятини изоҳланг...

3. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов фуқаролик жамиятига қандай таъриф берган эди?

4. Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор?

5. Миллий ғоямизнинг маъно-мазмунини белгилайдиган асослардан бири – бу халқимизнинг қадимий бой тарихи эканлигини асосланг...

6. Тарихий манба деганда нимани тушунасиз?

7. Моддий ёдгорликларга нималар киради? Маънавий ёдгорликларга-чи?

8. Енг қадимги маданий, тарихий, адабий ёдгорлик ва бойликларимиз қандай асосий манбаларга таяниб ўрганилади?

9. Мафқурамизнинг тарихий, фалсафий, диний илдизларига мисоллар келтиринг...

10. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг неча жилддан иборат тўла асарлар жилди нашрдан чиққан?

11. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг яна қандай асарларини биласиз?

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз янги тараққиёт босқичида ижтимоий бирдамлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда миллий ғоя зиммасидаги вазифалар борасидаги назарий фикрлари ўз ифодасини топган маъруза ва нутқларини санаб ўтинг...

3-МАВЗУ: ЖАМИЯТ МАФКУРАСИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ

РЕЖА:

- 1. Жамият мафкурасида қадрият тушунчаси ва уни белгиловчи омиллар.**
- 2. Миллий ва умуминсоний қадриятлар.**
- 3. Ёшларда миллий ва умумбашарий қадриятларга содиқлик, ватанпарварлик фазилатларини мустаҳкамлаш.**

Таянч тушунча ва иборалар:

Мустақиллик, маънавият, ғурур, террор, миллат, озодлик, ғоя, мафкура, Ватан, демократия, дунёвий, садоқат, қарамлик, қадрият, бепарволик, инсонпарварлик, Миллий қадрият, умуминсоний қадрият, ватанпарварлик, миллий ғурур, анъана, урф-одат, удум, референдум, тасаввуф.

«Мафкура» тушунчаси арабчадаги «муфаккир», «муфаккиратув» сўзларидан олинган бўлиб, чуқур маъноли, теран мазмунли фикр демакдир. Муфкура тушунчасига фалсафий адабиётлар ва луғатда берилган таърифлар шакл ва мазмун жиҳатдан ҳар хил:

«Мафкура – жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар, миллатлар ва элатлар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, давлат ҳокимиятининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, эстетик, фалсафий қарашларининг тизимлаштирилган билимлар йиғиндисидан ташкил топади»

«Мафкура муайян ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад – муддаоларини, манфаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган ғоялар тизимидир»

Унинг мазмун-моҳияти Биринчи Президент Ислом Каримов асарларида батафсил ёритилган бўлиб, уларда айтилган пайтда жамият тараққиётининг бош йўналишини кўрсатувчи миллий истиқлол мафкураси тушунчасининг маъно-мазмунини ҳам очиқ берилган: «Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Бу конституциявий қоида бизнинг олдимизга миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифасини қўяди»¹

Ҳар қандай миллат, ҳар қандай халқ бор экан, унинг ўз манфаатлари, ўз мақсад ва орзу-идеаларига эга бўлиши табиий. Ана шу орзу-умидлар ва мақсадларни ифода этадиган, уларни руёбга чиқариш учун халқни сағарбар қиладиган ғоялар эса муайян мафкурага асос бўлади. Миллий истиқлол ғояси Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг туб манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-идеалларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади.

Шу маънода, «Ўзбекистон жамиятининг миллий истиқлол мафкураси, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодаладиган,

¹Қаримов И. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллани – миллат қилишга хизмат этсин. Т., «Ўзбекистон», 1998. 15-б.

унинг ўтмиши ва келажagini бир-бири билан боғлайдиган асрий орзу-истакларни амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар тизимидир».

Собиқ совет иттифоқи даврида Ислом дини, мусулмончилик ақидалари, миллий қадрият ва анъаналар бир чеккага суриб ташланди. Улар ҳақида гапириш у ёқда турсин, ўйлаш ва фикрлаш ҳам мумкин эмас эди. Иймон-этиқодимизга оид асарлар, миллий тарбия асосини ташкил қилувчи Қуръони Карим, Муҳаммад алайҳисалом ҳадислари, тасаввуф ва миллий, маърифий-ахлоқий илмлар акс этган китоблар, рисоалар териб олинди, ёқиб ташланди. Бу миллий тарбия ва тарбияшунослик соҳасидаги энг катта йўқотиш эди.

Юртимиз истиқлолга эришган саодатли бугунги кунда, мамлакатимиз халқларининг анъана ва маросимлари ўзининг қадимий кўринишларини тиклаб, жамиятимиз тараққиётини тезлаштирадиган буюк кучга айланмоқда, жамият ҳаётига шодлик, қувонч бағишлайдиган, уларда мустақиллик ва унинг медаларидан фахрланиш ҳиссини уйғотадиган анъана ва маросимлар кенг оммалашмоқда, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда таъсирчан омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллий қадриятлар халқнинг кундалик ҳаёти ва турмуш тарзида ўзига хос мезон вазифасини ўтайди. Ушбу қадриятлар воситасида турли ҳодиса ва ҳолатларга, янги пайдо бўлаётган фаолият турлари ва расм-русмларга баҳо берилади. Миллий ғояни объектив англашда қадриятлар ва маънавият оламини билиш ва уни амалий ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир қадриятнинг моҳияти ва аҳамияти табиат, жамият ва руҳий олам ҳодисаларини билиш, илмий умумлаштириш, ижтимоий ва маънавий тараққиёга таъсир этиш имкониятлари асосида белгиланади¹.

Умуман, қадриятларнинг хилма-хил шакллари мавжуд: моддий ва маънавий, миллий, минтақавий, умумбашарий қадриятлар. Жамият ҳаётининг соҳалари бўйича: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий, қадриятлар, ижтимоий онг шаклларига мос келадиган ахлоқий, диний, ҳуқуқий ва бошқа қадриятлар.

Ҳозирги замонда илғор давлатлар ҳаётининг демократик тамойиллари ҳам инсон қадрини нечоғли юксакликка кўтариши билан баҳоланади. Мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар, ислохотларнинг моҳияти ҳам ана шу тамойилдан келиб чиқади. Бу тамойилни амалга оширишда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига асосланган янгича дунёқараш, соғлом тафаккурнинг шаклланиши катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Биринчи бўлим, II боб, 13-моддасида. Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади²- деб, таъкидланган. Демак, демократик давлатда халқ, давлат ҳокимиятининг асосий манбаи бўлиб, умуминсоний тамойилларини амалга

¹Назаров Қ., Очилдиев А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар. – Т.: «Янги аср авлоди», 2002, (177-178 – бетлар).

²Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон” 2017 й, 5-бет

ошириш орқали инсон ва жамият фаровонлигини, барча халқнинг турмуш даражасини ошириб боришга эришади.

Қадриятлар ичида энг биринчи ва энг умумийси ҳаётнинг ўзидир, чунки ҳаётдан маҳрум бўлиш қолган барча қадриятлардан фойдаланишни йўққа чиқаради... қолган қадриятлар, аслини олганда, ҳаёт неъматларининг моҳиятидир, маданий қадриятлардир”¹

Инсон шундай бир борлиқки, табиатда ундан улуг ва мўътабар бошқа бирон бир мавжудот йўқ. Инсон табиат яратган жаъми мўъжизаларнинг султони, жумлаи жаҳон деб аталувчи табиатнинг гултождир.

Маълумки, қадриятлар ўз моҳиятига кўра хилма-хилдир. Улар орасида табиий, моддий, маънавий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қадриятлар алоҳида ажралиб туради. Бироқ, шундай бўлса-да, қадриятларнинг энг олийси инсоннинг ўзи, унинг ҳаёти, ҳуқуқи ва эрки, соғлом ва фаровон турмуши ҳисобланади. Инсон кадр-қимматини, шарафини улуғлаш – жамиятимиз покланиши ва равнақининг муҳим омилдир. Буни биз кундалик ҳаётимизда кўриб турибмиз²

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган «Конституция – халқимизнинг сиёсий-ҳуқуқий тафаккури маҳсули, асрий қадриятларимизнинг беқиёс тимсолидир» мавзuida маърузасида йигирма беш йил – тарих учун бир лаҳза, холос. Шу қисқа даврда жонажон Ўзбекистонимиз мустақил ва суверен давлат сифатида шаклланиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади, том маънода улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Ана шу машаққатли ва шарафли йўлда эришган барча ютуқларимизни энг аввало Конституциямиз билан боғлашимиз албатта бежиз эмас. Нега деганда, Асосий қонунимиз халқимиз узоқ йиллар орзу қилган миллий мустақиллигимиз ва ривожланиш йўлимиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини белгилаб берди.

Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси дир. У ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва осойишта, фаровон яшашнинг қонуний кафолати бўлиб келмоқда.

Бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда³

Шунингдек, маърузада халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлаш бўйича фикр бидирар экан, айнан шу мақсадда биз тараққиётнинг янги босқичига кадам кўяр эканмиз, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилинганлиги, мазкур ҳужжат моҳиятига кўра, жамият ҳаётининг барча

¹Маврунов А. Маънавий соғломлаштириш даври. – Т., 1994, 3-бет.

²Жондор Тўланов. Қадриятлар фалсафаси.Т., Ўзбекистон, 1998, 333-бет.

³Ш.Мирзиёев.«Конституция – халқимизнинг сиёсий-ҳуқуқий тафаккури маҳсули, асрий қадриятларимизнинг беқиёс тимсолидир» мавзuida маърузаси 2017 йил 8 декабр.

соҳаларидаги тизимли ислоҳотларнинг “йўл харитаси”га айланганлиги таъкидланган..

Маърузада Давлат ҳокимияти тизимида мутлақо янги институт – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Ушбу тузилмалар барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фуқаролар билан ҳамкорлик қилиш, аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этишнинг самарали тизимига айланганлиги, ҳокимиятнинг халқ сайлаган вакиллик органлари – парламент, халқ депутатлари кенгашларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва аҳамияти тубдан ўзгарганлиги, Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ваколатлари босқичма-босқич кенгайтирилиб бораётганлиги, парламент ва жамоатчилик назорати институтлари мустаҳкамланганлиги, Суд тизимида, ягона суд амалиётини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди бирлаштирилганлиги, иқтисодий соҳада, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти таъсис этилганлиги, Конституциямизнинг 53-моддасида «Давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлиги ва муҳофаза этилишининг кафолати», деб белгилаб қўйилган. Бу фикрнинг амалий исботи сифатида жорий йилда миллий валютамиз – сўмнинг эркин конвертациясига йўл очилганлиги, шунингдек, Республикамизда “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармон қабул қилинганлиги, жамият адолат устуворлигини янада мустаҳкамлаш борасида, ижтимоий адолат – бу сиёсий қараши, жинси, миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглигини таъминлашдир. Бу – таълим, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги имкониятлар тенглигидир. Бу – кафолатланган меҳнат фаолияти эркинлиги, мансаб лавозимлари бўйича кўтарилиб боришдаги имкониятлар тенглигидир. Энг муҳими, бу – кекса авлод вакиллари ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар тўғрисидаги ғамхўрликдир деб таъкидлаб ўтди.

Ушбу юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан кўриниб турибдики, бугун биз кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари борар эканмиз, мустақил Республикамизда ёшлар онгида миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, ватанпарварлик, миллий ўзликни англаш, Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон жамиятни барпо этишимизда, жамият манфаати, келажаги, барқарорлиги, тараққиёти учун хизмат қиладиган қадриятларни ёшларимиз онгига кенгроқ сингдириб боришимиз зарур.

Қадриятларнинг моҳияти, мазмуни, намоён бўлиш шакллари билан боғлиқ муаммоларнинг таҳлили узоқ тарихга эга. Кишилар қадим замонларданок ўзларини ўраб турган олам, ундаги нарса, воқеа ва ҳодисалар, одамлар ўртасидаги муносабатларга баҳо берганлар, уларнинг қадри тўғрисида фикр юритганлар. Замонлар ўтиши, жамият ривожини давомида бу борадаги муаммолар кўпайган, уларни ҳал қилишнинг аҳамияти ортаверган. Қадриятлар

мавзуси бир қатор дунёқарашларнинг асосида ётган, уларнинг марказий қисмини ташкил қилган. Кўпгина фалсафий оқимлар ва мутафаккирлар ҳам бу мавзуни четлаб ўтмаганлар.

Қадриятлар муаммосининг фалсафий-тарихий таҳлили заминимизда яратилган қадимги нақллар, ривоятлар, афсона, ҳикоят, дostonларга, яъни халқ оғзаки ижоди намуналарига бориб тақалади. Халқ оғзаки ижодида кўпроқ умумбашарий ва умуминсоний қадриятларга эътибор берилган, уларнинг моҳияти, мазмуни турлича талқин қилинган. Спетамен, Алпомиш, Тўмарис ва Широқ тўғрисидаги дostonларда ватанпарварлик, халқ ва юрт озодлиги учун фидоийлик руҳи бадиий тасвирланган. «Бу дostonларни қадимги юнонларнинг «Илиада» ва «Одиссея» дostonлари билан қиёслаш мумкин»¹

Қадимги одамлар борлиқ тўғрисида ўйлаганларида, афсона, ҳикоят ёки дostonлар сўйлаганларида оламнинг қадри, унинг чексизлиги, коинот ва одамзод алоқалари, инсон умрининг маъноси, мазмуни, мақсади ҳамда ботирлик, оқиллик, ҳокисорлик, яхшилик, вафодорлик, ватанпарварлик каби қадриятларга изоҳ берганлар, ҳатто уларнинг баъзиларини илоҳийлаштирганлар. Қадриятлар мавзуси диний дунёқарашлар ва уларнинг энг қадимги шаклларида ҳам ўз аксини топган, ҳар бир дин ўзига хос илоҳий қадриятлар тизимига эга. Улар бир-бирларидан ана шу динларининг асосий китоблари Қуръон, Инжил, Веда, Упанишад ва бошқаларда муайян илоҳий қадрият тизимлари ўз ифодасини топган. Динларнинг тарихий шакллари такомиллашиб боргани сари, улардаги қадриятлар тизими ҳам янги қирраларини намоён қилиб бораверган.

Шу ўринда “қадрият” атамасига таъриф берадиган бўлсак, у арабча «қадр» сўзидан олинган бўлиб, борлиқ ва жамиятдаги бирор-бир нарса ва ҳодисани жамиятда, кишилар ўртасидаги ўзаро ижтимоий муносабатларда тутган муҳим аҳамиятини ифода этиш учун қўлланилган

Ислом Каримов айтганидек, “Тарих синовларидан ўтган, миллий манфаатларимиз, бугунги ва эртанги орзу-интилишларимизга, тараққиёт талабларига тўла жавоб берадиган, йиллар ўтгани сари қадри ортиб борадиган ғоя ва тушунчаларни қадрият деб биламиз”² Ҳар бир мамлакатда ҳар бир миллатнинг асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб келаётган ўз қадриятлари бўлиб, ушбу қадриятлар асосида миллат қадрланади ҳамда обрў-эътиборга эга бўлади. Аммо қадриятларидан жамият тараққиёти учун қай даража-да фойдаланаётганликлари катта аҳамият касб этади. Миллий қадриятларга ҳурматсизлик, унинг қадр-қимматини билмаслик нима-ларга олиб келиши яқин ўтмишдан бизга аён дидир. Миллат руҳи синган, боболар қалб кўрининг меваси бўлган юксак неъматнинг оёқ ости бўлиши ҳеч кечирилмас ҳолатдир.

Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз

¹Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1995. 6-бет.

²Ислом Каримов Юксак маънавият-енгилмас куч Т.: “Манавият” 2008 й 82-бет

истикболини тўлиқ тасаввур эта олмайди. Айниқса, Шарқда халқнинг минг йиллик миллий қадриятлари ўша халқ учун кадр-қимматга молик маънавият манбаи бўлиб хизмат қилиб келган. Ўзбек халқи яқин-яқингача давом этган кучли мафкуравий тазйиқларга қарамай, авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Ўзбек халқи миллий қадриятларини асрлар давомида қалбида доимий равишда асраб-авайлаб келди ва уларнинг умумбашарий қадриятлар сафидан жой олишларига эришди. Миллий қадриятлар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган маънавий асослардан биридир.

•Миллий қадриятлар намоён бўлиши ҳамда тарихий тараққиёти босқичида, айрим ўзига хос хусусиятларни мужассамлаштиради. Улар қўйидаги хусусиятлардир:

•Миллий қадриятлар, маълум бир этник маконда шаклланиб, турли кўринишда намоён булади ва ана шу этник ма- конда яшовчи кишиларнинг онгига ҳамда турмуш тарзига ўзи- га хос тарзда таъсир этади;

•Миллий қадриятлар, бир миллатга мансуб бўлган кишиларнинг ижтимоий муносабатларида кўзга ташланади ва улар ана шу муносабатларнинг натижаси ўларок, ўз мақсад-муддао- ларига эришади;

•Миллий қадриятлар, ижтимоий ривожланиш жараёнларида ўзгариб, жамоанинг манфаатларига мос ҳолда янгиланиб, такомиллашади ва келгуси авлодларга мерос бўлиб қолади;

•Миллий қадриятлар, иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа соҳаларда эришилган муайян натижаларнинг манбаи сифатида ҳам намоён бўлиши мумкин;

•Миллий қадриятлар, мазкур миллатнинг руҳиятини ўзида мужассамлаштирган ҳолда, бошқа миллат вакилларида мавжуд бўлмаган ички ботиний ҳис-туйғуларни ҳам ўзида акс эттиради¹

Қ.Назаров миллий қадриятлар тизимининг, нисбатан барқарор ҳолатида, қуйидаги шакл ёки таркибий қисмларни ажратиб кўрсатади:

1. Миллатнинг генофонди, табиий бетакрорлиги, ўзига хослиги, тарихий ўзгарувчанлиги ва ижтимоий ранг-баранглиги;

2. Миллат тарихи, ўтмиши, келажаги ва маънавий мероси;

3. миллий ҳудуд, моддий ва маданий яшаш шароитлари, иқтисодий асос ва ижтимоий устқурма билан боғлиқ жиҳатлар;

4. Урф-одатлар. Анъаналар, маросимлар, турмуш тарзи ва бошқлардаги миллийлик, улар билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлар;

5. Миллий тил, миллий маданият ва маънавият, миллат онг ва миллий рух, миллий туйғулар ва ғоялар²

¹И.Кўнғиров Миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга таяниш- Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг муҳим шарт. Ўқув- услубий кўлланма. – Т.: ТМИ 2009, 13- бет

²Қ.Назаров. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология) М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети, Фалсафа факультети Ресурс маркази «Ризограф» Тошкент 2004 йил 41-бет

Умуминсоний кадриятлар категориясининг мазмунини ўрганиш учун аввало, «умуминсонийлик» тушунчасининг маъносини таҳлил қилмоқ лозим. Бу тушунча жамиятнинг асосий жиҳатлари, турли ижтимоий сифатлар, хусусиятлар ва бошқаларнинг умуминсоний характерга эга эканлигини англатади. «Умуминсонийлик» тушунчасида кадриятларни тирик табиатнинг бир қисми бўлган одам зотининг ҳаёти ва камолоти ҳамда тарихий, сиёсий ва бошқа бирликлар (ижтимоий субъектлар) учун аҳамияти ҳам ўз аксини топади. Шу билан бирга умуминсонийликда умумижтимоий муносабатлар, таълим-тарбия ва маънавий-ахлоқий жиҳатлар, ижтимоий муҳитнинг энг умумий томонлари билан боғлиқ сифатлар ҳам акс этади. Бир сўз билан айтганда умуминсонийлик одамлар учун умумий бўлган мезонлар, объектив ҳолатлар, хусусиятлар, шарт-шароитлар ва бошқаларни ўзида акс эттирадиган тушунча сифатида ишлатилади.

Умуминсоний кадриятлар барча халқлар учун ижобий аҳамият касб этувчи, инсониятнинг умумий манфаатига мос келувчи мод-дий ва маданий ҳодисалар, мезонлар, кадрли жиҳатларнинг устувор бўлишига таянган ғоялар асосида шаклланган фаолият мажмуидир¹

Умуминсоний кадриятлар инсоният тарихининг яхлитлигини ифодалайди, даврлар ўтиши ва ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши билан бир қаторда такомиллашиб, ривожланиб, тобора кўпроқ халқларни, миллатларни, инсонларни яқинлаштирувчи, бирлаштирувчи ва камол топтирувчи буюк кучга айланиб боради. Инсонпарварлик ва ижтимоий адолат, эркинлик ва озодлик, барқарорлик ва фаровонлик, эзгулик ва тараққиётга бўлган интилиш умуминсоний кадриятларнинг муҳим томонларидан биридир.

Қ.Назаров умуминсоний кадриятларнинг намоён бўлиш шаклларини ўрганишда қуйидагиларга эътибор бериб ўтган:

- бутун инсониятга хос бўлган табиий-тарихий жиҳатлар, яъни инсон вужудининг тириклиги, сиҳат-саломатлиги, ижтимоий фаолиятга қобиллиги, онги, билим, муомала воситаси;
- маданият, маънавият, фан, дин, ҳуқуқ, сиёсат, мафкура ва ижтимоий оннинг бошқа шакллари билан боғлиқ ютуқлар, кашфиётлар. Яратилган бойликлар, таълим-тарбия ва маънавий камолтнинг йўналишлари, усуллари, воситалари;
- инсоният ривожининг ҳозирги даври билан боғлиқ минтақлар, ижтимоий тузумлар, давлатлар олдида турган ва бутун жаҳон аҳамиятига молик энг умумий оламшумул муаммолар, долзарб вазифалар, келажакнинг истиқболлари;
- сайёрамиз худудлари, давлатлари ва ижтимоий тузумларидан қатъий назар, ҳамма учун умумий фойдаланиш имконини берадиган универсал технологиялар, ишлаб чиқариш, бошқаришни ташкил қилиш, космонавтика, ЭҲМ, кибернетика ва бошқа йўналишлардаги умумжаҳон аҳамиятига эга бўлган жараёнлар²

¹И.Кўнғиров Миллий ҳамда умуминсоний кадриятларга таяниш-Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг муҳим шарт. Ўқув-услубий кўланма. – Т.: ТМИ 2009, 14-бет

²Қ.Назаров. Кадриятлар фалсафаси (Аксиология) М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети, Фалсафа факультети Ресурс маркази «Ризограф» Тошкент 2004 йил 34-35 бетлар

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг етакчи олимлари томонидан демократиянинг миллий, умумбашарий тамойилларини ҳар бир ҳақнинг кадриятлари билан уйғунлаштириш ва тўлдириш борасида бир мунча ишлар қилинди. Демократиянинг муҳим умумжаҳон эътироф этган тамойиллари мавжуд. Булар қуйидагилар:

- эркин ва адолатли сайловлар;
- очик ва ҳисобот берувчи ҳокимият;
- инсон ҳуқуқларининг устуворлиги;
- ҳокимият органларининг сайланиб қўйилиши;
- сўз, матбуот ва виждон эркинлигининг Конституция ва қонунлар билан кафолатланиши;
- қонун устуворлиги;
- фуқароларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлари мавжудлиги ва тенглиги;
- тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг сайлаб қўйиладиган органлар олдида ҳисоб бериш бурчлилиги;
- кўппартиявийлик тизимининг мавжудлилиги;
- умуммиллий масалаларнинг ҳал этилишида референдумларнинг ўтказилиши;
- мулк шаклларининг хилма-хиллиги ва уларнинг тенглигини таъминловчи қонунларнинг мавжудлиги;
- сиёсий муҳолифатнинг очик фаолият кўрсатиши;
- жамиятда плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллиги, ранг-баранглигини кафолатловчи қонунларнинг мавжудлиги ҳамда уларни амалий ҳаётга жорий этиш масалалари самарасининг ортиши.

Демак, миллий кадриятларимиз юқоридаги тамойилларнинг таъсири ўлароқ бойиб боради ва умумбашарий кадриятлар билан уйғунлашади. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, курраи заминнинг кўпчилик халқлари каби ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Демократик жамиятни шакллантиришда, авваламбор, мамлакатимиз тараққиётининг ўзига хос миллий кадриятларини жаҳонда кечаётган умуминсоний кадриятлар билан уйғунлашаётганини назардан қочирмаслик керак.

Миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлиги демократик ривожланишнинг асосидир, чунки миллий кадриятларнинг умумбашарий кадриятларга айланиш жараёни шунчаки амалга ошмайди. Қачонки миллий кадриятлар демократик тамойилларга асосланса, у умуминсон манфаатига хизмат қилсагина умумбашарий кадриятлар сафидан жой олади. Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, миллий ва умуминсоний кадриятлар ўртасидаги чегарани аниқлашга ҳаракат қилиш қийин ва самарасиз ишдир. Чунки миллий ва умумий кадриятлар амалда, ҳаётда шунчалик уйғунлашиб кетганки, миллий кадриятлар қаерда тугайди-ю, умуминсоний кадриятлар қаерда бошланади, деган фикрни асослаш машаққатли иш. Миллий кадриятлар ҳам аслини олганда умуминсоний аҳамиятга эга. Умуминсоний мазмун-моҳиятдан маҳрум кадриятлар миллат манфаатига хизмат қилмайди. Фақат миллий кадриятларни таҳлил қилиш

орқали биз ҳар бир халқ, миллатнинг ўзига хос такрорланмас белгиларини аниқлашга мувофиқ бўламиз.

Республикаимиз Президентининг 2016-йил 14-сентябрда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. У 4 боб ва 33 моддадан иборат бўлиб, унда ушбу қонуннинг мақсади, қонун ҳужжатлари, асосий тушунчалари, асосий тамойиллари ва йўналишлари батафсил ёритилган. Ушбу ҳужжатда юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган навқирон авлодни вояга етказиш, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги нуфузи ва рақобатбардошлигини ошириш кўп жиҳатдан ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини юксалтиришга боғлиқ. Ёшларни юртимиз тараққиётининг етакчи кучига айлантириш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши йўлидаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Бунинг исботи ўларок, юртимизда иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантиришга, ёш авлоднинг замонавий дунёқарашини, ижодий ва шахсий хусусиятларини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлигида кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизда ишлаб чиқилган қатор фармон ва қарорлари ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий истиқлол ғояси, ўз Ватани ва халқига меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга, уни ҳар томонлама – жисмонан, маънан ва руҳан баркамол этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга йўналтирилган, уларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини кафолатлашга хизмат қиладиган ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий, ғоявий-мафкуравий тадбирлар тизимли тарзда амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Айни пайтда, давлат дастурлари доирасида ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш масалалари билан боғлиқ комплекс чора-тадбирлар ҳам юксак самара ва сифат билан рўёбга чиқарилаётганини қайд этиш лозим. Инсон онги ва қалби учун кураш глобал характер касб этган бир даврда бундай масалаларга эътибор берилиши бежиз эмас, албатта. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, собиқ мустамлака тузуми давридаги коммунистик мафкура халқимизнинг бой маънавий мероси, қадриятлари, анъаналари, урф одатлари ва тилига бўлган муносабатининг қандай бўлганлигини тарихдан билишимиз мумкин.

Мустақилликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этиш мамлакатимиз аҳолисининг асосий мақсадидир. Бу эса, ёшларнинг фаоллигисиз амалга ошмайди. Ёшлар фаоллигини таркибий қисмларидан бири бу – ватанпарварликдир. Ёшларимиз онгига ватанпарварлик ғоясини чуқур сингдириш долзарб вазифаларимиздан биридир. Бунинг учун

ватанимиз ҳудудида фаоллик кўрсатган ўнлаб, юзлаб буюк алломаларимиз, саркардаларимиз, давлат арбобларининг ҳаёт - фаолиятлари мисол бўла олади.

И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешиklarидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмақда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминда не – не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди”¹ Ватанпарварликни ана шу алломаларнинг бой маънавий меросидан, ўғитларидан, халқ оғзаки ижодидан ўрганиш лозим.

Аввало, ватанпарварликни тушуниш учун Ватан сўзига эътиборни қаратайлик. Унга турлича ёндашувлар мавжуд. Ю.Ғ.Маҳмудов, Х.Ж.Худойқулов, Э.Ж.Холмирзаев, З.Ж.Холмирзаев, О.Ж.Суюновлар Ватан сўзига қуйидагича ёндашганлар: “Ватан – бу инсон ва унинг авлод – аждодлари яшаган, киндик қони тўкилган муқаддас даргоҳ. Ватан – бу аждодлар маскани, эл – юрт, халқни вояга етказган жой, унинг тили, тарихи, маданияти, урф – одатлари, қадриятлари чинакамига шаклланиб, ўсиб, камол топиб борадиган замин”²

Таниқли олимлар М.Имомназаров ва М.Эшмуҳаммедовлар Ватан тушунчасининг илоҳий талқинини ўзига хос ҳолда тавсифлаган. Масалан, дейди улар, - тасаввуф тариқатларидан бўлмиш Нақшбандия пирлари наздида руҳ учун бадан Ватан. “Сафар дар Ватан”, дейди ҳазрати Баҳовуддин устозлари изидан бориб, яъни инсон руҳи баданни, моддий вужудни тарк этмаган ҳолда Ҳақ билан бирлашуви, кўнгил кўзгусини поклаб, унда Ҳақ жамоли акс этишига эришуви лозим. Бу ерда инсон вужудини қанчалик пок тутиши лозим бўлса, Ватан шаъни ва қадрини ҳам шундай пок тутиши лозимлигига ишора бор. Нопок вужудда пок руҳни тасаввур этиш қийин”³

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг “Ватан – саждагоҳ каби муқаддасдир” номли асарида шундай дейилган: “Диёримизда яшаётган ҳар бир инсон, ким бўлишидан қатъий назар, шу заминда вояга етган, унинг сувини ичган, нонини еган, тузини тотган ватанпарвардир”. Демак, ҳақиқий ватанпарварлик Ватан олдида ўзини оқлашдир! Ватанпарварликнинг энг олий кўриниши – Ватан учун жон ҳам фидо қилишдир”⁴

Тўғри, Ватан, ватанпарварлик ҳақида том – том асарлар яратилган. Аммо ҳар бир даврнинг ўз талаби зарурияти бордир. Шу маънода ватанпарварлик ҳақида доимий равишда фикр юритилса ҳам фойдадан холи бўлмайди.

1

²Маҳмудов Ю.Ғ., ва бок. Миллий ғурур – маънавий комиллик мезони. Тошкент: Дизайн – Пресс, 2001.- Б. 95.

³Имомназаров М., Эшмуҳаммедов М. Миллий маънавиятимиз асослари. Тошкент: “Маънавият”, 2003. – 281-291 бб

⁴Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996. – Б. 78-82 бб

Аждодларимиз томонидан ватанпарварликка қандай ёндашилганини таҳлил қилсак, мавзуимизнинг кўп жиҳатлари яққол очилади. Чунки, ватанпарварлик халқимизнинг тарихий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Буюк шахслар Спитамен, Широқ, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Темур Малик, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқалар ватанпарварлар сифатида кўз ўнгимизда гавдаланади. Шу ўринда профессор З.Давроновнинг “Баркамолликка даъват мактублари”дан қуйидагиларни келтириш мумкин: “Ватанинг билан фахрлан. Шу Ватанда ўзларининг илмлари, инсонийлиги, қўрқмас ва ботирлиги, меҳмондўстлиги, инсонпарварлиги, диний қадриятларни эъозлаши билан нафақат мусулмон, балки дунё халқлари ўртасида ҳурматга сазовор бўлган шахслар вояга етган. Сен эса уларнинг муносиб авлодларидансан. Демак, Ватанинг мўъжизалар маконидир”¹

Ватанпарварлик тушунчасини янада кенгроқ тушуниш учун Фурқат, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов асарларидаги қаҳрамонлар образларини мукамал ўрганиш лозим.

Юқорида эслатганимиздек, ватанпарварлик она юртига содиқлик деганидир. Содиқлик эса инсоннинг кундалик ҳаётида, турмуш тарзида намоён бўлади. Бу, Ватан тушунчасига ҳам алоқадордир. Сохта ватанпарварлик эса ҳар бир халққа зиён ва заҳмат келтиради. Ватанпарварлик инсоннинг қон – қонига сингиган бўлиши керак. Шу ўринда Ислом Каримовнинг: “Томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урмаган одамдан жасорат кутиб бўлмайди. Биз шундай муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, ҳар бир фуқаро қиёфасида озод ва обод Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни яшнатиб турсин. Ҳар бир инсоннинг ўз ватани бўлгандагина, у ҳақиқий ватанпарвар бўла олади”²

Ёшларда ватанпарварлик тушунчасининг мазмун-моҳиятини англантишда, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда қуйидагилар муҳим:

- ўз халқи ва ватанининг тарихини яхши билиши ва у билан фахрланиши;
- қадимий ёдгорлик ва обидалар, бетакрор иморатлар, аждодлар яратган моддий ва маънавий меросларни кўз қорачиғидай асраш ва уларни авлодларга асл ҳолида тақдим этиш;
- халқимиз ва аждодларимизнинг гўзал ва пурмаъно анъаналари, урф – одатлари ва удумларини қадрлай билиш, уларни давом эттириш ва бойитиш;
- шу азиз юртни ҳимоя қилиб, томирида охириги қони қолгунча душманга қарши курашган баҳодирларни, аёвсиз жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонлар номини ёд этиш, уларнинг руҳини шод этадиган ишларни амалга ошириш;
- ўтган асрнинг шўролар ҳокимияти ҳукмронлик қилган йилларида халқимиз ва миллатимизга қарши уюштирилган қатағонларни, қамоқ ва сургун азобларини бошидан кечирган ва ҳалок бўлган минглаб миллатимиз фарзандларини унутмаслик;

¹Давронов З. Баркамолликка даъват мактублари. Тошкент: Иқтисод-Молия, 2011. – Б. 5.

²Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996. – Б. 78-82 бб

- ватанимизнинг табиий бойликлари ва тупроқ, сув, ҳаво ҳамда гўзал табиатига оқилона муносабатда бўлиш, уларни асраб – авайлаш, тежамкорлик ҳисси билан ёндашиш;

- фидокорона меҳнат, илм ва ижод билан ватанининг дунё ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш ва шаънини орттириш каби мақсад ва вазифалар кун тартибидан доимий ўрин олиш керак¹, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки, бизнинг миллий хусусиятларимиз умуминсоний қадриятлар билан боғланиб кетган. Асрлар давомида халқимиз умумбашарий, умуминсоний қадриятлар тақомилига улкан ҳисса қўшган. Турли миллат вакилларига ҳурмат, улар билан баҳамжихат яшаш, диний бағрикенглик, дунёвий билимларга интилиш, ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш каби ҳислатлар ҳам халқимизда азалдан мужассам. Шундай экан бугунги кунда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларнинг онгига Ватан туйғусини сингдиришда миллий ва умуминсоний қадриятларимизнинг ўрни бениҳоя каттадир.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлари:

1. Мафкуравий фаолиятни амалга оширишнинг замонавий технологиялари.
2. Мафкуравий муносабатларда миллий ва умуминсоний манфаатлар бирлигини таъминлаш масалалари.
3. Ўзбекистонда миллий маданий марказларнинг ташкил қилиниши.
4. Нодавлат ноижорат ташкилотлар (ННТ)нинг ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларни шакллантиришдаги ўрни масаласи.
5. Ёшларда Ватан равнақи ғоясининг шаклланишида миллий қадриятларни ўрни масаласи
6. Инсонпарварлик ва ижтимоий адолат, эркинлик ва озодлик, барқарорлик ва фаровонлик, эзгулик ва тараққиётга бўлган интилиш умуминсоний қадриятларнинг муҳим томонларидан бири эканлиги.

¹А.Раҳманов. Ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг айрим жиҳатлари. ЎЗМУ Хабарлари №1, 2012 й

4-МАВЗУ: ҒОЯЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ ВА МАҒКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТГА ТАЪСИРИ

РЕЖА:

1. Ижтимоий тараққиётда ғоялар хилма-хиллиги ва унинг демократик характери
2. Мағкуравий жараёнлар ва мағкуравий курашлар
3. Миллий ғоя - коррупция қарши курашнинг муҳим омили

Таянч тушунча ва иборалар:

Ғоя, ғояларнинг шакллари: диний, бадий, илмий, фалсафий ғоялар, ижтимоий- сиёсий ғоялар, миллий ғоя, мағкура, мағкуранинг тарихий шакллари, монизм, плюрализм, материализм, идеализм, шовинизм, фашизм, болшевизм, ақидапарастлик, маҳалийчилик, коррупция, порахўрлик, пора.

Ғоя - идея, фикр, қараш ва ҳ.к. **Мағкура** - «муфаккир», «муфаккиратун», муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, давлат, жамият мақсад, интилиши. **Идеологизация** - мағкуралаштириш. **Деидеологизация** - мағкурасиз. **Реидеологизация** - қайта тиклаш, миллий ғоя ва мағкурага эътибор. **Регрессив** - реакцион, антидемократик. **Валюнтаризм** - объектив тараққиёт қонунларни рад этувчи оқим. **Фатализм** - тақдирга тан бериш. **Фундаментализм** - «соф» исломни тиклаш. **Прагматизм** - воқеликни тажриба «онг оқими» деб талқин этувчи. **Экзистенциализм** - мавжудлик, эркинликка эришиш. **Бунёдкор ғоялар ва мағкураларнинг жамият ҳаётидаги ижобий таъсири.** Ғоя ва мағкуранинг тарихий шакллари, мазмун-моҳиятини азал-азалдан эзгулик ва ёвузлик, бунёдкорлик ва вайронкорлик ўртасидаги кураш диалектикаси белгилаб келади, яъни босқинчилик, бошқалар ҳисобидан бойиш, тажовузкорлик, ақидапарастлик мағкураларига қарама-қарши ўлароқ, озодлик, мустақиллик ва адолат ғоялари узлуксиз майдонга чиқиб, халқларнинг музаффар байроғига айланган. Бунёдкорлик ғоялари инсонни улуғлайди, унинг руҳига қанот бағишлайди.

Бунёдкор ғоя деб, инсонни улуғлайдиган, унинг куч-ғайрати ва салоҳиятини ошириб, халқи, Ватани, бутун инсоният учун фойдали ишлар қилишга сағарбар этадиган, ўзида меҳнат, тараққиёт, дўстлик, тинчлик, адолат, ҳалоллик каби эзгу мақсадларни мужассам этадиган ғояга айтилади.

Бунёдкорлик ғоялари юртни обод, халқ ҳаётини фаровон қилишдек олижаноб мақсадлар билан ажралиб туради. Улар инсоният цивилизацияга эришган даврлардан буён жамият ҳаётининг энг эзгу ғоялари сифатида яшаб келмоқда. Ислом Каримовнинг «Ўзбек том маънода бунёдкордир» деган сўзларида ҳам ана шу боқий ғояларнинг маъно-мазмуни ўз ифодасини топган. Бундай бунёдкорлик халқимизга ота-боболаридан меросдир.

Инсоният тарихида одамлар онги ва шуурига адолат, ҳақиқат, эзгулик, меҳнатсеварлик каби юксак ғоялар уруғини сепган зот, пайғамбар Зардўшт яратган «Авесто» китобида қуйидаги сатрлар мавжуд: «Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу ишлар билан эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу ишни алқайман. Ўзимни бори эзгу

фикрга, эзгу сўзлар (айтиш)га, эзгу ишлар амалига бахшида қиламан, барча ёмон фикрлардан, ёмон сўзу ёмон ишлардан юз ўгираман». Бу юксак ғоялар бундан 2700 йил муқаддам яшаб ўтган ватандошимиз Зардуштнинг ўлмас мафкураси эди.

Қадимги Дуне бунёдкор ғоялари:

Қадимги Шарқ бунёдкор ғоялари ва таълимотлари (Ҳиндистон, Хитой, Марказий Осиё):

Асосий турлари, харктерли хусусиятлари:

- 1) Буддизм, брахманлик.
- 2) Зардуштийлик (Зардўшт).
- 3) Конфуций, даосизм (Лао-цзи) Мо-цзи.

Қадимги Юнон ва Рум бунёдкор ғоялари ва таълимотлари:

- 1) Гомер, Гесиод, Демокрит (эр.авв. VI-V аср).
- 2) Афлотун (эр.авв. 427-347 й.).
- 3) Арасту (эр.авв. 344-322 й.).
- 4) Сенека (эр.авв. 465 й.). Неоплатонизм (Плотин, Порфирий, Прокл) (эр.авв. IV-III аср).

Инсоният доимо яхшилиқни ёқлаб, ёмонликка қарши курашади, яратувчанлик ва бунёдкорлик унга хос бўлган буюк фазилатлардир. Шарқ халқларининг буюк ижодкорлиги, бунёдкорлиги ва қадриятлари турли даврлар таъсирида ғарбга, хусусан, антик Юнон-Рим маданиятига ҳам кучли таъсир кўрсатди. Ана шундай таъсир остида Юнон-Рим маданияти, илм-фани, фалсафий тафаккур дунёси шу қадар юксалдики, ўша даврда яратилган шоҳ асарлар ва уларнинг муаллифлари мероси ҳануз башариятнинг эзгу ишларига хизмат қилиб келмоқда. Шу маънода, комил ишонч билан айтиш мумкинки, инсониятнинг ҳақиқий умумбашарий маданияти ғарб цивилизацияси ва Шарқ маънавиятининг қўшилиши асосида яратилган.

Ҳаётнинг, борлиқнинг моҳиятини англаш тўғрисидаги **буддизм** динининг асосчиси Сиддхартха Гаутама қарашлари муҳим ўрин тутди. Ҳар қандай инсоний туйғу, ҳиссиёт, эҳтирос ва истак азоб-уқубатларни чуқурлашти-ради. Ҳаёт мазмунан туғилиш, севиш, ўлим, азобдан иборат. «Борлиқ гирдобидан чиқиб олиш учун ғафлатдан уйғониш, дунё моҳиятини англаш, ҳаётга чанқоқликдан, кўнгилхушлиқларга, лаззатларга, ҳокимиятга, бойликка интилишлардан воз кечиш лозим. Фақат шундагина «нажот топиш йўли»га кириш мумкин. Инсон бешта ахлоқий талабга амал қилиши лозим: ҳар бир киши ёмонлик қилишдан, ёлғон гапиришдан, ўғирлик қилишдан, хис-туйғуларга ортиқча берилишдан, ичкиликдан ўзини тийиши керак. **С.Гаутама қуйидаги 8 та онгли харакатни илгари суради:**

1. Ўзгаришга тўғри шаклланган бўлиши.
2. Мақсад сари қатъий харакат қилиши.
3. Тўғри тафаккур ва нутқ бўлиши.
4. Тўғри феъл-атвор бўлиши.
5. Тўғри турмуш тарзи бўлиши.
6. Куч-ғайратнинг тўғри мақсадга қаратилган бўлиши.
7. Фикр, мақсаднинг тўғри йўналтирилган бўлиши.

8. Дикқат-эътиборни тўғри орзу-ният қилишга қаратиш кераклиги таъкидланади.

Сукрот (Сократ, мил. ав. 470-399 йй.) эса баҳс орқали, яъни муайян масалаларни ўртага қўйиш ва уларга жавоб топиш йўли билан ҳақиқатни аниқлаш мумкин, деб билган. У эзгулик - билим ва донишмандликдир, яхшилик моҳиятини тўғри англаган инсонгина яхшилик қилади, деб тушунтиради. Сукрот адолатга хилоф бўлган давлат бошқарувининг ҳамма шакллари танқид қилади, фақатгина адолатли, демократик давлат бошқарувини ёқлаб чиқади.

Ҳинд халқининг буюк фарзанди **Маҳатма Ганди** (1869–1948) ўз маънавияти, ғоялари ва илғор қарашлари билан XX асрнинг буюк шахсларидан бирига айланган. У мустамлакачиларга қарши курашнинг тимсоли эди. У ҳиндлар билан мусулмонларнинг ўзаро дўстлигини мустаҳкамлашга интилди. Ганди дин билан сиёсатни бир-бирига боғлашга ҳаракат қилди. Унга халқ «Маҳатма» - «Буюк қалб» деб ном бергани ҳам шундан бўлса, ажаб эмас. Р.Тагор фикрига кўра: «Ганди муваффақиятининг сири унинг жўшқин маънавий кучида ва беҳад даражада ўз манфаатларидан воз кечишидадир. У ўзининг олиҳимматлилиги билан ноёбдир. Ганди ҳаётининг ўзи фидойилик тимсолидир».

Миллий давлатчилик ғояси ва унинг халқлар тараққиётига ижобий таъсирини мустақил Ўзбекистон мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлик, минтақавий тинчлик, миллатлараро тотувлик борасида олиб бораётган сиёсати барқарорлик ҳукм суришига асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бундай жараён бугунги дунёда амалиёт фалсафаси деб тан олинган **прагматизм** (юнон. субъектив-идеалистик фалсафий таълимот, воқеликни тажриба «онг оқими» деб талқин этади), ҳаёт фалсафаси бўлган **экзистенциализм** (лат. мавжудлик фалсафаси, эркинликка эришиш маъносида) каби дунёвий ва диний ғоялардан озиқланган таълимотлар мисолида ҳам кўзга ташланмоқда.

Илмий кашфиётлар мафкура ривожига катта таъсир ўтказди. Замонавий фан ютуқлари, жумладан, космонавтика, кибернетика соҳасидаги оламшумул янгиликлар, клонлаштириш (юнон. ирсий жиҳатдан бир хил организм), инсоннинг ген-насл харитасини аниқлаш каби буюк кашфиётлар одамлар тасаввурини кескин ўзгартирмоқда.

Айни вақтда юксак илмий-техникавий тараққиёт, глобаллашув жараёнлари, бир томондан, инсон ақл-идроқининг имкониятларига, келажакка ишончни орттираётган бўлса, иккинчи томондан, Хиросима, Нагасаки, Чернобиль фожиалари, оммавий қирғин қуроллари, экологик ҳалокатлар, маънавий таназзул каби умумбашарий муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Шундай экан, илм-фан ва маданият борасидаги ютуқлардан оқилона фойдаланиш учун ҳам жамиятга соғлом ғоя, соғлом мафкура керак.

Ғоя ва мафкура гуманизм ва тараққиёт тамойилларини, халқ тақдиридаги юксалиш заруратини ўзида акс эттирмаса, аксинча, бу интилишларни рад етса, моҳиятига кўра уларга зид бўлса, у жамият таназзулига сабаб бўлади.

Ана шундай мафкуралардан бири - ҳокимиятни курол кучи билан эгаллаб олган собиқ **коммунистик тузум мафкурасидир**. Дунёнинг 6 дан 1 қисмини эгаллаган улкан салтанат ва социалистик лагерь худудида ҳукм сурган бу мафкура ўзининг ғайриинсоний ва ғайримиллий моҳияти, мустабид табиати туфайли таназзулга юз тутди.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, баъзи бузғунчи мафкура ўзининг сохта жозибаси, алдов ва макр билан омма онгини заҳарлаб, жамиятда ҳукмрон мавқеини эгаллаб олиши ҳам мумкин. Масалан, XX аср 30-йилларида Италия ва Германияда фашизмнинг ғалаба қозониши нафақат италян ва немис халқининг, балки дунёдаги миллионлаб инсонларнинг бошига чексиз кулфат солгани тарихнинг аччиқ сабоқларидан биридир. Бугунги кунда бутун дунёдаги тараққийпарвар ва гуманистик кучлар бундай фожиали ва нохуш ҳолатлар такрорланмаслиги учун ҳамжиҳатлик билан кураш олиб бормоқда.

Биринчи Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, инсониятнинг азал-азалдан ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиб келиши-тарихнинг ўзгармас қонуниятидир.

Вайронкор ғоя ва мафкураларнинг жамият ҳаётига салбий таъсири. Бузғунчи ғоялар халқлар бошига сўнгсиз кулфатлар келтиради. Бунга олис ва яқин тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Инсон ва жамият бор экан, эзгу ғояларнинг зидди бўлган зулм ва зўравонлик, қабоҳат ва жаҳолат янги-янги шаклларда намоён бўлишга уринади. Лекин улар одамзотнинг адолат, тинчлик ва биродарлик, тараққиёт ва фаровонлик ғояларига таяниб, олий мақсадлар сари интилишларини асло тўхтата олмайди.

«Тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра ваҳшийлик, ур-йиқит инстинктлари, яъни хатти-ҳаракатларини қўзғатиб юбориш осонроқ» (И.А.Каримов).

Демак, **вайронкор ғоя деб**, турли таъсирчан воситалардан фойдаланиб, одамларни сохта ва пуч мақсадларга эргаштирувчи, уларнинг куч-қудратини бузғунчилик ва жиноятга йўналтирадиган, инсоният учун фақат кулфат келтирадиган ғояга айтилади.

Шу билан бирга вайронкор ғояларнинг мазмун-моҳиятини, мақсад-муддаоларини билиш ниҳоятда муҳим. Бу фуқаролар, айниқса ёшлар учун бузғунчи ғоялар хавфини англаш, ўзларида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш учун зарур билимларни эгаллашига ёрдам беради.

Вайронкор ғоялар одамзот бошига кўпдан кўп фожиалар келтирган. Ўрта асрларда Фарбда амалга оширилган салиб юришлари Шарқдаги муқаддас ерларни христиан бўлмаган халқлардан тозалаш баҳонасида қанчадан-қанча урушлар сабаб бўлган. Вайронкор мафкуралар, вайронкор хатти-ҳаракатлар асосида ғайриинсоний ғоялар ётади. Улар инсонга, инсоният эришган ютуқларга нафрат билан қарашни, бузғунчиликни рағбатлантиради. Вайронкор мафкураларнинг кўринишлари:

1. Диний фанатизм - диний мутаассиблик бўлиб, ҳаётда фақат муайян қоидаларни устун деб биладиган, худо ҳақидаги ҳақиқатни ўзиники қилиб олишга интиладиган, тараққиётни, турли фикрлиликни тан олмайдиган, ҳар қандай янгиликни куфрга йўядиган зарарли оқим. Бугунги кунда бизнинг

минтақамизда 1) ваҳҳобийчилик, 2) «Ҳизбут-тахрир», «Ақромийлар» каби ақидапарастлик оқимлари ўз ғояларини ёйишга ҳаракат қилмоқда. **Ақида** - арабча эътиқод қилиш маъносини билдиради. **Ақидапарастлик** - ёвуз ғоя ва мафкураларнинг энг кўп тарқалган шакли. Ақидапарастликнинг тескараси ҳурфикрлиликдир. **Ҳурфикрлилик** - эркин фикрлаш асосида ҳақиқатни англаш дегани. Ақидапарастлик ўрта асрларда Ғарбда инквизиция шаклида намоён бўлган. Ақидапарастлик бугунги кунда Афғонистон, Шимолий Кавказ ва бошқа минтақаларда ваҳҳобийлик асосида кураш олиб бораётган оқимлар мисол бўла олади.

2. Фашизм - (лотинча «фашио», италянча «фашизмо» - боғлам, тўда маъносидаги сўзлардан олинган) национал, яъни миллатчи социалистлар таълимоти, фашизм деганда, конституциявий - демократик тузумга зид бўлган ижтимоий ва давлат тузилмаси ҳам тушунилади. Германияда миллий социалистик партия тузган А.Гитлер эса фашизмнинг «маънавий отаси»га айланди. Фашизм 1939-1945 йилларда II жаҳон уруши оловини ёқди. 50 млн.дан ортиқ кишининг қирилиб кетишига сабаб бўлди. Ўзбекистон жангчиларидан 263005 киши ҳалок бўлди, 132670 киши дом-дараксиз кетди, 604552 киши ногирон бўлди.

Фашистик давлат тузилмалари XX аср 70-йилларига келиб Европа мамлакатларида ҳукм сурган фашистик тартиблар барбод бўлди. Чунончи, Салазар ҳукмронлиги даврида Португалияда, Франко ҳукмронлиги даврида Испанияда, Муссолина ҳукмронлиги даврида Италияда, Гитлер ҳукмронлиги даврида Германияда ва Грецияда фашистик тартиблар тугатилди. Шунингдек, фашизм деганда, ўн йиллар мобайнида Европада фаолият олиб борган ўнг экстремистик ҳаракатнинг мафкураси, назарияси ва амалиёти тушунилади. Бугунги кунда баъзи мамлакатларда (Австрия, Германия ва бошқ.) Фашистик унсурларнинг муайян даражада фаоллашуви кузатилмоқда. Янги фашизм ғояси инсоният учун зарарли эканлигини ҳар бир инсон англамоғи лозим.

3. Большевизм - XX асрда Россияда фаолият олиб борган экстремистик йўналишдаги сиёсий кучнинг мафкураси, назарияси ва амалиётини ифодалайди.

Большевизм ва фашизм мафкуралари ўртасида кўплаб ўхшаш жиҳатлар мавжуд. Аини пайтда жиддий тафовутлар ҳам кўзга ташланади. Асосий фарқлардан бири, бу миллат омилининг турлича баҳоланишидир. Большевизм мафкураси коммунистик таълимот, халқларнинг миллий-этник ўзига хосликларини йўқотиш, «пролетар байналминалиги» шиори билан майдонга чиққан бўлса, фашизм бор ҳукмрон миллатнинг «ирқий-этник софлиги»ни мутлақлаштиришни тарғиб-ташвиқ этади. У ирқчиликнинг ҳомийси ҳисобланади.

4. «Расизм» сўзи «раса» (ирқ) атамасидан келиб чиққан. Бу атама XVII асрдан бошлаб Европада «инсоният насли»ни турли ирқий гуруҳлар, жумладан, «оқ», «қора» ва «сарик» ирққа ажратиш учун қўллана бошлади.

Ирқчилик - одамлар ўртасидаги ижтимоий тенгсизлик, босқинчилик, зўравонлик ва урушларни кишиларнинг турли ирқларга мансублиги билан оқлашга хизмат қилувчи ғайримиллий таълимот. Ирқчилик таълимоти «оқ

танли»ларнинг афзаллиги, уларнинг азалдан «олий ирк» этиб танлангани, бошқа иркларнинг эса «оқ»ларга қараганда номукаммал яратилганлиги ва ҳамиша тараққиётнинг қуйи поғоналарида туришини «асослаб» беради. Унинг асосий ғояси ўзининг «илоҳий» табиатига кўра «оқ» иркларни «қуйи» ирклар устидан ҳукмрон қилишга даъват этишга қаратилган эди. Иркчилик миллий мансублиги ва терисининг рангига кўра ажралиб турувчи кишиларга тазйик ўтказиш, уларни ҳақоратлаш, уриш ва ўлдириш каби ҳаракат-ҳодисаларда яққол намоён бўлди. Ижтимоий ҳукмронлик шаклларида бирининг мафкураси бўлар экан, у буюк давлатчилик, ашаддий шовинизм, «танланган» халқларнинг миллий афзаллиги ғоялари билан чамбарчас боғланиб кетади.

5. Иркчилик - кўп қиёфали. Масалан, ўзини олий ирк ҳисоблаган инглиз, испан, француз босқинчилари ўрта асрлар ва айниқса, XVIII-XIX асрларда Америка, Австрия, Африка ва Осиёда ерли халқларни кўплаб қириб ташладилар. Жанубий Африка Республикаси томонидан XX асрда узоқ йиллар мобайнида ўтказиб келинган иркий айирмачилик сиёсати - шафқатсиз иркий таҳқирлаш ва камситишда ўз ифодасини топди. 1865 йилда АҚШда тузилган «Ку-клукс-клан» террористик ташкилоти ҳам ўзининг ошқора иркчилик йўналишидаги фаолияти билан ажралиб туради. Негрларнинг фуқаролик ҳуқуқларига қарши кураш ва уларни мамлакатдан чиқариб юбориш унинг асосий ғояси ҳисобланади.

6. Терроризм (лот. Terror - қўрқув, даҳшат) - маълум ёвуз мақсад йўлида куч ишлатиб, одатларни жисмоний йўқ қилишдан иборат бўлган ғояга асосланган зўравонлик усули. Терроризм бугунги кунда ҳам инсониятга катта таҳдид солмоқда. Жамиятга доимий қўрқув, фитна-ғаламислик муҳитини вужудга келтириш, зўравонлик йўли билан жамият барқарорлигини бузиш, гуноҳсиз кишилар, жумладан, болаларнинг ҳалок бўлишига олиб келадиган сиёсий мақсаддаги ўлдириш ва портлашлар бу мудҳиш ғоянинг асл моҳиятини ташкил этади.

Сиёсий терроризм XIX асрдаёқ вужудга келган эди. Лекин у XX юз йилликда кенг қулоч ёзди. Фарбий Германиядаги «қизил армия» ёки «Паодер-майн хор» ва Италиядаги «Қизил бригадалар» гуруҳлари, Испаниядаги басклар ташкилоти, Ольстердаги «Инқилобий-халоскорлик армияси», Перудаги «Порлоқ ҳаёт» каби бирлашмалар замонавий сиёсий террористларнинг биринчи авлоди эди. Кейинги йилларда дунёнинг ўнлаб мамлакатларида, жумладан, бизнинг ёш давлатимиз чегарасига яқин давлатлар ҳудудларида ҳам терроризм ўчоқлари пайдо бўлди. Улар мустақил Ўзбекистонга қарши куч ишлатишга уриниб кўрдилар. Чунончи, 1999 йилда Тошкентда, Янгиободда, 2000 йилда Сариосиё ва Узун туманларига, Бурчимуллага бостириб қириб, мамлакатимиз тинчлигини бузишга уриндилар. 2004 йил 28 март - 1 апрел кунлари Тошкент шаҳри, Бухоронинг Ромитан тумани ва Тошкент вилоятларида, 2005 йил 12-13 майда Андижон шаҳрида такроран террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Ёвуз кучлар ҳаракати бостирилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов «Независимая газета» (Москва)нинг муҳбирига (2005 йил 14 январ) берган интервьюсида: «Халқаро терроризм» тушунчаси 2001 йилнинг 11 сентябридан

айниқса урф, бўлди...» деган эди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 4 сессиясида (2000 йил 14-15 декабр) «Терроризмга қарши кураш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Демак, бузғунчилик ғояларининг кўриниш, турлари қуйидагилардан иборат:

1. салибчиларнинг ғоялари (ўрта асрлардаги);
2. диний фанатизм;
3. атеизм;
4. фашизм;
5. большевизм;
6. ақидапарастлик;
7. космополитизм (жаҳонга ҳукмрон бўлишлик);
8. нигилизм (ижтимоий тараққиётни инкор этиш);

Ана шу ғоя ва мафкураларнинг цивилизация тарихидаги намоён бўлиш шакллари қуйидагилардан иборат:

1. буюк давлатчилик, шовинизми;
2. тажовузкор миллатчилик;
3. ирқчилик;
4. террорчилик;
5. шовинизм;
6. диний ақидапарастлик;
7. диний экстремизм.

Ёвуз ғоя ва мафкураларнинг энг кўп тарқалган шакли **ақидапарастлик**дир. Бундай мафкуралар муайян даврларда Фарбда ҳам, Шарқда ҳам ҳукмронлик қилган. Бу ижтимоий иллат ХХІ асрга қадам қўйган ҳозирги даврда ҳам дунёдаги тинчлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда.

Ақидапарастлик қандай шаклда бўлмасин ҳамма замонларда ҳам жамият учун бирдек хавф-хатарлидир.

Ўрта асрларда Фарбдаги ақидапарастлик мафкураси бўлган инквизиция черковнинг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатиб, ҳур фикр ривожига, жамият тараққиётига тўсиқ бўлди. Галилей ва Копперник каби юзлаб буюк ақл-заковат соҳиблари ана шундай ақидапарастлик таъқидига учраганлар. **Жордоно Бруно** илмий қарашлари учун жаҳолат қурбони бўлган.

Шарқда эса Имом Бухорий, Ибн Сино сингари буюк алломалар ҳам турли тазйиқларга дучор бўлганлар. Мансур Ҳаллож, Насимий, Бобораҳим Машраб сингари ҳур фикрли зотлар эса қатл этилган.

Токи дунёда тараққиётга интилиш, бунёдкорлик ҳисси бор экан, жамиятда илғор ғоялар туғилаверади. Бузғунчи ғояларнинг вужудга келишига эса вайронкор интилишлар сабаб бўлади. Шундай экан, уларга қарши курашга тайёр туриш, яъни доимо хурёш ва огоҳ бўлиб яшамоқ ҳаётнинг асосий заруратига айланмоқда.

Бузғунчи ғояларга мисол. **Абулқосим Фирдавсий** (тах. 940-941 йили Хуросонда, Эрон ва Афғонистоннинг шимоли, Туркманистоннинг жанубий қисмлари, Тус шаҳри яқинида Тоборон қишлоғида туғилган). Унинг буюк асари «Шоҳнома» 4 минг йиллик воқеаларни ўз ичига олган. Ёш Абулқосимнинг оиласи: у Тоборон қишлоғида камбағаллашиб қолган деҳқон оиласида дунёга

келган. «Сен камбағал бўлсангда, - деган эди Фирдавсийнинг отаси, - қадим авлод-аждодларинг буюк кишилар эдилар. Агар ўтмишда ерларимизни ўзга юртлик босқинлар эгаллаб олмаганларида бизларни авлодларимиз ками-кўстсиз яшарди, ҳаётимиз янада фаровон бўларди».

Фирдавсийнинг «Шохнома» асари, ривоятларда айтилишича ўша давр ҳукмдори Султон Маҳмуд Ғазнавий уни етарли даражада баҳоламайди. Асарда олижанобликни, севги ва биродарликни куйлаган сатрлар Маҳмуд Ғазнавийнинг талончилик сиёсатига қарши фош қилувчи кучга эга бўлган. Шунинг учун ҳам Маҳмуд у асарни қалам билан эмас, алам билан кутиб олди».

Шунинг учун бўлса керак, Фирдавсийга Султон Маҳмуд гўё ваъда қилинган 120 дона олтин танга ўрнига 120 дона кумуш тангалар берган эмиш. Улуғ шоир ўз умрининг 30-35 йилини сарфлаб ёзган шоҳ асарининг бунчалик паст баҳоланишидан қаттиқ изтироф чекади. Султон Маҳмудга жавобан у берган кумуш тангаларни унча бўлиб, бир бўлагини ҳаммомчига, бир бўлагини шарбат сотувчига, яна бир бўлагини тангаларни олиб келган кишиларга топширган. Яна бир ривоятда айтилишича, Фирдавсий Маҳмуд ҳақида ўткир ҳажв ёзади ва унда Султон Маҳмудни ўтакетган хасисликда, пасткашликда айблаб, шоҳ бўлишига нолайиқ деб кўрсатади. Бундан хабардор бўлган Султон Маҳмуд Фирдавсийни ушлаб фил оёғи остига ташлаш ҳақида фармон берган. Шоҳнинг бундай фармонидан сўнг Фирдавсий бошқа ўлкаларга кетиб, юртидан олисда, узоқ йиллар қийинчиликда, камбағалликда, она юртнинг соғинчида яшайди. Дарбадарликда яшаган Фирдавсий ёши 80 дан ортиб қолганда Бағдодда «Юсуф ва Зулайҳо» достонини ёзади. Анча қариб қолган Фирдавсий умрининг охирида ўз Ватани Тусга қайтади ва шу ерда вафот этади. Манбаларда ёзилишича, унинг жасадини мутаассиб (динга қаттиқ берилган) кишилар мусулмонлар қабиристонида давф этишга жой бермаганлар. Шундан кейин Фирдавсийнинг жасади отасидан қолган боғнинг бир чеккасига кўмилган.

Фирдавсийнинг «Шохнома» асарида 50 та подшолик даври тасвирланган. Аслида бу асар Султон Маҳмуд Ғазнавий буюртмаси билан ёзилган эди. (Бошланғич таълим. 2001. №2. 30-31-бетлар).

Дунёвий ва диний ғоялар муштараклиги тамойиллари:

1. Дунёвийлик.
2. Ақидапарастлик мафкураси.

Мутлоқ ҳақиқатни даъво қилувчи ғоя ва мафкуралар:

1. Коммунистик мафкура.
2. Фашистик мафкура.
3. Ақидапарастлик мафкураси.

6. «Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш» тамойиллари. Инсоният ҳаётида ғояга қарши - ғоя, жаҳолатга қарши - маърифат тамойили. Ислон Каримов 1998 йили «Тафаккур» журнали бош муҳаррири берган саволларига жавобда, тарихчи олимлар билан бўлган учрашувда бу масалага диққат билан эътибор бериб, «ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат

билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин» деган шиор ўртага ташланди. Бу масала ғоя ва мафкура тушунчасида ҳам муҳим ўринда туради.

Ёт ғояга қарши биз ўз олижаноб ғоямиздан мактабларимизда, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртларида, жамиятимизнинг барча қатламларида бизга мутлақо бегона бўлган захарли интилишларга, хуруж ва ҳаракатларга қарши чиқишимиз лозим. Бунда энг муҳим масалалардан бири одамлар ўз фикрини айтишга, эркин фикрлашга ўрганиши керак. Яъни **фикрга қарши фикр** бўлиши зарур. Шу боис ёшларимизни мактаб ва олий ўқув юртларида эркин фикрлашга, бахслашишга ўргатишимиз керак.

Учинчи масала - **жаҳолатга қарши маърифат**. Бу ўринда асримиз бошида халқни маърифат ва миллий уйғонишга чорлаган жадиҳчилик ҳаракати намояндалари ҳаётини, ижодини, интилишларини ўрганиш, уларнинг бугунги кундаги моҳияти ва аҳамияти ҳақида ҳам гапиришимиз зарур. Уларнинг мероси бугунги кунда қандай ўқитилмоқда? Умуман айтганда, маърифий озуқа қандай бўлиши керак? Болаларимиз ўқиётган китобларда маърифат зиёси борми. Биз истаётган миллий ғурур, миллий мафкура, миллий ғоя уларда етарли даражада акс этганми? (Каримов И.А. Асарлар. Т.8., 468-469-бетлар).

Мазкур тамойилга кўра ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашга интилиш хисси инсон қалбидаги эътиқод, одам онгидаги дунёқараш ўз-ўзини ҳимоя қила олиш қобилиятидан далолат беради. Бундай кураш усули, айниқса бугунги кунда, инсоният тараққиёт борасида жуда илгарилаб кетган ХХI асрда ғоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки энг кучли қирғин қуроллари ишлаб чиқилган, сайёрамизни бир неча марта йўқ қилиб юборишга қодир бўлган ядровий бомбалар захираси тўпланиб қолган пайтда ўзаро зўравонлик ва жаҳолатга йўл қўйиб бўлмайди.

Шу боисдан ҳам мафкуравий **иммунитетни шакллантириш** хусусиятлари огоҳлик, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан кураша олиш кўникмаларидир. Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур». (Каримов И.А. Т.8. 494-бет). Ушбу вазифани миллий истиқлол ғояси бажаради. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов «**Миллатни асраш керак**» деган ғояни илгари сурган эди.

Миллатни асраш - ўзлигимизни, одоб-ахлоқимизни, меросимиз, қадриятларимиз ва миллий руҳимизни зарарли ғоялар ва мафкуралар таъсиридан авайлаб-асраш, уларга қарши фуқароларимиз ва ёшларимиз қалбида мафкуравий иммунитетни шакллантириш деган маънони англатади. Мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш учун соғлом, инсонпарвар ғоя ва мафкура билан қуроллантириш керак. Миллий ғоянинг асосий вазифаси эса халқимизда миллий эътиқод ва дунёқараш асосларини шакллантиришдан иборат.

Маърифат воситасида курашиш деб, бирон бир хавфнинг моҳиятини чуқур англаб, унга қарши билим билан онгли равишда курашишга айтилади.

Жамият аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафкураси, унинг мақсад-муддаоси бўлиши керак. Модомики, мақсад, ғоя ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, олдин баён этганимиздек, «Мақсад дегани - халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса, кудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни - халқ, миллатни - миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансин». (Каримов И.А. Асарлар. Т.7. 89-бет).

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов «Тафаккур» журнали Бош муҳаррирининг саволларига жавоблари **«Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин» асарида жамият мафкурасига қуйидагича таъриф беради. «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айти вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан».**

Виждон эркинлиги бизда Ўзбекистон Конституциясининг 31-моддаси ва 1998 йилги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун билан кафолатланиб келинмоқда. Бундай жамият мафкураси «Дунёвийлик - даҳрийлик эмас» деган тушунча асосида ривожланади, яъни диннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини асло инкор қилмайди. Биз юқорида мафкуранинг дунёвий ва диний илдизлари ҳақида фикр юритганимизда бу масалага тўхталган эдик. Ҳақиқатан дунёвий ва диний ғоялар бир-бири билан муштарақликда ривожланади. Улар инсоният тараққиётига катта таъсир кўрсатиб келган.

Миллий давлатчилик ғояси ва унинг халқлар тараққиётига бевосита катта таъсир кўрсатган. Ҳозирги даврда миллий мафкуранинг таркибий қисми ҳисобланган **давлатчилик ғоясининг** асосий тамойиллари Биринчи Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Втанпарварликка асосланган мустақил тафаккур.
2. Шарқона демократияга асосланган сиёсий тизим.
3. Қонун устуворлигига асосланган ҳуқуқий давлат.
4. Эркинликка асосланган фуқаролик жамияти.
5. Буюк келажакка юз тутган озод ва обод ватан.

Шу тамойиллар жамиятимиз ҳаётига татбиқ қилиниши, уларни рўёбга чиқариш мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги даврдаги муҳим вазифалари бўлиб қолмоқда.

Бунёдкор ғояларнинг юзага келишида ижтимоий барқарорлик муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам Ислом Каримов ўзининг **«Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида Олтинчи устувор йўналиш - жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз**

дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат қилиб кўрсатган.

6. Бирок, ғоявий кураш тобора янги-янги қиёфага кирмоқда. Биринчи Президентимиз Ислон Каримов ҳаққоний равишда таъкидлаганидек: «Кўп синовлар, азобу укубатлар, хатолар, фожеалар, қатағонларни бошдан кечирган, асримиз поёнига етаётган, инсоният янги аср бўсағасида турган бугунги кунда турли хил эски ва янги мафкураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда. Ранг-баранг, баъзан бир-бирига зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб, қонли тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда, одамлар бошига беҳисоб қайғу-кулфатлар солмоқда».

Инсон ҳаётида ҳам, жамият тараққиётида ҳам ғоялар муҳим ўрин тутати. Хўш, ғоя нима, нега унга бу қадар катта эътибор ва аҳамият берилади? Маълумки, ҳар қандай миллат ва халқ, ҳар қандай ижтимоий тузум ва давлат муайян бир тамойиллар ва қадриятлар асосида ҳаёт кечиради ҳамда ўз манфаатлари, мақсад- муддаолари, орзу-интилишларини кўзлаб ҳаракат қилади. Бинобарин, улар ҳаётдаги маълум бир мафкурага таянади. Хўш, мафкура нима, у қандай ғоялар асосида шаклланади ва қай тарзда жамиятни ҳаракатга келтиради? Нега айрим мафкуралар баъзи миллатларнинг юксалишига сабаб бўлса, айримлари бутун-бутун халқларни инқироз ва таназзулга дучор этади? «Миллий истиқлол ғояси» буйича мазкур машғулотишимиз айнан шу ва шу каби масалалар талқинига бағишланган. Маълумки, инсон ўзининг ақл-заковати, иймон-эътиқоди ва ижодий меҳнати билан бошқа барча тирик жонзотлардан фарқ қилади. Инсон онгли мавжудот. Онгни шартли равишда икки катта қисмга бўлиш мумкин: биринчиси, инсоннинг рухий олами; иккинчиси - фикрий олам, яъни тафаккур оламидир. Рухий олам (бу сохани рухшунослик илми - психология тадқиқ этади) ўз таркибига сезгилар, идрок, тасаввур, кечинма, хис-хаяжон, диққат, хотира ва бошқаларни қамраб олади. Тафаккурнинг мантиқий шаклларига тушунча, ҳукм ва ҳулоса қиради (бўларни логика, яъни мантиқ фани ўрганади).

Фалсафанинг олтин қоидаларидан бири - тил ва тафаккур бирлигидир. Тилнинг энг бирламчи маҳсули сўз бўлгани каби, тафаккур нинг дастлабки шакли - тушунчадир. Тушунчалар бир ёки бир неча сўзлар билан ифодаланади, аммо ҳар қандай сўз ҳам тушунча бўла олмайди. Сўзлар воситасида англантилган фикр гап деб аталишини биз бошланғич синфларданок билганмиз.

Инсон тафаккури воқеликни идрок этиш мобайнида турли фикрлар, қарашлар, ғоялар ва таълимотлар яратади. Бинобарин, ғоялар ҳам инсон тафаккурининг маҳсулидир. Лекин тафаккур яратган ҳар қандай фикр ёки қараш, мулоҳаза ёки нуқтаи назар ғоя бўла олмайди. Фақат энг кучли, таъсирчан, залворли фикрларгина ғоя бўла олиши мумкин.

Илмий адабиётларда ғоя, мафкура, идея ва идеология тушунчалари ишлатилмоқда. Идея ва идеология кўпроқ гарб давлатларида ҳамда рус тилидаги манбаларда учрайди. Идея ибораси юнон тилидаги идея сўзидан

олинган, идеология учун ўзак бўлиб ҳисобланади ва тушунча ёхуд фикр маъносини англатади. Идеология (идея - ғоя, тушунча, логос - таълимот) атамаси эса ғоялар тўғрисидаги таълимотни англатади ва икки хил маънода ишлатилади:

- ғояларнинг моҳият-мазмунни, шаклланиши, аҳамияти тўғрисидаги билимларни ифодалайди ва илмий соҳа бўлиб ҳисобланади;

- муайян ғояни амалга ошириш, мақсадга этиш усуллари, воситалари, омиллари тизимини англатади.

Ғояларнинг оддий фикрлардан фарқи яна шундаки, бўлар гарчи тафаккурда пайдо бўлса-да, инсон (ва жамият) руҳиятига, хатто туб қатламларига ҳам сингиб боради. Ғоя шундай қувватга егаки, у одамнинг ички дунёсигача кириб бориб, уни ҳаракатга келтирувчи, мақсад сари етакловчи рухий-ақлий кучга айланади.

Ғоя моҳиятан ижтимоий характерга эга. Муайян ғоялар одатда алоҳида олинган шахс онгида шаклланади, кейинчалик эса жамиятнинг турли қатламларига тарқалади, турли элатлар ва миллатлар орасида ёйилади. Мустақил ҳаётга қадам қуяётган янги авлод жамиятда мавжуд ғоялар таъсирида тарбияланади, муайян қарашлар ва ғояларни ўз эътиқодига сингдиради, ўз навбатида янги ғояларни яратади ва тарғиб этади. Ҳар бир нарсанинг ўз ибтидоси ва интихоси бўлади. Ғоялар ҳам ўз «умри»га эга. Улар ҳам маълум маконда ва замонда пайдо бўлиши, жамият ривожига муайян хисса қўшиши, кишиларнинг онги ва қалбидан жой олиши, ўз умрини яшаб, жозиба кучи ва қувватини йўқотгач, тарихий хотирага айланиши ҳам мумкин. Ғояга таъриф бериш учун унинг моҳиятини намоён этадиган асосий хусусиятларни санаб ўтиш лозим бўлади. Ғоянинг энг муҳим хусусияти - инсонни ва жамиятни мақсад сари етаклайдиган, уларни ҳаракатга келтирадиган, сағарбар этадиган куч эканидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ғоя деб, инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга келтирадиган, уларни мақсад-муддао сари етаклайдиган улугвор фикрга айтилади.

Ғояларнинг турлари. Тафаккурнинг маҳсули сифатида ғоя теварак оламини ўрганиш, билиш жараёнида вужудга келади. Ижтимоий онгнинг барча шакллари, илм-фан, дин, фалсафа, санъат ва бадий адабиёт, ахлоқ, сиёсат ва ҳуқуқ, муайян бир ғояларини яратади, уларга таянади ва уларни ривожлантиради. Маълум маънода айтиш мумкинки, ҳар бир онг соҳасининг ўз ғоялари мавжуд бўлади.

Мазмунни ва намоён бўлиш шаклига қараб, ғояларни бир қанча турларга ажратиш мумкин. Масалан:

- диний ғоялар;
- илмий ғоялар;
- фалсафий ғоялар;
- бадий ғоялар;
- ижтимоий-сиёсий ғоялар;
- миллий ғоялар;

- умуминсоний ғоялар ва хоказо.

Диний ғоялар деб, ҳар бир диний таълимот ва оқимнинг асосини, диний иймон- эътиқоднинг негизини ташкил этувчи ақидаларга айтилади. Ибтидоий динлар ҳар бир нарсанинг жонли экани, жоннинг абадийлиги, бут ва санамларнинг, табиий жисм ва ходисаларнинг илохий қувватга эгаллиги тўғрисидаги қарашларга асосланган эди. Масалан, ҳиндларнинг диний тасаввурларига кўра, жон кўчиб юради, бу ҳаётда у инсонда бўлса, кейинги ҳаётда бошқа жонзотга ўтиши мумкин.

Илохларнинг кўплиги ҳақидаги фикрга таянадиган политеизм динлари вақти келиб монотеистик - яккахудолик ғояси асосидаги динларга ўз ўрнини бўшатиб берган.

Яккахудолик ғояси миллий динларда (масалан, иудаизмда), айниқса жаҳон динлари - христианлик ва исломда ўз ифодасини яққол топган. Хусусан, исломдинида Аллохнинг ягоналиги ғояси асосида унинг барча ақидалари, руқнлари, талаб ва мажбуриятлари шаклланган.

Илмий ғоялар - фан тараққиётининг самараси, илмий кашфиётларнинг натижаси сифатида пайдо бўладиган, турли фан соҳаларининг асосий тамойиллари (принциплари), устувор қоидаларини (постулатларини) ташкил қиладиган илмий фикрлардир.

Ғояларнинг «ҳаёти», уларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, бошқа ғоялар билан ўзаро муносабати, кураши ва ниҳоят, эскирган ғояларнинг янгилари билан алмашилиши, айниқса, илмий ғоялар мисолида яққол намоён бўлади.

Қадимги юнон файласуфлари табиий жисмларнинг энг кичик, бўлинмайдиган зарраси, деб «атом» тушунчасини киритган эдилар. Птолемей-аристотелдан тортиб, ўрта аср Улуғбек астрономиясигача дунёнинг маркази Ер деб ҳисоблаб келганлар; Эвклид геометрияси, Ньютон механикаси, Дарвин таълимоти ҳам ўз даврининг энг илғор илмий ғояларига асосланган эди. Илм-фан тараққиёти атомнинг бўлинишини, коинот маркази Ер эмаслигини ҳам ишончли далиллар билан исботлади; квант механикаси, ирсият назарияси ва бошқа кўплаб кашфиётлар қилинди.

Дунёга А. Эйнштейн, Хобор, Ф. Резерфорд, М.С. Кюри ва бошқаларнинг номларини таниш қилган ядро физикаси соҳасидаги кашфиётлар ҳам илмий ғоялар асосига қурилган. XX асрда инсоният ниҳоятда кўп илмий ғояларни амалиётга айлантди. Космик ракеталар, компьютер ва уяли телефонлар, телевидение ва бошқа соҳалардаги ютуқлар бунга ёркин мисол бўлади. Фан тараққиёти узлуксиз ва чексиздир. Бу жараёнда амалиёт тасдиқланмаган, эскирган қарашлар янги илмий ғоялар билан ўрин алмашаверади. Фалсафий ғоялар ҳар бир фалсафий таълимотнинг асосини ташкил этадиган, олам ва одам тўғрисидаги энг умумий тушунча ва қарашлардир. Улар бизни ўраб турган дунёни билиш жараёнида, кишилиқ жамиятининг тараққиёти мобайнида тўпланган билимларни умумлаштириш, инсон ҳаётининг маъно-мазмуни, унинг бахт-саодати каби масалалар устида мулоҳаза юритиш асосида шаклланади.

Инсоният тарихида турли халқларнинг ақл-заковат соҳиблари, доно файласуф ва илохийчилари турфа хил ғоялар яратганлар. (Сиз бўлар билан

фалсафа тарихини ўрганиш пайтида батафсил танишгансиз.) аммо фалсафий ғоялар ҳақида гап кетганда, жаҳон фалсафий фикри ривожига беқиёс ҳисса қўшган ўзбек мутафаккирлари яратган меросни ёдга олмаслик мумкин эмас.

Форобийнинг фозил шаҳар тўғрисидаги, тасаввуф даҳоларининг комил инсон ҳақидаги, Ибн Синонинг тана ва рух муносабатига оид, Алишер Навоийнинг адолат ваинсонийлик борасидаги теран фикрлари фалсафий ғояларнинг ёрқин намунасидир.

Бадиий ғоялар - адабиёт ва санъат асарининг асосий маъно-мазмунини ташкил этадиган, ундан кўзланган мақсадга хизмат қиладиган етакчи фикрлардир. Улар ҳаётдан олинади, бадиий талқинлар асосида баён этилади, ўқувчида муайян таассурот уйғотади. Адабий қаҳрамонларни севиш, уларга эргашиш ҳоллари ҳам ана шу асосда руй беради.

Бадиий таъсир воситалари жуда катта кучга эга. Инсон ва жамият онгини ўзгартиришда, шахс рухиятига таъсир ўтказишда, одамларни ҳаракат вазунбушга келтиришда бадиий адабиёт ва санъатнинг аҳамияти беқиёсдир. Миллий истиқлол ғоясини тарғиб этиш, халқнинг онги ва қалбига сингдиришда ҳам улар муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий-сиёсий ғоялар ҳар бир халқ ва умуман башариятнинг орзу-умидларини, мақсад-муддаоларини ифодалайди, эркин ҳаёт ва адолатли тузумни тараннум этади. Озодлик ва мустақиллик, адолат ваҳақиқат, тинчликсеварлик ва инсонпарварлик ғоялари шулар жумласидандир. Асрлар мобайнида бундай буюк, ўлмас ғоялар халқларга куч-қувват ваилҳом бағишлаб, уларни ўз эрки учун курашга сағарбар этиб келган.

Озодлик ғояси - мазлумларни ўз эрки учун курашга чорлайдиган, куллик ва қарамликнинг ҳар қандай қуринишини инкор этадиган ғоядир. **Мустақиллик ғояси** - энг улуғ ва эзгу ғоя. Ҳар бир халқ истиқлол туфайли ўзига ёт вабегона тузумдан, ижтимоий тазйиқлардан халос бўлади, ўз салоҳиятини тўла туқис ишга солиш, ўзи истаган ва ўзи танлаган йўлдан бориш имкониятини қўлга киритади.

Адолат ва ҳаққоният ғоялари - инсоннинг табиати ва ижтимоий тузумнинг моҳиятини белгилайдиган, қудратли кучга эга бўлган ғоялардир. Одамлар асрлар мобайнида одил жамиятни орзу қилиб, ҳақиқат тантанаси учун курашиб келган. Адолат бўзилган ерда умидсизлик ва тушкунлик ҳукм суради. Адолат тантана қилган жамият юксакликка кутарилади. Ҳар бир тарихий даврда унинг руҳини акс эттирадиган, халқнинг қадриятлари ва орзу-истакларига мос келадиган ғоялар кишиларнинг онги ва қалбидан жой олган. Таъкидлаш жоизки, башариятнинг зиддиятли тарихи мобайнида ҳаётбахш ғояларбилан бир қаторда, сохта ва тубан ниятлар, тажовўзкор ва ғаразли фикрлар ҳам кўп бўлган. Бинобарин, халқлар вадавлатлар тақдирига таъсири, ўзининг сифатларига кўра ғоялар юксак ё тубан, бунёдкор ёки вайронкор, бўзгунчи ёхуд экстремистик, тажовўзкор бўлиши ҳам мумкин. Ислом Каримов таъкидлаганидек, миллат таракқиётига, унинг юксалишига хизмат қиладиган, халқларни жипслаштириб, олий мақсадларга сағарбар этадиган ғоялар юксак ғоялардир.

Одамлар орасига нифок, халқлар ўртасига низо соладиган, кишиларни турли тарафларга ажратиб, адоват кўзгайдиган тубан фикрлар бўзгунчи ғояларга мисол бўлади. Аслида бундай қабих ният ва сохта шиорларни ғоя деб аташ ҳам шартлидир. Қайси ижтимоий бирлик ёки қатлам орасида тарқгани, қандай аҳоли гуруҳлари ёки элат-миллатларни ҳаракатга келтираётганига қараб ҳам ғояларни турларга ажратиш мумкин. Сохиблари, яъни ғояни моддийлаштирувчи, амалиётга айлантирувчи куч ким эканига қараб, синфий ғоя, миллий ғоя, умумхалқ ғояси, умуминсоний ғоялар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Албатта, муайян бир халқ оммасини маълум бир тарихий шароитда ҳаракатга ундаётган ғоя мазмунан умуминсоний бўлиши ҳам ёки тор манфаатларни кўзлайдиган синфий ғоя жамият ваинсон манфаатларига зид бўлиши ҳам мумкин.

Мафкуравий жараёнлар тарихий ва ижтимоий шарт-шароит билан узвий алоқадор бўлиб, даврлар алмашуви билан янгилик томон ўзгаради. **Мафкура тушунчаси:** Жамият мафкурасиз бўлмайди. Чунки ҳар бир давлат мустақил тараққиёт ва ривожланиш йўлини танлаб олар экан, ўз тараққиёт дастури, қараши, амалга ошириш тамойиллари, концепциясига эга бўлмасдан ўз истиқболини аниқ кўра олмайди.

Ҳар қандай назария ёки таълимот бир тизимга солинган ғоялар мажмуидан иборат бўлади. Дунёқарашнинг негизини ва муайян ишонч-эътиқоднинг асосини ҳам ғоя ташкил этади. Одамлар, ижтимоий синф ва қатламларнинг, миллат ва давлатларнинг манфаатлари ва мақсадлари ҳам ғояларда ифода этилади.

Ўз олдига қўйган мақсади, қандай жамият қурмоқчи экани, бунга қандай йўллар ва воситалар билан эришмоқчи бўлаётгани ҳақидаги ғоялар тизими ҳар бир миллат, халқ ва жамиятнинг миллий мафкурасининг асосини ташкил этади. **Мафкура** (араб. - фикрлар мажмуи) - муайян ижтимоий гуруҳ ё қатламнинг, миллат, жамият ёки давлатнинг манфаатлари, орзу-истак, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоявий-назарий қарашлар ҳамда уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимидир. Унда манфаатлари ифодаланаётган куч ва қатламларнинг ўтмиши, бугунги куни ва истиқболи ўз ифодасини топади.

Турли ижтимоий тузумлар, жамиятдаги ҳар хил табақа ва қатламларнинг мафкураси турлича бўлиши табиий. Бунинг асосида манфаатларнинг турличалиги, уларни қондириш имкониятлари ва услубларининг ҳар хиллиги ётади. Синфий кутбланиш кучайган, синфий кураш авж олган (ёки сунъий равишда кескинлаштирилган) тузумларда мафкура ўта сиёсийлашади, аҳолини ўзаро қарама-қарши қилиб қўяди.

Ижтимоий ҳамкорликка асосланган, эркин демократик жамият барпо этишни кўзлаган давлатларда миллий мафкура аҳолининг барча қатламларини жипслаштиришга, умумманфаат ва ягона мақсад йўлида бирлашишга чорлайди. Бундай мафкураларда зиддиятли жиҳатлар эмас, умуминсоний тамойиллар кучайиб боради.

Ўзбекистон халқининг миллий истиқлол мафкураси айнан жамиятни жипслаштиришга, буюк келажак йўлида яқдил ҳаракат қилишга, барпо

этилатган эркин фуқаролик жамиятида ҳар бир юрtdошимизнинг ўзига хос ўрни бўлишига эришишга сағарбар этади.

Биринчи Президентимиз Ислom Каримов мафкурага шундай таъриф берган: «**Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айна вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажакини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги куни ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан**». Бинобарин, миллий мафкура ҳар қандай халқни халқ, миллатни миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан чароғон этадиган маёқдир.

Инсоният тарихи мобайнида турли шаклдаги жуда кўплаб мафкуралар яратилган, баҳисоб ижтимоий-сиёсий кучлар ўз ғоялари ва таълимотлари билан майдонга чиққан, мақсад ва ниятларига етишмоқ учун ҳаракат қилган. Биз ҳар қандай мафкурани ғоялар тизими сифатида талқин қилар эканмиз, шуни унутмаслик керакки, бирор бир мафкуранинг моҳиятини англаб етиш учун фақат унинг таркибидаги ғояларни таҳлил қилишнинг ўзи етарли эмас. Ўтмишда турли кучлар ва гуруҳлар ўз ғаразли ниятларига эришиш, асл мақсадларини яшириш учун юксак ва жозибали ғоялардан фойдаланган. Энг ёвуз босқинчи ва энг разил гуруҳлар ҳам ўз кирдикорларини эзгу ғоялар билан ниқоблашга уринган.

Демак, **мафкуранинг моҳияти** фақат унинг асосий ғоялари воситасида эмас, шу ғояларга эришиш усуллари ва воситалари, умумэътироф этилган тамойиллари, уларнинг аксарият омма манфаатларига мослиги орқали ҳам намоён бўлади. Ўзининг мудҳиш талаб-эҳтиёжлари ва ёвуз ниятларини бошқа халқлар ҳисобига қондиришни кўзлаб ҳаракат этувчи мафкуралар ҳалокатга маҳкумдир.

Мафкуралар, маъно-моҳиятига кўра, фалсафий, дунёвий, диний ва бошқа турли таълимотлар асосида яратилади. Хилма-хил ижтимоий-сиёсий кучлар ўз мафкураларини яратишда сиёсий ғоялар билан бирга, диний оқимлар ва илм-фан ютуқларига таянади, улардан назарий асос сифатида фойдаланади.

Мафкуранинг фалсафий илдизлари ҳақида фикр юритганда, унинг фалсафа илми хулосаларига асосланиши назарда тутилади. Бунга ғарбдаги Уйғониш даврини ҳамда ўрта асрларда ўз миллий давлатчилигини тиклай бошлаган европа халқларининг ҳар бири ўзига хос мафкурасини яратганини мисол келтириш мумкин. Мазкур мафкуралар Рим империяси парчаланганидан кейин ўз давлатчилигига эга бўлган халқларнинг ўзига хос қадриятлари ва менталитети заминида вужудга келган миллий фалсафалари асосида шаклланди. Шу боис ўша даврдаги италян, инглиз, француз фалсафаси ўзи мансуб бўлган жамиятни бирлаштиришга хизмат қилди. Шу билан бирга, бу миллий мактаблар заминида вужудга келган фалсафий таълимотлар, маърифий қарашлар инсоният маданияти хазинасига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Кант, Гегель, Фейербах каби мутафаккирлар номи билан шуҳрат топган немис фалсафаси хусусида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Жумладан, ҳақиқий миллий хусусиятларга эга бўлган Гегель фалсафаси Австрия империясидан

ажралиб, мустақиллик йўлини тутган Прусс монархиясининг давлат мафкураси даражасига кўтарилган эди.

Мафкуранинг дунёвий илдизлари маърифий дунёга хос сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий муносабатлар мажмуидан иборатдир. Инсоният асрлар мобайнида босқичма-босқич дунёвийлик сари интилиб келди. Умумэътироф этилган тамойиллар ва қонун устуворлиги, сиёсий плюрализм, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби хусусиятлар дунёвий жамиятнинг асосини ташкил этади. Бундай жамиятда инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари, жумладан, виждон эркинлиги ҳам қонун йўли билан кафолатланади. Ана шундай жамият мафкураси «Дунёвийлик - даҳрийлик эмас» деган тамойил асосида ривожланади, яъни диннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини асло инкор этмайди.

Мафкуранинг диний илдизлари деганда, у инсон онги ва руҳияти билан узвий боғлиқ экани ва шу боис унинг ғоявий илдизлари диний таълимотларга бориб тақалиши тушунилади. Яъни, кўпгина мафкураларда Авесто, Веда ва Упанишадлар, «Забур», «Таврот», «Инжил» ва «Қуръон» каби илоҳий китобларда зикр этилган эзгу ғоялар муайян даражада ўз ифодасини топганини кўрамай.

Хитой халқининг тараққиёт йўлини асослаб берган Конфуций ва Лаоцзининг таълимотлари ҳам диний қарашларга асосланган эди. Бу таълимотлар асрлар мобайнида Хитой халқининг миллий мафкураси бўлиб келган.

Дунёвий ва диний ғоялар бир-бирини бойитиб борган шароитда тараққиёт юксак босқичга кўтарилади. Бунга башарият тарихида ўчмас из қолдирган Имом Бухорий ва Мусо Хоразмий, Имом Мотуридий ва Абу Райҳон Беруний, Имом Ғаззолий ва Абу Наср Форобий сингари буюк заковат соҳиблари ёнма-ён яшаб фаолият кўрсатган давр ёрқин мисол бўла олади. Бундай жараён бугунги дунёда амалиёт фалсафаси деб тан олинган прагматизм, ҳаёт фалсафаси бўлган экзистенциализм каби дунёвий ва диний ғоялардан озикланган таълимотлар мисолида ҳам кўзга ташланмоқда.

Илмий кашфиётлар ҳам мафкура ривожига катта таъсир ўтказди. Замонавий фан ютуқлари, жумладан, космонавтика, кибернетика соҳасидаги оламшумул янгиликлар, клонлаштириш, инсоннинг ген-насл харитасини аниқлаш каби буюк кашфиётлар одамлар тасаввурини кескин ўзгартирмоқда.

Айни вақтда юксак илмий-техникавий тараққиёт, глобаллашув жараёнлари, бир томондан, инсон ақл-идроқининг имкониятларига, келажакка ишончни орттираётган бўлса, иккинчи томондан, Хиросима, Нагасаки, Чернобиль фожиалари, оммавий қирғин қуроллари, экологик ҳалокатлар, маънавий таназзул каби умумбашарий муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Шундай экан, илм-фан ва маданият борасидаги ютуқлардан оқилона фойдаланиш учун ҳам жамиятга соғлом ғоя, соғлом мафкура керак.

Мафкура функциялари:

- а) баҳолаш;
- б) прогноз қилиш;
- в) билиш ташкил этади.

Мафкура (ғоя)нинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

Ижтимоий характерда.

Илмийлик.

Ҳаққонийлик, ҳаёт билан боғлиқлик.

Оперативлик.

Равшанлик, оммабоп, эмоционаллик.

Курашчанлик.

Гуманизм.

Ижодий характерда бўлади.

Мафкура:

1. Мустақил дунёқараш, эркин фикрлаш, сиёсий фаоллик;

2. Миллий ўзликни англаш. Манбаларга қараганда ўзбеклар 3 минг йилликдан фақат 300 йилдан ошиқроқ даврда мустақил яшаган.

3. Тарихий хотирага садоқат.

4. Миллий кадриятларни ривожлантириш.

5. Миллий менталитетга эга бўлган хусусиятларнинг ривожланишида ижобий ва салбий иллатлар бор.

Умуман, давлат ва жамият қурилиши ишларини амалга ошириш ва бошқаришда тамойиллар муҳим роль ўйнайди. «Жамиятни тамойиллар бошқаради» деган фикрда катта маъно бор. Аммо жамиятнинг қандай тамойиллар асосида бошқарилиши муҳим аҳамиятга эга.

Давлат куч-қудратининг маънавий пойдевори инсонлар ақл-заковати ва салоҳияти билан белгиланади. Жаҳон тарихий тажрибасининг кўрсатишича, дунёдаги биронта халқ, миллат мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди.

Ўтмишда ҳар қандай жамиятнинг, давлатнинг ўзига хос, ўзига мос келадиган, унинг учун хизмат қиладиган, унинг туб мақсадлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган мафкураси бўлган. Мафкура бўлмаса жамият яшай олмайди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига жавобларида бу хусусда шундай деган эди: «Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки, мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин. Бунинг исботи учун хоҳ тарихда, хоҳ замонамиздан кўплаб мисоллар келтириш қийин эмас» (Асарлар. Т.7.,4-бет).

Миллий ғоя- бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири коррупцияга қарши курашишнинг муҳим омили сифатида ўз миллий ва ҳаракат дастурлари билан яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Ҳозирги замон миллий ва халқаро ҳуқуқда тобора кўп қўлланилаётган атамалардан бири бу коррупциядир. Коррупция албатта бугун пайдо бўлган иллат эмас, у қадимдан буён мавжуд бўлиб келмоқда. Қадимги юнон файласуфи Аристотел шундай деган: «Ҳар қандай давлат тизимида - қонунлар ва бошқа фармойишлар орқали ишни шундай ташкил қилиш керак-ки, унда мансабдор шахсларни ноқонуний йўл билан бойишига йўл қўймаслик лозим». Француз мутафаккири Шарл Монтескье эса бу борада «Асарлар тажрибасидан маълумки, ҳар қандай ҳокимият ваколатига эга бўлган шахс, уни суистеъмол қилишга мойил бўлади

ва у маълум бир мақсадга эришмагунча шу йўналишда юради” деган фикрларни билдирган.

Ғарбий Европа давлатларининг кейинги тарихида ҳам коррупциянинг турли кўринишлари ва коррупцион муносабатларнинг авж олиши нафақат тарихий манбаларда балки, ўша даврнинг илғор ёзувчи файласуфларининг асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Шекспирнинг “Венециялик савдогар”, “Қонга қон, жонга жон” , Дантенинг “Дўзах”, “Тозаловчи” каби асарларида ҳам ёритилган. Данте коррупционерларни дўзахни энг қоронғи ва энг чуқур жойига ташлаш керак деган фикрни билдирган.

Коррупциянинг келиб чиқиши тарихи ва ривожланиши масалаларини Никколо Макиавелли ўрганиб, уни йўталга қиёслаб шундай деган эди, “Коррупцияни ҳам йўталга ўхшаб олдин аниқлаш қийин, аммо даволаш осон, лекин бу касални ўтказиб юборсангиз уни аниқлаш осон, аммо даволаш қийин”. Мана шу сўзлардаги ҳақиқатни бугунги кунда дунё бўйича кенг тарқалган коррупция кўринишларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин бўлади.

Маълумки “Коррупция” тушунчаси латин тилидаги “corruptio” сўзидан олинган бўлиб, мазмуни “бузиш, сотиб олиш” маъносини беради ва унинг грамматик бир илдизли маъноси яна “коррозия” сўзи яъни “чириш” ёки “занглаш” деган мазмунни ҳам беради. Шундан келиб чиқиб бу сўз ижтимоий кўриниши “ҳокимиятни бузиш, чиритиш орқали сотиб олиш” деган маънони беради.

Миллий қонунчилигимизда мазкур атаманинг аниқ ҳуқуқий таърифи мавжуд эмас, бироқ халқаро ҳуқуқнинг айрим манбаларида хусусан, Коррупция муаммолари бўйича Европа Кенгаши Гуруҳларининг 1-сессияси (1995 йил 22-24 февраль, Страсбург)да **“Коррупция”га шундай таъриф берилган. “Коррупция - пора олиш (ўзига оғдириш), давлат ёки хусусий соҳада муайян ваколатга эга бўлган шахс, мансабдор шахснинг ёки хусусий соҳада фаолият юритадиган шахс ёки мустақил агентнинг ўз мансаб вазифасидан ёки шунга ўхшаш муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларини бузадиган шунингдек ўзи ёхуд ўзга шахслар манфаати учун ҳар қандай шаклдаги афзалликларга эга бўлиш мақсадида ифодаланган хатти-ҳаракат”.**

Мансабдор ёки мансабдор бўлмаган шахслар томонидан юқорида назарда тутилган хатти-ҳаракатлар содир этилиши оқибатида фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилади.

Шунингдек, “Коррупция – мансабдор шахс томонидан муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этиш (этмаслик) эвазига моддий манфаатдор қилаётган шахснинг манфаатини кўзлаб мансаб вазифасини бузган ёзи бузмаган ҳолда, турли шаклда моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий наф кўриши.” (БМТ мансабдор шахсларининг обод-ахлоқ Кодекси 17.12.1979 й).

“Коррупция – шахсий манфаати йўлида давлат ҳокимияти вазифаларини суиистеъмол қилиши (БМТнинг Коррупцияга қарши халқаро кураш бўйича ахборот хужжати).

Коррупция – бу шахсий манфаат учун давлат ҳокимияти мансаб вазифасини суиистеъмол қилиш (Бутунжаҳон банки ҳисоботи, 1997 й.)

Бундан ташқари Биринчи Президентимиз Ислон Каримов томонидан ҳам мазкур турдаги жиноят учун шундай таъриф берилган: “Жиноятнинг ёпиқ ва энг қабих тури бор.

Бу – коррупция ва порахўрлик. Жиноятнинг бу тури бошқарув аппаратини издан чиқарибгина қолмай, бозор асосларини ҳам барбод этиши мумкин”

“Коррупция, энг аввало, уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланишдир”.

Коррупцияга қарши кураш ишларини ташкиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 3 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси тузилмасида ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги порахўрлик, ўғирликлар ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш бошқармасини ташкил этиш тўғрисида”ги; 1994 йил 11 майдаги “Хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни коррупция, рэкет ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа кўринишларидан ҳимоя қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги; 1997 йил 28 майдаги “Коррупция, рэкет ва терроризмга қарши курашни такомиллаштириш ишларини янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди ва уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

БМТ Ривожланиш Дастурининг (“UN Development Program”) назарий таҳлилига кўра коррупцияни вужудга келишида қуйидаги омиллар катта роль ўйнайди: ваколат ёки ҳокимиятга, шахсий манфаат ва ўзбошимчалик, ҳисобдорсизлик ва ошкорасизлик.

Жаҳон миқёсида қуйидаги коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимдир:

а) БМТнинг “Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси”;

б) Европа Иттифоқининг “Коррупция учун жиноий жавобгорлик тўғрисидаги Конвенцияси;

в) Европа Иттифоқининг “Коррупция учун фуқаровий жавобгарлик тўғрисида”ги Конвенцияси;

г) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида “Коррупцияга қарши сиёсатнинг қонунчилик асослари тўғрисида”ги модел қонуни;

д) “Осиё Тараққиёт Банки ва Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки Осиё ва Тинч океани коррупцияга қарши ҳаракат дастури”;

Умуман олганда, коррупцияни вужудга келтирувчи шарт-шароитларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ўтиш давридаги қийинчилик;

- ижро этиш тизимининг ёмонлашуви;

- ҳуқуқий нигилизм;

- жамиятда инсонларнинг ҳуқуқий маданияти;

- иқтисодий аспектлар;

Дунёдаги мамлакатларда коррупциянинг мамлакат бошқаруви, иқтисодиёти ва бошқа соҳаларига таъсирини халқаро нодавлат-нотижорат

“Transparency International” - “Трансперенси интернешнл” тадқиқотларига асосан баҳолаб келинади.

Шунингдек, “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2003 йил 31 октябрь кунги Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси (2003 йил 31 октябрда қабул қилинган бўлиб, мазкур ҳужжат муқаддима ҳамда 8 та боб, 71 та моддадан иборат)га Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги 2008 йил 07 июль кунги ЎРҚ-158-сонли Қонуни қабул қилинди.

Қонунчилик таҳлили коррупция билан боғлиқ қилмишларга қарши курашиш фаолиятининг ҳуқуқий асослари кўпроқ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексига ўз ифодасини топган. Буни куйидагиларда кўришимиз мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг “Коррупция билан боғлиқ жиноятлар”ни назарда тутувчи куйидаги моддалар:

1. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тороғ қилиш (167-модда);
2. Сохта тадбиркорлик (179-модда);
3. Сохта банкротлик (180-модда);
4. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (182-модда);
5. Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш (184-модда);
6. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (205-модда);
7. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (206-модда);
8. Мансаб сохтакорлиги (209-модда);
9. Пора олиш (210-модда);
10. Пора бериш (211-модда);
11. Пора олиш-беришда воситачилик қилиш (212-модда);
12. Товламачилик йўли билан ҳақ - беришни талаб қилиш (214-модда)
13. Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (243-модда);
14. Контрабанда (246-модда) мавжуд бўлсада, халқаро ҳуқуқда ва амалдаги қонунчилигимизда “Коррупция” тушунчасининг ўзига таъриф берилмаган. Ушбу моддалар коррупциянинг моҳиятини нафақат тўлалигича очиб бера олмайди, балки коррупцион ҳаракатларга етарли даражада баҳо беришга имкон яратмайди.

Амалдаги қонунчилигимизда “мансабдор шахс”, “давлат хизматчиси” ва “давлат бошқарув органлари” тушунчаларини ўзида мужассамлаштирган қонуннинг мавжуд эмаслиги, мазкур муаммони Ўзбекистондаги давлат бошқаруви билан боғлиқ муносабатларда, мансабдор шахсларнинг статусини белгилашда, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш фаолиятини амалга оширишда, тезкор-қидирув фаолияти, тергов ва суд жараёнларида улар томонидан содир этилган қилмишларни процессуал баҳолашда айрим тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Афсуски амалдаги жиноят қонунчилигида кўпгина бугун мавжуд бўлган коррупцион қилмишлар учун жавобгарлик белгиланмаган. Масалан, маълум бир сиёсий мақсадни амалга ошириш учун яширин маблағлар йиғиш, бирор бир юқори лавозимга ишга ўтиш учун маблағ ёки бошқа ҳақ тўлашни амалга

ошириш, ташкилотларнинг акцияларини тақсимлашда ёки аукционлар ўтказишда “таниш-билишчилик” қилиш, маълум ҳақ эвазига солиқ ёки божхона тўловларида имтиёзлар яратиб бериш, манфаатдор мансабдор шахслар томонидан ўз таъсир доирасидаги турли хўжалик юритувчи субъектларни ҳимояси остига олиш шулар жумласига киради. Коррупция мурракаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, унга қарши курашиш учун алоҳида чораларни қўллаш самарали ҳисобланмайди. Ушбу фаолият комплекс-мажмуавий тарзда амалга оширилиши лозим. Бундан ташқари, коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг мақсади ва объекти сифатида алоҳида олинган коррупционер эмас, балки ушбу хатти-ҳаракатларни амалга оширишга шароит яратиб берувчи ҳолатларини бартараф қилиш ва профилактик олдини олиш чораларида намоён бўлади.

Коррупциянинг келиб чиқиш илдизи қаерда? Унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, коррупцияга қарши курашнинг самарали йўллари топиш бўйича мутахассислар, турли институтлар ва халқаро ташкилотлар томонидан юзлаб, минглаб тадқиқотлар ўтказилган. Ўзига хос рейтинглар тузилиб, ҳар хил кўрсаткич ва рақамлар қайд этилган жадваллар яратилган. Ҳатто коррупциянинг хилма-хил кўринишидаги формулалари ҳам ишлаб чиқилган. Ҳанузгача, барча миллатлар учун қўл келадиган қарши курашда асқотадиган ягона ечим йўқ. Гап шундаки, коррупциянинг асл илдизи унинг пайдо бўлиш географияси билан ўзгаради. Хўш, Ўзбекистонда қандай омиллар унинг куртак отиб, «гуллаб-яшнаши»га шароит яратмоқда? Бу жараёнда миллий ғоянинг ўрни қандай бўлади? Деган саволлар туғилиши табиий ҳол албатта.

Аввало, Адлия вазирлиги расмий сайтида келтирилган изоҳни қайтадан кўриб чиқиш тавсия этилади: «Коррупция – давлат органлари ходимлари моддий ёки мулкӣ йўсинда, ғайриқонуний шахсий наф кўриш мақсадида, ўз хизмат мавқеидан фойдаланишида ифодаланадиган ижтимоий ҳодисадир».

Бу ерда калит сўзи «давлат органлари ходимлари» саналади. Яъни, ушбу жумланинг ўзи коррупция даражаси юқори эканида давлат хизматчиларининг роли муҳим эканлигини кўрсатади. Давлат органларида хизмат қилаётганларни бундай қабих ишга қўл уришга нима ундамоқда?

Жавоб яна изоҳнинг ўзида ястаниб турибди: «моддий ёки мулкӣ йўсинда, ғайриқонуний шахсий наф кўриш мақсадида»! Табиийки, коррупция ортида мўмай даромад топиш илинжи турибди, бироқ ҳар бир қуйи босқичда унинг ҳақалак отишига давлат хизматчиларининг ойлик маоши пастлиги сабаб бўлмоқда.

Масалан, маҳаллий ҳокимиятнинг оддий хизматчисини кўз олдингизга келтиринг, унинг кичик маоши, аслида ходим инсон капиталига мос эмаслиги, коррупцияга қўл уришга мажбур қилади. Соддароқ қилиб айтганда, кучли билим ва тажрибага эга ходим ҳеч қачон кичик маош таклиф этилган иш лавозимида меҳнат қилмайди. Унинг олдида танлаш учун иккита йўл турибди: иш жойини ўзгартириб, кўп ойлик маош ваъда қилиб турган хусусий секторга ўтиб кетиш ёки кичик маошга «қаноат» қилиб, коррупцияга қўл уриш. Бундай вазиятда, давлат органларида кадрлар етишмовчилиги кузатилиб, тажрибали ва билимли мутахассисларни йўқотиши ҳам ҳеч гап эмас.

Давлат органларида ойлик маошни ошириш билан коррупцияга барҳам бериш мумкинми? Асло! Коррупция даражасини сусайтириш борасидаги таклифларни куйида батафсил мушоҳада этамиз, лекин, айтиш чоғда уни келтириб чиқарувчи яна бир омилга эътибор қаратсак: коррупцияни келтириб чиқарувчи сунъий тўсиқлар.

Сунъий тўсиқ, деб аталмиш жиҳатлар шундан иборатки, уларнинг барчасини сиёсий ирода кучи билан йўқ қилиш мумкин. Улар нималар? Рўйхатнинг бошида давлат органлари ходимларини ишга қабул қилишда юз бериши «белгиланган мантиқсизлик» ва шаффофликнинг йўқлигидир. Гап шундаки, инсон капиталининг ҳақиқий қийматини ўзбек моделидаги «объективка» орқали аниқлаш мумкин эмас. Бўлғуси кадрнинг салоҳиятини текшириш, унинг психологик ва жисмоний етуклиги ўрнига «Тошкент пропискиси», «яқин қариндошининг судланганлиги» каби фойдасиз вазиятлар ҳар қандай билимли кишини расмий доирадан узоқроқ юришга ундайди. Агар тажрибали ва билимли мутахассис давлат органида ишлаш истаги билан эшик қоқса, унга бериладиган илк топшириқ ҳам бир талай ҳужжатларни йиғиб келиш бўлади. Ўз ўрнида ҳар бир маълумотномани олиш кичик коррупцияга сабаб бўлиши мумкин.

Ундан ташқари, ишга жойлашиш масаласида ҳар ким «таниш-билиш» тизими, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, кланизм каби «ижтимоий ҳодиса» ларга дуч келиши тайин. Ана шундай барча «-чиликлар» замирида коррупцияга бошлаб боровчи йўл мужассам. Шунингдек, кучли фуқаролик жамиятининг ҳақиқий белгиси сифатида давлат органларининг халқ олдида ҳисобдорлиги, уларнинг фаолияти ва молиявий ҳаракатлар аниқ рақамлар билан ифодаланиши шарт. Ҳар бир соҳанинг халқ олдидаги ҳисобдорлигидан ташқари, айтиш пайтда, Олий Мажлис аъзолари, вазир ва давлат қўмита раислари, юқори раҳбарлик лавозимида ишлайдиган амалдорларнинг шахсий мол-мулки, даромадлари ҳамда уларнинг манбаси шу пайтгача кўрсатилмаган. Ҳисобдорлик шакли қандай бўлиши керак? Агар биронта вазирлик мисолида қисқача тушунтириш берилса, ҳисобдорлик белгиланган вазифалар, тақвимдаги масалалар ҳамда бажарилган ишлар каби ҳаракатлар билан тўйинтирилишдан ташқари, молиявий шаффофликни талаб этади. Бунда ҳар қандай оддий халқ вакили истаган саволига жавоб олишга ҳақли бўлиши назарда тутилади.

Коррупция, кўпгина кўринишларга эга ва турли ижтимоий ва иқтисодий секторларда юзага келиши мумкин. Коррупцияни мутлақо йўқ қилиб бўлмайди. Қандай қилиб коррупция даражасини кескин тушириш мумкин? Коррупция оддий ҳол эмас, балки жамият қабул қилмайдиган, ўта кам учрайдиган ҳолат бўлиб, коррупционер қонун бўйича жавоб берсин. Жаҳон янгиликларини кузатиб борсангиз, гоҳ у давлатда, гоҳ бу давлатда коррупционер қўлга тушганини кўрасиз. Уларга турли давлатларда жазолар ҳам ҳар хил белгиланади.

Хўш, коррупция даражасини кескин тушириш учун нималарни қилиш керак? Бу ерда бешта асосий аспектни келтириш мумкин:

1) Коррупцияга қарши тизимли ёндашиш. Бу ерда нафақат коррупционерларга жазо муқаррарлигини таъминлаш, балки коррупцияга сабаб

бўлаётган тизимни ислоҳ қилиш назарда тутилади. Масалан, агар давлат хизматларини кўрсатишда коррупция кузатилса, демак ушбу хизматларни соддалаштириш, электрон тартибда тақдим этиш, уларнинг транспарентлигини таъминлаш, бир инсонга (хоҳ бошлиқ, хоҳ оддий хизматчи бўлсин) қарор чиқариш ёки чиқармаслик ҳуқуқини бермаслик ва ҳоказо.

2) Судларни мустақил, ошқора, қонун доирасида ишлашини таъминлаш. Агар оддий фуқаро судда адолат топмаса, унинг ҳуқуқлари поймол қилинадиган бўлса, тизимли хато юзага келади. Умуман олганда, ҳуқуқ-тартибот органлари, прокуратура ва бошқалар адолат ва қонун доирасида иш кўришлари даркор.

3) Буларни таъминлаш ва коррупцияга қарши самарали курашиш учун яна битта омил - бу эркин ва кучли фуқаролик жамияти. Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини, мажбуриятларини билмасалар, улар талаб қилиш механизмларига эга бўлмасалар давлат ва нодавлат институтларни коррупцияга қарши руҳда ишлатиш қийин. Шу билан бирга, мустақил ОАВ роли ҳам жуда муҳим.

4) Мувозанатни сақлайдиган тизим яратилиши ва муваффақиятли ишлаши керак. Ўз-ўзидан маълумки, ҳокимиятнинг уч бўғини (Ижро, Суд ва Қонунчилик) мувозанатни сақласалар ва фуқароларнинг институтлар устидан назорати бўлса, коррупцияга имкониятлар кескин камайиши мумкин. Бу ерда непотизм, таниш-билиш, маҳаллийчилик ва бошқа иллатлар йўқ бўлиши аста-секин бошланади.

5) Иқтисодий рағбатлар албатта, мавжуд бўлишлари шарт. Ушбу стимуллар коррупция орқали кўшимча даромад олиш истагини мутлақ йўқотади. Масалан: АҚШда сизни тезликни оширганингиз учун полиция ходими тўхтатса, жаримадан қутилиш учун унга пора бериб қоча оласизми? Албатта! Фақат пора 1 ёки 2 миллион доллар бўлиши керак. Нима учун? Чунки полициячи яхши хизмати учун қатор преференцияларга эга. Масалан, кредитга уй, автомашина, маиший техника ва бошқаларни олиши мумкин, нафақаси юқори бўлиши мумкин. Демак, у сидқидилдан хизмат қилишга ҳаракат қилади. Бундай мисоллар кўп.

Болаларни чақалоқлигидан коррупцияга қарши руҳда тарбиялаш даркор. Бир томондан коррупцияга йўл очмасдан тизимли иш юритилса, иккинчи томондан тарбиявий ишлар тадбиқ этилиши даркор. Бу ерда миллий ғоянинг инсонийлик, ватанпарварлик принциплари, масалан, бировнинг ҳақини олмаслик, ўғрилиқ қилмаслик, алдамаслик ва бошқа халқимизга хос амаллардир. Энди таниш-билишчилик, маҳаллийчилик ва бошқа иллатлардан воз кечиш керак. Шунини тушуниш керакки, агар инсон ҳозир коррупцияга аралашиб ўз ишини битириб олса, жуда қисқа фурсат ичида ўзи учун «ижобий натижа»га эришиши мумкин, лекин бу натижа жамият ва аслида ўзи учун ҳам узок муддатгача салбий оқибатларни олиб келади. Чунки «бумеранг эффекти», албатта, ишлайди. Қилмиш-қидирмиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда “Коррупциянинг олдини олиш бўйича чоралар

самарадорлигини ошириш йўллари” мавзусида тегишли ташкилотлар иштирокида кўплаб ҳаракатлар амалга ошириб келинмоқда.

Миллий ғоя тарғиботи билан боғлиқ бўлган омилларни халқга етказиб беришда Сенат аъзолари, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги академияси, Юристлар малакасини ошириш маркази, тегишли идора ва муассасалар раҳбарлари, олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари бевосита яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Бугунги кунда коррупцияни олдини олиш борасида қилинаётган сайи-ҳаракатлар, унинг самарали ижросини таъминлашга қаратилган вазифалар муҳокама марказида бўлиб қолмоқда. Жумладан: “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир тадбирларни ўз вақтида, сифатли амалга ошириш бугунги куннинг долзар вазифаларидан биридир.

2017-2018 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги, “Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ҳамда “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш жараёнини тезлаштиришда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда. Жумладан, бу борада “Давлат хизмати тўғрисида”ги, “Давлат ва хусусий шериклик тўғрисида”ги, “Давлат харидлари тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунларни амалиётга жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, жамиятимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга чек қўйиш учун бугун қабул қилинаётган қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатларнинг сифатини ошириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, оқибатларини бартараф этиш, юзага келишига шароит яратувчи омилларни ўрганиш асносида унга қарши курашишнинг аниқ чора ва механизмларини қўллаш давр талабига айланмоқда.

Коррупциянинг олдини олиш бўйича чоралар самарадорлигини ошириш ҳамда коррупцияга қарши курашишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни, бунда иқтисодий, маънавий-маърифий чораларнинг аҳамияти ҳақида кўплаб масалалар ҳал этилиши назарда тутилиб келинмоқда.

Тегишли вазирлик ва мутасадди идораларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги масъулиятини кучайтириш, ишлаб чиқиляётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш, давлат органлари томонидан кўрсатиляётган хизматларнинг шаффофлиги ва самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда интернет ва ижтимоий тармоқлар имкониятларидан кенг фойдаланишга доир амалий таклиф ва тавсиялар берилиши лозимдир. Хулоса шундаки,

коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар ана шу ходиса яшаб турган жамият яратган тизимнинг носоғлом яшашида намоён бўлади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашдаги асосий вазифаси ижтимоий кайфиятни ёритиш: чўққининг ўткир нуқтасига етиб келганимизни эслатиб туришдан иборат.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар?

1. Ғоя нима?
2. Ғояламнинг қандай турлари мавжуд?
3. Бунёдкор ғоялар ва вайронкор ғояларга мисоллар келтиринг.
4. Мафкура нима?
5. Мафкураламинг қандай тарихий шакллари бўлган?
6. Давлатлар ва миллатларнинг юксалиши ёки таназзулга учрашида мафкуранинг аҳамияти қандай?
7. Мафкурасиз миллат ва ғоясиз инсон бўлиши мумкинми?
8. Коррупция нима?
9. Коррупцияни пайдо қилувчи сабабларини айтинг?

5-МАВЗУ: МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНИШ

РЕЖА:

1. Миллий ғоя ва мустақил демократик тараққиётнинг ўзаро боғлиқлиги
2. Демократиянинг Шарқона ва Ғарбона талқини ва унинг миллий ғояда намоён бўлиши
3. Демократик тараққиётда инсон манфаатлари устуворлиги ғояси ва унинг аҳамияти

Таянч тушунча ва иборалар:

Демократия, халқ ҳокимияти, демократлашув, демократик ғоялар, Шарқона демократия, Ғарбона демократия, демократик принциплар, демократик тараққиёт, демократик тузум, демократия концепцияси, демократик–ҳуқуқий ислоҳатлар, бозор иқтисодиёти, сиёсий муносабатлар, тарихий демократия, инсонпарвар ва демократик жамият,виждон эркинлиги, жамият ҳаётини демократлаштириш жараёни, халқ билан мулоқот ва ҳк.

Ҳозирги кунда дунёда 200 дан ортиқ давлат мавжуд бўлса, уларнинг 160 га яқини демократик тараққиёт йўлидан бормоқда. Бу давлатларда демократия миллий ва умумбашарий кадрият сифатида қарор топганлиги дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Айнан ҳозирги даврга келиб, демократия инсоният ҳаёт тарзининг энг мақбул ривожланиш йўли эканлигини дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилаётганлиги демократияни миллий ва умумбашарий кадрият сифатида ўрганишни тақозо этаётган сабаблардан биридир.

“Демократия” сўзи грекча сўз бўлиб “халқ ҳокимияти” деган маънони англатади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, демократиянинг асосий белгиси алоҳида олинган у ёки бу мамлакатда халқни олий ҳокимиятнинг манбаи эканлигини амалда эътироф этишдир. Айни пайтда, турли халқлар демократиянинг шакли ва мазмунини турли даврларда турлича талқин этишган. Демократиянинг антик даврдаги талқини билан ҳозирги замон талқини айнан бир хил эмас.

Ғарб олимларининг таъкидлашича, ҳозирги вақтга қадар демократия тўғрисидаги тўпланган таъриф ва таснифлар сони қарийб 550 тадан ортиқдир.¹

Р.Дал эътироф қилганидек, “демократиянинг табиати икки ярим минг йилдан бери ҳар томонлама муҳокама қилиб келинмоқда, бир қарашда ушбу муддат барчани қониқтирадиган демократия ғоялари йиғиндисини ишлаб чиқиш учун бемалол етарлидек туюлади. Лекин бу амалга ошмади. Йигирма беш аср давомида демократия ғоялари илгари сурилди, ҳимоя қилинди, танқид қилинди, йўқ қилинди, кейин яна тикланди, аммо ушбу ҳодисанинг моҳиятини ташкил қилувчи фундаментал масалалар бўйича ягона тўхтама қилинган йўқ”.²

¹Даймонд Л. Прошла ли “Третья волна демократизации?” // Полис. 1999, Ст-11.

²Даль Р. О Демократии. –М.: Аспект пресс, 2000, Ст-9.

Демократия тўғрисидаги таърифларнинг барчасида демократиянинг атрибутлари турлича талқин қилинган. Лекин масаланинг энг муҳим томони шундаки, шу пайтга қадар, жаҳон илмий фикрига демократияни жамиятда жорий қилишнинг барча учун умумий бўлган қондасини яратдик, деб ҳеч ким даъво қилгани йўқ. Чунки демократиянинг моҳиятини ташкил қилувчи умумий белгилари ва мезонлари бўлгани ҳолда, ҳар бир жамият масалага ўзига хос имкониятлар ва уларнинг хусусиятларидан келиб чиқибгина ёндоша олади. Демократлашув жараёнининг ниҳоятда мураккаблиги, уни амалга ошириш кўламининг кэнглигини назарга оладиган бўлсак, бугунги кунда демократияни фақатгина сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш усули сифатида қабул қилсак ва шу эскирган ёндашувдан келиб чиқиб жамиятда демократияни жорий қилишни тасаввур қилсак, албатта катта хатога йўл қўямиз. Чунки, бунда демократияга ўта бир томонлама ёндашган бўламиз. Инсоният тўплаган тажрибалардан маълумки, бундай усулда ҳали бирор бир жамият демократияга тўлиқ ўтолмаган.

Демократия ва демократлашув муаммоси билан шуғулланган мутахассислардан бири Джон Дюи демократияга бундай тор ёндашувни қаттиқ танқид қилган. Унинг фикрича, “...демократия авваламбор сиёсий бошқарувнинг усули эмас, балки етакчи равишда ҳаётни ташкил қилиш усули, турмуш тарзидир”.¹ Бугунги кунда демократлашув жараёни билан боғлиқ назариялар, маълумотлар кўпчилиги боис, демократияга ўтиш вазифаларини ҳал қилиш йўллариининг хилма-хиллиги ошиб бормоқда ва шунинг учун ҳам унинг концептуал масалалари мураккаблигига қолмоқда.

Европалик тадқиқотчи Адам Пшеворский таъкидлаганидек, “демократияга олиб боровчи йўллар турли-тумандир. Охирги натижада эса айнан қайси йўлнинг танлаб олинишига боғлиқ бўлади”.²

Бир нарсани алоҳида қайд қилиш керакки демократик ғоялар турли хил миллий маданий шароитларда яшай олиш хусусиятига эга. Бу дегани, бир томондан, демократия миллий хусусиятларга эга бўлса, иккинчидан, у турли миллатлар, халқлар ҳаётидан, давлатчилик, анъаналарда намоён бўла олади. Ўзининг миллий-маънавий қадриятларига таянмаган, уни ҳисобга олиб, айни пайтда умуминсоний қадриятлар, принциплар билан уйғун бўлмаган демократияни ҳақиқий демократия деб бўлмайди. Бу борада ҳозиргача баҳслар давом этиб келмоқда.

Демократия – халқ давлат ҳокимияти манбаи, деб тан олинган жамият сиёсий тизимининг амалга ошириш услубини англатади. Демократик тузум шароитида ижтимоий масалалар ва давлат ишларини ҳал этишда қатнашиш ва бошқариш учун фуқароларга кэнг имкониятлар, ҳуқуқ ва эркинликлар берилади.

Демократик тузумнинг ўзига хос белгилари қуйидагилардан иборат:

-умумсайлов орқали тўғридан-тўғри, яширин сайлов билан давлат ва ўзини-ўзи бошқариш маҳаллий органларига вакил сайлаш;

¹Стур Дж. Открывая демократию заново (1). // Полим. 2003. № 5. Ст-17.

²Пшеворский А. Демократия и рынок. –М.: РоссПЭН, 2000, ст-91.

- халқ номидан қонун чиқарувчи парламентнинг мавжудлиги;
- ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд каби тармоқларга бўлинганлиги;

- кўппартиявийлик, Конститутсия асосида давлат сиёсатини ёқлайдиган ва унга муқобил бўлган партияларнинг фаолият олиб бориши;

- камчилик овозини ҳурмат қилган ҳолда кўпчилик овозини қабул қилиш.

Демократик тузум қуйидаги шарт-шароитларнинг бўлишини тақозо этади:

- фуқаролар томонидан давлат ишларини назорат қилиш тизимининг мавжудлиги;

- ҳокимиятга эга бўлишда ортиқча имтиёзларга йўл қўйилмаслик;

- фуқароларнинг ўз вақтида тўлиқ сиёсий маълумотлар билан таъминлаш имкониятларининг мавжуд бўлиши;

- депутатларни чақириб олиш ва мансабдор шахслар алмашинуви жараёнининг содда ва тушунарли бўлиши;

- фуқароларнинг тэнг ҳуқуқлилигини кафолатлаш ва ҳокимият аъзоларини танқид қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги.

Фуқаролар сиёсий ва ҳуқуқий масалаларда мустақил қарорлар чиқариш, давлат ҳокимиятининг уларнинг манфаатларига жавоб бермайдиган хатти-ҳаракатларига нисбатан қарши чиқа олиш ҳуқуқи ва шароитларига эга бўлганда демократик тузум самарали фаолият олиб боради.

Демократия сиёсий тузумнинг энг мураккаб тури ҳисобланади. Ўз Демократияъ атамаси маъносининг ўзгариб бориши инсоният тарихини ўзида акс эттиради. Аввалига демократияга монарх ёки аристократлар бошқарувидан фарқли равишда, тўғридан-тўғри бошқарув шакли сифатида қаралган. Антик даврда демократия бошқарувнинг “энг ёмон” шакли сифатида кўриларди. Демократик режимлар узок давом этмай охлократия (тўда, оломон бошқаруви)га ўтиб кетарди.

Демократия концепцияси ривожда янги босқич буюк франсуз инқилобидан сўнг бошланди. Ўша даврдан бошлаб демократияга монархия ва элитани рад қилувчи, ижтимоий-сиёсий йўналиш мақсадларини шакллантирувчи ижтимоий фикр йўналиши сифатида қаралади.

Ҳозирга кунда демократиянинг қуйидаги назариялари ишлаб чиқилган:

1. Либерал демократия назарияси англосаксон қадриятларига асосланади. Бунда демократия масъул ва компонент бошқарув сифатида кўрилади. Ҳокимият манбаи халқ бўлиб, у ўз хоҳиш иродасини ўзи эмас, балки вакиллари орқали ифода этади.

2. Тўғридан-тўғри демократия назарияси. Бу назария муаллифларидан франсуз файласуфи Жан Жак Руссо (1712-1778) вакиллик тамойилига қарши чиқади. Унинг фикрига кўра, демократия ўзининг ягона иродасини ифода эта оладиган халқнинг тўғридан-тўғри бошқарувидир. Бу назарияда бошқарувчилар ва бошқарилувчиларга бўлиниш йўқ. Йиғилишларда ифода этилган халқнинг умумий хоҳиш-иродаси ҳокимият фаолияти ва қонунлар ишлаб чиқишнинг асоси ҳисобланади.

3. *Плюралистик демократия назарияси.* Бу назария тарафдорлари ҳокимият фаолиятининг асоси бўлиб хизмат қилувчи ягона халқ иродаси мавжудлигини инкор этадилар. Уларнинг фикрича, умумий ирода бўлиши мумкин эмас, чунки одамлар ўз фаолиятларда умумий эмас, балки шахсий манфаатларидан келиб чиқадиладар.

4. *Элитар демократия назарияси.* Мазкур назария намоёндаси ХХ асрнинг йирик иқтисодчиси ва сотсиологи Озер Аллоис, И.Шумпетер фикрича, маълум муддатга сайланган бошқарувчи элита шу вақт давомида фаолият кўрсатишдан маҳрум бўлган кўпчиликнинг манфаатидан келиб чиққан ҳолда сиёсий вакилликнинг функцияларини қабул қилади ва алоҳида сиёсий кучлар халқ овозини олиш учун рақобат курашига киришиб, қарор қабул қилиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

5. *Сотсиал демократия назарияси тарафдорлари индивидуал ва умумий ҳокимият вакилларида фарқли равишда, демократияни синфий бошқарув сифатида талқин этадилар.* Бунда демократик бошқарув талқинининг икки - ортодоксал ва реформистик йўналишларини ажратиш мумкин.

Ортодоксал талқинга кўра, фақат сотсиал демократия халқ ҳокимиятини таъминлайди.

Сотсиал реформаторлар демократияни маълум маънодаги мураса, турли ижтимоий кучларни келиштириш йўли, деб тушунадилар. Жамиятнинг мақсадлари шахснинг яшаш шароити ўзгариши билан ўзгариб боради. Сиёсий тузум сифатида демократия стратегик муаммоларни радикал йўл билан ҳал этишга зид келади, чунки демократия доимо манфаатларни мувофиқлаштиришга ва турли муқобил вариантларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилади.

Демократия ҳокимият ва фуқаролар ўзаро муносабатларининг мураккаб тури сифатида ўзгарувчан, шароитларга мослашувчан даражада шаклланган бўлиши керак.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кэнг қўламли демократик ислохотлар ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган изчил сиёсат фуқаролик жамиятининг ажралмас қисми бўлган жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини тобора оширмоқда. Бу жараён “Кучли давлатдан кучли жамият сари” деган тамойил асосида амалга оширилмоқда. Ушбу тамойил мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлардан биридир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик–ҳуқуқий ислохотларни фуқаролар онгига сингдириш миллий мафкурамиз олдида турган муҳим масалалардандир.

Демократия – эркинлик, эркин фикр, эркин ҳаракат – фаолият демак. Яъни, ўзликни намоён этиш имкониятининг мавжудлигидир. Ҳар бир фуқаро қобиляти, билими, малакасини ишга солиб, яхши яшаш учун бемалол кураш олиб бора олади. Бироқ айти вақтда, демократия – юксак маънавиятни, маъсулиятни ҳис қилишни талаб этади. Қонун, ҳуқуқ имкониятлар берса, ахлоқ бурч, ўзгалар манфаатини ҳисобга олиш эса маъсулият юклайди, ҳар бир

индивидуал шахс манфаати билан жамият манфаати чамбарчас боғлиқ эканини билдириб туради. Шу заминда рақобат ҳам, ақлу заковат ҳам, адолат ўзанига тушади, кишининг киши томонидан ноҳақ эзилиши, зўравонлик қилишига йўл қўйилмайди.

Демократия - бозор иқтисодиёти. Бу эса, турган гапки, ҳамма соҳаларда шахсий қобилиятни чархлайди, рақобат ва “ким ўзарга” бардош беришни талаб қилади. Бунинг оқибатида шахсда курашчанлик ортади, киши тобланади, шу билан бирга, худбинлик ҳам ривожланади. Худбинлик андишасизликни вужудга келтириши мумкин. Бироқ, юқорида қайд этганимиздек, демократия эркин ва очик мулоқотларни, қонун асосида муносабатларни қатъий йўлга қўйиб, ошкораликни юзага келтиради ва адолатни тиклашга имкон яратади.

Ҳаёт шуни кўрсатадики, инсонлар аввало муайян мафкура, дунёқараш тизимига, асрлар давомида шаклланган маънавий тажрибага таяниб, жамият бўлиб яшайди. Одамни шаклланган дунёқарашдан ажратиб бўлмайди. Агар дунёқараш тўғри йўлда, эзгулик асосида шаклланган бўлса, инсон шу йўлда ҳаракат қилаверади, илми, қобилиятини ҳам шунга сарфлайди. Агар бунинг акси бўлса, демак нотўғри йўлни танлайди, адашади ёки “ҳақ” деб бузғунчилик қилади. Бунёдкор шахс эзгулик ғоялари руҳида тарбияланган эркин шахсдир. Шу боис ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида маънавий–ахлоқий тарбиянинг аҳамияти бениҳоя ортиб бораверади. Ва бу ахлоқий–маънавий тарбиянинг марказида миллий ғоя ва мафкура туриши лозим. Чунки, миллий ғоя Ўзбекистон халқининг ягоналиги, яхлитлиги ва бирлигини, ягона байроқ остида жипслашувини, келажаги буюк Ватан учун фидойи фарзанд бўлиш туйғусини ифодалаб келади. Шу боис миллий ғоя ҳар бир фуқаронинг ва бутун халқимизнинг қалбидан жой олган бўлиши, уни руҳлантириши, чидамли ва шижоатли қилиб тарбиялашга хизмат қилиши керак. Миллий ғоя бизнинг тарихимиз, бугунимизни ва келажагимизни бирлаштиради. Демократия - юқори даражада ривожланган кишилар жамияти, инсоният эришган буюк неъмат, кўпчиликнинг яшаш тарзи. Аммо, у барча мамлакатларда бир хил эмас. Ҳар бир мамлакат демократиянинг умумий қадрият ва тамойилларини ўз миллий қадриятлари заминида, ўз халқининг узоқ тарихи давомида шаклланган анъаналари билан қўшиб қабул қилганини биламиз. Масалан, АҚШ ёки Англия, Франция (бошқа Европа мамлакатлари ҳам) демократик давлатлар бўлсалар-да, лекин ҳар бири ўз миллий руҳи, анъаналарини ҳам сақлаган. Шу каби Япония, Корея, Малайзия каби мамлакатларда ҳам демократик тузум миллий ва диний – эътиқодий удумлар негизида амал қилмоқда.

Бугунги кунда демократиянинг “Шарқона демократия” ва “Ғарбона демократия” деб аталган шакллари ҳақида ҳам турли зиддиятли мулоҳазалар мавжуд.

“Аввало, – дейди профессор И. Эргашев – “Шарқона демократия” ва “Ғарбона демократия” атамасининг алоҳида–алоҳида ишлатилиши демократиянинг умуминсоний маъно-мазмунига, умумеътироф этилган қадрият сифатида унинг умумий моҳиятига соя ташламайди. Бошқача айтганда, “демократия” (Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам) – умум-еътироф этилган тушунча. Унда муаммо нимада? Муаммо бизнинг назаримизча, “шарқона” ёки “Ғарбона”

демократия ўртасидаги фарқни англаш замирида ётибди, яъни муаммо демократиянинг умумий, ягона моҳиятига эмас, унинг ўзига хос миллий-маънавий хусусиятларини фарқлаш, эътироф этиш билан боғлиқ”.¹ Демократиянинг бу атамаларини бир бирига қарама-қарши қўйиш ёки бири-биридан устун қўйиш мумкин эмас.

Жамият ҳаётида демократик қадриятларнинг чуқур жой олиб бориши халқнинг сиёсий-маданий онги, уларнинг сиёсий демократия ва бозор муносабатларининг асосий талаблари, тамойилларини қабул қилиш ҳамда татбиқ этишга тайёргарлик даражасига ҳам боғлиқ. Бошқача айтганда ҳар бир халқнинг миллий онгида шу халққа хос ва мос бўлган, тарихан шаклланган асосий жиҳатлар борки, у шу халқнинг руҳиятини, менталитетини, характерини ифодалайди ва улар мамлакатнинг сиёсий тизимида ўзларининг изларини қолдирмаслиги мумкин эмас.

Албатта, дунё тараққиётида демократия умуминсоний қадрият сифатида турли халқлар, миллатлар тафаккури ва турмуш тарзига сингган, эътироф этилган ва шунга мос эътибор берилаётган, амал қилиб келинаётган бошқариш услубидир. Бу умумий қонуният. Айни пайтда, ана шу умумий қонуниятнинг иккинчи муҳим бир жиҳатини ҳисобга олмаслик ҳам мумкин эмас. Бу ҳар бир халқнинг ҳаёт тарзи, менталитети, демократияни ҳис этиш, англаш, тушуниш ва унга амал қилиш хусусиятининг мавжудлиги билан боғлиқ. Ҳамма халқлар учун ягона идора этиш услуби ҳам, ягона жамият андозаси ҳам йўқ. Бирини иккинчисидан афзал қўриш ҳам мумкин эмас. Умуминсоний қадриятга айланган демократиянинг ҳамма учун муҳим ва аҳамиятли бўлган жиҳатларини тан олиб, унинг ҳар бир халқнинг миллий-маънавий руҳияти асосида қарор топиши ва умуминсоний ҳодисага айланишини эътироф этмаслик жамият ривожига, демократик тараққиёт мантиғига тўғри келмаслигини англамаслик мумкин эмас. Демократия қанчалик умуминсоний маъно ва қадрият касб этмасин, унинг негизини ташкил этадиган, унга руҳий куч-қувват берадиган, уни бойитиб турадиган, ранг-баранглигини таъминлайдиган тушунчалар: “Миллийлик” ва “миллий руҳият”, миллий маънавий қадриятлардир.

Профессор Ибодулло Эргашев Ғарб ва Шарқ демократияси орасидаги муносабатни қуйидагича ифодалайди.² Демократиянинг Ғарбона кўриниши кимгадир афзал туюлаётган бўлса, бу ғарбона демократияни бир томонлама кўриш, унга ортиқча баҳо бериб, унинг миллий-маънавий хусусиятларини эътироф этмасликни англатади. Ёки Шарқона демократиянинг замондан орқада қолган айрим жиҳатларини, менталитетимиздан чуқур жой олган айрим носоғлом стереотипларни ўзгартиришга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатади. Шарқона демократия ҳам умумэътироф этилган демократик принципларга асосланади. Айни пайтда, ўзининг минтақавий, умумий миллий-маънавий хусусиятларини ҳисобга олишни англатади. У ҳам ўз ичида ранг-баранг ва нисбий ҳодиса. Бу Шарқ халқларининг тарихан қарор топган қадриятларидаги ўзига хос миллий хусусиятлардир. Улар халқларнинг тафаккур тарзида, урф-

¹Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. Т.: Академия, 2004,118-бет.

²Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. –Т.: Академия, 2004,122-бет.

одат ва анъаналарида сиёсий ҳаёт, инсон, жамият ва давлатга қарашда амал қиладиган ўзига хос сиёсий-маданий хулқ-атвор кўринишларида намоён бўлади.

Бу халқимиз ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳиятининг устуворлиги, оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг одамлар қалбидан чуқур ўрин олиб, ота-онага, маҳалла-қуйга, жамоага юксак эътибор ва ҳурмат билан қаралиши, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, аёл зотига алоҳида эҳтиром кўрсатилиши, сабр-бардошлилик ва меҳнатсеварлик, меҳр-оқибатли бўлиш билан боғлиқ принциплар авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадриятлардир. Бундай қадриятлар табиий равишда демократиянинг умуминсоний тамойиллари билан чамбарчас боғлиқ. Умуман, Шарқона демократия “ахлоқ”, “маърифат” муносабатлари ва анъаналарига кўпроқ боғланганлиги билан ҳам фарқ қилади. Бу ҳеч қачон демократиянинг умумбашарий тамойилларига соя солмаслиги лозим.

Ғарб демократиясида ҳам худди шундай хусусиятларни келтириб, уни Ғарбдаги ҳаёт тарзи ва кўникмаларига нисбатан қиёсий талқин этиш мумкин, айни пайтда у кўпроқ “анъаналар”га эмас, уни ҳисобга олган ҳолда қонунга, шахс эркинлигига, Шарқ нуқтаи назаридан ёндашганда қонун асосидаги “индивидуализм”га асосланиб, фуқаро сиёсий маданиятига чуқур сингганлигини кўрамыз. Бундан Ғарб демократияси жамоани, миллий-маънавий хусусиятларни мутлақо тан олмайди, у жамоатчиликдан ҳам, инсоний меҳр-оқибат муносабатларидан ҳам бегона деган хулоса келиб чиқмайди.

Умуман, демократиянинг Шарқона ва Ғарбона кўринишлари ҳам миллий-маънавий хусусиятларни эътироф этадиган, унга таянадиган умуминсоний моҳият касб этади. Демократиянинг қандай шаклда бўлишидан қатъи назар миллий-маънавий хусусиятлардан озуқа олади, унга таянсагина умуминсоний қадриятга айланиб боради. Бу халқлар ҳаётида муҳим ўрин тутуди ва демократик жамият қуришни кафолатлайди.

Кўриниб турибдики, демократия жуда мураккаб тушунча. Демократиянинг табиати мураккаб бўлиши билан миллий ва умуминсоний хусусиятларга эга экан, унинг мезонлари, жамиятда қарор топтириш жараёнлари тўғрисида нима дейиш мумкин?

Бугунги кунга келиб Европа мамлакатларида бир қатор демократик қадриятлар шаклланди. Яъни уларда бу қадриятларни шакллантириш орқали демократия шахс, давлат, фуқаро ва жамият ўртасидаги муносабатлар мувозанатини таъминламоқда ва у қуйидаги мезонларда ўз ифодасини топмоқда. Жаҳон сиёсатшунослари демократиянинг қуйидаги мезонларини эътироф этмоқдалар:

1. Халқларнинг давлат ва жамият ҳаёти билан боғлиқ бўлган қонунларнинг қабул қилинишидан хабардорлиги;

2. Халқнинг қонунларнинг қабул қилинишида бевосита ёки билвосита иштирок қилишининг таъминланганлиги;

3. Халқнинг қабул қилинган қонунларнинг ижроси устидан назоратининг таъминланганлиги;

Оддий фуқаронинг давлат, жамият ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган ўзини қизиқтирган маълумотларни бемалол олиш учун имкониятнинг яратилганлиги ва ҳ. к.

Бугунги кунда Шарқнинг ҳам ўзига хос давлатчилик анъаналари, бошқарув тизими, идора усуллари, ҳокимият тармоқлари бўлгани, бу борада у Ғарбдан сира кам эмаслиги барчага аён бўлиб қолди.

Хусусан, шарқона демократиянинг бир қатор устувор жиҳатлари мавжуд. Бу – ғоявий-фалсафий асосда шаклланган инсонпарварликдир. Масалан, бизнинг Форобий, Амир Темур, Низомулмулк, Алишер Навоий каби аждодларимизнинг сиёсий қарашлари негизида турли даврларда ўзига хос сиёсий маданият шаклланган. Шарқ сиёсий фалсафасининг муҳим жиҳатларидан бири – “меёр” тушунчасига катта аҳамият берилишидир. Аслида демократия – меёрга асосланган сиёсий маданиятдир. Бу меёр ҳуқуқ ва бурч, эркинлик ва тэнглик ўртасида бўлган мувозанатни ҳам англатади.

Шарқда одамларнинг ҳокимиятга ва сиёсий муносабатларга бўлган муносабати азалдан ўзига хос хусусият касб этган. Бу Шарқдаги сиёсий муносабатларнинг нозик жиҳатлари билан изоҳланади. Сайлов тизими, давлатчилик, сиёсий ҳаракатлар, жамоатчилик фикри, оммавий ахборот воситалари – буларнинг барчаси Шарқда ўз хусусиятларига эга. Аввало, бу хусусиятлар ҳокимиятга бўлган анъанавий ишонч ва баъзан эса патернализм қонунияти билан ифодаланади. Тарихан Шарқ мамлакатларида сиёсий қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга оширишда масъул кишилар орқали, лекин бунда халқнинг манфаатлари албатта ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилган. Улар халқнинг “иштирокида”, яъни турли митинг, инқилоблар орқали бўлган, аммо унинг манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда қарор қабул қилган қарорлардан кўра кўпроқ самара берган. Шу туфайли Шарқ мамлакатларида аксарият ҳукмдорлар мудом “Халқ нима дер экан?”, “Мендан қандай ном қолар экан?” деган масъулият билан сиёсат олиб борган.

Шарқда сиёсий жараён иштирокчилари, айниқса, сиёсий етакчиларнинг ўзига хос макоми бор. Сиёсий раҳбар нафақат ўзига тегишли алоҳида имтиёзларга, балки алоҳида масъулиятга ҳам эга. У нафақат ўз ҳуқуқлари, балки мажбуриятлари буйича ҳам асосий оғирликни ўз зиммасига олган. Шу маънода, Шарқ халқлари ҳаётида адолат бош мезонга айланганки, одил ва доно шох, ҳукмдор ғояси “Авесто”дан ҳозирги кунларгача орзу бўлиб келган. Шунинг учун Амир Темур фаолиятида “Куч – адолатда” деган қоида устувор бўлган. Шу тариқа, Шарқ мутафаккирлари давлатни, аввало жамият тараққиётидаги икки муҳим омил – ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий адолат мезонларни амалга ошириш қуроли деб тушунган. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, Шарқ да қонунчилик ва меърий тизимлар ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилган. Бундай анъана Соҳибқирон Амир Темур давридаёқ бутун дунё меърий тизимига ва Конституциячилигига кучли таъсир кўрсатган. Амир Темур “Тузуқлар”и бунинг яққол далили.

Яна бир масалага алоҳида эътибор бериш зарур. Шарқ халқлари ҳаётида жамоатчилик фикри азалдан юқори маком ва мартабага эга бўлиб келган. Кўпгина анъанавий ижтимоий институтлар, хусусан, маҳалла ва бошқа ўзини

Ўзи идора қилиш ташкилотлари асосан жамоатчилик фикрига таянган. Шундан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий салмоқли фикрларни жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқиш ҳам анъанавий йиғилиш жойларида – маҳалла гузарларида, чойхоналарда, карвонсаройларда, тўй-маъракаларда, тантаналарда, ҳашарларда, ҳатто, меҳмондорчиликда ҳам амалга ошган. Шу билан бирга, жамоатчилик фикри ҳар доим давлат қарорлари қабул қилишнинг муҳим таркибий қисми бўлиб келган. Ҳукмдорлар ўз фаолиятларининг жамоат фикри томонидан қўллаб-қувватланишига эришишга уринган, қарор қабул қилишдан олдин уни жамоатчилик ризосидан ўтказишга эътибор берилган.

Хуллас, шуларнинг барчасидан келиб чиқадиган бўлсак, Шарқ халқларига, хусусан, бизнинг мамлакатимиз аҳолисига азалдан ўзига хос демократик анъаналар мавжуд бўлган. Ўз менталитети, моҳиятига кўра, умуминсоний кадриятларга нисбатан ўта хайрихоҳлиги туфайли, халқимиз замонавий демократик кадриятларни ҳам тез ўзлаштириб олиши шубҳасиз. Бу, албатта, халқимизнинг тарихий-ижтимоий анаъналаридаги демократик ғоялар, тажрибалар, хусусан, жамоа демократияси намуналари билан ҳам боғлиқ.

Умуман, демократия қадимдан дунёнинг турли минтақаларида турлича йўналишда ривожланиб борган. Унинг муҳим бир шакли эса айнан шарқона демократиядир. Демократия ғояларининг давлатлашган кўриниши ҳам қадимий тарихга эга. Масалан, XIII асрда Самарқандда ҳукмронлик қилган сарбадорлар давлатида демократиянинг кўпгина унсурларини учратиш мумкин.

Тарихий демократиянинг иккинчи йўналиши жараёنли – сиёсий демократиядир. Унинг жамият сиёсий тизимини халққа яқинлаштириш, сиёсий адолатсизликларнинг олдини олиш борасидаги аҳамиятини таъкидлаб ўтиш зарур.

Ижтимоий демократия эса учинчи бир тарихий йўналишдир. Бугунги давр демократияни ислохотлар жараёнига айлантирди. Шу даврдан бошлаб демократия кэнг ижтимоий ҳодиса тусини олди.

Демак, демократия асли тарихий жараёнда вужудга келган бўлиб, у инсон фаолиятининг турли жиҳатларига нисбатан татбиқ этилади. Шу маънода, турлича моделларда намоён бўлади. Буни ўз даврининг илғор мутафаккирлари ҳам теран англаганлари, улар демократия учун зарур бўлган шарт-шароит, яъни мустақил миллий тараққиёт заруратини алоҳида таъкидлаганлар. Хусусан, умрининг деярли кўп қисмини Туркистон тарихини холис ўрганишга бағишлаган, жадидчилик намоёндаларининг ғоявий йўлбошчиси, кейинчалик “қўрбошилиқ” ҳаракатида ҳам фаол қатнашиб Туркистон халқлари ҳаёти равнақи учун ўз жонидан ҳам кечишга тайёр бўлган улуғ инсон, тарихчи турколог Аҳмад Закий Валидий Туғон бу ҳақида шундай деб ёзган эди: “Демократиянинг бирдан-бир, ягона ретсепти йўқ. Унинг мақсади миллатларга ва жамиятларга ўз ихтиёрларига мувофиқ ҳаёт кечириш имкониятини беришдадир. Демократия турли миллатда турлича бўлиши мумкин. Лекин унинг асосий бир шarti бор: миллат ва жамият орасидаги масъулиятга шериклашиб, шунга мувофиқ равишда иш қонунларига буйсуниш керак бўлади. Инглизларда, Америкада, Шветсияда, Норвегияда иш шу тарзда тўзилган. Россияда эса бу йўқ. 1919 йилда яхшигина демократик партиялар вужудга

келди, аммо болшевиклар партияси тепагачиқ дию бутун бошли партияларни йўқ қилди ва тарихда мисли кўрилмаган мустабидлик тузумини ўрнатди. Давлат ишида масъулият ҳиссининг умумийлиги халқнинг маданий камолотига боғлиқ тарбия ва одат масаласи ҳамдир”.

Бугунги шарқона демократияда қадр, оқибат, андиша, катталарга ҳурмат, она заминни ардоқлаш борасида ўзига хослик яққол намоён бўлади. Булар эса миллий истиқлол ғояси амал қилишида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Хўш, Ўзбекистон демократияни шакллантиришнинг қандай йўлидан бормоқда?

Биринчидан, демократик жамиятни барпо этишнинг халқаро тамойиллари, дунё ҳамжамияти эътироф этган йўриқлари мавжуд.

Булар:

- фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаши;
- озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi;
- қонун устуворлиги;
- барча фуқароларнинг миллати, элати, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъи назар тэнг ҳуқуқлилиги;
- сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ва бошқалар.

Бу йўл-йўриқлар барча мамлакатлар Конституцияларида қатъий белгилаб кўйилган. Бироқ, маълум бир мамлакатда демократияни жорий этишда фақат шунинг ўзи кифоя қиладими? Фақат шунинг ўзи аҳоли барча эҳтиёжларини, маънавий-руҳий оламини қамраб ола оладими? Йўқ! Чунки, ҳар бир халқнинг ўз турмуш тарзи, тарихий анъаналари, ҳаётга муносабати ва бошқа жиҳатларидан келиб чиқиб, демократияга ёндашиш усули бор. Шу маънода Ўзбекистонинг биринчи Президенти Ислон Каримов: “Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди.

Яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар яшашга уринишлар ғоят ноҳуш ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни ғарб олимлари ҳам “ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли” деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди”, деганида демократияни жорий этишнинг юртимизда ўзбекона тамойиллари шаклланаётганлигини кўрсатган эди. Иккинчидан, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бир қатор демократик тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатлар - жумладан, Туркия, Германия, Англия, Франция каби ривожланган мамлакатларнинг демократик тараққиёт йўллари билан танишди. Бу мамлакатларда демократиянинг ибратли ва ўрганишга арзирли тажрибалари мавжуд. Аммо демократик тараққиёт йўлини танлаган ҳар бир давлат ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб олиши керак деган хулосага келади. Яъни ҳар бир миллат ўз миллий руҳиятидан келиб чиқиб бу масалага ёндашиши даркор. Айниқса, ўзбеклар сингари жуда қадимий миллат ва жуда бой анъаналарга эга бўлган халқ эҳтиёжларини ҳисобга олиш даркор. Тарихий тажрибалар шуни кўрсатадики, демократик жараёнларни четдан нусха олиб кўр-кўрона кўчириш асло ярамайди. Бундай йўлни танлаш хатарли оқибатларга олиб келади .

Учинчидан, демократияни кўр-кўрона жорий этиб бўлмайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, Ғарб демократиясини Шарқ мамлакатларига кўр-кўрона кўчириш мумкин эмас. Уни кўчириш ёки унга тақлид этиш кутилмаган фожиаларга олиб келиши мумкин. Қолаверса, ҳар бир халқнинг фикрлаш даражаси воқеа ва ҳодисаларга муносабати, уни баҳолаш тарзи, ўзининг тарихий келиб чиқиши, қадимий анъаналар асосида шаклланган турмуш тарзи ва табиати билан белгиланади. Ғарб демократиясида очикдан-очик муносабат, Шарқ демократиясида эса аксинча - андишалилик, Ғарбда ота-онасини сенсираш, Шарқда эса ўзидан катталарга, раҳбарга ҳурмат билан қараш, вазминлик билан иш тутиш анъаналари мавжуд. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳаёт тарзи, анъаналар, ҳамма вақт ҳар бир мамлакат халқларининг хулқ атворини шакллантиради.

Айримлар Ўзбекистонни АҚШ ва бошқа ривожланган мамлакатлардаги аҳвол билан солиштирадilar. Бу солиштириш мутлақо нотўғри. Биринчидан, мазкур мамлакатларда демократия тўлиқ шаклланган деб ҳеч ким айта олмайди. Қолаверса, бу мамлакатларда инсон ҳуқуқлари давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар борасида тўп-ланган тажрибалар, амалга оширилган ишлар 200 йилдан ортиқ вақт маҳсули эканлигини эсдан чиқармаслик лозим.

АҚШ да либерал-демократик институтлар билан боғлиқ республика курилиши XVIII аср охирларида қарор топган бўлса, Францияда узил-кесил XIX асрнинг охирларида амалга оширилганлигини кўриш мумкин. Италия ва Германияда эса демократия иккинчи жаҳон урушидан кейин, Ғарбий Европанинг учта мамлакати: Гретсия, Португалия ва Испанияда XX асрнинг 70-йиллари ўрталарида, Шарқий Европада демократлашув жараёни 80-йилларнинг охирига тўғри келади.

Мустақил Ўзбекистонда тарихан қисқа вақт ичида Ғарб давлатларидагидек кэнг миқёсли тадбирларни амалга оширишни талаб этиш ақлга сиғмайди. Одамлар дунёқараши фикрлаш тарзи ва онглилик даражасини бир кун ё бир йилда ўзгартириш мумкин эмас. Бу узок давом этадиган жараёндир. Демак, демократия ўз-ўзидан вужудга келмайди. Демократияга тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат қилиб, тер тўкиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдон тотиб, қийин, айтиш мумкинки, ҳатто фожиали тажрибаларни ҳам бошдан ўтказиб, оғир синов ва курашларга мардона бардош берибгина эришиш мумкин.

Шу жиҳатдан олганда мамлакатимиз раҳбари томонидан маъмурий буйруқбозлик тизими емирилгандан кейин пайдо бўлган қийинчиликларни энгиш ва мамлакатимизнинг бевосита демократик тараққиёт томон йўл тутиши учун зарур бўлган назарий асосларнинг белгиланиши жамиятимизда ўтиш жараёнларининг бошланиши учун етакчи манба бўлиб хизмат қилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, демократиялашаётган жамиятнинг концептуал ўлчамларини аниқлаб олишда, албатта, емирилган тоталитар тузумнинг хусусиятлари ва ундан қолган асоратлар қанчалик чуқурлиги масаласини эътиборга олиш алоҳида ўрин тутади. Зероки, эски тартибот оқибатлари тартибот тугатил-гандан кейин ҳам бир қанча муддат сақланиб қолади ва фақат демо-кратиялашув жараёнларининг чуқурлашуви

билан бартараф қилиб борилади. Шу боис бевосита демократияга ўтиш вазифалари таркиби-дан эски тоталитар ёки авторитар тартибот оқибатларини тугатишмасалалари ҳам албатта ўрин олиши зарур бўлади.

Шунингдек, жамият демократиялашувининг концептуал асосларини ҳал қилишда демократия ва демократиялашув борасидаги энг замонавий тенденциялардан келиб чиқувчи омилларнинг эътибордан четда қолмаслиги масаласи ҳам бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу ўринда А. Пшеворскийнинг “Демократия бу – ноаниқликлар салтанатидир”,¹ деган фикрининг заминида катта мазмун яширинганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Олим эътироф қилган ноаниқликлар ҳажмини имкон даражада қисқартириб боришга интилиш натижасидагина кўзлаган мақсад йўлида ижобий натижаларга эришиш мумкин бўлади.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкин: демократия дунё тараққиётида умуминсоний қадрият сифатида турли халқлар, миллатлар тафаккури ва турмуш тарзига сингган, эътироф этилган ва шунга мос эътибор берилаётган амал қилиб келинаётган бошқарув услубидир. Айни пайтда, ана шу умумий қонуниятнинг иккинчи муҳим жиҳатини ҳисобга олмаслик ҳам мумкин эмас. Бу ҳар бир халқнинг ҳаёт тарзи, менталитети, демократияни ҳис этиш, англаш ва унга амал қилиш хусусиятининг мавжудлиги билан боғлиқ. Ҳамма мамлакатларбоп ягона демократик давлат барпо этиш андозаси йўқ. Бирини иккинчисидан устун қўйиш мумкин эмас. Умуминсоний қадриятга айланган демократиянинг ҳамма учун муҳим ва аҳамиятли бўлган жиҳатларини тан олиб, унинг ҳар бир халқ миллий-маънавий руҳияти асосида қарор топиши ва умуминсоний ҳодисага айланишини эътироф этиш лозим. Яъни демократия миллийликни, миллий руҳиятни ҳисобга олмаса, унга таянмаса ўз моҳиятига зид бўлиб қолади.

Жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш миллий ғоянинг амал қилиш тамойилларидан биридир.

Демократик принципларнинг миллий ғоя мақсадлари билан ўзаро боғлиқлигини энг аввало бизнинг ғоя ва мафкурамизнинг дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг демократик андозаларига, халқаро ҳуқуқ қоидаларига тўла мос келадиган қуйидаги тамойиллар асосида амал қилиши билан изоҳлаш мумкин:

- 1) умуминсонийликнинг устуворлиги;
- 2) миллий қадриятларга содиқлик;
- 3) инсонпарварлик;
- 4) виждон эркинлиги;
- 5) фикрлар ранг-баранглиги;
- 6) демократия, кучли давлатдан – кучли жамиятга ўтиш;
- 7) жамият ҳаётини эркинлаштириш ва бошқалар.

Мамлакатимизда инсонпарвар ва демократик жамият барпо этилмоқда. Биз халқимизнинг муқаддас қадриятлари ҳамда улкан тарихий меросига таяниб, шунингдек, умумеътироф этилган демократик тамойил ва меёрларга риоя қилган

¹Пшеворский А. Демократия и рынок. –М.: РоссПЭН, 2000,ст-138.

ҳолда, инсонпарвар жамият барпо этмоқдамиз. Бугунга келиб мустабид тузум асоратларидан, унинг ғайриинсоний ғояларидан, шунингдек, якка мафкурачилик амалидан халос бўлдик.

Ҳозирги мураккаб ривожланиш босқичида Ўзбекистоннинг демократик истиқболини жамиятда инсоннинг туб манфаатларига мос ижтимоий муносабатларни шакллантириш орқалигина таъминлаш мумкин. Бунда инсон ва жамият манфаатлари уйғунлигини белгилаб берувчи таянч нуқта ва жипслаштирувчи куч – миллий ғоянинг инсонпарварлик ва демократик тамойиллари бўлиб ҳисобланади.

Миллат тафаккури, руҳияти ва фикрлаш тарзи қарашлар хилма-хиллигини асло инкор этмайди. Халқимизнинг “Кэнгашли тўй тарқамас” деган мақоли ҳам фикримизни тасдиқлайди. Умумбашарий демократик тамойилларнинг ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олиши маънавий куч-қудратимиз тимсоли бўлган миллий ғояда акс этган инсонпарвар тузум, барқарор тараққиёт, хавфсизлик, миллий давлатчиликнинг маънавий таянчлари нечоғлик мустаҳкам бўлишига боғлиқ. Ўзбекистон Конституциясида ва мамлакатимиз қонунларида фуқароларимизнинг ҳуқуқлари тўла қафолатланган. Бу ҳуқуқий асосга таянган ҳолда ғайриинсоний қарашларнинг ҳаётимизга таъсиридан мутлақо халос бўлиш, миллатнинг куч-қудратини заифлаштирувчи айрим маънавий нуқсонларга барҳам бериш жараёни изчил амалга оширилиши керак. Бу эса демократия моҳиятини том маънода англаб етишни, ҳокимият органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар тизими ва маданиятини юқори савияга кўтаришни талаб этади.

Миллий ғояда илгари сурилган мақсадларнинг демократик принциплар билан ҳамоҳанглигини унда қуйидаги тамойил ва ғоялар ўз ифодасини топганлиги билан ҳам асослаш мумкин:

Виждон эркинлиги – одамзот азал-азалдан интилиб келган, хилма-хил даража ва кўринишларда амалга оширган умуминсоний тамойиллардан биридир. “Виждон эркинлиги” “эътиқод эркинлиги” тушунчасидан кўра кэнг мазмунга эга. “Эътиқод эркинлиги” инсоннинг бирор-бир динга эътиқод қўйишда ўз ихтиёри билан иш тутишини ифодалайди. “Виждон эркинлиги” эса муайян кишининг бирор динга, ғояга эътиқод қилиши ёки умуман эътиқод қилмаслигини ҳам англатади. Инсон диндор, динсиз даҳрий ёки художуй бўлиши, бут ва санамларга сиғиниши, бутунлай худосиз бўлиши ҳам мумкин. У дунёвий ёки диний билимлар тарафдори сифатида намоён бўлиши мумкин. Аммо бу – ана шу кишини айблаш учун асос бўлмайди, балки кимнинг қандай эътиқодга эга бўлиши ёки бўлмаслиги унинг виждонига ҳавола этилади, демакдир. Аммо бу тамойил виждон ва бурч, жамиятдаги бошқа умуминсоний талабларни тан олмаслик, турли ақидаларни мутлақлаштириш, бошқалар учун қадрият бўлган нарсаларни менсимаслик дегани эмас. Балки, кишининг ишончи, эътиқоди соҳасидаги англаб олинган эркинлиги, жамият қонунларига мос ҳаёт кечириши демакдир.

Фикрлар ранг-баранглигини қарор топтириш – демократик жамият барпо этишнинг асосий шартидир. Демократия давлат ва жамият қурилиши, уни идора этишнинг энг мақбул шакли сифатида ҳар бир фуқарога ўз қарашларини,

фикрини эркин ифода этиш учун шароит яратади. Бу эса инсоннинг мамлакат сиёсий – ижтимоий, маданий, иқтисодий ҳаётидаги иштирокини, қонунларни ишлаб чиқишда, уни ҳаётга жорий этишдаги фаоллигини таъминлайди. Миллий истиқлол ғоясининг ушбу тамойили оламдаги турли-туманлик билан инсоният дунёсидаги хилма-хилликнинг, одамлар фикрлаши, орзу-умидлари, ғоя ва мақсадлари соҳасидаги ранг-барангликнинг уйғунлигини ифодалайди. Фикрлар ранг-баранглиги миллий истиқлол мафкурасига жон бағишлайди, унинг такомиллашишига ёрдам беради. Ана шу асосда бу мафкура хилма-хил фикрлар билан бойиб боради, турли ғояларни ўзига доимий сингдириш имконига эга бўлади.

Умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги – миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойилларидан биридир. Фуқаролар онгида истиқлол дунёқарашини шакллантириш, уларни ижтимоий ҳаётдаги янгилашиш ва ўзгаришлар жараёнига кэнг жалб этиш, замон тараққиётидан ортда қолмаслигига эришиш, жаҳон тажрибасини, умуминсоний демократик қадриятлар моҳиятини ўрганишни талаб этади. Бу, одамларнинг буюк келажак яратиш жараёнига ишончини мустаҳкамлашида, фуқароларнинг сиёсий маданиятини устиришда, барқарор тараққиёт муаммоларини тўғри англашида ғоявий йўналиш бўлиб хизмат қилади.

Миллий истиқлол ғояси эркин фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида халқ тасаввурини ўзгартириш ва янгича маъно-мазмун билан тўлдириш, ҳуқуқий давлатчиликка хос тамойилларни турмуш тарзига айлантиришда умуминсоний қадриятларга таянади. У халқнинг орзу-умидларини умуммиллий даражада юксалтириб, одамларни умумбашарий интилишларга томон етаклайди.

Жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш – миллий истиқлол ғоясининг амал қилиш тамойилларидан биридир. Мамлакатимизда демократик институтлар фаолиятини йўлга қўйиш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш узоқ муддатли жараёндир. Демократия ғояларини шунчаки баён қилиш, юқоридан тушириб жорий этиш билан одамлар онгида ўзгариш қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов бу хусусда қуйидагича таъкидлаган эди: “Демократия жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи керак. Бу эса бир зумда бўладиган иш эмас. Халқнинг маданиятидан жой ололмаган демократия турмуш тарзининг таркибий қисми ҳам бўла олмайди. Бу тайёргарлик кўриш ва демократия тамойилларини ўзлаштиришдан иборат анча узоқ муддатли жараёндир”.

Аммо бу йўлни имкон қадар қисқа муддатда босиб ўтиш, демократияни жамиятнинг устувор қадриятига, унинг барқарор тараққиётини таъминловчи муҳим омилга айлантириш, бир томондан жаҳон халқлари демократик анъаналарини пухта ўрганиш ва ўзлаштиришни, иккинчи томондан аждодларимизнинг адолатли жамият барпо этиш борасидаги қарашларини бугунги кунга мослаштириб, миллий қадриятларимиз заминда жорий этишни тақозо қилади.

Бошқача айтганда, ҳар бир жамият, давлат ўзи учун мос демократик тараққиёт йўлини ўзи танлайди. Ўзбекистон ҳам ўзи учун мақбул демократик тараққиёт йўлини танлаб олди.

Ҳаётни эркинлаштириш – миллий истиқлол ғоясини халқимиз қалби ва онгига сингдиришнинг муҳим шартидир. Миллий истиқлол ғояси сиёсий воқеликни уйғунлаштириб, турли шахслар, ижтимоий гуруҳлар эҳтиёжларини мутаносиблаштиради, уларни мавжуд имкониятлар асосида бир-бири билан яқинлаштиради ва шу маънода демократик қадриятларнинг нуфузини оширади. Кишилар онгини маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, маҳдудлик каби ижтимоий иллатлар асоратидан поклаш, ёт ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантириш, мафкуравий курашда тўғри йўл танлаш ва жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш миллий ғоянинг халқимизнинг қалби ва онгига теран сингдирилиши билан боғлиқ. Миллий истиқлол ғоясини амалга ошириш кучли давлатдан кучли жамият сари бориш концепциясига асосланади ва ундан келиб чиқиб, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришда манфаатлар уйғунлигини таъминловчи омил бўлиб хизмат қилади.

Миллий истиқлол мафкураси шахс эркинлиги ғоясига таянади. Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айна пайтда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган инсонгина миллий ғоя тамойилларини тўғри баҳолай олади. Эркинлаштириш жараёнида инсон ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш, гуманизм ва умуминсоний қадриятларга риоя этиб яшаш жамиятимиз ҳаётининг асосий мезонига айланиб бормоқда. Жамиятда лоқайдлик, бепарволик, боқимандалик, порахурлик каби иллатларнинг пайини киркиш, одамлар қалбида юксак ишонч ва эътиқодни қарор топтириш, ахлоқан пок, маънавий бой, ижтимоий фаол, жисмонан бакувват авлодни вояга етказиш, уларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, одамийлик каби олижаноб фазилатларни тарбиялаш миллий ғоя таъсирчанлигини оширибгина қолмай, демократик жамият барпо этиш борасидаги интилишларимиз самарадорлигини ҳам оширади.

Шу ўринда эркинлик категориясининг ижобий ва салбий жиҳатларга эга эканини ҳам таъкидлаш зарур. Унинг ижобий жиҳати шахснинг ўз манфаатларига мувофиқ равишда ҳаракат қилиш имкониятини ифодалайди. Бунда шахс бирор-бир моддий ва маънавий неъматга интилиб, шу йўлда зарур ҳаракатлар қилиши мумкинки, бу хатти-ҳаракатлар ўз навбатида бошқаларнинг интилиш ва манфаатларига зид келмаслиги керак. Чунки адолат чегараси, эркинликлар меъри айнан шу асосда шаклланади. Аксинча, шахснинг хатти-ҳаракати ташқаридан бўладиган таъсирлардан бутунлай холи бўлган, у ўз мақсадларига эришиш жараёнида ҳеч бир акс таъсирни тан олмаган тақдирда эркинликнинг салбий жиҳати намоён бўлади. Чунки бу жараёнда «кимнингдир ва ниманингдир ҳисобига эркинликка эришиш» ҳолати содир бўлади. Шахс бу муносабатларни тўғри баҳоламаган тақдирда у ўз хатти-ҳаракатлари билан адолатнинг бўзилишига сабаб бўлади. Албатта, эркинликнинг ҳар икки жиҳати

ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Лекин шу билан бирга, улар ўртасида мураккаб, зиддиятли ва хатто қарама-қарши муносабатлар ҳам мавжуд.

Шахс эркинлигини эркинликнинг айнан ана шу ижобий ва салбий хусусиятларидаги мувозанат белгилайди. Шарқ ва Ғарб жамиятшунослари аввалдан шахс эркинлигининг руҳий-фалсафий (Алишер Навоий, Бедил), ижтимоий-руҳий (Форобий, Лебон, Тард, Ортега-И-Гассет), руҳий индивидуал (Фрейд), контраксион (Дюи, Мид), хатти-ҳаракатли (Вебер), сотсиометрик (Морено), ижтимоий (Франкфурт мактаби), феноменологик (Шюс), бегоналашув (Фромм), аномик (Дюркгейм, Мертон), манфаатли (Рассел), зиддиятли (Дарендорф), экзистенциал (Хабермас) талқинини баён этиб келганлар. Аммо ҳозирда масаланинг туб моҳиятини шахснинг ижтимоий бир бутунликка интилиши, жамият билан уйғунлашишга мойиллиги, яъни интеграциялашув муаммоси ташкил қилмоқда. Шахс эркинлигини таъминлашда сиёсий ва ҳуқуқий институтларнинг демократик асосдаги тизимини шакллантириш муҳимдир. Шу билан бирга бунда хусусий тадбиркорлик фаолиятига, бозор муносабатлари жараёнида шахснинг ижтимоий фаоллиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Фикримизча, Ўзбекистон Конституциясида инсон эркинлигига ўзининг тўғри, макбул талқинини топган, яъни унда эркинлик бошқаларга зарар келтирмайдиган фаолият сифатида баҳоланган. Зеро, жамият ва давлат, ижтимоий тузум ва сиёсий институтлар ўртасидаги муносабат индивид, ижтимоий бирликлар ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, уларнинг барчаси миллий ғоя тамойиллари асосида уйғунлаштиришни талаб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳокимият ва бошқарув идоралари фаолияти самарадорлиги оширилмоқда, жамоат ташкилотларининг янги кифоаси шаклланимоқда, таъбир жоиз бўлса, сиёсий тизим модернизатсияси юз бермоқда. Бу жараёнга миллий истиқлол ғояси тамойилларини узвий тарзда сингдириб бориш ва уларни демократик институтлар фаолиятининг таркибий қисмига айлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик – бу ҳуқуқ, Конституция эса мазкур ҳуқуқнинг асосидир. Бундан чорак аср муқаддам – ёш давлатимиз энди оёққа туриб келаётган қалтис ва нозик бир вазиятда Асосий қонунимиз умумийтироф этилган демократик принциплар билан бирга, халқимизнинг бебаҳо кадриятлари ва бой давлатчилик тажрибаси асосида ишлаб чиқилди. Конституциямиз жаҳон ҳамжамиятида замонвай демократик қонунчилик намунаси сифатида эътироф этилиши эса янада ғурур бағишлади.

Албатта, Конституциямиз яратилиши ва ҳаётимизга татбиқ этилишида буюк давлат ва сиёсат арбоби, мустақил давлатимиз асосчиси, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг хизмати беқиёс. Халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ва бутун ҳаётини тубдан ўзгартирган ушбу муҳим ҳужжатни ишлаб чиқишда Биринчи Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президентининг концептуал аҳамиятга эга, теран фикрлари мустаҳкам замин бўлган.

Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг иродасини, маънавиятини, ижтимоий онги ва маданиятини ўзида яққол акс эттиргани туфайли халқимиз

ҳаётида амалга оширилаётган туб ўзгаришларга мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлди. Бош қомусимиз кўплаб демократик давлатларда мавжуд Конституциявий қурилиш соҳасидаги илғор юридик тажрибанинг энг яхши жиҳатларини, миллий манфаатларимиз ва интилишларимиздан келиб чиққан ҳолда дунёнинг барча минтақасидаги 100 га яқин мамлакатда тўпланган илғор Конституциявий тажрибаларни ўзида мужассам этгани боис ҳам мамлакатимиз халқаро ҳамжамиятда тезда ўз ўрнини топди.

Конституциямизда “Инсон ва унинг қадр-қиммати” деган улуғ тушунча марказий ўринга қўйилгани натижасида ўтган даврда “Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон учун!” деган қоида ҳаётимизга чуқурроқ сингиб борди. Айниқса, ўтган бир йил давомида – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилган кэнг қамровли ва тизимли ислоҳотлар “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айлантirdи. Ўтган тарихан қисқа вақтда – бир йилнинг ичида мамлакатимизда аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилинган ҳолда қатъий ислоҳотларни амалга оширишга киришилди. Бу билан Ўзбекистоннинг янги қиёфаси шаклланмоқда, жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда, барча соҳада чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Энг муҳим тарихий воқеликлардан бири – 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилингани бўлди. Шу асосда давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришга, қонун устуворлигини амалда таъминлашга ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга киришилди, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш янги босқичга кўтарилмоқда, ижтимоий соҳа янада тараққиётга юз тутмоқда, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикэнгликни таъминлаш, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасида чуқур ўйланган кэнг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади” деган ҳаётбахш ғоялари тезда ҳаётимизга сингиб, ўзининг амалий натижаларини бера бошлади. Оддий одамлар билан амалий мулоқотга киришилди. Бугунги кунда барча бўғиндаги ҳокимлар, вазирлик ва идоралар, прокуратура, суд-ҳуқуқ ва ички ишлар органлари раҳбарлари, депутат ва сенаторлар бевосита жойларга чиқиб, ўз фаолияти бўйича халқ олдида ҳисобот бермоқда. Маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб, одамларнинг ҳаётий муаммоларини ўрганмоқда, уларни қонуний асосда ҳал қилиш учун амалий ёрдам кўрсатмоқда. “Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир” ғояси қоидага айланмоқда.

Мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилиш ва мурожаатлар билан ишлаш бўйича янги тизимга асос солинди. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари оддий одамларнинг нажот кўрғонига айланди. Минг-минглаб инсонларни йиллар давомида қийнаб келган муаммоларга ечим топилмоқда. Ўз навбатида, бу

жараёнда халқ вакиллари — депутатларнинг ҳам энг чекка ва олис қишлоқ, овулларга қадар кириб бориб, одамлар ҳолидан хабар олиб, уларни ўйлантираётган масалаларга ечим топишга киришгани чиндан ҳам халқ ва давлат идораларини бир-бирига яқинлаштириш, муаммоларга бирга ечим топиш, фуқароларнинг кэнг кўламли ислоҳотлар жараёнида фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилаётир.

Халқ билан мулоқотнинг ноёб тизими фуқароларнинг давлат органлари билан тўғридан-тўғри муносабат ўрнатиш имконини берди. Бир йил давомида синовдан ўтиб, тобора такомиллаштирилиб борилган ушбу механизм дунё ҳамжамиятига чинакам демократия йўлидаги муваффақиятларимиздан бири сифатида намоиш этилди. Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг юксак минбаридан туриб, халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий қилиш механизмларини мустаҳкамлашни глобал мақсад сифатида белгилаб, мамлакатимиз барча ҳудудида Президентнинг виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилганини ҳамда ҳозирги кунгача бир миллиондан ортиқ фуқароларимиз бу қабулхоналар орқали ўзларининг долзарб муаммоларини ҳал қилганини таъкидлаб ўтди.

Халқ ҳокимиятчилиги тўғридан-тўғри мулоқот, яъни “фуқаро — давлат” ғоясида мужассам бўлган энг муҳим тамойиллардан бири ҳисобланади. Бу сўнгги пайтларда мамлакатимизда барча соҳада кечаётган ислоҳотларни ўзаро узвий боғлаб турадиган асосий негиз сифатида кўзга ташланмоқда. Бу борада юртдошларимиз ҳамжиҳатликда мамлакатимизнинг яқин истиқболдаги «йўл харитаси»ни ишлаб чиққани ҳамда у жамоатчилик муҳокамасидан сўнг тасдиқланганини эслашнинг ўзи кифоя.

Бугун халқаро экспертлар алоҳида эътироф этишмоқдаки, агар Ўзбекистонда бошланган ўзгаришларнинг туб моҳиятини тушунишни истасангиз, Ҳаракатлар стратегиясини синчковлик билан ўрганиб чиқишингиз керак, шунда барчасини англаб оласиз. Айтиш жоизки, юртдошларимизни, очиғи, кўп ўйлатган, кўнглини бир қадар безовта қилган, ўзига хос нозик муаммо ҳам ечимини топди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, кўп сонли мурожаатлар асосида ўрганилиб, мактабларда 10-синф қайта тикланди. Бу халқ хоҳиш-иродаси мамлакатдаги ислоҳотлар йўналишларини белгилаб бераётганининг яна бир яққол исботи, десак, айтиш ҳақиқат. Давлатимиз раҳбарининг эзгу ташаббусларида инсон манфаатлари юртимизда кечаётган янгиланишларнинг асосий мақсади сифатида акс этади.

“Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан ўтказилган таҳлилларга кўра, “халқ” ва “мамлакат” – Мустақил Ўзбекистон Президентининг маърузалари, нутқларида энг кўп учрайдиган сўзлар экан. Юртбошимизнинг 12 та маърузасида ушбу сўзлар уч юз марталаб янграган.

Президентнинг виртуал қабулхонасига биргина 2017 йил давомида 1,2 миллиондан ортиқ мурожаатлар келиб тушди. Бу ўзбекистонликларнинг давлат раҳбари ҳамда янги институтга бўлган юксак ишончини кўрсатмоқда. Бинобарин, Виртуал қабулхона аллақачон аҳоли муаммоларини амалда ҳал қилишга қодир бўлган механизмга айланиб улгурди.

Хорижий оммавий ахборот воситаларида эътироф этилганидек, Шавкат Мирзиёев кўплаб амалдорларни айланиб ўтиб, фуқароларнинг шикоятларини тўғридан-тўғри қабул қиладиган ва Президент девонига етказадиган Виртуал қабулхонани ташкил этиш орқали шу пайтга қадар халқдан узоқлашиб кетган ўзбек сиёсий моделини ижобий маънода ларзага келтирди. Натижада аксарият амалдорларнинг нафақат қарор қабул қилишдан, балки оддий инсонлар муаммоларини тушунишдан йироқлиги ҳам аён бўлди.

Бу тизимга мослаша олмаган амалдорлар халқ билан мулоқот вақтинчалик аксия эмас, аксинча, халқ фикри ҳар доим устувор бўлишини чуқур англаб етганларидан сўнг лавозимларини тарк этишди. “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойилини ҳаётга татбиқ этишга, ишни соат механизмидек ташкил қилишга қодирларгина қолди. Бу тамойил одамларнинг ҳокимият билан тўсиқсиз мулоқот ўрнатишига кэнг майдон ҳамда имкон беради. Ўтган йилнинг охирига келиб, ушбу эзгу ишлар кўлами янада ортди. Президент Фармони билан ҳар бир туманда, шаҳарда давлат раҳбарининг Халқ қабулхоналари ташкил этилиши белгиланди. Бу давлат ва фуқаро ўртасидаги мулоқотни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди, жамиятда адолат илдизларини янада чуқурроқ мустаҳкамлашга, турли бўғиндаги раҳбарлар, амалдорларни аҳоли билан яқинлаштиришга, мурожаатларнинг имкон қадар тезроқ ҳал қилинишига замин яратди.

Қабулхонага иқтисодиёт ҳамда тадбиркорлик, ижтимоий ривожланиш, ёшлар сиёсати, фуқаролар йиғинлари ва жамоат ташкилотлари, суд-ҳуқуқ масалалари, коммунал хўжалиги ҳамда қурилиш соҳалари бўйича келиб тушаётган мурожаатлар тезкорлик билан расмийлаштирилиб, тааллуқлилиги бўйича онлайн тарзда юборилмоқда.

Ўтган давр мобайнида Виртуал ҳамда Халқ қабулхоналари мамлакатни янгиланишнинг амалий механизмига айланди. Ўзбекистон Президенти томонидан ўтказилаётган кўплаб селектор йиғилишлари фуқароларнинг кундалик ҳаётига доир мурожаатларни кўриб чиқишга қаратилган ишларнинг бориши муҳокамасидан бошланади.

Аҳолининг ҳақли талабларига масъулиятсиз муносабатда бўлган айрим раҳбарлар фаолияти танқид қилинади. Ваҳолангки, мурожаатларнинг катта қисмини ўз вақтида тезкорлик билан ҳал этиш мумкинлиги кундек равшан. Статистик маълумотларга кўра, -шикоятларнинг 70 фоизга яқини бевосита маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ваколатига кирадиган масалалардир. Аммо кўп ҳолларда, кўтарилган муаммолар, таассуфки, ўз вақтида ҳамда жойида ҳал қилинмасдан қолаётгани ҳам бор гап. Шунинг учун марказий идораларга сим қоқиш, мактуб йўллаш ҳолатлари кўп.

Юртдошларимизнинг мурожаатлари айни пайтда бутун бошли соҳаларда ҳақиқий аҳволни кўрсатадиган индикатор, жамият кайфиятини ўрганиш барометри, таҳлил, асосий дастуриламал ҳужжатлар учун ноёб материал ҳамдир. Масалан, судлар ва судьялар фаолияти бўйича қабулхоналарга келиб тушган кўп сонли мурожаатлар натижасида тизимда туб ўзгаришларга қўл урилди. Бундай янгиланишларни соғлиқни сақлаш, ички ишлар органлари, уй-жой коммунал хўжалик фаолиятида ҳам кузатиш мумкин.

Виртуал ҳамда Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган электрон, ёзма ва оғзаки мурожаатлар, таклиф ҳамда шикоятларга фақатгина жавоб қайтарилмасдан, уларда кўтарилган муаммоларни ҳал этиш тизимли таҳлил жараёнида умумлаштирилмоқда. Дейлик, бир хил масалада минглаб одамлар мурожаат қилаётган бўлса, улар атрофлича ўрганилиб, тегишли таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Пировардида давлат даражасида қарорлар қабул қилишга асос яратилмоқда. 2017 йилнинг бошида келиб тушган 7 мингта мурожаатда фуқароларимиз пенсия ва бошқа ижтимоий нафақалар уларнинг розилигисиз пластик карточкага тўлиқ ўтказиб юборилаётганига эътироз билдиришган. Ушбу муаммонинг тизимли ечими сифатида давлатимиз раҳбарининг “Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Феврал ойидан барча турдаги пенсиялар нақд пулда берила бошланди, талабалар стипендияларининг камида 50 фоизи нақд шаклга ўтказилди. 58 та тоғли ҳамда олис туманда, яъни тўлов терминаллари ва банк аппаратлари тизими яхши ривожланмаган туманлар аҳолисига ижтимоий тўловлар ҳам нақд шаклда берилиши йўлга қўйилди.

Хатлар ҳамда телефон қўнғироқлари ва Президент девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан вилоятларда ташкил этилаётган сайёр қабуллари асосида ногиронларни уй-жой билан таъминлашнинг адолатли ҳамда шаффоф тизими яратилди. Бундай кишилар фуқаролар йиғини, хотин-қизлар қўмитаси ва оқсоқолларнинг қарори билан уй-жойга муҳтожлар рўйхатига киритилади. Қарангки, шу пайтгача ўз оиласи билан қариндош-уруғлариникидан паноҳ топган ёки қўшнилар, танишлариникида яшашга мажбур бўлган ногиронлар истиҳола қилиб, тегишли идораларга мурожаат этишмаган экан. Уларнинг аҳволи уйма-уй юриб, сўраб-суриштирилганда маълум бўлди.

Мурожаатлар “ўнталиги”нинг кейинги қаторидан фуқаролик билан боғлиқ масалалар ўрин олди. Уларнинг ҳар бирида расмийлик машмасъҳаларидан чарчаган инсонларнинг қалб нидоси яширин. Шу “дард” билан Виртуал қабулхонага мурожаат қилганлар сони 17,5 минг кишидан ортиқ бўлди. 2017 йил август ойида қабул қилинган, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган қарор халқ билан мулоқотнинг мантиқий давоми бўлди. Ҳар бир худуд “маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят– республика” тамойили асосида ишловчи секторларга бўлинди. Энди қорақалпоғистонлик ўқитувчилар, қашқадарёлик чорвадорлар, самарқандлик қурувчилар, пойтахтнинг шифокору зиёлилари, қисқаси, ҳамма – ёшу қари ўз қишлоғи ва шаҳридаги бунёдкорлик ишларига ўзлари бош бўлмоқдалар.

Мазкур ислохотнинг бош мақсади – керакли чорани олдиндан кўриш, давлат ҳокимияти идораларининг чинаккам маънода халқ учун ишлашни таъминлаш. Зотан, давлат ҳокимияти идораларининг халқ учун ишлаши – демократик тараққиётнинг устувор талабларидан биридир.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. “Демократия” сўзи қандай маънони англатади?
2. Ғарб олимларининг демократияга берган таърифларига мисоллар келтиринг.
3. Демократик тузумнинг ўзига хос белгиларини санаб ўтинг...
4. Демократиктузумқандайшарт-шароитларнинг бўлишини тақозо этади?
5. Ҳозирга кунда демократиянинг қандай назариялари ишлаб чиқилган?
6. Демократик бошқарув талқинининг ортодоксал ва реформистик йўналишлари бир биридан қандай фарқланади?
7. “Демократия - бозор иқтисодиёти” деган қарашнингмоҳиятини изоҳланг...
8. Демократиянинг “Шарқона демократия” ва “Ғарбона демократия” деб аталган шакллари ҳақида тўхталиб ўтинг...
9. Ўзбекистон демократияни шакллантиришнинг қандай йўлидан бормоқда?
10. Демократик принципларнинг миллий ғоя мақсадлари билан ўзаро боғлиқлигиниизоҳланг.
11. Виждон эркинлиги тамойилининг моҳиятини изоҳланг...
12. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг демократик моҳиятини асословчи далиллар келтиринг...

6-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

РЕЖА

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” нинг мазмун ва моҳияти.
2. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар.
3. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишларнинг миллий ва умуминсоний негизига асосланиши ҳамда миллий ғоянинг асосий тамойиллари билан муштараклиги.

Таянч тушунча ва иборалар:

Стратегия, ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”, ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш ва ҳк.

Мустақиллик йилларида мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуришга, эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни ривожлантиришга, халқ осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратишга, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашига қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Изчиллик ва қатъият билан амалга оширилаётган ислохотлар замирида “одамлар ўзларининг ҳаётидан рози бўлиши керак”, деган ҳаётбахш ғоя ётади. Ўзбекистон тараққиётининг навбатдаги босқичида ҳам одамларнинг яшаш шароитини янада яхшилаш, фаровонлигини ошириб бориш лозим бўлган асосий вазифа ва бош мақсад сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида илгари сурилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” давлат ва жамиятнинг бош мақсади бўлган одамларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада оширишни таъминлашга қаратилганлиги билан ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

2017 йил 23-28 январь кунлари кенг жамоатчилик томонидан Ўзбекистон тараққиётида жуда катта амалий аҳамият касб этадиган бевосита давлат раҳбари ташаббуси билан ҳукумат, парламент ва фуқаролик жамияти институтлари иштирокида ишлаб чиқилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон -

Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасидан ўтди.

Муҳокамалар жараёнидаги қизғинлик, иштирокчиларнинг савол-жавоб ва таклиф-мулоҳазалар билдиришидаги фаоллиги фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортиб бораётганлигини, ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик туйғуси шаклланганлигини кўрсатиб турибди.

2017 йил 7 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилинганлигини ҳам шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Келиб тушган таклифларни жамлаш, чуқур ўрганиш ҳамда умумлаштириш асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилиб, у билан:

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси;

Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланди.

Лойиҳаларни тайёрлаш давомида аҳолининг кенг қатламлари орасида қизғин муҳокамалар олиб борилди. Лойиҳалар муҳокама учун турли ахборот майдонларига жойлаштирилди, уларнинг натижасида кўплаб таклиф ва мулоҳазалар келиб тушди. Фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий борада юксак фаоллик кўрсатиб, олиб борилаётган ислоҳотларга алоҳида қизиқиш ва дахлдорликни намоён қилдилар.

Шу билан бирга, 2017 йил 23-27 январь кунлари Тошкент шаҳрида медиа-ҳафталик ва халқаро давра суҳбати ташкил этилиб, уларда 1 300 дан ортиқ мутахассис ва эксперт, жамоатчиликнинг, оммавий ахборот воситаларининг, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг, шунингдек Ўзбекистонда фаолият юритаётган йирик хорижий инвесторларнинг вакиллари иштирок этишди.

Хусусан, мамлакатни ривожлантиришнинг қуйидаги 5 та устувор йўналиши белгиланган:

1. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш;
2. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш;
3. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш;
4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш;
5. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш.

Мазкур йўналишларнинг ҳар бири мамлакатдаги ислоҳотларни ва янгилаштиришларни янада чуқурлаштиришга оид аниқ бўлимлардан иборат.

Ҳаракатлар стратегиясидаги ҳар бир вазифа инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотларни янада жадаллаштириш, одамларнинг орзу-интилишларини юзага чиқаришга яқиндан кўмаклашиш,

давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ижобий ўзгаришларга эришишга хизмат қилади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва 2017 йил 7 февралда тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари доирасидаги демократик янгиликлар ҳамда модернизация жараёнларининг мантиқий ва қонуний, изчил ва узвий давомидир. Ҳаракатлар стратегияси давлатимиз ва жамиятимиз тараққиётининг мутлақо янги босқичини бошлаб берди.

Давлат бошқаруви тизими тарихига назар ташласак агар, ҳар бир давлатнинг мавжудлиги асоси қонунлар ва қонунлар ижросига боғлиқлигига амин бўламиз. Манфаат устун жамиятда ривожланиш қай тарзда бўлади, қонун устивор жамиятда тараққиёт қай тарзда бўлади бугунги кунда бизга бу маълум ва равшандир.

Бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик жамият қуришнинг асосий бешта устувор тамойили асосида жамиятимиз, мамлакатимиз ўз ривожланиш йўлини танлаб олган. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов бошчилигида чорак аср мобайнида янги жамият шиддат билан ривожланди. Бу давр асосан бозор муносабатларига асосланган янги тизимга ўтиш, бу тизимнинг халқ манфаатини ифода этувчи, Конституцион ҳуқуқий базасини яратиш, иқтисодий ривожлантиришнинг янги тизимини амалиётга жорий қилиниши, маънавий эскирган бошқарув тизимини ислоҳ этиш, кучли ҳуқуқий асос йўлида улкан қонунчилик маъмуриги, халқ маънавиятини юксалтириш йўлида улуғвор йўналишлар, қишлоқ хўжалиги, таълим соҳаси, соғлиқни сақлаш, хавфсизлик масалаларидаги янгича ёндашувлар даври бўлди.

Жамият тараққиёти шиддатли тарзда борди. Кечаги кундаги дастурлар бугунги, эртанги кун назарига боғлиқлиги тобора аён бўлди. Шу маънода 2017 йил 7 февралдаги Ҳаракатлар стратегияси ҳақидаги фармон ҳам бугунги, ҳам эртанги куннинг назари бўлди десак муболаға бўлмайди. Тараққиёт назарга, эътиборга муҳтож, маъмурига муҳтож. Тараққиёт бу – давлат, халқ фаровонлиги, борлиқ, мавжудликдир. Янги фармон эса мамлакатимизнинг барқарор, изчил тараққиётининг муҳим асоси, дастурил амал бўлди.

Мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармон диққат билан ўрганиб чиқилса ҳақиқатдан ҳам 2017-2021 йилларгина эмас, келажакдаги ўн йилликлар ҳам эътиборга олинганлигини англаш қийин эмас.

Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналиши, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш масаласида кўзда тутилган соҳа бу давлат бошқаруви тизимида Олий Мажлис ролини кучайтириш. Дарҳақиқат Олий Мажлис бу қонунчилик меъморчилиги. Қонунлар эса тараққиёт пойдевори. Давлатчилик ушбу тарихий ва ўта долзарб ҳужжат орқали ўз фаолиятини ислоҳ қилсинки, ҳар томонлама халқ манфаатини, мамлакат ривожини уйлайдиган, ҳокимият тизими шакллансин. Иқтисодий ривожда давлат таъсирини камайтириш, давлат ва хусусий секторлар ўртасида замонавий, янгича,

самарали ҳамкорлик шакллари ривожлантириш бугунги кун талаби, эртанги кун ободлиги, халқ ва давлат ўртасидаги ишончли алоқа, чамбарчас боғлиқликдир. Бу халқ манфаати, юрт ободлигидан дарак.

Бу йўналиш тамойилининг аҳамияти шунчалик каттаки, қонун ижодкори Олий Мажлис – Сенат ҳам Қонунчилик палатаси ҳам халқ билан тўғридан-тўғри мулоқат орқали ўз фаолиятларини амалга оширади, халқни эшитади, халқ манфаатини кўзлайди.

Иккинчи йўналиш суд ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, истиқлол йилларида суд ҳуқуқ тизимида кенг кўламли ислоҳатлар олиб борилди, бугунги шиддатли ривожланиш жараёнлари эса бу соҳада ҳам ҳали амалга оширилши лозим бўлган ишлар талайгина эканлигини кўрсатди. Оддийгина мисол юқори инстанция Олий судда саккиз мингдан ортиқ суд ишлари ўз ечимини кутиб турганлиги ортида, қанча-қанча оила, инсонлар тақдири бор. Ҳуқуқ тартибот органлари фаолиятини янада такомиллаштиришнинг долзарблиги, судларнинг том маънода мустақиллигини таъминлаш, судлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда, улар нуқсонларига барҳам бериш, юқори суд инстанциялари ваколатини кенгайтириш масаласи долзарблиги айна ҳақиқат. Зеро, суд ҳуқуқ тизимидаги ислоҳат инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари учун.

Олий суд кенгаши тузилиши масаласи, профессионал судьялар Корпусини шакллантириш, мнотақавий апелляция судларининг тузилиши, судья ёрдамчиси лавозимини таъсис этишорқали судларнингхтисослашуви, жиноят процессуал қонун ҳужжатларининг янада такомиллашуви масаласи халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш йўлидаги устувор йўналиш қамрови жуда кенг, аҳамияти беқиёсдир.

Учинчи йўналиш иқтисодиётни ривожлантириш масаласи долзарб соҳа ҳисобланади. Иқтисодиёт очиқ ва эркин рақобат асосида талаб ва таклиф қонуниятини орқали ривожлансагина иқтисодий барқарорликга эришилади. Жамиятни ривожлантирувчи асосий куч бугун тадбиркордир. Угина бандликни таъминлашда, қурилиш, савдо ва ишлаб чиқариш соҳаларида жонбозлик кўрсатади, жамият ривожига салмоқли ҳиссасини қўшади.

Бугун фақат хусусий секторни, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантирсакгина маҳаллий бюджетнинг даромад базаси кенгайди. Зеро янги технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш, тадбиркорликни қўллаб қувватлаш, экспорт салоҳиятини ошириш орқалигина эл ободлиги, турмуш фаровонлигига эришилади.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш масалаларига бағишланган йўналиш ўзининг долазарблиги ва халқчиллиги билан янада киши эътиборини тортади. Аҳолини иш билан таъминлаш, кам таъминланган оила ва аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш сифатини ошириш, соғлиқни сақлашда кенг ислоҳатлар ўтказиш, ижтимоий сиёсий ҳаётда хотин-қизларнинг ўрни ва иштирокини, мақомини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тез ва шошилиш тез ёрдам каби бир қатор зарур чора тадбирлар, ислоҳатлар йўналишидан асосий мақсад соғлом жамият масаласи ётибди.

Ҳаракатлар стратегиясидаги бешинчи йўналиш ҳақида тўхталадиган бўлсак, юқорида келтириб ўтилган барча йўналишлар айнан ушбу йўналиш ривожини билан узвий боғлиқлигини таъкидлаб ўтиш ўринли. Бу йўналиш мамлакатимизнинг янада раванқ топиши, юртдошларимизнинг тинч-осуда ҳаёт кечиришида муҳим ва аҳамиятли ўрин тутди.

Кенг жамоатчиликнинг катта қизиқиши ва алоҳида эътиборига сазовор бўлган “**Ҳаракатлар стратегияси**” Ўзбекистон тараққиётининг навбатдаги босқичида концептуал аҳамиятга эгаллиги билан муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ҳужжатнинг давлат ва нодавлат ташкилотлари, айниқса, фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бири бўлган сиёсий партияларнинг фаоллари, қолаверса, жамоатчилик вакиллари томонидан муҳокама этилиши мамлакатимиздаги демократик ислохотларнинг амалдаги ҳаётини кўриниши, деб эътироф этиш ўринли бўлади. Бир сўз билан айтганда, “Ҳаракатлар стратегияси”нинг муҳокамага чиқарилиши — халқ билан мулоқотнинг ниҳоятда ҳаётини, ёрқин ифодасидир.

Ушбу том маънодаги тарихий ҳужжатнинг аҳамияти нимада?

Биринчидан, Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Ҳаракатлар стратегияси” давлатимиз ва жамиятимизни ривожлантиришнинг мутлақо янги босқичини бошлаб беради.

Иккинчидан, “Ҳаракатлар стратегияси” Конституциямизнинг асосий демократик нормаларини босқичма-босқич амалга ошириш доирасида демократик янгиланиши ва модернизация жараёнларининг мантиқий ва қонуний давомидир.

Учинчидан, ўз моҳият эътиборига кўра, “Ҳаракатлар стратегияси” дунёда туб ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги замонда сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ислохотларнинг энг муҳим беш устувор йўналишини амалга оширишнинг беш йилга мўлжалланган миллий стратегиясидир.

Тўртинчидан, ҳаммамиз гувоҳи ва бевосита иштирокчиси бўлганимиз “Ҳаракатлар стратегияси”нинг жонли ва қизғин жамоатчилик муҳокамаси бугунги замон талабига мос равишда энг янги информацион технологияларни кенг қўллаган ҳолда олиб борилди. Бу унинг тўлақонли муҳокамаси учун асос бўлиб хизмат қилди. Кўплаб мутахассислардан қанчадан-қанча амалий таклиф-мулоҳазалар келиб тушди. Мен бу ўринда интернет орқали келиб тушган фикрларни ҳам назарда тутаяпман. Энг муҳими, бу таклифларнинг асосларидан бир қанчаси эътиборга олинганлиги алоҳида эътирофга сазовор.

“Ҳаракатлар стратегияси”ни изчил ва тизимли амалга оширишда учта муҳим принципга эътиборни қаратиш лозим.

Биринчи принцип: “Ҳаракатлар стратегияси” биз танлаб олган ва Биринчи

Президентимиз асос солган ҳамда бутун дунё тан олган тараққиётнинг “ўзбек модели”нинг мантиқий давомидир.

Шу маънода “Ҳаракатлар стратегияси” ўзининг босқичма-босқичлиги, изчиллиги ва тадрижийлигини сақлаб қолади.

Иккинчи принцип: “Ҳаракатлар стратегияси”да бешта устувор йўналиш, яъни Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада

ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар узвий боғлиқ эканлиги ва бир-бирини тақозо этишини аниқ ва равшан англаш лозим.

Учинчи принцип: “Ҳаракатлар стратегияси” маъно-мазмунини содда ва тушунарли, ҳар бир фуқаро учун амалий иш дастурига айланмоғи керак.

“Ҳаракатлар стратегияси”да Президент Парламент аъзоларига кенг кўламли қонунчилик дастурини таклиф этмоқда. Юқорида санаб ўтилган бешта муҳим устувор йўналишда қабул қилиниши зарур бўлган қонун ижодкорлигига ҳар томонлама катта масъулият билан ёндашишимиз талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, “Ҳаракатлар стратегияси” ўз моҳиятига кўра давлат ва жамият ривожининг принципиал жиҳатдан янги босқичда мамлакатимизни ривожлантириш бўйича бошланган кенг кўламли ва тизимли ислоҳотларни янада изчил давом эттириш, юртимизда юз бераётган ўзгаришларга янгича нигоҳ билан қараш, эришилган ютуқларга ҳолисона баҳо бериш ва мавжуд муаммоларни чуқур таҳлил этиш ва уларнинг ечимини топиш имконини беради.

“Ҳаракатлар стратегияси”да мужассам этилган энг муҳим жиҳатлар ўз мазмунига асосан, дунёда кескин ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги замонда давлат ва жамият қурилиши соҳасида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ва тинчлик-фаровонлик, осойишта ҳаёт, хавфсизликни таъминлаш бўйича бешта устувор йўналишда аниқ муддатга мўлжалланган том маънодаги дастур ҳисобланади. Таъкидлаш керакки, айти шу йўналишлар бугунги глобаллашув жараёни, тобора чуқурлашиб бораётган мураккаб геосиёсий вазият, айниқса, халқаро майдонда баъзи бир мамлакатларнинг фақатгина ўз манфаатлари нуктаи назаридан туриб сиёсат юритиши, инсоният ҳар қадамда дуч келаётган терроризмнинг глобал характери, наркотрафик ва уюшган жиноятчилик инсоният тараққиётига жиддий таҳдид солиб турган мураккаб замонда Ўзбекистон манфаати, демак халқимиз манфаати учун долзарб аҳамиятга эга.

У беш босқичда, келгуси беш йилда юртимизда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилади.

“Ҳаракатлар стратегияси”нинг дастлабки йўналиши “Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари”, деб номланган бўлиб, унда давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш белгиланган.

Ўзбекистонда ривожланган кўппартиявийлик тизими вужудга келганлигини, ёки бўлмаса сиёсий маданиятга эга бўлган сайловчиларнинг шаклланганлигини ҳам таъкидлаш ўринли. Жамоатчиликнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортиб бориб, амалга оширилаётган демократик ислоҳотларда дахлдорлик туйғуси пайдо бўлиб, мана шундай муҳим ислоҳотларнинг

иштирокчисига айланиб бормоқда. Мен нима учун буни шу ўринда таъкидлаб ўтаяпман. Сабаби, мана шу “Ҳаракатлар стратегияси”ни муҳокама қилиш жараёнида ҳам сиёсий партиялар вакиллари, фаоллари фаол иштирок этишди. Жамиятда кўппартиявийлик тизимининг вужудга келиши ва бевосита фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бирига айланган сиёсий партиялар орқали халқимизнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки кўлами кенгайиб бормоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг илк йилларидан бошлаб, босқичма-босқич амалга оширилаётган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида сиёсий партияларга жуда катта ваколат ва имкониятлар берилмоқда. Масалага қонунчиликда белгилаб берилган мана шу ваколат нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, табиийки, бугун фуқаролик жамияти институтлари орасида, айниқса, энг таъсирчан институтлардан бири бўлган сиёсий партиялар олдида жуда катта масъулият турганлигини таъкидлаб ўтишимиз керак. Бундай ўта муҳим вазифани адо этиш, ўз-ўзидан ёки осонлик билан кечадиган жараён бўлмай, балки сиёсий партиялар халқнинг илғор қисми сифатида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган янада мукамал ҳаракат дастурига ва ҳаётий ташаббусларига эга бўл

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да юқорида таъкидланганидек, мамлакатимизни ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши – давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани тараққий эттириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш бўйича аниқ, ҳаётий ислоҳотлар, уларни амалга оширишнинг қуйидаги механизмлари белгилаб берилган:

**2017 -2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича
ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ**

I. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари

1.1. Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш:

давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш;

қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш;

сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш.

1.2. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш:

давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш ҳамда иқтисодий тартибга солишда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш;

мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шакллари жорий этиш;

“Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси, сифатини юксалтириш ва бу хизматдан аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имкониятини ошириш.

1.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш:

халқ билан мулоқотнинг самарали механизмларини жорий этиш;

жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш;

фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш;

маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш;

оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш.

II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари

2.1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш:

судялар ва суд аппарати ходимларининг мавқеини, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш, судларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

судяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишга йўл қўймаслик бўйича таъсирчан чоралар кўриш;

суднинг мустақиллиги ва беғаразлиги, суд процессида томонларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлик тамойилларини ҳар томонлама татбиқ этиш;

“Хабеас корпус” институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш;

судларни янада ихтисослаштириш, суд аппаратини мустаҳкамлаш;

судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

2.2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш:

фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик, расмиятчилик ва лоқайд муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг барча зарур чораларини кўриш;

суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш;

фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш;

фуқароларнинг одил судловга тўсқинликсиз эришишини таъминлаш;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси самарадорлигини ошириш.

2.3. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш:

жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш;

одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш;

жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишларини кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, бир-бирини такрорлайдиган ваколат ва инстанцияларни қисқартириш;

электрон тартибда суд ва ижро ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш.

2.4. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш:

жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш;

диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш;

коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш;

аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш.

2.5. Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш:

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ишини самарали режалаштириш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, тизимли ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларга имконият яратаётган сабаб ва шароитларни бартараф этиш;

суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимларини ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ротация қилиш тизимини такомиллаштириш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимлари орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, профилактика қилиш ва бартараф этиш бўйича идоравий назоратнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш.

2.6. Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш:

давлат органларининг юридик хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш;

адвокатура институтини ривожлантириш, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини кўриб чиқишда адвокатларнинг ролини ошириш;

нотариат ва фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органлари тизимини ислоҳ қилиш.

III. Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари

3.1. Макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш:

макроиктисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;

солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш;

илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш;

банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш;

суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш;

халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш.

3.2. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш:

миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш;

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;

юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш;

иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш;

принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш;

иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш;

фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш;

хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш;

туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш;

экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сағарбар этиш;

йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш:

таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш;

пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш;

фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоклаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш;

касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини ҳамда юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш;

глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш.

3.4. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш:

хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, «Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади» деган тамойилни амалга ошириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш;

давлат мулкани хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш;

корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш;

тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиши бўйича тартиб-таомил ва механизмларни такомиллаштириш ва соддалаштириш;

мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш.

3.5. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш:

ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш;

янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш;

саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш;

саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида

ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш.

IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

4.1. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш:

аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш;

бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда изчил ошириш;

янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш;

меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш.

4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш:

аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш;

оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимининг камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенг амалга ошириш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш;

пензионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш;

фарматсевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан

таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш.

4.3. Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш:

аҳоли, энг аввало, ёш оилалар, эскирган уйларда яшаб келаётган фуқаролар ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бошқа фуқароларнинг яшаш шароитини имтиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратиш ҳамда шаҳар ва қишлоқ жойларда арзон уйлар қуриш орқали янада яхшилаш;

аҳолининг коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш, энг аввало, янги ичимлик суви тармоқларини қуриш, тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш;

одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини қуриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолини чиқиндини йўқ қилиш бўйича замонавий объектлар билан таъминлаш;

аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш ва атроф муҳитга зарарли моддалар чиқишини камайтириш, ҳар томонлама қулай янги автобусларни сотиб олиш, автовокзал ва автостанцияларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш;

йўл инфратузилмаси қурилиши ва реконструкция қилинишини давом эттириш, энг аввало, минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, аҳоли пункти кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш;

янги электр энергия ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш, паст кучланишли электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини янгилаш асосида аҳолини электр энергияси ҳамда бошқа ёқилғи-энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш, шунингдек, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

театр ва томоша масканларини, маданий-маърифий ташкилотлар ва музейлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш:

узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;

таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг

моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш;

мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш;

умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш;

болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга, уларни мусиқа ҳамда санъат дунёсига жалб қилиш мақсадида янги болалар спорти объектларини, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш;

касб-хунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш;

таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш;

илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш.

4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш:

жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш;

ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш;

ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш.

V.Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар.

5.1. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар:

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилиқ кўрсатиш;

фуқаролик, миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш;

давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар қудрати ва салоҳиятини ошириш;

атроф-табiiй муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш;

фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш.

5.2. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар:

давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиш;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалаларини ҳал этиш.

Ҳаётбахш ислоҳотларнинг янги босқичида ижтимоий соҳа ва иқтисодий ислоҳотларни янада ривожлантириш давлатимиз раҳбарининг доимий диққат марказида бўлиб келаётган йўналишлардан бири саналади.

Бу ўринда “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани келажакда ушбу йўналишлардаги ишларга талаб кескин ортиши, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга оид ислоҳотлар бардавом бўлишидан далолатдир.

Айниқса, аҳолини иш билан таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, иқтисодиёт ва санокт тармоқларида муқим янги иш ўринлари яратиш, шу орқали аҳолининг реал даромадлари ва фаровонлигини босқичма босқич ошириш, арзон уй-жойлар куриш, соғлиқни сақлаш, таълим ва фан тизимларини тубдан такомиллаштириш борасидаги аниқ мақсад-вазифалар белгилаб берилмоқда.

Концептуал характерга эга бўлган мазкур ҳужжатнинг иккинчи йўналиши, яъни қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Бунда фуқаролик жамиятида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этадиган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатишни такомиллаштиришга йўналтирилган қонун устуворлиги ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш вазифаси акс этган. Гап шундаки, бу йўналишда белгиланган тадбирларнинг аксарияти қонун лойиҳалари ишлаб чиқиш тарзида ижро этилиб, маҳаллий ҳокимият органлари, жумладан, ҳокимлар, ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини такомиллаштиришга ҳамда бугунги кунгача ҳам ишлаб чиқилмаган давлат хизматчилари фаолиятини тартибга солувчи махсус қонун қабул қилишдек давлат хизмати ўташнинг ҳуқуқий асосларини яратишни назарда тутди. Демак, бу қонун ижодкорлиги билан боғлиқ. Бу вазифани амалга ошириш Парламент аъзоларидан катта масъулият талаб этади. Биз қонун ижодкорлари фаолиятимизни бугунги кун талаби нуқтаи назаридан янада такомиллаштиришимиз лозим деб биламан.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар миллий ва умуминсоний негизига асосланган бўлиб, уларда миллий ғоянинг асосий тамойиллари билан муштаракликни кузатиш мумкин.

Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналишида давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлис ролини кучайтириш, қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан яхшилаш, сиёсий партиялар ролини оширишга доир устувор вазифалар кўзда тутилгани фуқаролар манфаатларини таъминлашга қаратилган қонунлар қабул қилинишида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тарихий ҳужжат орқали давлат хизматини ислоҳ қилиш, иқтисодиётда давлат бошқарувини камайтириш, давлат ва хусусий секторлар ҳамкорлиги замонавий шаклларини, “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш бўйича ҳам муҳим чора-тадбирлар рўёбга чиқарилишини алоҳида эътироф этиш жоиз. Булар пировардида давлат идоралари ҳамда халқимиз ўртасида мустаҳкам кўприк бўлиб хизмат қилади ва юртдошларимизга муносиб турмуш шароити яратилишини кафолатлайди ҳамда ушбу устувор йўналишда белгиланган вазифаларнинг миллий ғоянинг эл юрт манфаатларининг ҳамма нарсадан устуворлиги тамойили билан уйғунлигини амалда исботлайди.

Ҳаракатлар стратегиясида суд-ҳуқуқ ислоҳотларини бугунги кун талаби даражасида чуқурлаштириш билан боғлиқ вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилгани диққатга сазовор. Унга кўра, қарорлар қабул қилишда судлар мустақиллигини таъминлайдиган Олий суд кенгаши тузилади ҳамда профессионал судьялар корпусини шакллантириш, судьялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга доир чора-тадбирлар амалга оширилади.

Маъмурий судларни, хўжалик судлари тизимида минтақавий апелляция судларини тузиш, судья ёрдамчиси лавозимини таъсис этиш орқали судларни келгусида ихтисослаштириш ҳамда уларнинг девонини мустаҳкамлаш чоралари ҳам кўрилади.

Бундан ташқари, процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қуйи инстанция судларининг камчиликларини мустақил бартараф этиш ва узил-кесил қарор қабул қилиш юзасидан юқори суд инстанцияларининг

ваколатларини кенгайтириш режалаштирилганки, бу сансалорликларга ҳамда ишларнинг кўриб чиқилиши судлар томонидан асосиз чўзиб юборилишига барҳам беради.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. **Қолаверса, 2018 - 2021** йилларда жиноят ҳамда жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш концепцияси ишлаб чиқилади.

Бу саъй-ҳаракатлар судларнинг чинакамига мустақиллигини таъминлаш, умуман, ҳуқуқ-тартибот органларини такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш имконини беради. Ўз ўрнида мазкур устувор йўналишда кўзда тутилган мақсадлар миллий ғоянинг қонун устуворлигини таъминлаш тамойилидан кўзда тутиладиган мақсадлар билан нақадар муштараклигини кўриш мумкин.

Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни янада ривожлантириш ҳамда либераллаштиришга оид белгиланган чора-тадбирлар рўёбга чиқарилиши, ўз навбатида, мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, пировардида аҳоли фаровонлигини юксалтиришда муҳим ўрин тутади. Чунончи, иқтисодиётнинг очиклиги ва рақобатдошлигини ошириш, иқтисодий мустақилликни кучайтириш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, молия-банк соҳасини тубдан ислоҳ этиш, ташқи иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишга эътибор қаратилгани диққатга молик.

Бутун халқимиз, айниқса, унинг энг фаол қатламига айланиб бораётган тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш борасида белгиланган вазифалар, шубҳасиз, оилалар фаровонлигини таъминлаш билан бирга, юртимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, ушбу ҳужжатда маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш, хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни ошириш, солиқ маъмурчилигини яхшилаш, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ҳамда механизмларини жорий қилиш, кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантириш билан боғлиқ вазифалар акс этгани муҳим жиҳатлардан бири бўлиб, унинг ижросини таъминлаш ҳар биримиздан катта масъулият талаб қилади. Албатта, бунда ижтимоий шериклик муносабатларидан оқилona фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Булар мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш орқали миллий ғоянинг асосий тушунчаларидан бири бўлган халқ фаровонлигини амалда таъминлаш имконини беради ҳамда халқимизнинг ҳаётдан рози бўлиб, бахтли-саодатли умр кечириши учун мустаҳкам замин яратади.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ижтимоий соҳани ривожлантиришга оид чора-тадбирлар аҳоли бандлигини кафолатлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, аҳолининг муҳтож қатламига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини яхшилаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини оширишда муҳим ўрин тутди.

Шунингдек, оналик ҳамда болаликни муҳофаза этиш, кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, аҳолига тиббий ҳамда ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган дастлабки бўғин – тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш бўйича зарур чоралар кўрилади. Аҳоли ҳамда тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш каби ҳаётий зарур масалаларга ечим топиладигани, бу халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда айтиш мумкин.

Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли, айниқса, аёллар, ёшлар бандлигини таъминлаш, шу мақсадда тадбиркорлик, оилавий бизнес ҳамда ҳунармандчиликни ривожлантириш, аёллар ва қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, улар орасида жисмоний тарбия ҳамда спортни оммалаштириш, шунингдек, кексалар, ўзгалар парваришига муҳтож, уруш ва меҳнат fronti қатнашчилари, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ долзарб чора-тадбирлар ҳам қамраб олинган. Ўз навбатида, биз, халқ вакиллари Стратегияда кўзда тутилган мақсад ҳамда вазифаларни аҳоли кенг қатламига етказишимиз, унинг мазмун-моҳиятини атрофлича тушунтиришимиз зарур.

Зеро, ушбу вазифаларнинг изчил ижроси мамлакатимизнинг асосий қонуни бўлган Конституцияси, энг муҳими миллий ғоямизда илгари сурилган “Инсон манфаатлари барча нарсадан устун” деган ҳаётий тамойилнинг рўёбини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони қачон эълон қилинди?
2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг биринчи устувор йўналиши қандай номланади?
3. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг иккинчи устувор йўналиши қандай номланади?
4. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг учинчи устувор йўналиши қандай номланади?
5. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг тўртинчи устувор йўналиши қандай номланади?
6. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг бешинчи устувор йўналиши қандай номланади?
7. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг асосий устувор йўналишларидан бири бўлган – давлат ва

жамиятни ривожлантириш йўналишининг демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш ғоялари билан алоқадорлигини асосланг

8. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг асосий устувор йўналишларидан бири бўлган – Қонун устуворлиги ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш йўналишининг миллий ғоянинг умуминсоний негизига асосланишини асословчи далилларни келтиринг

9. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг асосий устувор йўналишларидан бири бўлган – иқтисодиётни ривожлантириш ва эркинлаштириш йўналишининг инсонпарварлик моҳиятини изоҳланг

10. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг асосий устувор йўналишларидан бири бўлган – ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишининг инсонпарварлик моҳиятини асосланг

11. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг асосий устувор йўналишларидан бири бўлган – хавфсизлик ва барқарор тараққиёт, миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатликни таъминлаш, тинчлик, диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш йўналишининг миллий ғоянинг асосий тамойиллари билан муштарақлиги ва унинг жамиятни янада ривожлантиришдаги аҳамиятига тўхталиб ўтинг

12. Халқимиз бағрикенглигининг маънавий асосларига мисоллар келтиринг

7-МАВЗУ: ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА АХБОРОТ МАКОНИ ВА ҒОЯВИЙ МАФКУРАВИЙ КУРАШЛАР

РЕЖА:

1. Глобаллашув. Глобаллашув, ахборот макони, ахборотлашган жамият тушунчаларининг мазмун-моҳияти.
2. Ғоявий таҳдидлар ва уларнинг йўналишлари.
3. Ёшларда маънавий-мафкуравий иммунитетни маънавий-маърифий омиллари.

Таянч тушунча ва иборалар:

Глобаллашув, гомогенлашув, мафкуравий тажовуз, ахборот, ахборот хавфсизлиги, ахборотлашган жамият, ахборот маданияти, ахборот хуружи, мафкуравий таҳдидлар, демократия экспорти, оммавий маданият, диний экстремистик мафкуралар, миссионерлик, прозелитизм, диний фундаментализм, терроризм, халқаро терроризм, мафкуравий полигон, мафкуравий иммунитет.

Глобаллашув тушунчаси. “XX асрнинг охири – XXI асрнинг бошида жаҳон тараққиётида шаклланган янги умумсайёравий тартиб, тамаддуний босқич мазмун-моҳияти, давлатлар ва кишилар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг кенгайиши ва мураккаблашиши, дунё миқёсида ахборот макони, капитал, товар ҳамда ишчи кучи бозорида тамоман янгича вазиятнинг вужудга келиши, атроф-муҳитга техноген таъсирнинг кучайиши, оммавий маданият намуналарининг кенг тарқалиши, информацион-мафкуравий ва диний-экстремистик хуружлар хавфининг ортиб бориши”¹ глобаллашув, ахборот ва ахборотлашув жараёнлари билан боғланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов глобаллашувнинг жараёнининг мазмун-моҳияти хусусида тўхталиб, уни қуйидагича тавсифлаган эди: “...глобаллашув феномени ҳақида гапирганда, бу атама бугунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим. Умумий нуқтаи назардан қараганда, бу жараён мутлақо янгича маъно-мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда”.²

XX асрнинг 70-йилларигача дунё мамлакатларининг иқтисодий-ижтимоий ҳамда сиёсий тараққиёти ҳар бир давлатнинг ўз ҳудуди доирасидаги ривожланиш суръатлари ёхуд уларнинг ўзаро муносабатлари даражасидан иборат жараён сифатида талқин этилар эди. Глобаллашув даврига келиб эса тараққиёт борасида ўзгача қараш Ё воқеа-ҳодисаларни макон ва замондан ажратмаган ҳолда, синхрон тарзда талқин этиш тамойили кўзга ташлана бошлади. Шу маънода глобаллашув жараёни бошланадиган аниқ бир тарихий давр ва маконни ажратиб кўрсатиш қийин. Негаки, назарий жиҳатдан қараганда, тарихий тараққиёт хусусиятларидан қатъий назар, халқаро меҳнат тақсимооти

¹Баходир Умаров. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. Т., “Маънавият”, 2006., 5-бет.

²Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 111-бет.

тизимига уйғунлашиб бораётган, хорижий сармояларни ўз иқтисодиётига изчил жалб этаётган ҳамда замонавий технологиялар сари интилаётган ҳар қандай мамлакат учун глобаллашув жараёни туфайли вужудга келган иқтисодий афзалликлардан фойдаланиш имконияти туғилди. Аммо унинг салбий жиҳатларидан ҳам қочиб қутилиб бўлмайди.

“Глобаллашув” атамаси дастлаб америкалик олим Т. Левиттнинг 1983 йили «Гарвард бизнес ревью» журналида чоп этилган мақоласида тилга олинган эди. Муаллиф йирик трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли-туман маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёнини шундай деб атаган эди. Аммо мазкур атаманинг мазмун-моҳияти хусусида баҳс-мунозара ҳамон давом этаётган ҳамда бу борада ягона умумий қараш шаклланмаган бўлса-да, гуманитар илмнинг турли соҳаларида, чунончи, ижтимоий фанларда муайян концепция ва ёндашувлар мавжуд.

Сир эмаски, жаҳонда глобаллашув жараёни тобора шиддатли тус олаётган, дунё мамлакатларининг инсон манфаатларига хизмат қиладиган том маънодаги демократик йўлни танлаб олишга бўлган интилишлари кучайган бир шароитда ахборотнинг роли кун сайин ортиб бормоқда. Бугунги кунда ишлаб чиқариш ривожини ахборотсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Замонавий ахборот тизими компьютер ва ахборот тизимлари, маҳаллий ва глобал тармоқлар, интернет тармоғи, мультимедиали технологиялар ва бошқаларни ўз ичига олади. Улар жамиятнинг ривожланишига ижобий таъсир қилади. Инсоният ахборотлашув соҳасида инқилобий ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Бир сўз билан айтганда ахборотлашган жамиятда яшамоқдамиз.

“Ахборотлашган жамият” тушунчаси. “Фалсафа: энциклопедик луғат”ида ахборотлашган жамият тушунчасига қуйидагича изоҳ берилган: “Ахборотлашган жамият – ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, энг аввало, ахборот тайёрлаш, унга ишлов бериш, сақлаш ва жамият аъзоларига етказиш билан боғлиқ бўладиган ишларга шароит яратувчи жамият” дир.¹

“Ахборотлашган жамият” тушунчаси 1960 йилларнинг иккинчи ярмида пайдо бўлиб, уни биринчи бўлиб фанга Токио технологик университетининг профессори Ю.Хаяш киритган. Муаллифнинг фикрича, моддий маҳсулот эмас, ахборот жамиятнинг шакллантирувчи ва ривожлантирувчи кучига айланади. “Ахборотлашган жамият” тушунчасининг ривожиди америкалик жамиятшунос олим Д.Беллнинг “Индустриал жамият даврининг келажаги. Ижтимоий башорат қилиш тажрибалари” (1973) китоби муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унда муаллиф инсоният жамияти тарихини уч асосий босқичга²: аграр, индустриал ва постиндустриал (индустриал даврдан кейинги) даврларга бўлади. Э.Тоффлер эса “Учинчи тўлқин” китобида тамаддун тарихидаги учта тўлқинни: (биринчи тўлқин – аграр, XVIII асргача; иккинчи тўлқин – индустриал, XX асрнинг 50-йилларигача; учинчи тўлқин – индустриал даврдан сўнгги давр, XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб) ажратиб кўрсатади. Э.Тоффлернинг фикрича, “Энг яқин тарихий сарҳад ўн минг йил аввал қишлоқ хўжалигини жорий этиш туфайли

¹ Фалсафа: энциклопедик луғат. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2010. 32-33-бетлар.

² Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. –М.: Akademia, 1999. – С.38.

юзага келган ўзгаришларнинг илк тўлқинидек ҳали жуда-жуда олисда”¹. Дарҳақиқат, ўзгаришларнинг иккинчи тўлқини индустриал инқилоб туфайли юзага келди. Биз ўзгаришларнинг учинчи тўлқини фарзандларимиз. Учинчи тўлқин ахборотлашув инқилобининг самараси сифатида намоён бўлмоқда. 1980-1990 йилларни ахборотлашган жамият концепциялари ривождаги янги босқич дейиш мумкин. Бу даврдаги концепциялар асосан Питер Дракер ва Мануэл Кастельс тадқиқотлари натижалари билан чамбарчас боғлиқ. П.Дракер “Капитализмдан сўнгги жамият” китобидаги концепциянинг моҳияти анъанавий капитализмни енгиб ўтиш ғоясидан иборат. Концепцияга кўра, тараққиётнинг асосий белгилари индустриал хўжаликдан билим ва ахборотга асосланган иқтисодий тизимга қараб бориш, капиталистик хусусий мулкчиликдан воз кечиш, ҳозирги замон кишиси учун янги кадриятларни яратиш, иқтисодиёт ва жамиятдаги глобаллашув жараёнлари таъсирида миллий давлатнинг ўзгаришидан иборат. М.Кастельс глобал иқтисодиёт ва халқаро молиявий бозорларни шаклланаётган янги дунёнинг асосий белгилари сифатида кўради. У “Ахборотлашув эраси: иқтисодиёт, жамият ва маданият”² деб номланган фундаментал тадқиқотида ахборотлашган жамиятнинг моҳиятини бир-бирига боғлиқ қуйидаги жараёнлар билан изоҳлайди: ахборот ва билимлар ижтимоий-иқтисодий, технологик ва маданий ривожланишнинг ҳақиқий қудрати, ўзагига унинг қимматли манбаига айланади; ишлаб чиқариш омили бўлмиш хом ашё, меҳнат, маблағ ресурсларига тенглаштирилган ахборот ва билим бозорлари шакллана бошлайди; ахборот етказиб бериш ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган соҳаларнинг аҳамияти шиддатли тарзда ошиб боради. Жамиятни ахборотлаштириш жараёни бир-бири билан боғлиқ бўлган уч қисмдан таркиб топади: медиатизация (лот. *mediatus* – воситачи) – ахборот тўплаш, сақлаш ва тарқатиш воситаларини такомиллаштириш; компьютерлаштириш – ахборот излаш ва унга ишлов бериш воситаларини такомиллаштириш; интеллектуализация – ахборот яратиш ва уни идрок этиш қобилиятини ривожлантириш, яъни жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, шу жумладан, сунъий интеллектдан фойдаланиш жараёни³.

Статистик маълумот

Шу нуқтаи назардан тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, дастлаб жами билимлар миқдори жуда секинлик билан ўзгарганига гувоҳ бўламиз. Бирок 1900 йиллардан эътиборан ахборот миқдори ҳар 50 йилда икки ҳисса орта бошлади. 1950 йилдан ахборотлар ҳар 10 йилда, 1970 йилдан – ҳар 5 йилда, 1990 йилдан эса йилига икки ҳисса орта бошлади. Ортиқча ахборотларнинг бундай кўп миқдорда бўлиши истеъмолчининг ўзи учун фойдали ахборотни идрок этишини қийинлаштириб қўйди.

Юртимизда ахборотлашган жамият куриш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Республикамиз ҳукумати томонидан қабул қилинган қарор ва дастурларнинг барчасида демократик тамойилларга асосланган жамият учун

¹Тоффлер Э. Шок будущего. –М.: АСТ, 2001. –С.34.

²Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общества и культура. (перевод с англ.) М., 2000. –С.20.

³Фалсафа: энциклопедиклуғат. –Тошкент: ЎзбекистонмиллийэнциклопедиясиДавлатилмийнашриёти, 2010. – Б.33.

ахборотлашган жамиятга ўтишнинг иқтисодий, ҳуқуқий, технологик, маданий шарт-шароитлари яратиб берилмоқда. Масалан, “Ахборотлаштириш ҳақида”, “Электрон рақамли имзо ҳақида”ги қонунлар ва бошқалар шу мақсадга хизмат қилади. 2001 йил 30 майдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармонда ахборотлашган жамиятга ўтишнинг навбатдаги босқичида долзарб муаммоларни ҳал қилишдаги яна бир муҳим кадам бўлди. Бу Фармоннинг асосий мақсади – ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологиялари, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга бўлган ўсиб бораётган талабларини янада тўлароқ қондириш, жаҳон ахборот жамиятига кириб боришни кенгайтиришдан иборат. Ушбу Фармондан келиб чиққан ҳолда, уни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ва 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Унда бу соҳадаги асосий йўналишлар: телекоммуникациялар инфратузилишини ривожлантириш; компьютерлаштириш; ахборот хавфсизлигини таъминлаш; кадрлар тайёрлаш ва бошқа вазифалар кўрсатиб берилди.

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида, айниқса, охириги 15 йилда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Юртимизда, аввало, оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди¹. Хусусан, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги (2004 й.) қонунда таъкидланишича, ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг халқаро тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилди. Янги таҳрирдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши оммавий ахборот воситаларини модернизация қилишни жадал ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

XX аср сўнгида рўй берган улкан ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, икки қутбلى дунёнинг барҳам топиши натижасида нисбий мувозанатнинг бузилиши жаҳоннинг мафкуравий манзарасини тубдан ўзгартириб юборди. “XX аср охирида дунёда жўғрофий-сиёсий аҳамияти ва кўлами жихатидан ноёб ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу ўзгаришлар бетакрор. Улар нафақат

¹Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 28-29-бетлар.

мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда вужудга келган қарашлар ва уларнинг механизмларини чуқур ўйлаб кўришни, балки кўп жиҳатдан қайта баҳолашни ҳам талаб қилади. “Совуқ уруш” даврида халқаро муносабатларга асос бўлган кўп қоидалар, тамойиллар ва ғояларни тубдан қайта кўриб чиқиш талаб қилинмоқда. Бутун дунё яхлит ва бир-бирига боғлиқ тизим бўлиб бормоқда, унда ўз-ўзидан қаноатланишга ва маҳдудликка ўрин йўқ. Бу ҳол ҳозирги халқаро муносабатларни шакллантирганда, халқаро тузилмалар билан ўзаро алоқаларда ва уларнинг фаолиятида иштирок этганда мутлақо янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни зарур қилиб қўймоқда”¹.

Қашшоқлик, экологик муаммолар, захиралар тақчиллиги, оммавий касалликлар, диний ақидапарастлик ва терроризм XX асрдан XXI асрга мерос бўлиб ўтди. XXI асрга келиб эса хавф-хатарлар рўйхати, айрим кучларнинг уринишлари натижасида, янада кенгайди. Демографик инқироз, миссионерлик, демократия экспорти, “оммавий маданият”, ғарбона турмуш тарзини тикиштириш каби хавф-хатарлар пайдо бўлди. Давлатлар суверенитетини емирувчи бу хавф-хатарларга юзаки қараш, уларни таҳдид манбаи сифатида эътироф этмаслик инсоният бошига яна кўплаб кулфатлар солиши муқаррар. Шунинг учун давлатимиз суверенитетига таҳдид солаётган бундай ҳодисаларнинг мафкуравий пойдеворини ҳосил қилувчи вайронкор ғояларни фош этиш бирламчи вазифага айланди.

“Демократия экспорти” тушунчаларининг мазмун-моҳияти. Давлат ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этиш ҳуқуқи, қонун олдида тенглик, инсон ҳуқуқларининг таъминланганлиги ва фикр эркинлиги боис демократия умуминсоний қадрият сифатида эътироф этилади. Айрим сиёсатшунос олимлар фикрича, демократия нафақат ички ривожланишнинг натижаси, балки ташқи таъсирнинг оқибати ҳам бўлиши мумкин. Бунга улар баъзи собиқ мустамлакаларда демократик институтлар мустамлакага эга давлатнинг тўғридан-тўғри таъсири остида шаклланганлигини ёки демократик давлатлар билан қўшни бўлиш ҳам муайян аҳамият касб этганлигини мисол келтирадилар. Бироқ демократия ташқаридан келтирилган ҳолларда, мамлакатда ички шарт-шароитлар етилмаган бўлса, кутилган натижани бермайди. Инсоният тарихи аксарият мамлакатларда жамиятни демократлаштириш жараёнлари узоқ муддат давом этгани ҳақида гувоҳлик беради. Демократия, ўрнатилмайди, балки яратилади.

Шу боисдан ҳам демократияни устувор қадрият сифатида ўрганиш, ижтимоий ҳаётга жорий этиш, бир томондан жаҳон халқлари демократия анъаналарини пухта ўрганиш ва ўзлаштиришни, иккинчи томондан аждодларимизнинг адолатли жамият барпо этиш борасидаги қарашларини бугунги кунга жорий этишни тақозо этади.

Умуман, миллий ғоя, эркин фуқаро ва демократия – юқори даражада ривожланган кишилар жамияти, инсоният эришган буюк неъмат, кўпчиликка маъқул яшаш тарзидир. Аммо унинг амалга ошиши барча мамлакатларда бир хил кечмайди. Ҳар бир мамлакат демократиянинг умумий қадрият ва

¹Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998.240-241-бетлар.

тамойилларини ўз миллий қадриятлари заминида, ўз халқининг узоқ тарихи давомида шаклланган анъаналари билан қўшиб қабул қилганини биламиз. Масалан, АҚШёки Англия, Франция (бошқа Европа мамлакатлари ҳам) демократик давлатлар бўлсалар-да, лекин ҳар бири ўз миллий руҳи, анъаналарини ҳам сақлаган. Шу каби Япония, Корея, Малайзия каби мамлакатларда ҳам демократик тузум миллий ва диний эътиқод-удумлар негизида амал қилмоқда.

Шубҳасиз, Ўзбекистонда ҳам биз ана шундай бўлиши учун интиломқдамиз. Айрим кучларнинг муайян давлатлардаги демократик жараёнларни сунъий тезлатишга уринишлари ҳеч қандай назарий ва амалий асосга эга эмас. Негаки, демократлаштириш серқирра ва мураккаб жараён бўлиб, мамлакатда демократик институтларнинг таркиб топиши ва амал қилиши ҳали бу давлатларда демократия қарор топганини билдирмайди. Зеро, демократик қадриятларни кишилар онгига сингдирмасдан туриб, демократик институтларнинг фаолиятини самарали ташкил этиб бўлмайди. Демократлашув жараёнларини сунъий тезлатишга ҳар қандай уриниш аслида табиий тадрижий ривожланишга инқилобий зулм ўтказишни англатади ва ясама, сохта демократиянинг шаклланишига олиб келади. Шу маънода ҳозирда урф бўлган “рангли инқилоб”ларни ҳам ўзгача мантиқ билан тушунтириб бўлмайди.

Бошқарувда ўзгалардан андоза олиш, кўр-кўрона нусха кўчириш мамлакатни боши берк кўчага киритиб қўяди. Барча халқларнинг эҳтиёжларига тўла-тўқис жавоб берадиган ҳаммабоп демократия моделининг мавжудлиги ҳақидаги фикр аслида демократия ғоясини обрўсизлантираётган пуч ғоядан бошқа нарса эмас. Жаҳонда демократиянинг нечоғлик асраб-авайланиши ёки топталиши айнан шу омилга боғлиқ бўлиб бормоқда. Демак, демократиянинг умумэътироф этилган қадриятлари ҳамда миллий қадриятлар муштараклигига эришиш демократик ислохотлардаги тадрижийлик ва изчилликни кафолатлайди.

“Оммавий маданият” тушунчаси. Оммавий ишлаб чиқариш, “кўнгилочар индустрия” томонидан яратилган, омма истемолига мўлжалланган маданиятнинг сийқалаштирилган намуналари кўринишидаги салбий ҳолат.

Оммавий маданият чуқур ижтимоий ва маданий илдизларга эга. Оммавий маданият пайдо бўлишининг ижтимоий-иқтисодий илдизлари йирик саноат ишлаб чиқаришининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Ижтимоий қадриятларни содда, барча учун тушунарли бўлган тилга кўчириш, оммавий саводхонликнинг ўсиши, китоб нашр қилишнинг вужудга келиши оммавий маданиятнинг ривожланишига таъсир кўрсатган. XX асрда радио, кино, ТВ, видео, компьютерлар тизимининг пайдо бўлиши натижасида эса оммавий маданият ривожини янги босқичга кўтарилди.

Оммавий маданиятни тарғиб қилаётган кучларга аслида ҳеч қандай маданият ва инсон маънавияти, ахлоқий қоида-ю қадриятларнинг кераги йўқ. Бу ҳаракат уларнинг стратегик режа ва сиёсий мақсадларига эришиш, айрим мамлакатларнинг ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлиш, ўз измига солиши учун бу бир восита, холос. Барча нарсага эркинлик нуктаи назаридан қарайдиган оммавий маданиятнинг асосий мақсади одамнинг иродасини сусайтириш ва охир-оқибатда эркинлигидан жудо қилиш, яъни қулга

айлантиришдир. “Оммавий маданият” инсон маънавиятини йўқотиш орқали уни бўйсундиришга хизмат қилади. Айрим мутахассислар “оммавий маданият”ни касаллик келтириб чиқарувчи вирусга ўхшатишади. У инсон онгига ўрнашиб олади ва уни емира бошлайди. Емирилиш натижасида эса бутун бир бошли халқнинг маданияти ва кадриятларининг йўқ бўлиб кетиши хавфи вужудга келади.

ОАВ электрон техника ва йўлдош алоқалардан фойдаланиб, кишиларни ижтимоий ҳодисалар ва маданий бойликларни бир вақтда идрок қилишга ундайди. Г.Е.Макмоэн таъкидлаганидек, “Ҳаммабоп ва омма ёқтирадиган янги дунёвий электрон маданият” шаклланди.

Оммавий маданият бозордаги товарга айланиб, муайян хусусиятлар касб этади. Бугунги кунда “оммавий маданият” иқтисодиётни энг даромадли тармоғига айланиб бормоқда. Уни ҳозир “қизиқишлар индустрияси”, “тижорий маданият”, “попмаданият”, “бўш вақтдан фойдаланиш индустрияси” деб ҳам аташмоқда.

Оммавий маданият кишиларни ҳаётнинг бефарқ кузатувчиси, томашабинига айлантиради. Шахснинг ижодкорлик қобилияти йўқолиб, тайёр “маданий маҳсулотлар” истеъмолчисига айланиб қолади. Омма шахсга, ўзига ўхшамай қолади, ўзлигини йўқотади. Роботга ўхшаб бир хил фикрлайдиган ўртамиёна инсонлар шаклланади.

Миссионерлик: моҳият, мақсадлар ва оқибатлари. Миссионерлик сўзи лотинча “миссио” феълидан олинган бўлиб, “юбориш”, “вазифа топшириш”, миссионер эса “вазифани бажарувчи” деган маъноларни англатади. Миссионерлик бўлса, белгиланган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган назарий ва амалий фаолият мажмуини билдиради. “Word Book” энциклопедиясида “Миссионер бирор диний гуруҳ томонидан бошқаларни ўз динига тарғиб қилиш ва киритиш учун юборилган инсон”, деган изоҳ берилган.

Прозелитизм бирон бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга тўғридан-тўғри қаратилган ҳаракатларни англатади. У ўз моҳиятига кўра миссионерликнинг таркибий қисми ҳисобланади. Прозелитизм ҳаракатлари бошқа динни қабул қилган туб миллат вакиллари оилаларида низолар ва жанжалларнинг авж олишига ҳамда христианликнинг айрим йўналишлари вакилларига нисбатан душманлик ҳиссиётларининг пайдо бўлиши орқали динлараро низоларнинг келиб чиқишига замин яратади. Бугунги кунда миссионерлар дунёдаги барча мамлакатларда фаолият юритадилар. Конкрет мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятдан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланишга ҳаракат қилиш замонавий миссионерликнинг энг муҳим хусусияти ҳисобланади. Замонавий миссионерликни, белгиланган мақсадларнинг моҳиятидан келиб чиқиб, шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга миссионерликни ўзига хос бизнесга, шахсий бойиш манбаига айлантирган ташкилотларни киритиш мумкин. Бундай ташкилотлар асосчилари эътиқод қилувчилар сонини кўпайтириш орқали уларнинг мулки ва бойлигига эгалик қилиш ва шу йўл билан ўзларининг молиявий имкониятларини яхшилаш ва кенгайтиришдек мақсадларни кўзлайдилар. Замонавий секталарнинг мутлақ кўпчилигини шу гуруҳга киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳга миссионерликдан сиёсий қурол сифатида фойдаланаётган ташкилот ва уюшмаларни киради. Бундай гуруҳлар ортида муайян ҳудудларга нисбатан ўзининг аниқ геосиёсий режаларига эга бўлган давлатлар ва сиёсий кучлар туради.

Миссионерлар ўз мақсадларига эришиш учун хилма-хил ва турли даврларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиққанлар. Христиан назариётчиларидан бири Луис Буш христиан миссионерлари алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлган ҳудуд – шимолий кенгликнинг 10 ва 40-параллеллари орасида жойлашган, деб ҳисоблаб, уни “10/40 ОЙНА”, деб атаган эди. Ушбу параллеллар ораси эса буддавийлик, конфуцийчилик, ҳиндуийлик, ислом, синтоизм ва даосизм динлари кенг тарқалган ҳудудлар ҳисобланади. Бу ҳудудда Осиёнинг 40га яқин, Африка қитъасининг 20дан ортиқ давлати жойлашган. Замонавий геосиёсатчилар ушбу ҳудуд йирик давлатлар учун ҳаётий-амалий ва геостратегик аҳамиятга эга эканини қайд қиладилар.

Ҳолбуки, дин миллий маънавиятнинг таркибий қисми, миллатни бирлаштириб турувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бир тилда гаплашадиган, умумий тарих ва ягона давлатга эга бўлган, аммо турли динларга ёки диний йўналишларга эътиқод қиладиган миллатлар ҳамон ички миллий бирликни таъминлай олмаётгани, кичкина бир сабаб қайта-қайта низоли вазиятлар ва фуқаролар урушининг келиб чиқишига замин яратаётгани ва мамлакатлар ўз тараққиётида ўнлаб йилларга орқада қолиб кетаётгани эса афсусланарлидир. Масалан, Ливан аҳолисининг 90 фоизидан ортигини араблар ташкил этади. Расмий тил араб тили ҳисобланади. Аммо ливанликларнинг бир қисми исломга (сунний, шиа), қолган қисми христианликка (православ, католик) эътиқод қилиши натижасида миллий бирликни таъминлаш қийин кечмоқда. Мамлакатнинг амалдаги қонунчилигида давлат бошқарув идораларининг диний белгилар асосида шакллантирилиши мустаҳкамлаб қўйилгани эса, кўпгина ҳолларда хилма-хил омиллар таъсирида унинг тўлақонли фаолиятига тўсиқ бўлмоқда.

Мусулмонлар ва христианлар ўртасида вақти-вақти билан келиб чиқаётган фуқаролар уруши бўлса бу бирликни таъминлашни янада мушкуллаштиради.

Миссионерлар ўз олдида қўйган мақсадларга эришадиган бўлсалар, улар фаолият олиб бораётган мамлакатларда халқнинг парокандаликка юз тутиши ва маънавий таназулнинг келиб чиқиши шубҳасиздир.

Диний экстремизм ва фундаментализм гоялари. “Экстремистик” сўзи “ақл бовар қилмас даражада”, “ҳаддан ошиш” маъноларини англатади. Жамиятда қабул қилинган қадриятлар ва меъёрларга зид қарашларни илгари суриш, кескин қарашлар ва чораларга мойиллик экстремизмнинг асосий хусусияти ҳисобланади.

Экстремистик қарашларни барча диний таълимотлар доирасида учратиш мумкин. Масалан, мутахассислар католик черковининг эркин фикр юритувчи, ҳукмрон феодал-католик черкови ақидаларини рад этувчи кишилар – папа ҳокимияти душманларини таъқиб қилиш учун XIII асрда тузилган ва минглаб одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган инквизиция фаолиятини экстремизмнинг ўзига хос кўриниши сифатида баҳолайди.

Ислом шиорларидан танлаб фойдаланадиган, бу дин асл моҳиятини бузиб талқин қиладиган экстремистик тузилмалар ҳам гўёки кенг халқ оммаси билан узвий бирлик мавжудлигини кўрсатиш, аслида эса жамиятда тартибсизлик ва парокандаликни юзага келтириш учун маблағ йиғиш, асосий таҳдид манбаи сифатида одамлар онгини эгаллаш, жамиятда беқарорлик келтириб чиқариш орқали ҳокимиятга эришишдек эҳтиёжларини қондириш мақсадини кўзлайдилар.

Диний фанатизм (мутаассиблик) – ўз диний эътиқодини бирдан-бир тўғри нуқтаи назар, таълимот деб ишониш, бошқа эътиқодларни, диний оқимлар мавжудлигини тан олмасликдир. Диний фанатизм диний экстремизмга замин тайёрлайди.

Диний фундаментализм – маълум дин вужудга келган илк даврга қайтишни тарғиб этиш мафқураси. Диний фундаменталистлар диний ақиданинг ўзгармаслигини ҳимоя қиладилар, эътиқодни мантиқий далиллардан устун қўядилар ва муайян диний эътиқод шаклланишининг бошланғич даврида белгиланган барча йўл-йўриқларни қатъий, оғишмай бажарилишини талаб қиладилар. Фундаментализм тарафдорлари нуқтаи назаридан дин ўзгармас, қатъий ўрнатилган урф-одатлар, тушунчалар ва тартиблардир.

“Фундаментализм” атамаси илк бор XX аср бошларида консерватив кайфиятдаги америкалик протестантлар орасида пайдо бўлган.

Фундаменталистлар христианликнинг анъанавий ақидаларига, айниқса, Библиянинг мутлақо мукамаллигига ишонишни мустаҳкамлашни, уни сўзма-сўз шарҳлашни талаб қилганлар. Асримизнинг 70-йилларидан бошлаб эса, бу ибора исломга нисбатан қўлланила бошланди. Ислом фундаментализмининг асосий ғояси – “соф ислом” принципларига қайтиш, мақсади “исломий тараққиёт йўли”ни жорий этишдир. Фундаменталистларнинг таъбирига кўра, диний қонунларга асосланмаган ҳар қандай жамият ғайритабиийгина эмас, балки Аллоҳга қарши қилинган жиноятдир.

Терроризм – жамиятда беқарорлик келтириб чиқариш, аҳолининг кенг қатламларида ваҳима ва кўрқув уйғотишга қаратилган сиёсий курашнинг ўзига хос усулидир. У яширин тусдаги ташкилотлар томонидан беқарорлик келтириб чиқариш орқали давлат ҳокимиятини эгаллаш мақсадида қўлланилади. Террорчи уюшмалар оммавий бўла олмагани учун ҳам кўп ҳолларда аҳолининг кенг қатламлари номидан ҳаракат қилиш таассуротини уйғотиш мақсадида диний шиорлардан ниқоб сифатида фойдаланади.

Терроризмнинг асосий хусусияти – бундай ҳаракат тарафдорларининг “зўрлик билан давлатни қулатувчи ва ҳокимиятга эришишни осонлаштирувчи парокандаликка олиб келади”, - деган ғояга асосланиб ҳаракат қилишларида яққол кўринади. Терроризмнинг яна бир хусусияти ҳеч қандай уруш бўлмаётган, тинчлик ҳукмронлик қилаётган, жамиятда демократик институтлар фаолият кўрсатаётган бир шароитда муқобил усулларни атайин инкор этган ҳолда, сиёсий масалаларни зўрлик билан ҳал қилишга интилишда намоён бўлади. Америкалик мутахассис Б.Женкинс терроризмни, энг аввало, қурбонлардан кўра кўпроқ гувоҳларга йўналтирилган ва ваҳима уйғотишга қаратилган зўрлик, деб баҳолайди. Бошқа бир америкалик сиёсатшунос Ж.Ложнинг таърифига кўра ҳам терроризм бевосита қурбонлардан кўра кўпроқ

одамлар фикрига таъсир ўтказиш учун қилинадиган таҳдид ёки куч ишлатишдир.

Замонавий терроризмнинг иккита алоҳида хатарли хусусиятини ажратиб кўрсатиш мумкин: бир томондан, у тобора шафқатсизроқ ғайриинсоний моҳият, иккинчи томондан, ақлга сиғдириш қийин бўлган жуғрофий кўламлар касб этиб бормоқда. Маълумотларга кўра, бугунги дунёда 500 га яқин террорчилик ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Ҳар куни дунёнинг у ёки бу бурчагида кимларнидир кўркувга солиш орқали муайян мақсадларга эришишни кўзлаган, камида иккита кўпоровчилик амалга оширилмоқда.

Халқаро терроризм. Халқаро терроризм тушунчаси давлатлар, халқаро ташкилотлар, сиёсий партия ва ҳаракатларни беқарорлаштиришга қаратилган сиёсий кўпоровчилик фаолиятини ифодалайди. У алоҳида сиёсий арбобларни ўлдириш ёки уларга қасд қилиш орқали халқаро ижтимоий-сиёсий акс-садо берадиган бузғунчи сиёсий ҳаракатларни ифодалаш учун ҳам ишлатилади.

Террорчилик ҳаракатларининг:

- халқаро ҳуқуқ ҳимоясидаги объект ёки субъектларга қарши қаратилгани;
- мустақил давлатларчегараларинибузиш орқали амалгаоширилиши;
- аъзолари икки ёки ундан ортиқ давлат фуқаролари, шу жумладан, ёлланма шахслар бўлган экстремистик гуруҳлар томонидан содир этилиши;
- экстремистик гуруҳлар таркибида кўпоровчилик ҳаракатлари бўйича хорижлик йўриқчиларнинг қатнашиши;
- экстремистик гуруҳ аъзоларининг бошқа давлатлар ҳудудида ташкил этилган махсус лагерларда тайёргарлик кўриши;
- тайёргарлик кўриш ва кўпоровчиликни содир этишда хорижий давлатлар ва экстремистик уюшмалар ёрдамидан, халқаро тус олган ноқонуний қурол-яроғ савдоси ва нарқобизнесдан келадиган молиявий манбалардан фойдаланиши унинг халқаро террорчилик хуружи эканини кўрсатувчи асосий белгилардан ҳисобланади.

Терроризмнинг молиявий манбалари. Айни пайтда, террорчи ташкилотлар даромад орттириш мақсадида босқинчилик, товон ундириш, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси, қимматбаҳо металл ва тошлар контрабандаси, сохта пул ва қимматли қоғозлар ишлаб чиқиш, шунингдек, фоҳишабозлик уйлари ва қиморхоналар очиш ҳамда тотализаторлар ташкил қилиш каби жиноий усуллардан кенг кўламда фойдаланадилар. Шу билан бир қаторда, БМТ маълумотларига кўра, трансмиллий жиноий гуруҳлар гиёҳванд моддалар савдосидан йилига 400 миллиард доллар даромад олади ва ушбу маблағнинг бир қисми террорчилик гуруҳлари ихтиёрига ўтказилади. Ҳомий давлатлар, турли диний, хайрия ташкилотлари ва алоҳида шахслар, шунингдек, Яқин Шарқ ва Ғарб давлатларидаги баъзи ижтимоий гуруҳлар томонидан мақсадли йиғиладиган пуллар террорчи гуруҳларнинг ташқи молиявий манбалари ҳисобланади.

Халқаро терроризмбиланбирдавлат ўзи курашаолмайди. Бутундунё мамлакатлари бу “вабо”га қаршибиргаликдакурашишлари зарур. Халқаро ва миллий қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда халқаро терроризмга қарши курашиш самарали бўлиши учун халқаро ҳамжамият томонидан қатор универсал ва регионал конвенциялар қабул қилинган.

Мафкуравий иммунитет – шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилишга хизмат қиладиган ғоявий-назарий қарашлар ва кадриятлар тизимидир. Аслида иммунитет (лот. *immunitas* – озод бўлиш, қутилиш) тиббиёт фани термини бўлиб, организмни турли зарарли таъсирлардан, ташқи инфекциялар хуружидан ҳимоя қиладиган реакциялар мажмуини ифода этади. Киши организмидаги иммун тизимини кучайтириш, янада мустаҳкамлаш талаб этилган пайтда унга кўшимча қувватлар юборилади, турли касалликларга бардошлилик даражаси оширилади. Масалан, куз фасли бошларидан хуружи кучайиши қутиладиган грипп хасталигига қарши махсус эмлаш амалиёти борки, бунда киши организми мазкур вирус билан “олишиш” учун алоҳида тайёрланади, сергаклантирилади.

Мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш ва кучайтириш эса биргина эмлаш, бир-икки ҳаракат билангина эришиладиган натижа-самара эмас. Қолаверса, одам ва бошқа тирик жонзотлар организми туғилишдан табиий иммунитетга эга бўлиб дунёга келса, мафкуравий иммунитет туғма ҳолатда, тайёр шаклда бўлмайди. Уни инсоннинг умри давомида ҳосил қилиб бориш, доимий кучайтириб туриш талаб этилади. Яна бир мураккаб жиҳати – ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган, йиллар оша яхши-ёмонни фарқига бора олиш даражасига етган отанинг тайёр билим ва тажрибаларини унинг боласига механик тарзда кўчиришнинг имкони йўқ. Бошқача қилиб айтганда, мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш иши ҳар бир инсонда алоҳида, яна бошқатдан – янгитдан бошланиши, такомилга етказилиши керак.

Шуларга кўра, мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи элементи бу – билим ҳисобланади.

Мафкуравий иммунитет тизимининг иккинчи асосий элементи ана шундай илғор билимлар асосида шаклланадиган нуқтаи назар, баҳолар, кадриятлар мажмуидир. Чунки билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келадиган, инсон ўзи учун эътиқод даражасида юксак деб биладиган кадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам, собит бўлади. Бундай кадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини оширади ва зарарли ғоялар йўлида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилади.

Юқорида айтилган икки элемент мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим элементи билан, яъни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий соҳалардаги мақсадлар – мўлжаллар тизими билан чамбарчас боғлиқдир. Ана шундай аниқ мақсадлар тизими бўлмас экан, инсон, миллат, ёки жамият ўз йўлини йўқотади, ҳам ошқора, ҳам пинҳона мафкуравий хуружларга нишон бўлаверади. Соддароқ қилиб айтганда, ҳар қандай давлат ва жамият ўзини келажакка элтувчи, халқни шу йўлга сағарбар этувчи эзгу ғоя – мақсадларсиз яшаши, муайян идеалларсиз мавжуд бўлиши ўта мушкул. Айниқса, бир ижтимоий-сиёсий тизимдан бошқасига ўтишга чоғланган жамият ва унинг йўлбошчиси халққа мана шундай ғоя – мўлжални албатта таклиф қилиши, унинг қуруқ ваъда эмаслигига оммани ишонтира олиши, ғоянинг ҳаётга муваффақитли татбиқ этилишига бош-қош бўлиши керак. Ана шунда нафақат бир-икки фуқаронинг, балки бутун жамият аъзоларининг, уларнинг миллати, ирқи, тили ва дини, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, мафкуравий

иммунитети мустаҳкам, келажакка ишончи собит ва букилмас қиёфа касб этади.

Албатта, мафкуравий иммунитетни шакллантириш кишилар онгига бир хил ғояни зўр бериб тикиштириш дегани ҳам эмас, балки одамларда илғор дунёқарашни, миллий ўзликни англашни, алоҳида олинган инсон ва халқ манфаатларига зид, зарарли ғояларни ажрата билишни, уларга нисбатан ҳушёр ва огоҳ бўлиш хусусиятларини тарбиялаш демакдир. Маълумки, давлат, жамиятнинг қудрати унинг ички хавфсизлиги ва барқарорлигига таянади, шулардан куч олади. Яъни жамият, миллат ўз олдига қўйган ғоясида собит бўлса, қарши томон қўллаши мумкин бўлган ғоявий таҳдидларга жавоб бера олиш салоҳиятига эга бўлса, бундай халқни осонликча енгиш мумкин эмас. Аксинча, жамият ичидаги ғоявий парокандалик, бўлинишлар мамлакат душманларига, уларнинг ёт мафкураларига йўл очиб беради. Бундай халқни енгиш ҳам, мустамлака қилиш ҳам осон кечади.

Шу боисдан ҳам мамлакатимиз хавфсизлиги учун энг муҳим кафолат – барча Ўзбекистонликларнинг миллий ғоямиз атрофидаги жипслиги, фуқаролар онги ва қалбидаги мафкуравий иммунитетнинг мустаҳкамлигидир, дейиш мумкин. Зеро, юртимизда қарор топган ижтимоий-сиёсий, моддий-иқтисодий барқарорлик, кенг кўламдаги ижтимоий ҳамкорлик, миллий бирлик ва ҳамжихатликни сақлаб қолиш ва ривожлантириш йўли билангина қўлга киритилган истиқлолни ҳимоя қила оламиз. Халқаро ҳамжамият билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли алоқалар эса мустақилликни мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Ана шундагина минтақамиз цивилизациялар ҳеч қачон тўқнашмайдиган, балки улар бир-бирига таъсир этиб, бир-бирини бойитишнинг ибратли намунасини берадиган маконга айланади.

Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда ОАВнинг ўрни. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз марказидан тортиб энг чекка ҳудудларигача юзлаб, минглаб оммавий ахборот воситалари ташкил бўлди, уларнинг қўпчилик қисми миллий ғоямиз ва миллий манфаатларимиз тарғиботи йўлида тинимсиз ҳаракат қилишяпти. Бироқ айрим хусусий нашрлар, телелевидение ва радио таҳририятлари фаолиятида йўл қўйилаётган жиддий камчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бу борада миллий маънавият ва маърифатимизнинг куйинчак тарғиботчиларидан бирининг куйидаги мулоҳазаларини келтириш ғоят ўринлидир:

“Хўш, шу хусусий нашрлар ўз иқтисодий мақсадларини кўзлаб, билибми-билмайми, миллий ғоямиз ва мафкурамизга зид, маънавиятимизга болта урадиган тушунча, ғоя ва талқинлар, сурат ва бошқа иллюстрацияларларни чоп этмаяптими? Қандай қилиб булар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мумкин?”

Телевидение – ҳозирги замонда энг оммабоп ахборот воситаси. Китоб, газета, журнал ўқишга фурсати, Интернетдан фойдаланишга имкон ва укуви йўқ кишилар ҳам телевизор кўради. Лекин ойнаи жаҳонда намоиш этилаётган чет эл фильмларининг ҳаммаси ҳам бизнинг мақсад ва муддаоларимизга мос тушадими? Истар-истамас ўзимиз ёшларимиз тарбиясининг бузилишига ҳисса қўшмаяпмизми?

Дарҳақиқат, бундан тўрт аср олдин айтилган Френсис Беконнинг “Кимки ахборотга эгалик қилса, у дунёга эгалик қилади” деган гапи бугун янгича мазмун, айтиш мумкинки, ўта хавфли йўналиш ва кўлам касб этмоқда. Мазкур бениҳоя кенг, ўта қамровли ахборот майдонида кечаётган жараёнлардан воқиф бўлиш, миллий ОАВларимиз имкониятларидан оқилона ва самарали, профессионал даражада фойдаланиш мафкуравий ишимиз муваффақиятининг жуда катта улушини ташкил этиши аниқ. Бунинг учун эса ОАВларида чинакам ватанпарвар, халқпарвар, эътиқоди мустаҳкам, диди юксак, профессионал билими ва тажрибаси бой кадрларнинг фаолият юритиши талаб этилади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов ҳар йилнинг 27 июнь санасида нишонланадиган ОАВлари ходимлари куни муносабати билан бу соҳа эгаларига йўллайдиган табригида айни шу масалаларга алоҳида урғу бергани бежиз эмас. Зеро, кўнгли пок, содда ва самимий халқимиз радио ва телевидениеда эшитган, кўрган нарсасига сидқидилдан ишонади, шунга қараб унинг қараши ва кайфияти ростланади. Модомики шундай экан, мамлакатимиз ОАВлари буюк келажакни яқинлаштирувчи, унга илҳомлантирувчи, даъват этувчи миллий ғоямизнинг чинакам тарғибот минбарига, таъсирчан ташвиқот овозига айланиши лозимдир. *“Лекин бу масалада фақат офаринбозлик, “яшасин” деган гаплар билан иш битмайди.*

Бугун бизга ислоҳотларимизни тўлиқ амалга ошириш, уларнинг самарадорлигини янада кучайтириш йўлида нималар зов-тўсиқ бўляпти? Бу – бюрократия, манфаатпарастлик, порахўрлик, маҳаллийчилик, шухратпарастлик, лоқайдлик каби салбий иллатлардир. Бундай иллатларни ўз номи билан атаб, амалий мисолларда кўрсатиб бериш учун оммавий ахборот воситалари, авваламбор, эл-юрт манфаатларининг ҳимоячиси бўлиши, журналистлар эса бу ўта оғир, кучли иродани талаб қиладиган жабҳада том маънода фидоийлик кўрсатишини ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда”¹.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ахборот хуружи, деганда нималар кўзда тутилади? Бундай хуружларга қарши биз нималарни қарши қўямиз?
2. “Мафкуравий гегемонизм” ва “маданий гегемонизм” тушунчаларига таъриф беринг. Улар ўртасида қандай ўхшашлик ва тафовутлар бор?
3. Дунёвий давлат ва жамият қурилишида диний қадриятларнинг ўзига хос аҳамияти нималарда намоён бўлади?
4. Мамлакатимиз хавфсизлиги, жамият барқарорлигига путур етказишга қаратилган қандай жиддий ғоявий-мафкуравий таҳдидларни биласиз?
5. Диний-экстремистик ҳаракатларнинг умумий жиҳатларини ажратиб кўрсатинг.

¹Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009, 14-бет.

6. Диний-экстремистик ҳаракатлар нима учун асосий эътиборни ёшларга қаратмоқдалар?

8-МАВЗУ: МИЛЛИЙ ҒОЯГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ – БАРҚАРОРТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

РЕЖА:

1. “Миллий ғояга дахлдорлик ҳисси”, барқарорлик ғояси ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги
2. Миллий ғоя мақсадлар дахлдорлик ҳиссини шакллантиришда оила, маҳалла, таълим муассасалари, жамоат ташкилотларининг ўрни.
3. Миллий ғоя барқарор тараққиёт омили, унга ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлашда назария ва амалиёт бирлиги

Таянч тушунча ва иборалар:

Дахлдорлик, дахлдорлик туйғуси, фуқаро дахлдорлиги, масъулият, Ватан тақдирига шахсий дахлдорлик туйғуси, фуқаро масъулияти, ифтихор, бағрикенглик ва дахлдорлик, таълим тараққиёти, ижтимоий тараққиёт, оиладаги тарбия, мактабгача таълим муассасаларидаги тарбия, бошланғич таълимдаги тарбия, ўрта умумий таълимдаги тарбия, ЎМКХТдаги тарбия, олий таълим муассасаларидаги тарбия, олий таълимдан кейинги фаолиятдаги тарбия ва ҳк.

Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислохатлар ҳамда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, мавжуд муаммоларни холисона таҳлил қилиш, тегишли хулоса ҳамда сабоқлар чиқариш – миллий ғоянинг зарурлиги ва аҳамиятининг тобора ортиб боришини кўрсатмоқда.

Миллий ғояга дахлдорлик туйғусини шакллантиришда аввало ёш авлоднинг онгида масъулият туйғусини шакллантириб бориш зарур. Шу ўринда фуқаро масъулияти тушунчасига тўхталадиган бўлсак, масъулият – аввало, жамиятнинг ахлоқий талабларини кундалик фаолиятида қўллаш билиш, уларга риоя этиш ёки этмаслик тушунилади. Бу тушунча фуқаролар ҳуқуқ ва мажбурятларининг ўзаро уйғунлигини ифодалайди. Инсон ўз бурчини англагани сари унинг зиммасида маъсулят ҳисси ортиб боради. Қачонки инсон жамият олдидаги бурчини англаса, унда шахсий дахлдорлик ҳисси пайдо бўлади.

Дахлдорлик фаолияти соф ҳолатда мавжуд бўла олмайди. У қатор инсоний сифатлар туркуми контекстида намоён бўлади. Яъни дахлдорлик тушунчаси бугунги кунда кенг истемолда бўлган “маънавий-ахлоқий тарбия”, “виждон, унинг таркибий қисмлари”, “виждон амри”, “виждон уйғоқлиги”, “миллий ғоя”, “комил инсон”, “фидоийлик”, “ватанпарварлик”, “мафкуравий иммунитет” каби тушунчалар билан алоқадор ва бу тушунчалар бир-бирини тақозо этади.

Русча-ўзбекча луғатларда дахлдорлик (относящийся) – тааллуқлилик, тегишлилик, дахл қилмоқ, тааллуқли, деган маъноларда берилган.

Дахлдорлик – инсонга хос юксак маънавий фазилат. У шахснинг ўз хатти-ҳаракати, қилмиши, юриш туриши учун одамлар жамоатчилиги олдидаги масъулият ҳиссини англаувчи туйғу, умумий иш, ноҳақликка, адолатсизликка

мурасасизлик, бунёдкор фикр ва ғояларга ҳайрихоҳлигини фаол намоён қилиш ва бошқаларда номоён бўлади.

Мен, ўзбекистонлик, Ўзбекистон фуқароси деб билган ҳар бир киши шу туйғу билан яшаши, интилиши, фаолиятда бўлиши зарур.

Дахлдорлик ҳисси:

- 1) Инсонга атрофдаги одамларга нисбатан дахлдорлик;
- 2) Оилага дахлдорлик;
- 3) Махаллага дахлдорлик;
- 4) Миллатга дахлдорлик;
- 5) Мамлакатга, Ватанга дахлдорликни ҳис этиш билан боғлиқ ҳолатлардир.

Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги, амалга оширилаётган ислоҳатларимизнинг самарадорлиги, аввало халқ маънавиятининг тикланиши, тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат ва таълим ривожини ҳамда фуқаролар дахлдорлиги билан узвий боғлиқ.

Дахлдорлик ҳисси фуқароликни англаш, фуқаролик масъулияти, инсонларни инсон сифатида қадрлаш, унинг ҳаётига, шаъни, қадр-қимматини, дахлсизлигини ҳурмат қилиш туйғулари билан мужассам ҳолда амалда намоён бўлади

Фуқаро дахлдорлиги – бирор-бир фаолиятга, жараёнга алоқадорлик, шериклик. Ҳар бир фуқаро Ватан тақдирига шахсий дахлдорлик туйғуси билан яшаса, унинг жамият олдидаги бурчи ва маъсулияти ҳам кучайиб боради. Дахлдорлик ҳисси инсонларни бирлаштиради. Шунинг учун дахлдорлик ва маъсулиятни кундалик фаолиятга айлантирган инсон ҳақиқий маънавиятли инсон ҳисобланади. Ота-боболаримиздан қолган бой моддий ва маънавий меросни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга етказиш учун шу юртда яшовчи ҳар бир фуқаро маъсул ва ўзини дахлдор деб ҳис этиши зарур. Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасининг оширилиши, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ҳамда жадал ривожланишида ҳар бир фуқаронинг шахсий масъулияти ва дахлдорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида дахлдорлик туйғуси ҳақида шундай таъкидлаган эди: “Агарки мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аجدодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур, деб жавоб берган бўлардим”¹.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда ўзгариб бораётган ҳаёт суръатлари ҳам буни яққол тасдиғини кўрсатиб турибди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг юртимизда “Халқ давлат

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008, 17-бет.

идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойилни илгари сураётгани ҳам бунинг яққол ифодасидир.

Дахлдорлик туйғуси бўлган инсонда амалга оширилаётган ишлардан ифтихор туйғуси юзага келади.

Ифтихор – (арабча. фахрланиш, қувониш) – улуғ бир нарсага дахлдорликдан фахрланиш, қувониш, ғурурланиш туйғулари билан бўғлик.

Шу маънода миллий ғоя инсонга ўз миллати, унинг тарихи, миллий қадрият ва анъаналари билан фахрланиб яшаш туйғусини шакллантирадиган бекиёс кучдир.

Миллий ғояда мужассам бўлган буюк мақсадларни рўёбга чиқариш авваламбор жамиятимиз ва шу жамиятимиз аъзоси бўлмиш ҳар қайси инсоннинг маънавий олами ва дунёқарашидаги ижобий ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ эканини унутмаслигимиз зарур. Шундай экан, дахлдорлик фазилатининг миллий ғоямиз устунлари билан ҳамоҳанглигини кўриб чиқсак.

Юрт тинчлиги ва дахлдорлик. Юрт тинчлиги – бебаҳо неъмат, улуғ саодатдир. Юрт тинчлиги – барқарор тараққиёт гаровидир. Ўзбек халқи тинчликни юксак кадрлайди, уни ўз орзу интилишлари, мақсад-муддаолари рўёбга чиқишининг кафолати деб билади.

Юрт тинчлиги – Ватан озодлиги ва мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир. Бировга қарам бўлган халқ ҳеч қачон эркин ва фаровон яшай олмайди. Шунинг учун мустақиллик ва тинчликни асраш, мамлакатимизни тажовузкор кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз лозим. Зотан, тинчлик – миллий ва умумбашарий қадрият бўлиб, жаҳонда инсоннинг энг муқаддас ҳуқуқларидан бири ҳам – тинч яшаш ҳуқуқидур. У ҳар бир инсон қалбидаги орзуларини рўёбга чиқаришга имконият яратиб берадиган восита. Тинчлик бор экан, ҳар бир давлат, вилоят, туман, маҳалла, оилада ҳаловат ва хотиржамлик бор.

Ватан равнақи ва дахлдорлик. Маънавий фазилатлар алоҳида кўп ўрганилган, бироқ, уларнинг дахлдорлик фазилати билан функционал аълоқалари ижтимоий гуманитар фанларда ҳали махсус ўрганилмаган. Шундай маънавий фазилатлардан бири – ватанпарварлик. Хақиқий ватанпарвар Ватанга, она заминга ўз халқига муҳаббат билан яшаш, унинг истиқболи, манфаати йўлида тинимсиз меҳнат қилиш ҳамда курашиш зарурияти туғилганда жонни фидо қилишни назарда тутати. Ҳар жабҳада Ватанимиз эришаётган муваффақиятлардан қувониш, оғир кунларида унинг учун қайғуриш, ўз юрти билан ғурурланиш, унинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир ғишти ва гиёҳига, қадимий ва замонавий обидалари, илм-фан ва санъатдаги ютуқларини, моддий ва маънавий бойликларини кўз қорачиғидек асраб авайлаш – булар барчаси ватанпарвар хулқ атвор наъмуналаридандир.

Ҳар бир ватанпарвар инсон Ватан равнақи учун, унинг бахту саодати, камолоти учун ўзини дахлдор деб билади. “Табиат жамоа бўлиб яшашга содиқ. У баъзида дахлдорликдан инсонларга ибрат беради, – деб ёзади педагогика фанлар доктори, профессор Муҳаммад Қуронов, – асалари уясига яқин бориб турган одамнинг холи нима бўлишини яхши биламиз. 100 000 асалари ўз уясининг дахлсизлиги учун ҳимояга отилади. Ўйлаб ўтирмасдан, ўзини фидо қилиб унга ёпишади. Талайди. Фараз қилинг, бегоналар асалари уясини бузиб

асалдан хоҳлаганича олаверса-ю, асаларилар лоқайд, четдан қараб турса нима бўлади? Табиатда асалари зоти ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетарди, мафкуравий ғанимларимиз бизнинг лоқайд асалариларига ўхшашимизни истайди. Демак, Ватан мустақил бўлса ҳам, фарзандлари лоқайд бўлса, бундай миллатнинг келажаги бўлмас экан.

Халқ фаровонлиги ва дахлдорлик. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов халқ фаровонлиги ҳақида шундай фикр билдирган эди: “Халқ фаровонлиги деган эзгу тушунчани ҳам миллий ғоямизнинг негизини ташкил этадиган тамойиллар қаторига қўйишимиз табиийдир. Нега деганда, бу дунёда ҳар бир одам тўқ ва бадавлат ҳаёт кечирши, эл юрт учун муносиб фарзанд тарбиялаш, уларга билим бериш, уйли жойли қилиш, уларнинг бахту камолини кўриш орзуси билан яшайди”¹.

Халқнинг миллий ғояси халқ фаровонлиги ва турмуш тарзини яхшилашнинг асоси ҳисобланади. Ҳар бир оила ва фуқаронинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш шак-шубҳасиз фаровонликни вужудга келтиради. Ҳар бир инсон, у қай шаклдаги мулкчилик асосида меҳнат фаолияти билан шуғулланмасин, шахсий манфаатларини Халқ ва Ватан манфаатлари билан ўзаро уйғунлаштириб яшаши ақлга мувофиқдир.

Комил инсонни тарбиялаш мақсади ва дахлдорлик. Ҳар қандай жамиятда комил инсонни тарбиялаш учун асосан унинг руҳий-маънавий оламини бойитиш, онгига эзгу фазилатлар ва юксак ахлоқ руҳини сингдириш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада мусаффо ва бағрикенг, олийжаноб ва инсонпарвар дин бўлган Ислом дини инсонларни ҳалолликка, эзгуликка, инсоф-адолатга, бошқаларга яхшилик қилишга чорлаши билан катта хизмат қилиши муқаррар. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти таъбири билан айтганда, асосий вазифа “миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборатдир”².

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Бу эса улар тарбияси билан шуғулланувчи ота-оналар, устоз-мураббийлар, дин ходимлари, қолаверса, кенг жамоатчилик зиммасига катта маъсулият ва дахлдорликни юклайди. Фарзандларимизнинг илмли, ахлоқли бўлиб камолга етишларига уйда ота-оналар, ўқув юртларида эса муаллим ва устозлар астойдил жон куйдиришлари керак бўлади. Бир сўз билан айтганда, ўғил-қизларимизни илм-фан билан ошно қилиш ишидан ҳеч ким четда турмаслиги керак.

Ижтимоий ҳамкорлик ва дахлдорлик. Маънавий фазилатларнинг яна бири ижтимоий ҳамкорлик бўлиб, бу ҳам дахлдорликдан бошланади, чунки ижтимоий ҳамкорлик барча ўзбек халқини ҳамкор, ҳамжихат бўлиб ишлашга,

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008, 74-бет.

² Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008, 74-б.

бирлашишга ундайди. Бугун мустақил Ўзбекистон ижтимоий плюрализм, ҳаётни эркинлаштириш, мулкнинг турли шаклларига тенг ҳуқуқлиликини қонуний кафолатлаш йўлидан бормоқда. Ижтимоий ҳамкорлик ғояси турли партия, дин қатламига мансуб хилма-хил, жамият аъзолари қарашларидаги табиий ранг-барангликни уйғунлаштиради ва умумий тараққиёт манфаатларига бўйсундиришга хизмат қилади.

Мустақил Ўзбекистоннинг ривожланган, кучли ва қудратли бўлиши учун жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида барқарорликка эга бўлиш лозим.

Дахлдорлик – одам билан одамни, халқни, Ватанни, одамни боғлайдиган ришта, у ухлаётган одамни – уйғотади, ётганни – турғизади, турганни – юргизади, юрганни – югуртиради. Миллий ғоя, маънавият бобида эса у мустақилликни мустаҳкамлашга, ҳимоя қилишга, Ватанни озод ва обод, жамиятда эркин ва форовон қилишга чорлайди. Ана шунинг учун ҳам ижтимоий ҳамкорликнинг ғоявий-маърифий қиммати бебаҳо.

Миллатлараро тотувлик ва дахлдорлик. Миллатлараро тотувлик ғояси – умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Миллатлараро тотувлик жамиятда тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилар экан, ҳар инсонда, хусусан, фуқароларнинг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларда миллатлараро тотувликни сақлашга дахлдорликни тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Динлараро бағрикенглик ва дахлдорлик. Динлараро бағрикенглик – шубҳасиз, хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларни бир замин, бир Ватанда умум манфаатларини ҳимоя қиладиган эзгу мақсадлар, улуғ ва муштарак ғоялар ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши. Динлараро бағрикенглик шу билан тавсифланадики, дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ва халқчиллик ғояларига асосланади, яхшилик, тўғрилиқ, тинчлик, биродарлик, дўстона муносабат, инсонпарварлик каби тушунчаларга таянади. Дин ер юзидаги барча инсонларни ҳалол ва пок яшашга, нопок нарсалардан тийилишга, гуноҳкор бўлишдан сақланишга, зулм-ситамдан йироқ бўлишга, меҳр-шафқатли ва бағрикенг бўлишга даъват этиб келади.

Ислом таълимотини тўғри тушуниш орқали инсонда Ватанга, миллатга, халққа, одамларга, табиатга, Яратганга муҳаббат туйғуси кучая боради. Бу эса, миллий мафкурамиз олдида қўйган комил инсонни тарбиялаш мақсади билан уйғунлашиб кетади. Барқарорлик, тинчлик, миллатлараро тотувлик, ижтимоий ва диний бағрикенглик асосига қурилган инсонпарварлик халқимизнинг буюк ижтимоий-сиёсий қадриятини ташкил этади. Шундай экан, бугунги кунда бу қадриятларни авайлаб-асраш, ҳимоя қилиш, янада мустаҳкамлаш ва юксалтириш учун ҳам баркамол авлодни инсонпарварлик. Бағрикенгликка дахлдорлик руҳида тарбиялашимиз энг долзарб, энг олийжаноб вазифамиз бўлиб қолаверади.

Ватанимизнинг келажаги бўлган фарзандларни одобли, ақл-фаросатли ва билимдон қилиб тарбиялаш – давр талаби. Ёшларни ҳар томонлама маънавий етук баркамол шахс сифатида тарбиялаш мураккаб ва муҳим вазифалардан бўлиб, оила, таълим муассасалари, маҳалла ва жамоатчилик бу юксак мақсадни

амалга оширишда бевосита бирдек масъулдирлар. Баркамол шахсни тарбиялашда, болани дунёга келганидан бошлаб то вояга этгунига қадар бўлган даврдаги психологик хусусиятларини билиш, туғма лаёқатларини аниқлаш, шунингдек қулай муҳит яратиш, таълим тизимида фаол иштирокини таъминлашда тарбиячилар, педагоглар ва психологлар, ота-оналар, шунингдек, маҳалла-куй масъуллигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Оила – жамиятнинг негизи. Бизнинг давлатимизни катта бир оила деб тушуниш мумкин. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр оқибат кўрсатмаса, яхши яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб эҳтиёжлари ва кадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруглари ва яқин одамларининг, қўшнилариининг омон-эсонлиги тўғрисида гамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражадаги маънавий кадрият, инсон қалбининг гавҳаридир. Шунинг учун ҳам ҳар бир миллат ўз истиқболини камолга этаётган ёшлари тимсолида кўради. Шу боис мамлакатимизда истиқлол йилларида навқирон авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, уларни турли зарарли таъсирлардан асраш, пировардида баркамол инсон сифатида тарбиялашга қаратилган чоратадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Бу борада давлат идоралари билан бирга, жамоат ташкилотлари, хусусан, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, унинг ҳудудий тузилмалари, юртимизда мавжуд 10 мингга яқин фуқаролар йиғинларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Ҳар бир жамият аъзоси оила бағрида вояга етади, ижтимоий муносабатларни ўзлаштиради ва инсоний фазилатларни намоён этади. Ёшларни ҳаётга, онгли меҳнат фаолиятига тайёрлашда оила ва педагогик фаолиятнинг тарбиявий жараёни тўғри ташкил этиши зарурий вазифадир. Шу мақсадда мамлакатимизда миллий мустақиллик йилларида маънавият соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, аввало, оила кадриятларини энг илғор анъаналарини тиклашга қаратилгандир.

Зеро, “биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сағарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади”¹.

Бинобарин, бугун юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга, билимли, самарали меҳнат қилишга қодир фуқаролар жамиятнинг энг муҳим бойлиги ва асосий капитали, уни ҳаракатга келтирувчи кучига айланиб бормоқда. Айнан шу боис ХХI аср – интеллектуал билимлар асрида инсон капиталига инвестициялар йўналтиришни устувор вазифа сифатида танлаган мамлакатларгина юксак тараққиётга эришиши мумкин. Фақат том маънодаги билимли жамиятгина замонавий таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтишга қодир

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008 йил, 4-бет.

бўлади. Шунингдек, бу аср – ахборот асри, глобаллашув даври ҳам деб аталмоқда. Бундай шароитда фан ва таълим тараққиёти муҳим аҳамият касб этади.

Аслида таълим тараққиёти ижтимоий тараққиётга замин ҳозирлайди. Ижтимоий тараққиётнинг “умуртқа поғонаси”, иқтисодий қадриятларнинг асосий манбаи, таниқли АҚШ футурологи (башоратчиси) Е.Тоффлернинг айтишича, билим бўлиб бормоқда.¹

Зотан, ХХІ аср таълимнинг ижтимоий институт сифатида жамият тараққиётининг изчил ўсишига фаол таъсир кўрсатиш қонуниятларининг мавжудлигини асослаб бермоқда².

Инсон тарбияси узоқ муддатли, узлуксиз давом этадиган мураккаб жараён. Хусусан, Шарқда тарбияга алоҳида эътибор қаратиладигани, бу шарқона анъаналар ва демографик хусусиятлар билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, шарқликларга хос бўлган бағрикенглик, ўза тотувлик, бир-бирига дахлдорлик туйғулари ўсиб келаётган фарзандлар тарбиясида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳар-бир оила, маҳалла, таълим-тарбия масканлари билан ҳамкорликда ёшларни илк давриданок ахлоқли, одобли қилиб тарбиялашнинг аҳамияти катта. Улуғ фикршунос олим Бурҳониддин ал-Марғиноний фикрича, ахлоқда диёнат, исломият, ғайрат, қаноат, шижоат, илми сабр интизом, виждон, ватанни севмоқ, ифбат, ҳаё, идрок, ҳайрихоҳлик, садоқат, муҳаббат каби қатор инсоний фазилатлар оилада, ота-она, маҳалла- куй намунасида шаклланиб, камол топади. Демак, ахлоқ шахс маънавиятини ривожлантириш асосидир, инсоннинг умри эса фарзандларида давом этади.

Ўсиб келаётган фарзандларда инсоний сифатларнинг шаклланишида оиладаги, атрофдаги (маҳалла, кўча, боғча, мактаб, олий ўқув юрти), ижтимоий муҳит ва тарбияланувчига бўлган муносабат муҳим рол ўйнайди. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидлаб ўтилганидек, “Одамзот учун бир умр зарур бўладиган табиий кўникма ва хусусиятлар, масалан, ҳар қайси боланинг ўзига хос ва ўзига мос қобилияти, атрофидаги одамлар билан муомаласи, тенгдошлари орасида ўзини қандай ҳис қилиши, етакчилик хислатларига эга бўлиши ёки эга бўлмаслиги, керак бўлса, дунёқараши — буларнинг барчаси аввало унинг туғма табиати, шу билан бирга, оилада оладиган тарбиясига узвий боғлиқ эканини ҳаёт тажрибаси кўп мисолларда тасдиқлаб беради”.³

Ушбу соҳада олиб борилган кўп йиллик илмий изланишлар натижаларининг кўрсатишича, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясининг узлуксизлигини қуйидаги кўринишда олиб бориш мақсадга мувофиқ экан:

Тарбия инсон умрининг охиригача давом этадиган жараён бўлиб (инсон умрининг охиригача ўрганади, деган нақл асосида тарбияланиб), доимий равишда ривожланиб, такомиллашиб, комилликка интилиб яшайди. Қуйида шарқона муҳитда узлуксиз равишда олиб бориладиган тарбиянинг ҳар бир босқичини алоҳида кўриб чиқамиз.

¹ Тоффлер Э. Война и антивоина. – М.: Транзиткнига, 2005, ст-112.

² Қаранг: Ганчерок И.И. Кадры управления в высшей образовани как приоритет для устойчивого развития высшей школы// Университетское управление: практика и анализ.- 2004. № 5 Ст-138-142.

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008 йил, 53-бет

1. Оиладаги тарбия. Бола тарбиясини она қорнидан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу фикрни бир қатор Шарқ мутафаккирлари ҳам таъкидлаб ўтишган. Болани тарбиялаш учун, аввало ота-онанинг ўзи тарбияланган бўлиши керак. Фақатгина ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом ота-онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида бу масалага алоҳида эътибор қаратилади. Асарда қайд этилганидек, “... бола тарбиясида соғлом насл масаласи ҳам муҳим роль ўйнашини инкор этиб бўлмайди. Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Шахсан менга “насл” ва “насиба” деган сўзлар ўртасида қандайдир илоҳий боғлиқлик бордек туюлади. Албатта, ҳар бир бандага ризқ-насибани Оллоҳ таоло беради. Лекин бу ҳаётда насибаси бутун ва тўла бўлиши учун инсоннинг ўзи ҳам чин дилдан интилиши, зурриёдини соғлом муҳитда тарбиялаши катта аҳамиятга эга эканини унутмаслигимиз зарур”¹. Ўз ўрнида тарбиянинг уч илдизи ҳисобланган – оила, маҳалла ва таълим муассасасида ушбу фикрни ҳар бир ота-она, маҳалланинг ҳар бир аъзоси, ҳар бир педагог, тарбиячи тушуниб етса ва ўзига шиор қилиб олса ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиясида муайян мувоффақиятларга эришган бўламиз.

2. Мактабгача таълим муассасаларидаги тарбия. Мактабгача таълим муассасасидаги давр бола тарбиясидаги энг муҳим давр ҳисобланади. Чунки, бу даврда пайдо бўлган таассуротлар изи инсон хотирасида умрбод сақланиб қолади. Бу давр боланинг ақлий ва жисмоний жиҳатдан тез ўсиши, дунёни билишга интилиши, атроф-муҳитга ўз муносабатини билдириш истаги кучайиб бораётган даврдир. Ота-она ва тарбиячилар эса болаларни тўғри ўсишлари, ақлий ва ахлоқий, маънавий, эстетик жиҳатдан тарбиялашга жиддий эътибор беришлари лозим. Бунинг учун асосан ўйинлар ва эртақлар асосида ахлоқий тарбия бериш мумкин, чунки бу ёшдаги болалар асосан ўйин фаолиятида бўлади, ўйинларнинг ранг-баранг бўлиши ва жамиятимиз мақсадларидан келиб чиқиб ташкил этиш жуда муҳим. “Таассуфки, баъзи ота-оналар ўз фарзандининг ана шундай қизиқиши ва интилишларига, унинг онгу тафаккурида ҳар куни бир ўзгариш рўй бериб, кўзида янги-янги саволлар пайдо бўлаётганига аҳамият бермайди. Боз устига, агар ота оилада ўзини тутишни билмаса, ахлоқ-одоб бобида фарзандларига ўрнак бўлиш ўрнига кўпол муомала қиладиган бўлса, бу ҳолат, табиийки, бола маънавий оламининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади, вақти-соати келиб, унинг характерида инсон деган номга нолойиқ, хунук бир одат сифатида намоён бўлади.

Ёки оилада қўни-қўшниларни кўролмаслик, фиску фасод, иғво муҳити ҳукмрон бўлса, ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси боланинг хотирасида тузатиб бўлмайдиган оғир асорат қолдиради. Умуман, оиладаги маънавий муҳит ва тарбия туфайли бола ё меҳрибон ва раҳмдил, ёки худбин ва бағритош бўлиб вояга етишини тушуниш қийин эмас”².

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008 йил, 56-бет

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008 йил, 54-бет.

3. Бошланғич таълимдаги тарбия. Бошланғич таълимда бола ҳаётида янги, қизиқарли ва муҳим давр бошланади. Чунки, бола мактабга келгач янги муҳит, янги тартиб-қоида, янги талабларга дуч келади. Бу даврда болалар ҳали ўйин фаолиятини тўлиқ тарк этмаганлигини инобатга олиб, ўтиладиган дарс машғулотларини қизиқарли қилиб олиб бориш лозим. Бу даврга келиб болага тарбиявий таъсир йўллари бир мунча аниқ ва тизимли равишда бўлиб қолади. Чунки энди хусусан одобнома дарслари ўтила бошлайди, бундан ташқари бошқа фанларда ҳам мунтазам равишда ахлоқий тарбия бериб борилади. Энди болалар аста-секин нима яхши-ю, нима ёмон эканлигини, бунёдкорлик нима-ю, вайронкорлик нима, ижобий ва салбий хислатлар қандай эканлигини, қандай фазилатларга эга бўлиш лозим-у, қандай қусурлардан холи бўлиш лозимлигини англай бошлайдилар. Бу даврда турли тўғаракларни уюштириш ҳам ўзининг ижобий натижаларини беради. Бунда ўқитувчининг педагогик маҳорати, билими, умуман педагогик фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

4. Ўрта умумий таълимдаги тарбия. Ўрта мактаб даврига келиб ўқувчи ўрганадиган фанлар ҳам аста-секинлик билан мураккаблаша боради, шунга кўра ўқувчининг фикрлаши ва дунёқараши ҳам кенгайиб боради. Бу даврда ўқувчиларга ўзаро одоб-ахлоққа доир мақоллар ва ҳадис намуналаридан кўпроқ айтиш орқали мусобақа уюштириш ҳамда ушбу мақол ва ҳадисларга ўзлари ҳам амал қилишларини тарбиялаш мумкин. Энди ўқувчилар бурч, виждон, номус, адолат, эзгулик каби ахлоқий тушунчаларнинг маънисини тушуниб етадилар. Уларга ота-она ва Ватан олдидаги бурчларини тушунтириб бориш, турли мусобақалар ва оммавий меҳнат тадбирлари орқали жамоа номусини сақлаш, бунга эса адолат йўли билан виждонли баҳо бериш орқали эришишни тарбиялаш муҳим ҳисобланади.

Бу даврда болаларда сиёсий онг ва маданиятни ҳам шакллантириб бориш мақсадга мувофиқ. Аслида ёшларда сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг шаклланиш жараёни уларнинг болалик пайтидан оилада бошланиши яхшироқ самара берар экан. Англия ва АҚШда сиёсий онг ва сиёсий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган фанлар мактаб давларидан бошлаб ўқитилади¹. Демак, тарбия жараёнида сиёсий онг ва маданиятни ҳам шакллантириб бориш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

5. ЎМКХТдаги тарбия. ЎМКХТда ўқувчилар қизиқиши ва интилиши ҳисобига академик лицейлар ёки касб-ҳунар коллежларида таълим ола бошлайдилар. Бу давр ўқувчилар тарбиясида жуда мураккаб давр ҳисобланади. Чунки, бу ёшдаги ўқувчиларда ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан кескин ўзгариш содир бўлади. Бу давр ўсмирлик даври бўлиб, ўтиш даври деб ҳам аталади. Кўпчилик ўқувчилар бу даврда ўзларига идеал танлайдилар, ўқитувчи эса бунда ўқувчиларга муносиб идеал танлашда ёрдам бериши ва шу идеалнинг ижобий хислатларини эгаллашга интилишини кўчайтириши лозим. Бу даврда ўқувчиларда ҳалоллик, ростгўйлик, хушмуомалалик, боодоблик, камтарлик, босиқлик, хушфёллилик, камсуқумлик, ширинсуханлик каби ахлоқий фазилатларни, жамият олдидаги мажбуриятларни, ўзгаларни ҳам ҳурмат қилиш

¹ Политика и право. 10-11. кл Учеб. Для о общеобразоват. Учеб заведений.//М.И. Шилообод., А.С. Петрухин, В.Ф. Кривошеев. – 5 изд., стереотип. – М.: Дрофа, 2001, ст-316-317.

фазилатини тарбиялаб бориш муҳим ҳисобланади. Шу ўринда “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларатсияси”нинг 29-моддасидаги бир муҳим қонидани келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ: Ушбу моддада: “Ҳар бир инсон жамият олдида мажбуриятларга эга, зеро, унинг шахси шу жамиятда тўла ва эркин камол топиши мумкин”, дейилган. Бу қоида асосан маънавий мазмунга эга бўлиб, жамиятдаги бошқа инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилинишига эришиш мақсадида ёзилганлиги сир эмас¹.

6. Олий таълим муассасаларидаги тарбия. Олий таълимда талабалар энди бирор мутахассисликни танлаган ҳолда, ўзининг мустақил фикри, дунёқараши, интеллектуал қизиқишига эга бўладилар. Талабалар ўзларининг ҳозирги фаолиятига келажакдаги ҳаётида ўз ўрнини топиш, белгилаш нуқтаи назаридан қарайдилар. Шу сабабли бу даврда бўлажак мутахассисларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш муҳим. Чунки бу даврда талаба ўзининг маданий-маънавий савиясини оширишга интилади, ўз устида кунт билан ишлайди, радио, телевидение, Интернет ва барча информацион воситалардан унумли фойдаланади, турли асарлар билан танишади. Бу эса ёшларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун ёрдам беради. Бу даврда талабаларда инсонпарварлик, эрқпарварлик, ватанпарварлик, миллатпарварлик, тинчликсеварлик, ширинсуханлик, хушфёъллик, камтарлик, босиқлик каби фазилатларни ривожлантириш шарт.

7. Олий таълимдан кейинги фаолиятдаги тарбия. Талаба узоқ муддатли ва тизимий таълим натижасида мутахассис сифатида шаклланди. Энди у назарий жиҳатдан эгаллаган билимларини амалиётда қўллаб ёш авлодга таълим-тарбия беради, унинг ўзи бошланғич синф ўқувчиларини ахлоқий руҳда тарбиялай бошлайди. Узлуксиз равишда узоқ муддатли олиб борилган таълим-тарбия самараси мана энди кўзга ташланади.

Бола шахсининг камол топишида доимий равишда муҳитнинг таъсири сезилиб туради. Муҳит – бу инсонга таъсир этувчи ташқи воқеа-ҳодисалар йиғиндиси ҳисобланади. Шундай экан, юқоридаги узлуксиз тарбия жараёнида мунтазам равишда тарбияланувчида ташқи воқеа-ҳодисалар ўзининг ижобий ёки салбий таъсирини ўтказиб туради. Бунинг учун эса тарбияланувчидаги ўзгаришларга ота-оналар, маҳалла-қуй ва тарбиячи-ўқитувчилар доимий равишда эътиборли бўлиб, ташқи муҳитнинг салбий таъсирининг олдини олиб, ижобий таъсирларни ривожлантиришга ҳаракат қилиши ва эришиши лозим.

Жамият тараққиёти, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги учун хизмат қиладиган виждони пок, иймони бутун, софдил, ватанпарвар, халқсевар, мард, ҳар томонлама соғлом, интеллектуал салоҳиятли, бир сўз билан айтганда соғлом авлодни тарбиялаш давр талаби экан. Бу ишни амалга ошириш эса барчамизнинг Ватан олдидаги муқаддас бурчимиздир. Шундай экан, ёшларимиз тарбиясига доимо эътиборли бўлайлик.

Мамлакатда тинчлик ва барқарорлик, хавфсизликни таъминлашда ҳар бир фуқаро ўзини дахлдор деб ҳис этиши зарур. Ҳар бир халқ миллат, давлатнинг янада тараққиётнинг юқори босқичларисари ривожланишда хавфсизлик ва

¹ Общая теория права и государства: Учебник. Под.ред. В.В. Лазарева. – М.: Юрист, 1994, ст-317.

барқарорлик алоҳида ўрин тутади. Қаерда хавфсизлик ва барқарорлик мавжуд экан, ўша ерда ривожланиш содир бўлиши муқаррар

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримовнинг 1997 йили нашр этилган “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида ўша даврда давлатимиз хавфсизлигига таҳдид қилувчи асосий хавфлар сифатида: минтақавий можаролар, диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари, экологик хавф-хатар каби иллатлар ва муаммолар таъкидланиб, уларнинг жамиятга қанчалик салбий таъсирга эга эканлиги батафсил изоҳланган.

Шунингдек, асарда қуйидагилар мамлакат барқарорлигини таъминлаш шартлари ҳамда унинг тараққиётига кафолат бўлувчи мезонлар эканлиги асослаб берилган:

- маънавий кадрятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши;
- давлатчиликни шакллантириш ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш;
- демократик институтларни ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш;
- бозор муносабатларининг қарор топиши ва мулкдорлар синфининг шаклланиши;
- кучли ижтимоий сиёсат ва аҳоли ижтимоий фаоллигининг ортиши;
- жўғрофий-стратегик имкониятлар ва табиий-хом ашё ресурслари; инсон салоҳияти, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктураси;
- кенг қўламли ўзгаришлар ва ҳамкорлик кафолатлари;
- жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик.

Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик, барқарорликни таъминлашда мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ҳамда диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўз ўрнида ушбу омиллар барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари бўлиб хизмат қилиши билан бир қаторда Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифалар мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, фаровон ҳаёт кечиришлари учун муносиб шароитларни яратиб беришга қаратилган.

Мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётини таъминлашда миллий ғоя олдига ҳам бир қатор вазифалар қўйилган. энг аввало, миллий ғоя ўзида халқимизнинг эзгу орзу-умидлари ва ҳаётий манфаатларини ифода этар экан, бу мақсадларга эришишнинг зарур шарти сифатида баркамол инсон шахсини шакллантиришга алоҳида эътибор беради. Чунки маънавий баркамол

кишиларгина шахсий ва умуммиллий манфаатлар уйғунлигини теран англайди, Ватан озод бўлмаса, шахс озод бўла олмаслигини тушунади.

Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар баркамол инсон шахсини шакллантиришга қаратилган бўлиб, халқимизнинг миллий манфаатларига, эзгу мақсадларига тўла мос келади.

Миллий ғоя биринчи навбатда ҳаётга эндигина қадам қўяётган ёш авлоднинг ҳаётига янгича маъно ва мазмун бахш этишга, унда фаол ҳаётий позицияни шакллантиришга қаратилгандир. Чунки ёшлар фақат миллий ғоя тимсолидагина мамлакат тараққиёти, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим воситасини кўрадилар.

Мамлакатимизнинг кўпмиллатли халқи онгида “Ўзбекистон– ягона Ватан” деган тушунчани қарор топтириш–миллий ғоянинг муҳим вазифаларидан биридир. Бунда “Ягона Ватан” ғояси ўзининг туб моҳияти билан миллий мустақиллигимизга путур етказадиган маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик иллатларини таг-томири билан йўқотишда, юртимизда истиқомат қилаётган турли халқ ва миллат вакилларида ягона ватан фарзанди эканлиги билан фахрланиш туйғусини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Миллий ғоя донишманд халқимизнинг “куч–бирликда”, “бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар” сингари мақол ва ҳикматли сўзларининг моҳият ва мазмунини теран роқ англаш, кишиларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, қонунни ҳурмат қилиш, эл-юрт хизмати учун доимо шай туриш, иймон-ётиқодли, инсоф-диёнатли, сахий ва ҳалол бўлиш каби олижаноб фазилатларни тарбиялайди. Ватаннинг саждагоҳ сингари муқаддаслигини теран англаш, фидокорона меҳнати билан ризқ-рўз бунёдкори бўлган захматкаш халққа, она-заминга, тарих ва маданий меросга, аجدодларимиз меросига ҳурмат ҳиссини тарбиялайди.

Аслида ватан равнақи, эл-юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун фидойилик иймон-ётиқодли аждодларимиздан бизгача етиб келган буюк меросдир. Чет эл босқинчиларига қарши сабот-матонат билан курашган Широқ, Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик сингари улуғ саркарда ва халқ қаҳрамонларининг жасорати бугунги кунда ҳам ватандошларимизда фахр ва ғурурланиш туйғусини кучайтиради. Мустабид тузум қатағонларининг қурбони бўлган Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир ва бошқаларнинг жасорати эл-юртимиз мустақиллиги, озодлиги йўлидаги фидойиликнинг ёрқин намунасидир. Халқимиз онгига иймон-ётиқод, ҳалоллик, инсоф-диёнат, меҳнатсеварлик, сахийлик фазилатларини сингдириш миллий истиқлол ғоясининг муҳим вазифасидир.

Миллий ғоя асосида амалга ошириладиган барча вазифалар охир-оқибатда ягона мақсадга – Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимизни озод ва обод этиш, фаровон жамият қуриш учун хизмат қилади. Бу мафқуранинг қуйидаги муҳим хусусиятларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- 1) Ўзбекистон халқининг туб манфаатларини ифода этиши.
- 2) Ўтмишни келажак билан боғловчи маънавий кўприк эканлиги.
- 3) Кишиларни буюк мақсадлар сари бирлаштирувчи ва сағарбар этувчи куч эканлиги.

4) Миллий ғоя жамият аъзолари бунёдкорлик фаолиятининг ўзига хос мезонидир.

5) Кишиларни яратувчан фаолиятга сағарбар этиши, ғоявий ҳимоя воситаси эканлиги билан белгиланади.

6) Миллий ғоя ёш авлодни тарбиялашнинг беқиёс омилидир. Чунки, у “халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир”. (Ислом Каримов.)

Миллий ғоя ёшлар ҳаётининг маъноси ва мазмунини белгилайди, миллат, Ватан равнақи, буюк келажакни барпо этиш учун яшаш ва курашиш чинакам инсоний саодат эканлигини яққол кўрсатади. Мустақил фикрга эга бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган инсон порлоқ келажакка дадил интилиш билан яшайди. У жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чқчимайди, балки замонавий билим ва ҳаёт ҳақиқатига суянган ҳолда ҳар қандай қаразли ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади.

Хуллас, миллий ғоя ўзининг энг олий мақсади, вазифалари ва хусусиятларига эга. Унинг олий мақсади юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида халқимизни жипслаштириш, кишилар онгида мустақил дунёқараш ва огоҳлик ҳиссини камол топтириш, комил инсонни вояга етказиш, фуқароларимизда мафкуравий иммунитетни тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлиб қолаверади.

Миллий ғоя – ижтимоий тараққиёт соҳасидаги дунё халқлари тажрибаси ва ютуқларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган бўлиб, Ўзбекистон миллий ривожланишининг янги йўналиши моделининг миллий-назарий асосидир.

Миллий ғоянинг асосий мақсади фуқароларни, кенг жамоатчиликни асосий ғоялари, мақсад ва йўналишлари билан Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлининг маъно ва мазмуни, миллий маданий негизлари, хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларда ишонч уйғотиш, уларни адолатли, демократик фуқаролик жамияти курилиши мақсадларини амалга оширишга уюштиришда, маънавий руҳий рағбатлантиришда намоён бўлади.

Миллий ғоя фуқароларни ғоявий жиҳатдан тарбиялайди. Ғоя билан ғоянинг, фикр билан фикрнинг, жаҳолатдан маърифатни фарқини англашга, маърифатга ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида қисқа ва мухтасар тарзда баён этилган.

Улардан энг муҳимларини қайд этмоқчимиз:

- одамларимизда мустақил дунёқараш ва эркин фикрлашни шакллантириш;

- миллий тотувлик ҳамжиҳатликни истиқболимиз йўлидаги энг катта тоялардан ҳисобланиши носоглом маҳаллийчилик уругаймоқчилик деб аталадиган иллатлардан ҳоли этиш;

- ҳаётга энди қадам қўяётган ёш авлоднинг дунёқарашига янгича маъно ва мазмун бахш этиш орқали унда фаол ҳаётий позисияни, миллий ғояга ишонч ва эътиқодни шакллантириш;

- жамиятимизда соғлом ижтимоий муҳитни яратиш, кишилар онгига Ватан тақдири учун масъуллик ягона Ватан туйғусини мустаҳкамлаш;
- истибдод даври асоратлари, қуллик ва мутелик кайфиятларининг онгимизда, тафаккуримизда сақланиб қолаётгани сабабларини таҳлил этиш, уларни бартараф этиш йўлларини топиш зарурати билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишдан иборатдир.

Барқарор тараққиёт – башариятга дахлдор тушунча.

Дунё яралибдики, тинчлик-осойишталик инсоният учун тенгсиз неъмат бўлиб келмоқда. Чунки, биринчи галда осуда ҳаёт, яратувчан меҳнат ва фаровонлик, умуман, барча эзгу мақсадларнинг рўёбга чиқариш энг аввало шу неъматга боғлиқ.

Айни пайтда мамлакатимиздаги демократик ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, халқимизнинг маънавий тараққиёти, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга интеграллашувини, мамлакатимиз ҳавфсизлиги, тинчлик-барқарорлигини, миллатлараро ва фуқаровий тотувлигини таъминлаш – умумбашарият барқарорлиги, тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қўйилган қадам ҳисобланади.

Бугун биз ғоят чигал ва зиддиятли дунёда яшаймиз. Бугунги даврда ҳақиқатни яшириш, уни турли ғаразли манфаатлар йўлида сохталаштириш кўпайиб бормоқда. Натижада асл мақсадлар ниқобланиб, азалий тушунчаларнинг маънолари чигаллашмоқда. Баъзан ҳаётда гуноҳни савоб деб, асоратини эркинлик деб, ёлғонни рост деб, уқитирадиганларнинг домига тушиб, ялтироқ нарсани олтин ўрнида қабул қилаётганлар ҳам йўқ эмас.

Халқимизнинг бир бирига нисбатан янги яхши кўрган ва энг кўп такрорлайдиган нияти “Хонадонларимиз тинч ва осойишта, юртимиз обод бўлсин”, деган ниятдир. Доно халқимизнинг “Бир кун уруш бўлган жойдан қирқ кун барака кетади”, “Тинчлигинг – ҳурлигинг” каби мақолларида ҳам тинчлик қанчалик бебаҳо неъмат экани айтилади. Оқсоқоллар насиҳатида, оналар айтган аллаларида бежизга тинчлик, хотиржамлик кўп тилга олинмайди.

Ҳар бир фуқаро ҳозирги пайтда юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаб, ён-атрофида бўлаётган ҳодисалардан огоҳ бўлиб, аҳоли ўртасида тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етиши, мамлакатимизда рўй бераётган ривожланиш ва тараққиёт юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамликнинг эвазига бўлаётганини унутмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 4 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони ҳамда “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори урушда ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасига, оловли жанггоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган момоларимизга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур Фармонга мувофиқ, барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари ва байрам совғалари тантанали равишда топшириб келинмоқда.

Бугун орамизда бўлган иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳолидан хабар олиш, уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш–жамоатчилигимизнинг доимий эътиборида.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти ташаббуси билан бундан 1997 йил мамлакатимизда бу санага “Хотира ва кадрлаш куни” деб ном берилганидан кейин унинг маъно-мазмунини тубдан ўзгарди. Пойтахтимизда, барча вилоят ва туман марказларида аввалги “Номаълум солдат” деб ном олган, қандайдир мавҳум ғояни ифода этадиган ёдгорлик ўрнига Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилди. Бу биринчи навбатда мазкур сананинг асл инсоний моҳиятини яққол очиб беради.

Эндиликда 9 май куни мамлакатимизда, аввалгидай Ғалаба куни эмас, балки юртимиздан салкам 1,5 миллион киши иккинчи жаҳон урушига сағарбар этилиб, ўз Ватанидан олис юртларда ҳалок бўлган 431 мингдан зиёд юртдошларимиз хотираси олдида бош эгиб таъзим қиладиган, бугун ҳаёт бўлган уруш қатнашчиларига юксак ҳурмат-эҳтиром бажо келтириладиган, эзгу мазмунга эга маросим тусини олди.

Она-Ватанимиздаги тинч, осойишта ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиб, шу фаровон, осуда ҳаётни янада мустаҳкамлаш, оила, Ватан фаровонлиги ва ободлигига ўз ҳиссамизни қўшиб яшаш, ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини доим ёдда тутишимиз лозим.

Тинчлик қарор топган юртда хотиржамлик ҳукм суради, жамиятда ҳар томонлама юксалиш ва ривожланиш рўй беради.

Агар нотинчлик ҳукм сураётган юртларга назар ташласак, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка минг бора шукр қиламиз. Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёда 600 га яқин террорчи ташкилотлар мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги Ислом ниқоби остида ёки бу диннинг номи билан фаолият олиб бормоқда. “Ал-Жиход ал-исломийя” (Ислом жиходи), “Ал-Қоида” (Асос), “Лашкари жиход”, “Қуролли исломий ҳаракат”, “Туркистон Ислом ҳаракати”, “Ислом fronti” каби ўнлаб ташкилотларни ана шу рўйхатга киритиш мумкин.

Аслида мазкур террорчилик ҳаракатларининг ислом динига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Чунки тинчлик, инсонпарварлик ва раҳм-шафқат дини бўлган ислом ҳеч қачон зўравонликни, бировлар жонига қасд қилишни, адолатсизликни тарғиб қилмайди.

Мустақиллик шароитида этник мунособатлар ва дин соҳасида олиб борилаётган изчил ва оқилона сиёсат туфайли мамлакатимизда миллатлараро тотувлик, динлар ва конфессиялараро ҳамкорлик қарор топди. Конституциямизда “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”, деган тамойилнинг мустаҳкамлаб қўйилиши эса, бу борадаги ишларнинг қонуний асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси “Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши” деб аталган бешинчи бўлимнинг 26-боби “Мудофаа ва хавфсизлик” деб номланади. У икки моддадан иборат. 125-моддада шундай деб ёзилган: “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва

хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади. Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади”.

126-модда эса қуйидагича ифодаланган: “Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларига эга”. Шундан ҳам маълумки, тинчликни таъминлаш ва осойишталикка эришиш учун бутун жамият масъул бўлиши керак. Бинобарин, Конституциямизнинг “Фуқароларнинг бурчлари” деб номланган 11-бобидаги 52-моддасида қатъий қилиб белгилаб қўйилганки: “Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар”.

Асосий Қонунимизнинг бу моддаларидаги қатъиятлар, аввало, халқимизнинг асл манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадидан келиб чиқиб белгиланган.

Ҳозирги пайтда республикамиз иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий соҳада ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиб бормоқда.

Бизнинг ҳар бир шаҳар, қишлоқ ва овулларимизда бугунги замонга мос шиддат билан юксалишлар, ёшлар, уларнинг бахт-иқболи учун янги мактаб, коллеж, академик лицей, олий ўқув юртлари, спорт мажмуаларининг барпо қилиниши ҳамда замонавий жиҳозлар билан таъминланишининг ўзи давлатимизнинг барчамизга бўлган эътибори ва ғамхўрлигининг ёрқин исботидир.

Бугунги кунда халқаро вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, давлатлараро зиддиятларнинг кучайиши, кескинликнинг янада ортиши, ер юзининг турли нуқталарида янги низо ўчоқларининг пайдо бўлиши – айна мана шундай ўткир масалалар жаҳон жамоатчилигида катта ташвиш ва ховотир ўйғотмоқда.

Бу фикримизга қўшни Афғонистондаги ўттиз йилдан зиёд давом этаётган уруш ва қон тўкишлар яққол мисол бўла олади. Бугун, орадан шунча вақт ўтишига қарамасдан, Афғонистондаги мавжуд вазиятни кўпчилик халқаро сиёсатчилар ночор, ўта оғир ва қалтис, деб баҳоламоқда.

Ушбу мамлакатдаги вазият бизнинг худудимиз, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар бўлиб қолмоқда.

Шу боис, Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунларданок “Қўшнинг тинч – сен тинч”, деган азалий халқ ҳикматига амал қилиб, афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш ҳаракатида бўлиб келаётгани, бу муаммо доимо бизнинг эътиборимиз марказида тургани, давлатимиз раҳбарининг нуфузли халқаро минбарларда бу қарама-қаршиликни бартараф этиш мақсадида жон куйдириб, дунё ҳамжамиятига такрор ва такрор мурожаат қилгани барчамизга яхши маълум.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолият концепсиясида мамлакатимиз “тинчликсевар сиёсат юритади ва ҳарбий-сиёсий блоklarда иштирок этмайди”, деб аниқ-равшан баён қилинган. “Ўзбекистон қўшни давлатлардаги қуролли можароларга ва кескинлик ўчоқларига тортилишининг олдини олиш юзасидан барча зарур чора-тадбирларни кўради, шунингдек, ўз худудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди”, дея таъкидланади.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримовнинг “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” рисоласида, шунингдек 2018 йил 27 мартда Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида ўтказилган халқаро конференциядаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқи минтақамиз ва унинг атрофида рўй бераётган кескин ўзгаришлар таҳлили, Афғонистондаги вазият ва афғон муаммосини ҳал этиш борасида билдирилган амалий хулоса ва таклифлар бугун нафақат мамлакатимизда, балки халқаро майдонда ҳам кенг акс-садо бермоқда. Чет давлатларнинг сиёсий-ижтимоий, эксперт ва илмий-академик доиралари, оммавий ахборот воситалари ва халқаро ташкилотлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Халқимиз юрт тинчлигини улуғ неъмат, кут-барака, тараққиёт гарови, ўз орзу-интилишлари, эзгу ниятлари рўёбининг муҳим кафолати деб билиши, ҳар доим дуога қўл очганда Яратгандан элу юртимизга тинчлик-омонлик, яхшилик ва тўқинлик сўраб, эзгу ният қилиши замирида ҳам ана шундай чуқур мазмун мужассам.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб жамиятимизда барқарорликни таъминлаш, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини асраш ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди. Шу ҳақда сўз юритганда, давлатимиз раҳбарининг инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири бу—тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш—давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги ҳам шу билан белгиланади, деган фикрларини яна бир бор эслаш жоиз.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, миллатлараро тотувликни кўз қорачиғидек асраш энг катта вазифаларимиздандир. Бинобарин, йигирма беш йиллик мустақил тараққиётимиз йўлида элу юртимиз бошдан кечирган оғир синовларни ёддан чиқармаслигимиз, мустақиллигимизни, тинч-осойишта ҳаётимизни асраш учун ҳар биримиз доимо курашиб яшашимиз лозимлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Узоққа бормайлик, ён қўшнимиз бугунги дунёда ўзининг қадр-қимматини, ғурур ва номусини англаб яшайдиган, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан келажагини қуришга ва ўз юртини ҳимоялашга қурби этадиган давлат ва халқни жаҳон аҳли тан олади ва ҳурмат қилади.

Дунё мафқуралар кураши майдонига айланган ҳозирги замонда инсон онгу тафаккурини забт этиш учун бўлаётган ҳаракатларга бепарво қараш мумкин эмас. Муқаддас Ватанимиз тинчлиги ва фаровонлигини, халқимиз ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш учун ҳаммамиз, ҳар биримиз доимо ҳушёр, огоҳ бўлмоғимиз, бугунги тинч-осойишта кунларнинг қадрига этиб, уни кўз қорачиғидек асрашимиз даркор.

Тинчлик—фаровонликнинг муҳим омили, осойишта юртда юксалиш бўлади, фаровон элдан хотиржамлик кетмайди. Истиқлол шарофати, давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати самарасида саодатли, файзли кунларга мушарраф бўлмоқдамиз. Халқимиз буюк давлат барпо этиш йўлида

улуғ бунёдкорлик ишлари билан банд. Миллатимиз табиатига хос меҳр-оқибат, аҳиллик, ўзаро хурмат сингари хислатларнинг жамиятимиздаги ўрнини янада мустаҳкамлаб, уларни ёш авлод онги ва қалбига сингдириш эртанги кунимиз янада чароғон бўлишининг, эзгу мақсадларимиз ижобатининг муҳим мезонидир. Шу боис элу юртимизнинг энг буюк бойлиги бўлган тинчликни мустаҳкамлаш, уни доимо асраш ҳар биримизнинг фуқаролик, фарзандлик бурчимиздир.

Юртимиздаги бундай юксалишларни, халқимиз тинчлиги ҳамда осойишталигини асраб-авайлаш учун олдимизга қатор вазифалар қўйилади.

Жумладан, бизга буюк аجدодларимиздан қолган тарихий меросларни ўрганиш, уларни кўз қорачиғидек асраш ва ривожлантириш, маънавий-маърифий жиҳатдан етукликка интилиш, янги информацион технологиялар ютуқларидан кенг фойдаланган ҳолда Ватан равнақи ва тинчлиги учун ўз ҳиссаларини қўшиш кабилар.

Озод ва обод юртимизнинг, меҳнаткаш халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаётини, осойишталигини сақлаш ва уни бегона кўзлардан ҳимоя қилиш учун ҳар бир ўғил-қиз буюк аجدодларимиз Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурларнинг бой маънавий жасоратидан ўрнак олган ҳолда, тинчлик учун курашмоғи лозим.

Бугунги кунда жамиятимизга хавф солаётган турли оқимлар ва ёт ғоялардан ёшларни асраш, уларда соғлом иммунитет - дунёқарашни шакллантириш, эркин фуқаролик жамиятининг асосий шarti бўлган аҳолининг сиёсий маданияти, ҳуқуқий онгини ошириш зарур. Мазкур вазифаларга бугун нафақат давлат идоралари, балки, фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, сиёсий партиялар катта масъулият билан ёндашиши, бу борада яратиб берилаётган ҳуқуқий имкониятлардан кенг фойдаланиш, тарғибот-ташвиқот ишларига янгича ёндашиш талаб этилади.

Бугун ёшлар жуда катта ахборотни қабул қилмоқда. Уларни маълумотларни таҳлил қилишга ўргатиш, яхши-ёмон хабарларни ажрата олиш ҳар бир зиёлининг, ота-оналарнинг энг муҳим вазифасидир. Бугун фарзандларимизни таълим жараёнини, иш фаолиятини доимий назоратга олсак, уларнинг ютуқларини рағбатлантириб, камчиликларига тушунтириш бериб дўстона яқинлик ўрнатсак, албатта ёш авлод вакиллари ҳам маънавий, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий билимга эга бўлади. Ўзининг билими ва тафаккури билан ривожланган мамлакат ёшларидан бемалол юқорилаб кетади. Биз партия фаоллари ҳамкорликда ушбу ишларни амалга оширсак, эртанги кунимизнинг тинчлиги, осойишталиги, оиламиз тотувлигини таъминлаган бўламиз.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Миллий ғояга дахлдорлик туйғусини шакллантиришда аввало ёш авлоднинг онгида қандай туйғунини шакллантириб бориш зарур?
2. “Дахлдорлик сўзининг асл маъноси ва моҳиятини изоҳланг?”
3. Дахлдорлик фазилатининг зиддига қандай ахлоқий қусурларни киритиш мумкин?
4. Лоқайдликнинг ижтимоий илдизи нималардан иборат?

5. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов лоқайдлик, бепарволик борасида қандай фикрларни билдирган эди?

6. Фуқаро дахлдорлиги деганда нимани тушунасиз?

7. Ифтихор тушунчасининг моҳиятини изоҳланг?

8. Дахлдорлик фазилатининг миллий ғоямиз устунлари билан ҳамоҳанглигини изоҳловчи мисоллар келтиринг?

9. Ватанимизнинг келажаги бўлган фарзандларни одобли, ақл-фаросатли ва билимдон қилиб вояга етказиш учун узлуксиз равишда олиб бориладиган тарбиянинг ҳар бир босқичини санаб ўтинг?

10. Шарқона тарбиянинг уч теран илдизи қайсилар?

11. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида асослаб берилган мамлакат барқарорлигини таъминлаш шартлари ҳамда унинг тараққиётига кафолат бўлувчи мезонларни санаб ўтинг?

12. Қайси йили мамлакатимизда 9-май санасига “Хотира ва қадрлаш куни” деб ном берилган?

9-МАВЗУ: МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

РЕЖА:

1. Миллий ғоя тарғиботида инновацион технологиялар тушунчаси
2. Миллий ғоя тарғиботини амалга оширишнинг институционал асослари
3. Миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини оширишда давлат хизматлари агенлигини ривожлантириш истикболлари

Барчамизга маълумки, Ўзбекистонда таълимнинг ижтимоийлашувига алоҳидаэътибор берилиб, ўқитилаётган фанларнинг мазмунини замон талабларигамослаштирилиши бўйича ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, талаба ёшларни Ватан ва миллат манфаатлари йўлидафидоийлик кўрсата оладиган, мустақиллигимизнинг моҳиятини ва қадринианглайдиган, уни ҳар қандай хавф-хатардан асрашни ўзининг муқаддас бурчидеб биладиган, муайян мутахассисликни, касб-ҳунарни чуқур эгаллаган, мустақил, эркин фикрлайдиган, маънавий ва жисмонан баркамол инсонни тарбиялаш учун олий таълим тизимида гуманитар ва ижтимоий фанларнинг дастурларини замон талаблари асосида қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда.

Шу маънода “Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фани олдида ҳам фанни ўқитишни замон талаблари асосида ташкил этиш, талаба ёшларни фикрни-фикрдан, ғояни-ғоядан, маърифатни-жаҳолатдан фарқини кўришга, эзгу фикр, ғоя ва амаллар билан бирга ёвуз, тажовузкор фикр, ғоялар борлигидан ҳам огоҳ этадиган бекиёс куч - миллий ғоя руҳида тарбиялаш, миллий ғоя тарғиботида инновацион технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш каби вазифалар кўйилмоқда. Чунки, мафкуравий хуружлар давом этаётган ҳозирги шароитда, унинг замонавий технологияларини такомиллаштириш миллий ғоянинг тарғиботи ва унинг самарадорлигини оширишнинг муҳим омилдир.

Бугун мафкуравий тахдидларнинг турли хил усул ва воситалари ишлаб чиқилмоқда. Оддий гугурт қутисидан тортиб кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари, кинофильмларнинг ҳар бирида муайян тарзда катта ёки кичик бўлсада мафкуравий тахдид мавжуд.

Баъзи ривожланган Ғарб мамлакатларида таълим соҳасига нисбатан рекламага 1,5 марта кўп маблағ ажратилмоқда. Натижада тарғиботчилар, биринчи навбатда, ўзларини ҳалокатга олиб бориш билан бирга, қолганларни ҳам ортидан эргаштиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳозирги вақтда мафкуравий хуружларнинг ниҳоятда кенг қамровли тус олганлиги жамиятнинг сиёсий, ижтимоий, маданий, мафкуравий, таълим-тарбиявий, иқтисодий соҳаларини мафкуравий иммунитет ғоясининг мантиқий ривож сифатида шакллантиришни тақазо этмоқда.

Совет Иттифоқи барбод бўлгандан кейин АҚШ дунёдаги энг қудратли давлат сифатида иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий соҳада глобаллашув жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи ва ўзига хос синов лабораториясига айланиб қолди. Париждаги Сиёсий тадқиқотлар институтининг профессори А.Валладао Францияда чоп этиладиган “Ижтимоий фанлар” журналида таъкидлашича, турли халқ ва миллатлар синтези негизида шаклланган америка жамиятининг маданий кадриятлари ўзга мамлакатлар қабул қилиши учун осон кечади. Қолаверса, ушбу давлат маданий маҳсулот ишлаб чиқариш индустриясининг (кино, видеофильмлар, шоу бизнес ва в.х.) бозор шароитига мослашувчанлиги унинг деярли бутун дунёда шерик ва ҳамкорини топишга имкон яратади. Ҳозирда турли мамлакатларда намойиш этилаётган кино ҳамда видеофильмларнинг тўртдан уч қисми Америка маҳсулоти экани ҳам шундан далолат беради.

Маълумки, айрим ривожланган мамлакатлар саноат маҳсулотлари, ахборот ва мафкуравий таъсир кўрсатиш воситалари орқали кенг кўламдаги геосиёсат юритиш билангина чекланмай, ўз халқининг табиати, маданияти, мафкурасига хос жиҳатларни мунтазам равишда дунё халқлари турмуш тарзига, онгуу шуурига сингдиришга интиломоқда. Бу ҳол айниқса, эндигина мустақилликка эришган мамлакатлар халқининг миллий ўзлиги, маданиятининг ворисийлик анъаналарига ҳамда менталитетига путур етказиши турган гап.

Марказий Осиё дунё микёсида етарли имкониятларга эга минтақа ҳисобланади. Минтақамиз умумий майдони жиҳатдан дунёда 9-ўринда туради. Яқин келажакда аҳолининг 60 млн.дан ошиши тахмин қилинмоқда. Меҳнатга яроқли аҳоли 22 млн.ни ташкил қилади. Уларнинг асосий қисми ёшлардан иборат.

Марказий осие дунёдаги энергия захиралари билан таъминланган, бой минтақа.

Кўмир қазиб чиқариш бўйича минтақамиз дунёда 10, электр энергия ишлаб чиқариш бўйича 19, 30дан ортиқ турли метлларни ишлаб чиқариш бўйича 1-20 ўринларни эгаллайди.

Минтақа геосиёсий жиҳатдан “қалқон” зона бўлиб, бир қанча етакчи давлатларнинг манфаатлари бу ҳудудда тўхнашади. Минтақанинг сиёсий беқарорлик ҳукм сураётган Афғонистон билан, дунёда тобора етакчиликка интилаётган Россия ва Хитой билан чегарадошлиги.

Ижтимоий-сиёсий барқарорлик Ўзбекистоннинг устувор кадриятлари тизимида муҳим ўрин тутди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда турли хил ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий, экологик, илмий ва диний йўналишдаги нодавлат-нотижорат ташкилотлари, ҳаракатлар рўйхатга олиниб, уларнинг эркин фаолияти учун барча имкониятлар мавжуд. Улар ўзларининг хилма –хил йўналишдаги фаолияти билан тинчлик ва барқарорлик муҳитини сақлаш, умумбашарий аҳамиятга молик вазифаларни ҳал этишда фаол иштирок этмоқда.

Қолаверса, бугунги давр халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ушбу соҳадаги ишларни янада кучайтириш масъулиятини юклаш билан бирга барчани бирдек огоҳликка ва ҳушёр бўлишга чорлайди.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугун миллий ғоя тарғиботини янада кучайтириш, миллий ғоя тарғиботининг инновацион технологияларидан самарали фойдаланишга ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ эҳтиёж сезилмоқда.

Хўш! Бугун ҳар бир соҳа вакилининг тилидан тушмай келаётган, ислоҳотларимизни, жамиятимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга қаратилган “инновацион ёндашув”, “инновацион технология”, умуман олганда “инновация” деганда нимани тушуниш лозим?

Бугунги кунда эскича Феодализм → Капитализм → Социализм каби формацион ёки биринчи дунё, иккинчи дунё, учинчи дунё деб аталувчи стратификацион ёндашувлар билан бир қаторда Д.Белл, О.Тоффлер номлари билан аталадиган жамият тараққиётининг *аграр, индустриал ва постиндустриал (ахборотлашган)* жамиятлар, деб эътироф этилаётган цивилизацион тараққиёт назарияси ҳам кенг тарқалди.

Қишлоқ хўжалиги устувор бўлган аграр жамиятдан ёки саноат, ишлаб чиқариш асосий даромад манбаи бўлган индустриал жамиятдан фарқли ўларок *постиндустриал жамиятда* – ялпи ички маҳсулотнинг катта қисми хизмат кўрсатиш ва ахборот соҳасидан олинади, яъни *постиндустриал давр иқтисоди* – *бу қўшимча қийматнинг асосий қисми конларда болғалар билан эмас, балки мия орқали топилиши демакдир.* Яъни, аграр ва индустриал даврда истеъмолчиға арзон маҳсулот таклиф қилган устунлик қилса, постиндустриал иқтисодда НОЁБ, НОДИР маҳсулот таклиф қилган ютади.

Ҳозирги замонда ишлаб чиқаришнинг географик жойи аҳамиятга эга бўлмай қолди, аҳамиятлиси ким ишлаб чиқаришни тўлиқ назорат қилиши, уни бугунги истеъмолчининг дидига доимо мослаштириб боришидир. Ким буни удалай олса, ўша барча фойдага эга чиқади. Масалан, “iPhonенинг расмий сайтида ёзилишича, хитойлик ишлаб чиқарувчилар гаджет ускуналарни йиғиш бўйича энг яхши потенциалга эга бўлса ҳам уларнинг ишлаб чиқаришга қўшган

хиссалари атиги 1%ни ташкил қилар экан, яъни бу маҳсулотдан улар бор йўғи 1% улуш олади деганидир. Даромаднинг катта қисми эса АҚШнинг Калифорния штатидаги Купертино оффисларида ўтириб ўзининг интеллектуал салоҳияти билан ушбу “постиндустриал гиганти”нинг даромадини ошириб, унинг маҳсулотларини кун сайин янгилаб бораётган Apple компаниясининг 80 мингдан ошиқ дизайнер, дастурчи ва оффис ходимларига ойлик маоши, акционерларга дивидент шаклида тарқатилади¹.

Индустриал гигант – «Газпром».

Постиндустриал гиганти – Apple.

2014 йил «Газпром»нинг 459 минг ходими компанияга \$3,5 млрд соф даромадкелтирган. Бу ҳар бир ишчи бошига \$7 625 тўғри келса, Apple компаниясининг 80 мингдан ошиқ дизайнер, дастурчи ва оффис ходимлари эса ўз эгалари \$39,5 млрд соф фойдаолишига сабаб бўлган. Бу Apple ходимларининг ҳар қайсисига \$493 750 деганидир. Чунки, бугун Apple компанияси ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳақиқатдан ҳам нодир ва ноёбдир.

Бундай нодир маҳсулотнинг асоси эса албатта замонавий билим, янги тафаккур тарзи, юксак технология, – бир сўз билан айтганда интеллектуал мулк, **ИННОВАЦИОН ҒОЯДИР**.

Инновация – бу бозор талабидан келиб чиққан ҳолда жараёнлар ва маҳсулотларнинг сифатли ўсиш самарадорлигини таъминлаш учун жорий этилган янгиликдир. Инсон интеллектуал фаолияти, унинг фантазияси, ижодий жараёни, кашфиётлари, ихтиролари ва рационализаторлигининг якуний натижаси ҳисобланади.

Янги истеъмолчилик хусусиятлари ёки ишлаб чиқариш тизимларининг самарадорлигини сифатли ошириш орқали бозорга маҳсулот (товарлар ва хизматлар)ни етказиб бериш – инновацияга мисол бўла олади.

Инновация– фойдаланиш учун киритилган янги ёки сезиларли даражада яхшиланган маҳсулот (товар, хизмат) ёки жараён, сотувларнинг янги услуби ёки иш амалиётидаги, иш ўринларини ташкил этишдаги ва ташқи алоқаларни ўрнатишдаги янги ташкилий услуб ҳисобланади.

“Инновация” атамаси лотинча “*novatio*” сўзидан олинган бўлиб, “янгилашиш” (ёки “ўзгариш”), “*in*” кўшимчаси эса лотинчадан “йўналишида” деб таржима қилинади, агар буни яхлит “*Innovatio*” кўринишида таржима қилсак – “*ўзгаришлар йўналишида*”, “*янги йўналишида*” деб изоҳланади.

Инновацияга ҳар қандай турдаги янгилик сифатида эмас, балки мавжуд тизимнинг самарадорлигини жиддий равишда оширадиган омил сифатида қарашимиз лозим. Кенг тарқалган янгилик фикрлашларга қарамадан инновациялар кашфиётлардан фарқ қилади:

Инновацияларнинг илмий кашфиётлар ва ихтиролардан фарқи:

Илм-фан – бу маълум маблағларни билимлар ва ғояларга айлантириш.

Инновациялар – бу билимлар ва ғояларни маблағларга айлантиришдир.

Ихтиро – бу янги концепцияни яратиш демак.

¹<http://yangidunyo.uz/index.php/iqtisod/item/286-постиндустриал-даврда-интеллектуал-мулк>

Инновация – бу ихтиронинг амалий аҳамиятини ажратиб кўрсатиш ва уни муваффақиятли сотиладиган маҳсулотга айлантириш.

Инновациянинг турлари:

Технологик – технологик жараёнда юқори фойда, тез ва осон амалга ошириладиган янгиликлар.

Маҳсулотга қаратилган — янги фойдали хусусиятларни ўзида мужассам этган маҳсулотлар.

Ташкилий – замонавий бошқарувга қаратилган.

Маркетинг соҳасида — энг янги методларни амалиётга жорий этиш.

Ижтимоий – инсон ҳаётини янгилашга, тузилмани ўзгартиришга қаратилган жараёнлар (педагогика, бошқарув тизими, хайрия, ҳизмат кўрсатиш жараёнларни ташкил этиш).

Инновацион фаолиятга бўлган дунёдаги эътибор:

ЯИМнинг

Германияда 2,7 % ,

АҚШда – 2,8 % ,

Япония – 3,5 %и инновацияларга сарфланса

Белоруссияда— 0,74 % ,

Россия – 1,04%ини инновацияларга сарф этади.

Сингапур, Исроил, Хитой, Жанубий Корея давлатларининг асосий даромадлари айнан инновациялар орқалидир.

Бугун республикада ҳам бундай замонавий билим, янги тафаккур тарзи, **инновацион ғоялар** асосига қурилган юксак технологияларни ҳаётга жорий қилиш масаласи ислохотларимизнинг муҳим мезонига айланди десак муболаға бўлмайди. Юқори технологик марказлар Tashkent City, High Tech City кабиларнинг қурилишига старт берилгани, 2023 йилнинг 1-январига қадар венчур фондлар, юқори технологик стартап-лойиҳалар, илмий-тадқиқот муассасалари, инновация марказлари ва лойиҳа-конструкторлик бюроларига – ўзларининг янги технологияларини тадбиркорларга сотиш (фойдаланиш учун тақдим этиш)дан тушган даромадлари бўйича солиқ имтиёзлари тақдим этилаётгани, 2018 йилни “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб номлангани ва мазкур йилга мўлжалланган давлат Дастурига инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш принципларини ишлаб чиқиш, имкониятларини кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган “*Инновацион фаолият тўғрисида*”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикасининг *инновацион ривожланиш стратегиясини* ишлаб чиқиш каби бандларнинг киритилгани, шунингдек, 2017 йилда ушбу соҳадаги ишларни самарали ва комплекс амалга оширишни ташкил этиш мақсадида Республикада давлатчилигида янги тузилма инновацион ривожланиш вазирлиги тузилгани фикримизнинг далилидир. Ушбу соҳани такомиллаштириш масаласига тўхталар экан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев «Халқимиз дунёқарашида инновация муҳитини яратиш энг муҳим вазифамиздир. Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди. Бу соҳадаги ўзгаришларни халқимизга кенг тарғиб қилмасак, одамларда кўникма пайдо қилмасак, бугунги давр шиддати,

фан-техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадам бўлолмаймиз”, деб таъкидлаб ўтди.

Инновация, инновацион технология сўзларининг мазмуни бизнинг назаримизда маълум бўлди. Хўш, *миллий гоё тарғиботида инновационтехнологияларнинг ўрни қандай*, уни тарғиб этишда қандай технологиялардан фойдаланиш ўзининг самарасини беради?

Сиёсий фанлар доктори, профессор И.Эргашев ва бошқаларнинг қайд этишича, “Миллий гоё тарғиботи технологияси” атамасининг пайдо бўлиши тасодифий эмас. Мустақиллик шарофати билан барча соҳалаларда туб ислохотлар ўтказилди. Бу ислохотларнинг замирида аввало, маънавий-маърифий соҳалардаги ўзгаришларни таъкидлаб ўтиш жоиз

Бугун давр ўзгарди, айниқса, замонавий мутахассисга талаблар давлат таълим стандартлари доирасида кучайтирилди: мустақил билимларни тўлдирувчи шахс бўлиш, мустақил фикр юритиш кабилар шахс сифатлари таркибига кириб улгурди.

Бундан ўқитиш жараёнига тегишли қатор ҳолатлар келиб чиқади, чунончи, мустақил таълим салоҳияти кучайди, якка тартибда ўқитишга эҳтиёж сезиляпти, унинг методологик аҳамияти ошмоқда, ижодий тафаккурни шакллантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хўш, таълимда изоҳли-тасвирли-ёндашув ўқитиш технологик ёндашувга ўз ўрнини бўшатиб бераётгани, яъни ўқитиш жараёнини технологиялаштириш XXI асрда устуворлик касб этаётгани сабаби нимада?

Биринчидан, анънавий ўқитиш ёзма оғзаки сўзларга таяниб иш кўради ҳамда “ахборотли ўқитиш” сифатида тавсифланади. Бунда ўқитувчи нафақат талаба-ёшларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқарувчисига, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб қолаётганлиги хавфли ҳолатдир.

Иккинчидан, ахборотлар ҳажмининг кўпайиб бориши, улардан фойдаланиш учун вақтнинг чекланганлиги ҳамда уларни саралаш ва тизимлаштиришнинг бирмунча мураккаблиги ва янгича ёндашувларни тақозо этади.

Учинчидан, саноат ва бошқа технологияларнинг аудиторияга узлуксиз кириб келиши ва жонли ўқув объектларига айланиш ўқитувчининг анъанавий методика доирасидан чиқиб кетишига ва табиий равишда, технологик ёндашувларни қўллашга эҳтиёжни туғдирмоқда.

Бу жараёнларни амалга оширишнинг асосий йўлларида бири – миллий гоёни тарғиб қилиш технологияларидан фойдаланиш ҳисобланади. “Технология” тушунчаси, кенг маънога эга. У инсоннинг аниқ, мураккаб жараённи кема-кет ўзаро боғлиқ муолажа ва амаллар тизимига тақсимлаш орқали кафолатли натижаларга эришиш мақсадида амалга ошириладиган усуллар, воситалар, йўналишлар тушунилади. Шу билан бирга “технология” тушунчаси XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жамоатчилик онгига мустақкам ўрнашди ҳамда илмий ва амалий тафаккурнинг ўзига хос йўналиши бўлиб қолади.

Унинг регулятив таъсири шундаки, у тадқиқотчи ва амалиётчиларни инсоний фаолиятнинг барча жабҳаларига, жумладан, таълим соҳасига ҳам ундайди:

- ✓ жараённинг натижавийлигини асослашга рўбарў келиши;
- ✓ фан ва тажрибаларнинг сўнгги ютуқларидан талаб қилинган натижаларни олишни кафолатлаш учун сағарбар қилиш;
- ✓ фаолиятни интенсив, яъни юқори илмий асосда қуриш (аксинча, куч вақт ва ресурсларни бекорга сарфлашга олиб келадиган экстенсив асосда эмас);
- ✓ фаолиятни мумкин бўлган тузатиш муолажалари сонини камайтириш мақсадида башоратлаш ва лойиҳалашга асосий эътибор қаратиш;
- ✓ янги информацион воситалардан фойдаланиш, эскирган амалларни автоматлаштириш.

Бошқача қилиб айтганда, технологияланувчанлик инсон фаолиятининг етакчи тавсифи бўлиб қолди, у таълимий жараёнларнинг самарадорлигини, мақбуллигини, юқори илмийлигини янги сифат даражасига кўтаришни англатади.

Технология–замонавий илмий-амалий тафаккур усули, деган хулосага келиш мумкин. У фаолиятни тубдан такомиллаштиришга, унинг натижавийлигини, тезкорлигини техникавий қуролланганлигини оширишга оид амалий тадқиқотлар йўналишини акс эттиради. Технология-предметли соҳанинг объектив қонунларини юқори ўлчовда акс эттирадиган ва шу боисдан муайян шароит учун натижаларнинг ўрнатилган мақсадларга мос келишини таъминлайдиган фаолиятдир.

Шундай қилиб, “технология” деганда инсоннинг аниқ, мураккаб жараённи кетма-кетли ўзаро боғлиқ муолажа ва амаллар тизимига тақсимлаш йўли билан кафолатли натижага эришиш мақсадида амалга ошириладиган усуллар тушунилади. Бунда муолажа сифатида жамбулжам ҳаракатлар қабул қилинади, у ёрдамида бош жараён (ёки унинг алоҳида босқичи) бажарилади, амал эса бу муолажа доирасидаги масалаларнинг бевосита амалий ечими, яъни муайян жараённинг бир жинсли мантикий ажралмас қисми ҳисобланади.

Технология (жараён сифатида) учта қоида билан тавсифланади:

- ✓ жараённи ўзаро боғлиқ босқичларга тақсимлаш;
- ✓ изланаётган натижага (белгиланган мақсад) эришишга қаратилган ҳаракатларни изчил ва босқичма-босқич бажариш;
- ✓ қўйилган мақсадга мос натижага эришишнинг зарурий шarti ҳисобланган технологик муолажа ва амалларни бажаришнинг алоҳида аҳамият касб этиши билан боғлиқ.

Бу жараёнларни амалга оширишнинг асосий йўллари билан бири-миллий ғояни тарғиб қилиш технологияларидан фойдаланиш ҳисобланади.

Юқорида биз “Технология” тушунчасини - инсоннинг аниқ, мураккаб жараённи кетма-кет ўзаро боғлиқ муолажа ва амаллар тизимига тақсимлаш орқали кафолатли натижаларга эришиш мақсадида амалга ошириладиган усуллар, воситалар, йўналишлардан иборат эканини таъкидладик. Ҳозирги вақтда жамият миқёсида ишлаб чиқарилган ва фойдаланиладиган технологияларни ижтимоий ҳаёт соҳалари билан боғлиқ ҳолда бир нечта турга бўлиш мумкин: 1) саноат соҳасидаги технологиялар; 2) ижтимоий соҳадаги технологиялар; 3) иқтисодий технологиялар; 4) сиёсий технологиялар; 5) ғоявий-мафкуравий технологиялар в.х.

Миллий-маданий анъаналаримиз, тарихий тараққиёт давомида эришган ва эришаётган ютуқларимизни асраб-авайлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга, миллатга ҳурмат руҳида тарбиялаш - бугунги кунда миллий ғояни тарғиб қилишнинг энг асосий мақсадларидандир. Миллий ғоянинг тарғиботи қуйидаги вазифаларни амалга ошириш орқали:

- ✓ аввало миллий ғоя тарғиботи бўйича комплекс дастур яратиш;
- ✓ миллий ғоя тарғиботи технологиялари мазмун-моҳиятини очиб бериш орқали уни такомиллаштириш;
- ✓ миллий ғоя тарғиботида янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш;
- ✓ миллий ғоя тарғиботининг таълим тизимидаги фаолиятини такомиллаштириш, уни ривожлантириш йўллари белгилаб бериш;
- ✓ миллий ғоя тарғиботида интерфаол усуллардан фойдаланиш орқали уни оммалаштириш ва босқичма-босқич сингдириб бориш;
- ✓ аҳоли кенг қатлами орасида тарғибот олиб боришдан иборатдир.

Бугунги кунда миллий ғояни кенг аҳоли онгига сингдиришнинг кўпгина технологиялари мавжуд. Технологиялар маълум мақсадларни (яъни бирор бир фан олдига қўйган) амалга ошириш учун хизмат қилади. У бугун жамиятнинг барча соҳаларида ўзининг муҳим ўрнига эга бўлиб бормоқда. Илмий адабиётларда бошқарув, педогогик, информацион, интеллектуал технологиялар кенг тавсифланган. Улар ўзлари тегишли бўлган соҳалардаги мақсадларга эришишнинг асосий тамойилларини ўз ичига олади ва асосий мақсад сифатида фаолият кўрсатади. Миллий ғоя тарғиботи технологияларидан аввало, таълим тизимида кенг қўллаш орқали оммалаштириш йўли бугун муҳим аҳамият касб этмоқда. Уни таълим босқичлари орқали кенг жамоат онгига сингдириш аввало, таълим тизими билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилиши айтилган мақсадга мувофиқдир. Бугунги кундаги ислохотларимизни чуқурлаштириш ва уни такомиллаштириб бориш, жамиятнинг барча соҳасида ўзгаришларни кейинги авлодга етказиб беришнинг асосий йўллари бири сифатида ҳам миллий ғояни янги фан технологиялари орасида тарғиб қилиш, уни босқичма-босқич амалга ошириш катта аҳамият касб этади. Миллий ғоя тарғиботида асосий технологиялардан бири бу-педогогик технология ҳисобланади. “Миллий ғоя” фанини ўқитиш бўйича тўпланган тажрибалар шуни кўрсатадики, илгари Собиқ иттифоқ даврида амалда бўлган мафкуравий тамойиллар, машғулотлар олиб бориш усулидан энди бутунлай воз кечиш лозим. Демак, замонавий тафаккур методологияси, илғор педогогик усуллардан фойдаланиш зарурлигининг моҳияти ҳам ана шу ерда. Бундай мазмундаги технологиялардан бири “Ўқитиш технологияси” бўлиб, ушбу тушунча илк бор 1970 йилда ЮНЕСКО конференциясида янгради.

Шу ташкилот томонидан нашр қилинган “Яшаш учун ўқиш” номли маърузасида юқоридаги атама таълим жараёнини модернизациялашда ҳаракатлантирувчи куч сифатида аниқланди. “Қандай ўқитиш керак” номли маърузада биринчи марта унга таъриф берилди. Унда ўқитиш технологиясини биринчи марта информацион инқилоб натижасида пайдо бўлган ва дидактикада фойдаланиладиган инсон ўртасида алоқа (мулоқот) усул ва воситалари йиғиндиси сифатида тавсифланади. Педагогик технологиялар ичида энг кўп

тарқалгани бу – “таълимий технология”, “педогогик технология”, “тарбия технологияси”, “ривожлантириш технологиялари” ҳисобланади. Улар ўз навбатида махсус йўналишлари асосида миллий ғояни тарғиб қилишда алоҳида ўрин тутди. Бундан ташқари, асосий восита сифатида бугунги “тўртинчи ҳокимият” сифатида баҳоланаётган оммавий ахборот воситалари асосий мезонни ташкил қилади. Оммавий ахборот воситалари кенг ва доимий равишда миллий ғояни тарғиб қилишнинг асосий воситаси, шунингдек, маълумотларни аниқ ва тезкор равишда таъминлаб бериш учун ҳам маъсулдир. Жамиятимизни асосий ғояси ҳисобланмиш-миллий ғояни тарғиб қилишнинг асосий йўналишларидан бири уни тан олинган ва тушунарли, ҳаммабоп технологиялар асосида амалга ошириш бугун уни янада муҳим жиҳатларини очиб беришда алоҳида аҳамият касб этади. Аввало янги педагогик технологиялар, хусусан, ўқитиш технологияси бугун миллий ғоя такомиллида алоҳида нисбатга эгадир. Унинг ўзи ўз навбатида, ҳам анъанавий назарияларни, шунингдек, модернизация жараёнларини ўзида сайқаллаштириб боради. Маълумки, педагогика қонуниятида фанни маълум андозалар ва қатъий меъёр асосида ривожлантирилмайди. У доимо янгиликларни ўзида мужассам этиб боради. Бошқача қилиб айтганда, бугунги кунда миллий ғоя тарғиботида юқорида кўрсатиб берилган технологияларнинг бугунги кундаги асосий вазифаси-уни тарғиботи даражасини ошириш йўлларини кўрсатиб бериш, унинг натижавийлигини, тезкорлигини, техникавий қуролланганлигини оширишнинг амалий тадқиқотлар йўналишини белгилаб беришга қаратилгандир. Миллий ғоя тарғиботи бу-узок давом этадиган жараён бўлиб, унинг самарадорлигини ошириш, аввало, тарғибот технологияларига боғлиқ. Айнан шу турдаги технологиялар миллий ғояни аҳоли онига сингдириш, тушунтириш ва аввало моҳиятини очиб беришда етакчи аҳамият касб этади.

Тарғибот технологиялари бугунги кунда тарғиб этиш янгиликларини, таълимий жараёнлардаги мустақилликни таъминлаб бериши билан ҳам ажаралиб туриши лозим. Авваллари ҳукмронлик қилиб келган “изоҳли-тасвирий ёндашув” (яъни фактгина маъруза-ўқитиш асосида) технологиялари бугун бир томонлама йўналишга эга бўлиб, самарадорлик даражаси деярли камайиб бормоқда. Ҳозирги замон миллий ғоя тарғиботи технологияларини ҳам такомиллаштириб, узлуксиз янгилаб боришни тақозо этмоқда. Бу ҳар бир фан соҳаси билан боғлиқ. Чунки, фан соҳалари миллий ғоя мақсадлари билан муштарак.

Таълим-тарбияда ҳам миллий ғоя негизларига, тамойилларига таяниш муҳим. Бунда анъанавий йўл билан бирга замонавий ёндашув ўртасидаги нисбат муҳим аҳамиятга эга. Миллий ғоя тарғиботида замонавий усуллардан фойдаланиш деганда, кўпроқ, янги техник воситалардан фойдаланишни, материални янгича услубда етказиб бериш, жонли мулоқот, савол-жавоблар, баҳс-мунозара, интерфаол усулларни кўпроқ қўллаш тушунилади. Бу бир томонлама эмас, кўп томонлама фаолликни оширади. Тингловчини, эшитувчини фикрлашга, фикрини уйғотишга, унинг жамиятдаги ўрнини ҳис этишга, онги ва тафаккурининг ўзгариб боришига ундайди. Бугун миллий ғоя тарғибот технологияларининг самарадорлигини оширишнинг йўллари сифатида аввало қуйидагиларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

✓ биринчидан, тарғибот технологияларининг моҳиятини, мазмунини, шунингдек уни таълимдаги фойдали жиҳатларини кўрсатиб бериш;

✓ иккинчидан, аввалги “изоҳли-тасвирий ёндашув” (яъни фақатгина маъруза-ўқитиш асосида) тизимдан воз кечган ҳолда, энди жараён ёки мавзуга иккинчи томоннинг ҳам муносабатлари тизимини шакллантириш (буни айнан тарғибот технологиялари амалга оширади) тарғибот технологиялари воситалари ролини янада такомиллаштириш, ахборот аниқлиги ва тезлигини таъминлаб бериш, шу асосда бугун миллий ғоя тарғиботини йўналтириш зарур. Инсон-мураккаб мавжудот. У ахборотларни, жараёнларни турли хил тарзда қабул қилади. Шу жиҳатдан олганда, миллий ғоя тарғиботида ҳам бугун уни қабул қилиш даражаси ва йўналишларига қараб бир қанча тарғибот технологияларидан фойдаланилмоқда. Улардан энг кўп қўлланилаётгани бу - “жамоатчилик билан алоқалар” технология сидир. Унинг қисқача моҳияти-жамият манфаатлари йўлида давлат бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўртасида мулоқот ўрнатиш санъатидир. Аввало бу технологияни қўллашнинг ва уни қабул қилишнинг моҳияти унга берилган қуйидаги сифатлари даражаси билан боғлиқ:

- ✓ аниқ мақсаднинг қўйилганлиги;
- ✓ шароитга ижодий мослашувчанлик;
- ✓ назарий ва услубий жиҳатдан пухталиқ;
- ✓ ортиқча мураккаблаштиришдан холилик;
- ✓ қўллашда қулайлик.

Мамлакатимизда яшаётган барча халқларнинг асосий бирлаштирувчи байроғи бўлган-миллий ғоянинг туб моҳиятини тушунтириш, уни қўллаб-қувватлашларига эришиш, бу жараёнда вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилишда жамоатчиликнинг фикрига таяниш, миллий ғояни тарғиб этишда аҳолининг манфаати ва истакларини ўрганиш, фуқароларни ёт, зарарли мафкура ва ғоялар таъсиридан ҳимоялаш вазифаларини амалга оширишда бугун “жамоатчилик билан алоқалар” технологиясини ўрни каттадир. Дунё бугун ривожланишнинг янгича босқичига кирди. Бу даврда тараққиёт билан бир ўринда, 20-асрнинг мазмунини очиб берган “қуролланиш хавфи” анча камайган бўлса-да, аммо мафкуравий тайзиқ даражаси анча ўсиб бормоқда. Ҳатто бугун биз баъзи бир мамлакатларни унинг таъсирига тушиб бораётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз (Масалан, Грузия, Украина, баъзи бир Араб давлатлари). Айнан ана шундай хавфларнинг олдини олиш ва уларнинг таъсирига чидаб бериш қобилиятига эга бўлган “қалқон” бу-халқимизнинг анъана ва тарихини ўзида мужассам этувчи, уни келажакдаги тараққиётини белгилаб бериш учун хизмат қиладиган миллий ғоядир.

Миллий ғоя – миллатни бирлаштирувчи бамисоли бир байроқ, уни жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун аҳамияти “ғоялар” кураши авж олаётган бугунги замонда янада ортади. Давлат мавжудлигининг асосий омилларидан бири уни фаолиятининг амалий ва назарий исботланган, миллий анъаналари, тарихи, миллий мероси билан суғорилган ғояларига, мафкурасига эга бўлиши билан белгиланади. Бугунги кунда давлатларни қарам қилишнинг бир қанча усуллари мавжуд бўлсада, (асосан иқтисодий - капитал киритиш йўли билан) аммо бундай хавфларни олдини олиш мумкин, аммо “ёт ғоялар”нинг хавфини

қайтариш учун аввало давлат ўзаро ҳамжихатлик, бирдамлик, ватанпарварлик руҳидаги қарашларга, айнан миллий ғоясига эга бўлиши етакчи мазмун касб этади. Бугун ана шундай миллий ғояга, аجدодларимиз орзу қилган мустақиллик шукуҳи билан қуролланган миллий мафкурамизга эга бўлдик. Эндиги галдаги асосий вазифа-уни аҳолининг кенг қатламлари орасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишдан иборатдир. Бунда албатта миллий ғоя тарғиботи субъектларининг ролини янада ошириш, уларнинг ҳар бири учун ўрнатилган мақсад ва шу асосдаги вазифаларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, миллий ғоя тарғиботининг икки асосий белгиларига, хусусан, босқичма-босқичлик тамойилларига амал қилиш асосида миллий ғоя тарғиботи объектларини, унинг хусусиятларини (ёш, фаолият, йўналиш, хоҳиш-истакларни) ҳисобга олиш билан боғлиқ бўлса, иккинчи асосий жиҳати миллий ғоя тарғиботининг узлуксизлиги билан бевосита боғлиқдир. Миллий ғоя тарғиботининг ўзак қисмини ташкил қиладиган айнан шу икки жиҳат инсонларнинг миллий ғояни доимо ҳис қиладиган, уни ҳаётининг манбаи ва фаолиятининг асосига айланишини таъминлайдиган муҳим омил ҳисобланади. Бу жараёни таъминлашда аввало оила, оммавий ахборот воситалари, маҳалла ва асосийси жамиятнинг бирдамликдаги ва ҳамкорликдаги фаолияти етакчи мазмун касб этади. Бу миллий ғоя тарғиботи субъектларининг ҳар бирининг ўзига хос бўлган дастури ва тажрибалари бор бўлиб, уни амалда қўллаш орқали миллий ғоя тарғиботини такомиллаштириб борадилар. Миллий ғоя тарғиботининг асосий мақсади ҳам инсонларни бошқа ёт ғоя ва мафкуралар “таъсирига” тушиб қолмаслигини, ўзига хос равишда улар билан курашиш қудратига эга бўлган иммунитетни шакллантиришга қаратилгандир. Айнан миллий ғояни ҳаётининг мазмуни ва мақсади билан боғлаган шахсина бугунги истиқлолнинг қадрига этади ва уни ҳимоя қилишни ўзининг маъсулияти деб ҳис қилади. Зеро, “... ҳозирги вақтда дунёда икки қарама-қарши кутб барҳам топган бўлса-да, тули хил мақсад-манфаатларни ифода этувчи мафкуравий тортишувлар тўхтагани йўқ. Очiq айтиш керакки, бу тортишувлардан кўзланган мақсад- инсон, авваламбор, ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки халқнинг онгига, унинг сезги- туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш ,маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра даҳшатлидир”¹.

2. Миллий ғоя тарғиботини амалга оширишнинг институционал асослари. Миллий ғоя тарғиботи ва ташвиқоти, миллий ғоя тарғиботини амалга оширишнинг институционал асосларига тўхталишдан олдин “тарғибот” ва “ташвиқот” тушунчаларининг ўзагига эътиборни қаратиш зарур. “Тарғибот” тушунчасининг ўзагини “рағбат” сўзи ташкил этгани боис ҳам, у инсонни бирор ҳаракатга рағбатлантиришни назарда тутди. “Ташвиқот” тушунчасининг ўзаги эса “шавқ” сўзидан олинган бўлиб, у кишида бирор нарсага шавқ уйғотишга йўналтирилган.

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни –халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. –Т.: Ўзбекистон, 1998, 5-бет.

Тарғибот инсоннинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган. Тарғиботчиларни шунинг учун ҳам “инсон қалбининг созловчилари” деб атайдилар. Демак, тарғибот-ташвиқотдан мақсад – фақат билим орттириш эмас, балки кишини бирор ҳаракатга ундашдан иборат. Масалага ана шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, “миллий истиқлол ғояси” ҳақида маълумот бериш билан чекланмасдан, мафкуравий мақсадларни аниқ вазифалар шаклига келтиришимиз, миллий истиқлол мафкурасидаги асосий ғояларнинг амалий ҳаракатларга айланишига эришишимиз зарур.

Қуйидаги ижтимоий институтлар миллий ғоя тарғиботини амалга оширишнинг институционал асослари тизимида алоҳида ўрин тутаяди: таълим-тарбия, илм-фан, маданият, маданий-маърифий муассасалар, адабиёт ва санъат, дин, жисмоний тарбия ва спорт, урф-одатлар, маросим ва байрамлар, оила, маҳалла, меҳнат жамоалари, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлари ва ОАВ.

Хўш таълим-тарбия тизими бугун қанчалик муҳим ва унга эътибор нималарда кўринадими? Барчамизга маълумки, бугун дунё бўйича тахминан 1,2 миллиардодам умуман ҳеч қандай таълим ва маълумотга эга эмас. Шундан 70 фоизини қиз болалар ва аёллар ташкил қилади. АҚШ Марказий Разведка Бошқармаси маълумотига кўра дунёнинг энг саводсиз мамлакатлари Нигер (84,3% аҳолиси саводсиз), Буркино Фасо (77%), Афғонистон (63,7%), Сиерия Лионе (63,7), Гамбия ва ҳ.к. ҳисобланади.

ЮНЕСКО дунёни саводсизликни тугатишга чақирмоқда. Унинг нуқтаи назарига кўра агар таълим билан боғлиқ дастурларни амалга ошириш учун махсус маблағ ажратилмас экан, юқорида кўрсатилган муаммо ечилмай қолиб кетаверади. Таълим учун маблағлар тобора камайиб бормоқда. ЮНЕСКО мамлакатларни ҳар йили таълим учун кўшимча 8-10 миллиард доллар ажратишга ундамоқда.

Ҳеч кимга сир эмаски мамлакатимизда ёшлар камолотига эътибор мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”(2016 йил 15-сентябрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди)ги, “Таълим тўғрисида”ги қонунлар ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” билан мустаҳкамлаб қўйилган. Зеро, статистик маълумотларга кўра мамлакатимиз аҳолисининг 67%дан ортиғини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади.

Барчамиз Америка фильмларида болаларга алоҳида мактаб автобуслари(School bass) хизмат қилишини кўриб, “ана бой давлатда ҳатто болаларини мактабга олиб бориш учун алоҳида автобус хизматини йўлга қўйган” деган фикр ҳаёлимиздан ўтади. Агар масалага теранроқ қаралса Ғарб мамлакатларида туғилишнинг кескин пасайиб кетиши натижасида ҳар 10-15 километрда битта мактаб қурилишига талаб бор. Масалан, бизда 50 дан ортиқ мактаб жойлашга қишлоқ ёки шаҳарчининг ҳудудича жойда уларда нари борса 5 та мактаб бор, холос. Агар уларда учта хонадондан 1 та бола мактабга йўл олса, бизда бир ҳовлидан камида 3 та бола мактаб сумкасини кўтариб чиқади. Яъни бизда *болалар боғчаси, мактаблар, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасаларига ғарбдагига қараганда камида 10 баравар кўп бола қатнайди*. Бу эса уларнинг саломатлиги ва таълимига бўлган эҳтиёжини қондириш зарурияти

шунга мувофиқ катта эътиборни ва юксак масъулиятни талаб этишини кўрсатади.

Қайд этилганидек, миллий ғоя тарғиботида энг муҳим омиллардан бири – таълим-тарбияни узлуксиз равишда олиб бориш. **Таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ этиш, илм-фан соҳасини ривожлантириш** – миллий ғоя тарғиботининг энг муҳим омили ва мустаҳкам асосидир. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда миллий ғоя ва таълим-тарбиянинг узвий алоқадорлигини ҳисобга олиш ва унга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб масаладир. Бу, аввало, мустақиллик туфайли таълим-тарбиянинг ғоявий-мафкуравий асослари, негизлари тубдан ўзгарганлиги билан боғлиқ, яъни, таълим-тарбия соҳаси тубдан ислоҳ этилди, у ягона коммунистик ғоя принциплари, мақсад ва вазифаларидан холос бўлди. Бугун, мамлакатимизда таълим-тарбия жамияти мафкураси бўлмиш - миллий ғоя, унинг асосий тушунча ва тамойилларига асослангани ҳолда амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди, Кадрлар тайёрлаш миллий модели ишлаб чиқилиб, янгича дунёқараш, ғоя ва мафкуралар ҳилма-хиллигига асослангани шахсинг таълим даражаси ва салоҳиятини оширишга, мустақил фикрлайдиган, ижодий ёндошув маданиятига эга бўлган, янги авлод кадрларини тайёрлаш таълим-тарбия соҳасида муҳим ўрин тутади.

Таълим-тарбия тизими фаолияти самарадорлигини ошириш учун, бу тизимда:

биринчидан, янги педагогик технологияларни таълим-тарбияга жорий этиш, унинг моддий-техник базасини янгилаш, модернизациялаш;

иккинчидан, компьютер, ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш (интернет тизими, компьютер, электрон доска, электрон дарсликлар яратиш ва ҳ.к.);

учинчидан, хорижий тилларни, айниқса, инглиз тилини ўрганиш ва дарс жараёнларида хорижий адабиётлардан, таълим соҳада дунё мамлакатларида эришилган ютуқлар, тажрибалардан кенг фойдаланиш;

тўртинчидан, таълим соҳасида амал қилиб келган эскича (анъанавий) усуллардан воз кечиш каби вазифаларни амалга ошириш талаб этилади.

Шу ўринда миллий ғоя ва таълим-тарбия тизимида айрим муаммолар мавжудлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Булар:

биринчидан, миллий ғояни айнан таълим тизими орқали фуқаролар, айниқса ўсиб келаётган ёш авлод онги ва қалбига сингдириш, миллий ғояни ҳар бир ёшнинг ишонч-эътиқодига айланттириш билан боғлиқ. Чунки миллий ғоянинг негизларини таълим-тарбия тизимидан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Аммо ҳамма ёшларда ҳам миллий-маданий мерос ва илм-фан ютуқларига, унинг сирларини билишга интилиш бир хилда юқори эмас.

иккинчидан, ҳалигача таълимни тарбиядан айри ҳолда тушунишлар мавжуд. Бугун тарбия мамлакатимизнинг мустақил тараққиётини таъминлашдаги муҳим омил эканли глобаллашув даврида турли мафкуралар кураши давом этаётган шароитда янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Бу, тегишли таълим-тарбия муассасалари ва бошқа ижтимоий институтларнинг, миллий ғоя илмий-амалий маркази, маънавият тарғибот маркази фаолиятида

миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларда янги замонавий технологияларни қўллашга, замон билан ҳамнафас бўлишга алоҳида аҳамият берилиши муҳим;

учинчидан, миллий ғоя мақсадларини ва вазифаларини таълим тарбиянинг муҳим ажралмас қисми эканлигини, уни мустақил демократик тараққиётини, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шарти эканлигини таъкидлаш лозим.

Инсоният ҳаётидаги таълим ва тарбия жараёни ҳеч қачон мафкурадан холи бўлмаган. Жамиятда таълим ва тарбиянинг мафкурасизлашиб қолиши ёки унда мафкура амалиётини нотўғри йўлга қўйилганлиги доимо инсонларни мақсадсиз қолишга ҳамда уларни ўзлигидан узоқлашишга олиб келган.

Шунга кўра, жамиятимизнинг мақсадга эришувида таълим ва тарбия жараёни учун Миллий мафкура зарур. Айтиш вақтда миллий мафкура ўз ғоялари билан фуқаролар айланишга ёшлар онгига кириб боришида таълим-тарбия жараёнини ташкил этувчи ўқитувчи ва мураббийлар кўмагига муҳтож.

Маълумки, ҳар бир жамиятда ўқитувчи ва мураббийлар мамлакатдаги зиёлилар қатламининг асосини ташкил этади ва жамият мафкурасининг объекти бўлган ёш авлод онгини шакллантирувчи катта куч ҳисобланади. Бинобарин, таълим тизимини мафкурасиз тасаввур этиб бўлмаганидек, таълимдаги мафкуравий амалиётни ўқитувчи ва мураббийларсиз ҳам таъсаввур этиб бўлмайди. Хусусан, бизнинг жамиятимиздаги таълим жараёнида ҳам ўқитувчи ва мураббийлар ҳамда Миллий мафкура ўртасида мана шундай диалектик боғлиқлик мавжуд.

Ҳозирда таълим тизими ҳамда ўқитувчи ва мураббийлар фаолиятини ташкиллаштириш борасида амалга оширилаётган барча ислохотларда мазкур боғлиқлик ўз аксини топмоқда. Бугунги кунда ушбу ислохотлар натижасида мамлакатимиз таълим тизими ҳамда ўқитувчи ва мураббийлар фаолиятида туб сифат ўзгаришлар вужудга келтирилди. Хусусан, собиқ Иттифоқ давридаги асосан Москва манфаатларига хизмат қилувчи таълим тизими ва ўқитувчилик фаолияти инкор этилиб, унинг ўрнида миллий манфаатимизга хизмат қилувчи таълим тизими барпо этилди. Бугунги кунда ушбу тизимдаги ўқитувчилар фаолияти ўзбек халқини бой маънавий ва моддий меросини ёш авлодга етказишда, уларда бу меросдан фахр ва ғурур туйғуларини камол топтиришда ҳамда уларни жаҳон илм-фан ютуқларидан бахраманд бўлишида катта аҳамият касб этмоқда.

Тарихдан маълумки, халқимизнинг чин маънодаги устоз-ўқитувчилари доимо миллий давлатчилигимиз ва миллий ўзлигимизнинг асл ҳимоячилари бўлиб келган.

Айтиш лозимки, ҳозирда мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларга ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатиб бораётган Миллий мафкурамиз ҳам асосий таянч сифатида ҳамда ўқитувчи ва мураббийлар тоифасининг:

- Миллий мафкуранинг концептуал ривожлантириш борасидаги илмий фаолиятларига;

- Миллий мафкурадаги ғояларнинг тарғиб ва ташвиқ этишдаги ҳаракатларига;

- Миллий мафкура ғоялари синган идеал кўринишидаги (ҳамда ўқитувчи ва мураббийлар бериши мумкин бўлган) инсон қиёфасига катта эҳтиёж сезмоқда.

Мамлакатимиздаги ўқитувчи ва мураббийлар қатлами мафкуравий амалиётда албатта мазкур функцияларни бажаришга қодир бўлиб, улар ўзларидаги потенциал куч орқали Ўзбекистонда ҳам “япон мўъжизаси” сингари “ўзбек мўъжизасини” вужудга келтира олади. Бунинг учун ҳозирда мазкур потенциал кучдан давлат ва жамият манфаати йўлида унумли фойдаланиш йўллари топтоқ керак. Бунда ўқитувчи ва мураббийлар фаолиятини жадаллаштирувчи иқтисодий, маънавий омилларни янги асосларини шакллантириш зарурки, бу асослар жамиятда ўқитувчи ва мураббийлар қатламини Миллий мафкура учун асосий таянч бўлишига олиб келиши лозим.

Миллий ғоя тарғиботида **маданият, маданий-маърифий муассасалар** – музейлар, театр ва кутубхоналар ўзига хос воситалар ҳисобланади.

Ҳозирги шиддат билан ривожланиб бораётган замонда ҳар бир инсон ўз ўрнини топиш, жамиятга фойдаси тегадиган инсон бўлиш, билим ва маҳорати билан бутун дунёни ҳайратда қолдириш, эртага ёш авлодлар ҳавас, ғурур ва ифтихор билан ёдга олишини, энг асосийси эса, ҳаётда бахтли инсон бўлишни хоҳлайди. Бунга эса инсон маънан етук, жисмонан бақувват, руҳан соғлом бўлсагина эришиши мумкин. Зеро, маънавияти бой, дунёқараши кенг, мулоҳазали инсонлар ҳеч қачон, ҳеч қаерда қоқилмайди. Бунинг учун эса ҳар бир инсон ўз тарихи, маданияти, миллий урф-одатлари, кадриятларини, қадим тарихини яхши билиши керак. Зотан, ҳар бир халқнинг қадим тарихи, ўтмиши, маданиятини акс эттиргувчи гўша – музей ҳисобланади. Музей - тарихни акс эттирувчи кўзгудир. Шу боис ҳам юртимизда музейларга эътибор катта. Уларни тарихий ашёлар билан бойитиш ва кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳар бир халқнинг ўз ўтмишига бўлган эътибор, ҳурмат-ардоғидан дарак беради. Айтиш жоизки, ўсиб келаётган ёш авлодларни Ватанга муҳаббат, она-юрт тарихига ҳурмат ва бугунги кунга нисбатан фахр-ифтихор туйғулари билан тарбиялашда ҳам музейларнинг аҳамияти каттадир. Чунки ёшларимиз музейларда сақланаётган ҳар бир экспонат ва ёдгорликни кўриб, ўтмишни тасаввур қилади. Зеро, ўтмишни ўрганмай туриб, келажакни тасаввур қилиб бўлмайди ёки айни пайтдаги маданий юксалиш ва ривожланиш жараёнларининг кадрига етиш қийин.

Музей тарих силсилаларидан сўзлайди. Аждодлардан авлодларга мерос асори-атиқалар, кўҳна тарихий ёдгорликлар, маданий бойликларни йиллар давомида кўз-қорачиғидек асраб, сақлайди. Музейга ташриф буюрган киши нафақат маданий ҳордиқ олади, балки маънавият оламини янада бойитиш имконига эга бўлади. Музейларни бир-бир кузатар экансиз, тарихий экспонатлар, ноанъанавий кўрғазмалар, табиат мўъжизалари, санъат намуналари, албатта, кишини ўзига жалб этишига амин бўласиз. Энг асосийси, музей ўғил-қизларимизнинг бой ва узоқ тарихимиз ҳақидаги тасаввур оламининг бойишига, демакки, уларнинг ҳар томонлама камол топишига хизмат қилмоқда.

1977 йилда ЮНЕСКО ташкилоти томонидан 18 май Халқаро музейлар куни сифатида байрам қилиниши белгиланган. Бу эса музейларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва халқларнинг ўзлигини англаш, ёш авлод тарбияси

борасидаги аҳамияти беқиёс эканлиги эътирофидир. Мана, 35 йилдирки, Халқаро музейлар кунини кенг жамоатчилик ва соҳа мутахассисларининг маданий ва маърифий тадбирлари билан нишонланади.

Эртанги кун эгалари бўлган – ёш авлодни тарбия этувчи педагоглар ёшларнинг маънавий салоҳияти, маданий савиясини юксалтириб боришда театрларнинг ҳам алоҳида ўрин тутишини унутмасликлари лозим. Ёшларнинг маънавий дунёқараши ва тафаккурини бойитиш, улар қалбида эзгу ғояларга интилиш ўйғотиш, аждодларимиз хотирасига ҳурмат туйғусини шакллантириш ҳамда келажакка теран назар билан боқишида театр ва кино санъатининг ўрни беқиёс. Хусусан, замонавий қаҳрамонлар образи акс эттирилган сахна асарларини яратиш, турли ёш ғоялар, қарашларни иллат сифатида акс эттирган, “оммавий маданият”нинг қилмишларини фош этган спектакллар, бадиий фильмлар ёшларимизнинг онгини ёт таъсирлардан асрашда муҳим аҳамият касб этади. Жонли ва ҳаётини воқеаларни турли талқинда ижро этиш, уни томошабинга маромида етказиб бериши билан театр ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Биз театр санъатини икки томони чархланган шамширга ўхшатишимиз мумкин. У бир томони билан кишилар қалбига ёруғлик олиб кирса, уни юксак маънавийлик томон йўлласса, иккинчи томони билан эса инсон қалбидаги нодонлик, жаҳолат яъни маънавийсизликка ва жаҳолатга қарши курашади.

Миллий ғоя тарғиботида кутубхоналарнинг, айниқса, китобхонликнинг алоҳида ўрни бор. Униб, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий тарбиясида ўзбек халқининг бой маънавий меросидан кенг фойдаланиш ҳам муҳим омил бўла олади. Хусусан, ёшларнинг маънавий тарбиясига масъул бўлган педагог-тарбиячилар ёшлар қалбини, руҳий дунёсини маънавий бойитишда Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Лутфий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Машраб, Муқимий, Фурқат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби классик шоир ва ёзувчиларимиз асарларидан унумли фойдаланишлари катта аҳамиятга эга. Зеро, уларнинг бизга қолдирган бой бадиий-маънавий мероси ўзининг чуқур фалсафий мазмуни, ахлоқий йўналиши билан ажралиб туради.

Мумтоз санъаткорларимиз асарларида ҳалоллик ва поклик, тўғрилиқ, бировнинг ҳақиқага кўз олайтирмаслик, хиёнат қилмаслик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, диёнатлилиқ, иймонлилиқ, ҳалол лўқма билан кун кўриш, ота-онани ҳурмат қилиш каби инсон учун зарур маънавий хислатлар юқори бадиий савияда баён этилган.

Маънавий тарбияда Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Тоҳир Малик каби ёзувчиларимиз; Эркин Воҳидов, Ойдин Ҳожиева, Омон Матжон, Рауф Парфи, Абдулла Орипов каби шоирларимизнинг асар ва шеърларидан ҳам кенг фойдаланиш, бадиий асарлар, улардаги қаҳрамонларнинг феъл-атвори, ахлоқи, маънавий дунёси тўғрисида суҳбат, мунозара ўтказиш катта самара беради. Бундай бой маънавий хазина билан бизни энг аввало кутубхоналар, яъни ахборот ресурс марказлари таништиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда

тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши, 2017 йил 13-сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори инсон маънавияти кўзгуси бўлган китобхонликни тарғиб этишга қаратилган. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари ёзганидек, “китоб – беминнат устоз, билим ва маънавий юксалишга эришишнинг энг асосий манбаи”.

Миллий ғоя тарғиботида беқиёс бўлган омиллар бу – **адабиёт ва санъат**дир. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадиий адабиётдир”.¹ Шахс маънавиятини шакллантириш ва қарор топтиришда сўз ғоявий таъсир воситаси сифатида намоён бўлади. “Яхши сўз-қиличдан ҳам кучли” деган гап бор. Ҳақиқатан ҳам ўз ўрнида ишлатилган сўзлар, ёрқин ва дилдан баён этилган нутқ, баъмани фикр доимо кишиларнинг ҳулқ-атвориға, маънавиятиға ижобий таъсир кўрсатади. Фикрни эса тингловчининг талаб-эҳтиёжи, орзу-умидлари ва манфаатларига алоқадорлигини ҳисобға олган ҳолда баён этилсагина таъсирчан ва ишончли бўлади.

Қанчалик ғалати туюлмасин, ўта моҳирлик билан яратилган санъат асари айримларнинг ўз жонига қасд қилишиға туртки бўлиши ҳам мумкин экан...

Улуғ немис шоири Иоганн Гётенинг «Ёш вертернинг изтироблари» асари қахрамони ўз ҳаёти ва бахтсиз севгисидан азият чекиб, охир оқибатда жонига қасд қилади. Мазкур роман нашрдан чиққан йили, яъни 1774 йилда, юзлаб ёш йигит-қизлар севимли Вертерға тақлид қилиб, ўзини ўлдирган. Худди шундай ҳол 19-аср бошларида Н.М.Карамзиннинг «Бечорд Лиза» китоби пайдо бўлгач, Россияда ҳам кузатилган.

1885 йил 23 декабрда АҚШдаги машҳур «Жудас Прист» рок гуруҳининг Невада штатининг Рино шаҳрида «Ажал қироллиги узра» кўшиғини тинглаган икки ашаддий мухлислари: Реймонд Белкнеп ва Жеймс Венслар бир вақтнинг ўзида иккаласи ҳам тўппончасини чиқариб, ўзини отган!

Санъат кишилар томонидан энг кўп “истеъмол қилинувчи” соҳа ҳамдир. Star wars - “Юлдузлар жанги” фильмларидан олинган даромадға эътибор берсак ушбу мулоҳазамизнинг ҳақиқат экани ойдинлашади:

0.8 млрд доллар прокатдан, 2.0 млрд DVD форматда сотиш орқали, 4,27 млрд кинопремьералар учун сотилган билетлардан тушган даромадлар, 20 млрд лицензияли ўйинчоқлар орқали даромад олинган².

2015 йил 12-ноябрда 12,03 каттали, ажойиб ёрқин-мовий рангға эға, Blue Moon («Мовий ой») дея ном олган бриллиантли узук Женевадаги Sotheby’s аукционида рекорд сумма — 48,6 миллион долларға сотилган. Худди шу аукционда Хитой коммунистлари етакчиси Мао Цзедуннинг америкалик рассом Энди Уорхол томонидан 1972 йилда ишланган портрети 47,5 миллион долларға

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008 йил, 136-бет.

²Euronews 19.02.2012.

сотилган. Демак, санъат тарғибот жараёнида жуда катта куч! Бироқ афсуски бугун бу кучдан нотўғри мақсадда кўпроқ фойдаланиляпти.

1987 йили америкалик rassom Андерс Серрано ўзининг пешоби билан тўлдирилган банка ичида чормихга тортилган Исо Масих фотосини ишлаб, уни Piss Christ деб номлаган. Қанчалик ғалати туюлмасин АҚШ ҳукумати қошидаги миллий санъат фонди тарафидан “Жанубий-Ғарбий замонавий санъат маркази мусобақаси”да мазкур фото “Кўрғазма санъати” номинациясида ғолиб бўлган.

Санъатнинг жамият ҳаётидаги ўрнига тўхталиб устоз Озод Шарофиддинов қуйидагиларни таъкидлайди:

“Турли телеканаллар енгил-елпи қўшиқ ва рақслар, муסיкий ижроларга тўлиб кетганки, уларни ҳар нарса деб аташ мумкин, бироқ санъат асари деб бўлмайди. Бўлар-бўлмас қийшанглашлар, сирли муқом ва кўз сузишлар, эротик қилиқларнинг қандай тарбиявий аҳамияти бор? Менимча, кишида фикр уйғотмайдиган, покиза туйғуларни тарбияламайдиган бу “оммавий санъат” номатлуб хирсни уйғотиш, ёшларни бузишдан бошқа нарсага ярамайди”.

Ахлоқшунос олим Абдулла Шернинг фикрича аслида “... санъаткор ўзи истаса-истамаса кескин ғоявийлашган, мафкуравийлашган шахс сифатида иш кўради. Гап фақат санъаткорнинг қайси мафкурани танлаши ва тарғиб қилишига боғлиқ. Агар у ўз ғояларига инсонпарварлик мафкурасини асос қилиб олса (Навоий, Моцарт, Толстой, Пикассо ва бошқалар сингари), унинг асарлари бутун инсоният ва барча замонлар учун “яроқли”, керакли бўлиб қолади. Борди-ю санъаткорнинг мафкуравийлиги обрўпарастлик (авторитарлик) ғоялари билан чекланса, асари обрў эгасидан (доҳийдан) узокроқ яшамайди.

Ўсиб келаётган фарзандларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда **оила**даги, атрофдаги (маҳалла, кўча, боғча, мактаб, олий ўқув юрти), ижтимоий муҳит ва тарбияланувчига бўлган муносабат муҳим роль ўйнайди. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидлаб ўтилганидек, “Одамзот учун бир умр зарур бўладиган табиий кўникма ва хусусиятлар, масалан, ҳар қайси боланинг ўзига хос ва ўзига мос қобилияти, атрофидаги одамлар билан муомаласи, тенгдошлари орасида ўзини қандай ҳис қилиши, етакчилик хислатларига эга бўлиши ёки эга бўлмаслиги, керак бўлса, дунёқараши - буларнинг барчаси аввало унинг туғма табиати, шу билан бирга, оилада оладиган тарбиясига узвий боғлиқ эканини ҳаёт тажрибаси кўп мисолларда тасдиқлаб беради”.¹

Бироқ афсус билан айтиш керакки, бугун барча оилалар ҳам ўзининг асосий вазифаси бўлмиш фарзанд тарбиясига сидқидилдан киришаётгани йўқ, баъзи ўринларда оиланинг ўзини сақлаб қолиш ҳам катта муаммога айланиб қолмоқда. Нега шундай?

Улуғ аждодимиз, маърифатпарвар олим Абдурауф Фитрат ушбу масалага тўхталар экан бунинг энг муҳим сабабларига тўхталади: “Одамларга шу ҳам маълумки, уйланишнинг кўп қийинчиликлари ва заҳматлари бор. *Одамларнинг табиатига эса роҳат ёқади.* Агар одамнинг ихтиёри ўз қўлида бўлса эди, бўйдоқлик роҳати ва озодлигини уйланиш азоби ва меҳнатига асло қурбон қилмасди”, яъни мутафаккир назарда тутаётганидек оила бу жуда катта

¹Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008 йил, 53-бет

масъулият демакдир. Бу фикрни француз олими Ш.Монтескье ҳам илгари суради: “Уйланиш – киши эркинлигининг икки марта камайиши, масъулиятининг эса икки марта ошиши демакдир”.

Оила мавжудлигини иккинчи муҳим омили сифатида А.Фитрат фарзанд тарбиясини келтиради: “Бир ҳақим айтган экан: «Бани Одам болаларининг тарбиясини менга қолдирсалар, одамларнинг аҳволини бутунлай ўзгартириб юборар эдим». Жаҳон халқларининг аҳволини бугун мулоҳаза қилсангиз, шу ҳақимнинг сўзлари тасдиқланади. Ҳозирда 40 миллион инглиз 400 миллион ҳиндий ва африкаликлар устидан ҳокимдир. Чин ҳукумати 400 миллион аҳолиси билан 40 миллион японнинг ҳийла ва найранги ўйинчоғига айланган. 60 миллион олмонлар иккита заиф давлат (Австрия ва Туркия)ни ёнларига олиб аҳолиси 750 миллионга тенг келадиган етти давлат билан уруш қиляпти. Кишининг назарида ажиб ва ғаройиб кўринадиган бу воқеалар тарбия таъсиридан, зеро болаларнинг тарбияси бу фарзандни жисмонан, фикран ва ахлоқан тарбия қилиб, камолга етиштириш демакдир. Яъни уларни уриниш ва тиришиш саҳросига, яъни хаёт-мамот майдонига кучли бадан, соғлом фикр ва яхши ахлоқ билан куроллантириб юбориш демакдир. Маълумки, инглизлар ҳинд ва мисрликлардан, японлар Чин халқидан жисмонан, фикран ва ахлоқан анча комилдирлар. Уларнинг бу камолотлари тарбия натижасидир.

Энди келинглари, кўрайликчи, биз ... туркистонликлар ўз фарзандларимизга тарбия беряпмизми ёки йўқми? Саволнинг охиридаги сўз бунга жавоб бўла олади, яъни «йўқ!» Мен буни шундай исбот қиламан. Биз туркистонликлар болаларимиздан кўра молларимизга яхшироқ қараймиз.

Эшак ва қўйларимизни фарзандларимиздан ҳам кўпроқ яхши кўрамиз деб айтмаяпман. Йўқ-йўқ, болаларимиз жонимиздан ҳам азиз. Улар назаримизда ҳаммадан суюкли ва азиз. *Лекин бахтимизга қарши шуни эътироф қилиш лозимки, шунча муҳаббат ва меҳрга қарамасдан, эшак ва қўйларимиздан камроқ тарбиялаймиз!*

Эътироз қилишингиз мумкинки, биз молларимизни боқошига қанча ҳаракат қилсак, фарзандимиз тарбиясига улардан юз баробар кўпроқ ҳаракат қиламиз деб.

Бу даъвоингиз маълум бўлсада, аммо тўғри эмас. Далил шулким, кимнинг уйида моли бўлса, текширса кўрадики, йил давомида унинг молларидан биттаси ҳам касал бўлмаган, аммо фарзанди ҳеч бўлмаса, уч марта хасталикка чалинган”.

...Сўзингиз тўғри бўлса ҳам менинг даъвоимга ҳеч зарари йўқ, чунки боланинг соғлиғига эътибор бериш ҳам фарзанд тарбияси билан шуғулланишни билдирмайди. ...Одамнинг камоли фақат соғлиқ ва кучдан иборат бўлмай, балки *жисмонан, ақдан ва ахлоқан юксалишдан иборат*¹. Ушбу мулоҳазалардан англанаётганидек оиланинг асосий вазифаси бу фарзанд тарбиясидир. Зеро, тарбия бу жуда катта масъулиятдир!

Фарзанд тарбиясида оила қанчалик масъул бўлса, маҳалланинг масъулияти ҳам ундан кам бўлмайди. Шу ўринда И.А. Каримовнинг қуйидаги фикри муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтиш ўринли: “Маънавий ҳаётимизни

¹ Фитрат А. Оила (ёки оила бошқариш тартиблари). – Т.: Маънавият, 1998. - 56-57 б.

юксалтириш ҳақида гапирганда, **маҳалланинг роли ва таъсири** хусусида тўхталиш албатта ўринлидир. Маълумки, азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган”¹.

Оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлиги ўзининг тарихий асосларига эга.

Буюк умуминсоний қадрият сифатида дунёга келган “Авесто”да ҳам ўғил болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш фақатгина оиланинг эмас, балки, юрт улуғлари ва устозларнинг ҳам вазифаси эканлиги тўғрисидаги фикрлар илгари сурилади. Унда ёзилишича, ўғил болалар таълим тизимида “муқаддас кўйлак” удумини бажариш маросимида устоз билан Қуёшга қараб сажда қилишган. Ҳаммаси “Авесто”да эзгулик ва яхшиликка мададкор кучларни улуғловчи қасамёдларни айтишган. Машғулотларни ўтказишдан мақсад, болалар қалбида ёшлигидан дунёдаги барча яхшилик ва эзгуликларнинг бунёдкори, Олий Ахура-Маздага эътиқодни мустаҳкамлаш, инсонлар бошига жамики ёмонликларни ва ёвузликларни солувчи Ахура-Ману (Ахриман)дан нафратланиш ҳиссини тарбиялашдан иборат бўлган. Зардушт эса “муаллим — коҳинларнинг бурчлари болаларга илмларни яхшилик йўсини ила ўргатиб, яхши билан ёмонни ажрата оладиган қилиш, тўғри йўлга хидоят этишдир. Кимда-ким, ақлу фаросат билан ёмонликка қарши қурашса, у Ахура-Мазда йўлини тутган бўлади”, — дейди².

Демак, ҳар томонлама етук, баркамол авлод тарбияси бизда анча қадим тарихга эга. Улуғ файласуфларимиз, шайхларимиз бу борада ажойиб фикрларни билдирган. Умуман инсоннинг ахлоқий тарбияси аждоқларимизнинг доимий диққат марказида турган.

Бугунги давлатимизнинг мустақиллиги шароитида оила ва маҳалладаги тарбияга муносабат, қарашлар ўзгача тус олмоқда. Зеро, инсонларнинг маънавий – ахлоқий ва маърифий қарашларини шакллантириш, уларнинг келажақдаги ҳаётларини белгилаб берувчи омилдир. Айниқса, ёшларда миллий туйғу, ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбиялаш, аввало оилада асос солиниши ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам бугунги кун оиласини маънавий ва маданий соғломлаштириш, умумжамият ўртасида оила, маҳалла, мактаб салоҳиятини кўтариш муаммоси ўта долзарблик касб этмоқда.

Ўз-ўзини бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда, улкан маънавий тарбия вазифасини бажаради. Кексаларнинг панду насиҳати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги орқали одамлар онгига эзгулик ғоялари сингдириб борилади.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008 йил, 58-бет

²Қаранг:Авесто тарихий - адабий ёргорлик. – Т.: Шарк, 2001 йил.

Инсон қаерда ишлашидан қатъий назар, ўз вазифасига масъулият билан қараса, у миллий ғоя тарғиботига ўз ҳиссасини қўшмоқда, деб айтиш мумкин бўлади. Демак, миллий истиқлол ғояси тарғиботи фикрлар хилма-хиллиги тамойилига зиён етказмаган ҳолда уч мақсадга: Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашдек олий мақсадга хизмат қилади. «Табиийки, миллий ғоямиз шу юртда яшаётган барча одамларнинг олийжаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган юрт тинчлиги, ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ўз ичига олади»¹.

Миллий ғоя тарғиботида **жисмоний тарбия ва спорт** ҳам ўзига хос муҳим восита ҳисобланади. Бугун Ўзбекистон фарзандларини ушбу соҳада эришаётган ютуқларини бутун дунё эътироф этмоқда. Чунки мамлакат, унинг бутун ҳокимият тизими ушуб соҳада жуда катта ислоҳотларни амалга оширмоқда. Охирги ўн йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1900 дан зиёд болалар спорти объекти янгидан барпо этилди. Мактаб, коллеж ва лицейларнинг спорт заллари 100 % қайта таъмирланди. Дунё спортида ноёб тажриба сифатида эътироф этилган уч босқичли “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” мусобақаларини, ёшлик ва спорт байрамларини ўтказиш яхши анъанага айланди. Камолга етган ёшларимиз дунёнинг 40 тадан ортиқ мамлакатада бўлиб, спортнинг 30 тури бўйича Ватан шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Ана шундай ёш спортчилар ўтган даврда ўз маҳорати, азму шижоатини намоён этиб, 1000 дан ортиқ медални, жумладан, 400дан ортиқ олтин, 300дан ортиқ кумуш ва 300дан ортиқ бронза медални қўлга киритдилар. Айниқса, энг сўнги ютуқларимиздан бири бўлган, боксчиларимизнинг Бразилия Республикасининг Рио ҳаҳрида бўлиб ўтган 2016 йилги Олимпиада ўйинларида 10 та вазн категориясининг 7 тасида (3та олтин, 2та кумуш, 2та бронза) ғалабани қўлга киритганлари мамлакат спорт тарихидаги энг катта ютуқлардан бири бўлди. Бу ҳақда ёзаркан маҳаллий ва хорижий ОАВ ходимлари **“Олимпиада 2016” яқунларига кўра мамлакат номини энди УзБОКСтан, деб атаса ҳам бўлади!**”, деган эътирофни таъкидлашди. Мана шу эътирофнинг ўзи ҳам халқимизнинг ҳар бир аъзоси, ёшларимизнинг ҳар бир вакили қалбида чексиз ғурур туйғуларини уйғотади. Бу эса миллий ғоянинг мақсадлари билан мутаракдир.

Миллий ғояни аҳолининг кенг қатлами орасида тарғибот ва ташвиқот қилишда шубҳасиз **оммавий ахборот воситалари** (ОАВ) етакчи ўринни эгаллайди. Ҳуқуқий демократик жамият қуришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли бениҳоя катта. Шу боис, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг мустақил республика мезонларига жавоб бера оладиган юридик мақомларини белгилаб берувчи ҳужжатлар мажмуаси қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси бош Қомусининг 67-моддасида: “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва тўла қонунга мувофиқ ишлайдилар. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавоб берадилар. Цензурага йўл қўйилмайди.”² Бугун жамиятимизнинг оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қила олмаймиз. Жамиятдаги ижтимоий, сиёсий жараёнлардаги етакчи

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.Т., Маънавият, 2008, 72-бет.

²Ўзбекистон Республикаси конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2012, 4-бет.

Ўринни эгаллашини ҳисобга олган ҳолда, бугун ОАВи ҳатто “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилди. Мамлакатимизда эркин фаолиятга асосланган ОАВ шакллантирилди ва унинг фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида аввало, ҳуқуқий қафолатларни яратишга киришилди.

Энг асосий тарғибот қуроли—оммавий ахборот воситалари фаолияти билан боғлиқ. Берилаётган ахборотда фақат ютуқларни кўрсатиш, мақтовлардан иборат бўлиши тарғиботга қанчалик фойдали ёки зарарли эканини ўйлаб кўриш лозим. Ҳаёт бор экан, муаммоларнинг мавжудлигига фожеа сифатида эмас, одатдаги нарса деб қарашга ўрганиш керак. Уларнинг борлигини кўриб, ўзини кўрмаганликка солиш билан фақат ўзимизга зарар қиламиз. Демак муаммоларни ўз вақтида тан олиш, уларни ҳал қилишга ёрдам беради. Очиғи, фақат мақтов тарғиботнинг ягона усули ва хаттоки энг тўғри усули ҳам эмас. Демак, мафкурада ҳаётни фақат мақташ, уни бенуқсон тасвирлаш орқали тарғиб қилиш мумкин эмас.

Бунга мисол. Бир вақтлар АҚШ фуқароларида демократия тамойилларининг бир оз қадрсизланиши кузатилган. Мутахассислар томонидан бу муаммонинг турли ечимлари таклиф қилинган, лекин тарғиботнинг бир оз ноанъанавий усули танлаб олинади: демократиянинг камчиликлари ошқора айтилди, унинг баъзан «ишламаётгани» очиқ танқид қилинди ҳамда унга муқобил сифатида коммунизм ва монархия тарғиб этилди. Тарғиботнинг бу усули кутилгандек самара берди; одамлар «ёмон бўлса ҳам, демократиядан қўймасин», деган фикрга келди ва унинг ашаддий ҳимоячиларига айланди.

Талаба-ёшларнинг сиёсий-ижтимоий вазиятга муносабатини шакллантиришда ички ва ташқи ахборот муҳити асосий рол ўйнайди.

Ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни индивидуал тарзда ўзлаштиришни шахснинг тажрибаси билан боғлаш керак, ёшларнинг маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожланишини тавсифловчи билим, кўникма, малака ва муайян интеллектуал сифатлар кўрсаткич-индикатор (мезон) сифатида иштирок этиши мумкин.

Ҳозирги пайтда талаба ёшларнинг руҳиятига кучли таъсир кўрсатувчи интеллектуал восита вазифасини бажарувчи мутлақо янги типдаги янги авлод ўқув адабиётлари керак. Бунинг учун ёшларнинг физиологик-психологик ривожланишларини ва дунё сиёсатининг янгича шаклланаётганлигини эътиборга олиб, яратилаётган адабиётларнинг контекстини тубдан ўзгартириш керак.

Таъкидлаш жоизки, сўз ва матбуот эркинлиги демократик ислоҳотлар суръатини жадаллаштиришга хизмат қилади. Оммавий ахборот воситалари эса доимо демократия ва сўз эркинлигининг ўзига хос ўлчови, кўрсаткичи бўлиб келган. Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари демократик тараққиётни рағбатлантиради ва мустаҳкамлайди.

3. Миллий ғоя тарғиботида ахборот коммуникациятизими ва инновацион технологиялар: Миллий ғоя тарғиботида инсон омили ҳал этувчи аҳамиятга эга. У фойдаланиётган технологиялар, механизм, услуб ва воситалар тарғиботнинг самарадорлигига, миллий ғояни инсоннинг ишонч ва эътиқодига айлантиришга кўпроқ таъсир кўрсатади.

Миллат ўз кучини, тараққиёти заминларини аввало ёш авлод орқали топади ва ривожланади. Жамиятнинг энг ўзгарувчан ва ҳаракатчан қатламини жамоага ва жамиятга хос қилиб тарбиялаш, интеллектуал салоҳиятини ошириш, миллий анаъаналаримиз, кадриятларимизни асраб-авайлашнинг асосий ташувчилари ёшлар ҳисобланади. Ўзбекистонда улар аҳолининг 64% (17 млн.) ни ташкил қилиб, жуда катта стратегик куч сифатида намоён бўлмоқда. Миллий ғояни айнан шу қатлам орасида тарғиб қилиш, уларнинг онгига сингдириб, ишонч ва эътиқодга айланиб боришининг бир қанча ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Бу жиҳатлар давлатимизнинг келажакдаги тараққиётини белгилаб берувчи асосий манбаларидан биридир. Биринчидан, миллий ғоя бир томондан ёшларни ўзини объекти сифатида қараса, иккинчи томондан ёшлар миллий ғояни асосий ташувчилари ва бир пайтнинг ўзида кейинги авлодга етказиб берувчилари ҳисобландилар. Учинчидан, ёшлар қанчалик даражада миллий ғоя билан қуролланган ва унинг мазмун моҳиятини англаган бўлсалар, бугунги кунда авж олган “мафкуравий таъсирлар”нинг олди олинган бўлади.

Айнан юқоридаги ҳолатлар миллий ғоя ва ёшларни ўзаро боғлиқлигини белгилаб беради. Бошқача қилиб айтганда, миллий ғоя қанчалик мазмунли, ҳар бир кишининг узоққа мўлжалланган мақсад ва манфаатлари, пировардида эса, миллатнинг истиқболини белгилашга хизмат қиладиган бўлса, уни ёшлар шунчалик тез қабул қиладди ва унга нисбатан ижобий муносабати шаклланади. Демак, тарғибот технологиялари миллий ғоя орқали ёшларда қандай ғоя ва фикрларни таклиф этса, шунга мос равишда ғоявий жиҳатдан чиниққан, ватанпарвар, замонавий билимларни эгаллаган ёшларга эга бўлади. Энг асосийси шундаки, ёшлар бошқа аҳоли қатламларига нисбатан, ташаббускор, ишонувчан, тез қабул қилувчи ҳисобландилар. Жамиятда қандай мақсадга қаратилган бўлмасин, турли ғоя ва мафкураларга ўзининг шахсий нуқтаи назарини қаратади. Чунки ёшлар физиологик ва психологик жиҳатдан шаклланиш босқичида бўлганлиги учун уларда янгиликларга нисбатан қизиқиш юқори бўлиб, уни эътиқодга, одатга айлантириш ҳисси кучли бўлади. Шунингдек, ёшлар ўзларининг ижтимоий–руҳий ва бошқа жиҳатларига кўра салбий ҳодисаларга берилувчанлик, жамиятдаги ўзгарувчан шароитга мослашиш қобилиятининг юқори эканлиги билан ажралиб туради. Улар жамиятнинг шундай ижтимоий гуруҳига мансубки, ўзларининг ўткир билиш қобилияти орқали сўз билан амалиёт мутаносиблиги ҳолатларини кучлироқ сезадилар. Жамиятнинг бундай қатламини тўғри мақсадга йўналтириш учун аввало уларнинг аниқ, бунёдкор, миллатпарвар ғоялар асосида тарбиялаш ва таълим бериш алоҳида аҳамият касб этади. Бу жараёндаги асосий “маънавий тарбия” ролини миллий ғоя бажаради. Миллий ғоянинг ёшларни сағарбар этиш, илҳомлантириш, буюк келажак сари чорлаш учун аҳамияти, таълим ва тарбияда тутган ўрни ва роли унинг ҳаёт ҳақиқатларига, реал борлиққа, халқ турмушига қанчалик мос ва мувофиқлигига қараб белгиланади. Ёшларнинг онгига миллий ғояни сингдириш, уларни шу асосда тарбиялаш, аввало, жамиятдаги барча ижтимоий ва сиёсий институтлар орқали амалга оширилишидаги жараёнда давлатнинг алоҳида ўрни ва роли мавжуд.

“Ҳар қайси давлат ва ҳар қайси миллат нафақат ерости ва ерусти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки

биринчи навбатда ўзининг юксак маданиятли ва маънавиятли ёшлари билан кучлидир”¹.

Миллий ғоя тарғиботининг ёш авлод орасида амалга ошириш жараёнида бир қанча босқичларда амалга оширилиши, унинг олдига қўйган мақсадлари билан мувофиқлигини таъминлаб беради. Чунки, миллий ғоя бир кунда ёки бир йилда шаклланиб, сингдириладиган жараён бўлмасдан, балки тадрижий равишда амалга оширилади.

Аввало, миллий ғоя бу қатлам орасида босқичма-босқич равишда амалга оширилиши келажакдаги унинг кенг тарқалишининг асосий мазмунини белгилаб беради. Чунки, ёш авлоднинг маълумотларни қабул қилиши уларнинг психологик ва физиологик хусусиятлари билан узвий боғлиқ эканлиги, уларнинг миллий ғояга хос бўлган жиҳатларни аста – секинлик билан ўзлаштиришларини билдиради. Аввало, миллий ғоя тарғиботини жамиятнинг энг асосий ва муҳим институти ҳисобланмиш-оилаларда жорий қилиш (яъни, анъаналаримиз, урф-одатларимиз ҳақида дастлабки тасаввурлар) кейинги босқичлар, яъни, мактабгача таълим, мактаб таълими каби даражаларда давом эттириш ёшларни миллий ғояни тўла мазмунда, чуқур тарзда эгаллашларининг кафолатларидан биридир.

Иккинчидан, миллий ғоя жуда кенг мазмунга эгалиги, анъаналаримиз ва тарихимизнинг барча кўринишларини ўзида мужассам этгани, шунингдек мамлакатимизнинг мустақиллигини турли мафкуравий хавфлардан химоя қилувчи восита экани ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, унинг тарғиботи масаласи ҳам янада муҳим ҳисобланади. Шу мақсадда, унинг жамият бўйича кўламини оширишнинг ягона йўлларида бири - доимий равишда тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкиллаштиришга қаратилганлигидир. Узлуксизлик тамойили миллий ғояни халқ онига сингдириш учун мамлакатда муайян мафкуравий майдон яратишни тақозо қилади. Бу майдондаги ҳар бир ҳаракат ва ҳолат, жумладан таълим тизимидаги ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, синф ва аудиториялар кўргазмали қуролларнинг миллий ғояга уйғун бўлиши муҳим.

Миллий ғоянинг тарғиботида муҳим аҳамият касб этувчи жиҳатлардан бири уни кенг камровлилик тамойили асосида амалга оширишдир. Бунда жамиятнинг барча аъзоларига ғоялар хилма-хиллиги асосида мафкурани сингдириш, бу жараёнда аҳолининг барча қатламларини қамраб олиш назарда тутилади. Натижада жамиятнинг барча бўғинлари ғоявий таъсир доирасида қамраб олинади; - умумий мақсадга йўналтирилганлик; -фаол инсонни тарбиялаш, унинг салоҳиятини юзага чиқариш мафкуранинг бош мақсади қилиб олинади.

Бугунги кунда миллий ғоя тарғиботини амалга ошириш бевосита ёшлар билан боғлиқ экан, бу албатта таълим тизимидаги инновацион технологиялар ва интерфаол методларни олиб кириш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Маълумки, интерфаол методлар деганда – таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар

¹ Каримов И.АБаркамол авлод Ўзбекистонтараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарк, 1997,5-бет.

қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим олувчи марказда бўлган ёндошувнинг фойдали жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиш-ўрганиш;
- таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олиниши;
- ўқиш шиддатини таълим олувчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;
- таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-қувватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.

Қуйида дарс жараёнларида миллий ғояни тарғиб қилиш мақсадида қўлланиладиган айрим интерфаол методлар келтириб ўтилган:

Миллий ғояни санъат воситасида тарғиб этишнинг SWOT таҳлили

Кучли томони	<ul style="list-style-type: none"> - кўпчилик учун тушунарли экани - жуда катта аудиторияни эгаллай олиши - инсонларнинг ҳиссиёти орқали онгига таъсир этиши - жозибадорлиги - билдирмасдан кишиларнинг қарашларига таъсир этиши
Ожиз томони	<ul style="list-style-type: none"> - алоҳида тайёргарлик лозим - махсус жиҳозлар талаб этилади (баъзи ўринларда)
Имкониятлари	<ul style="list-style-type: none"> - аудиторияси чекланмаган - барча масалаларни ҳам санъат воситасида тарғиб этиб бўлмайди - катта маблағ талаб этади - вақт нуқтаи назаридан образ, воқеа эскириб қолиши мумкин
Хавфлар	<ul style="list-style-type: none"> - нотўғри мақсадда ҳам фойдаланилиши мумкин - оммавий маданиятнинг тарқалишига ҳам хизмат қилади - баъзи бир йўналишлари кишиларда саёзроқ фикрлаш кўникмасини шакллантириши ҳам мумкин

“Ақлий ҳужум” методи

Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар туркумидаги (Одобнома, Ватан туйғуси, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари) фанларни ўқитишжараёнида қўлланиши мақсадга мувофиқ бўлган замонавий интерфаол методлардан бири – “Ақлий ҳужум” методи ҳисобланади.

“Ақлий ҳужум” методи бугунги кунда таълим-тарбия жараёнида энг кўп қўлланилаётган методлардан бири бўлиб, дарс жараёнларида ундан мақсадли ва тўғри фойдаланиш ўқувчи ёшларда ижодий тафаккурни ривожлантиришга катта ёрдам беради.

Аслида “Ақлий ҳужум”ни уюштириш нисбатан содда бўлиб, ундан таълим мазмунини ўзгартириш жараёнида, ишлаб чиқариш маммолари ечимини

топишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Дастлаб гуруҳ йиғилиб, уларнинг олдига муаммо қўйилади. Бу муаммонинг ечими тўғрисида иштирокчилар ўз фикрларини билдиришади. Бу босқичда ҳеч кимнинг ўзгалар ғоясига “хужум” қилиши ёки баҳолашига ҳаққи йўқ. “Ақлий хужум” методи орқали ўқувчиларга саволларни бериш билан ўқитувчи аввало ўтган дарсларни мустаҳкамлайди, янги мавзуни ойдинлаштиради, мавзулараро боғланишга эришади, қолаверса, ўқувчиларда эркин фикр, мустақил дунёқарашни шакллантириб, фикрларни зудлик билан жамлаш, тез, аниқ ва лўнда жавоб бериш, вазиятни тўғри баҳолаш каби кўникмаларни уйғотади. Ўқувчиларнинг мустақил дунёқарашини, эркин тафаккурини ривожлантириш мақсадида дарс жараёнларида ушбу методдан фойдаланиш кутилган самарани бериши шубҳасиз.

Педагогик технологияларнинг назарий таҳлилига оид кўпгина манбаларда мутахассислар, “Ақлий хужум” қоидаларини қуйидагича белгилашади:

- олға сурилган ғоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;
- иш сифатига эмас, сонига эътибор қаратилади, ғоялар қанча кўп бўлса, шунча яхши;
- исталган ғояни мумкин қадар мукамаллаштириш ва ривожлантириш мумкин;
- ҳар қандай ғоялар ҳам қўллаб қувватланади;
- барча ғояларнинг асосий мавзулари(фаразлари) ёзиб олинади;
- “хужум” вақти аниқланади ва унга риоя қилиниши шарт;
- саволларга қисқача(асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилади¹.

Шу ўринда қисқача “Ақлий хужум” методининг вазифасига тўхталиб ўтиш лозим. Бу метод қийин вазиятдан қутулиш чораларини топишга, фикрлар хилма-хиллигига эришишга ва муаммонинг чегарасини ҳамда тафаккур доирасини кенгайтиришга имкон беради. Энг асосийси, муаммони ечиш жараёнида ижодий ҳамкорлик кучайиб, гуруҳ (аудитория ёки синф) янада жипслашади.

“Ақлий хужум” методи қўлланиш мақсадига кўра, универсал ҳисобланиб, илмий изланишлар жараёнида янги муаммони ечишга имкон яратади, ўқитиш жараёнида ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга ёрдам беради, фикрни мустаҳкамлашда асқотади, яъни ўқувчида ўз-ўзини бошқариш асосида фаол фикрлашни шакллантиради.

“Ақлий хужум” методи бўйича ўқувчилар мустақил ўқиб, изланишлари ва муайян маънода билим ва тасавурларга эга бўлишлари учун ўтган дарсларда улар мазкур мавзу юзасидан керакли адабиётлар ёки ўқитувчи томонидан тайёрланган таянч маъруза матни билан таъминланишлари зарур.

7-9 синфларда ўқитиладиган “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фани мавзуларини “Ақлий хужум” методидан фойдаланиб ўқитишда қуйидаги омилларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

¹ Қаранг: Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003,192-бет. Абдуллаева Ш.А. Педагогика. Экспресс – маълумотнома. – Т.: Фан ва ахборот технологиялари, 2004 242-бет. Джураев Р.Х.вабошқ. Педагогик атамалар лугати. – Т.: Фан, 2008, 196--бет. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009,160-бет.

- ❖ имкон қадар кўпроқ фикр ва ғояларни тўплаш;
- ❖ ўқувчиларнинг эркин фикрлашларига замин ҳозирлаш;
- ❖ болаларда бир-бирини фикрини ҳурмат қилиш ҳиссини тарбиялаш;
- ❖ ўқувчилар томонидан билдирилган нотўғри фикрларни танқид қилмаслик, бир-бирининг фикрига толерантлик билан қараш;
- ❖ мунозара яқунида фикр билдирган барча ўқувчиларни рағбатлантириш;
- ❖ тўпланган фикр ва ғояларни гуруҳлаштириш;
- ❖ фикрларни таҳлил қилиб, муаммонинг ечимига дахлдор бўлганларини танлаб олиш.

Машғулотни ўтказиш учун аввало ўқитувчи айнан ушбу метод орқали ёритилиши мумкин бўлган мавзунини танлайди. Чунки, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фани мавзуларининг барчасида ушбу методни қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Танланган мавзу ўқитиладиган куни ўқувчилар баҳс мунозарага таклиф этиладилар.

“Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд бўлиб, ўқитувчи ўқувчиларга муайян муаммони “Ақлий ҳужум” усулида ечишни вазифа қилиб юқлар экан, уни қайси шаклда ўтказиш тартибини ҳам белгилаб олиши зарур.

“Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанини ўқитишда “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланиш орқали ўқитувчи ўз олдига қўйган мақсадга эришади ва ўз ўқувчиларида қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни янада мустаҳкамлайди:

Биринчидан, ўқувчи танланган мавзунинг моҳиятини, маъно-мазмунини чуқурроқ ўргангани, билимлари янада бойийди, мустақил дунёқараш, тафаккури ривожланиб боради;

Иккинчидан, ўзининг фикрини дадил, эркин, мустақил баён этиш кўникмасига эга бўлади;

Учинчидан, эркин тафаккур қилиши натижасида фаоллиги ошади. Бунёдкорлик ишларига илҳомлантирувчи омил, воситаларини била боради;

Тўртинчидан, янгича фикрлаш, ташаббускор ва шиддаткор бўлиш қобилиятига эга бўлади;

Бешинчидан, қалбида мустаҳкам эътиқод, мустақил дунёқараш асосларини шакллантириш, ривожлантириш имкониятига эга бўлади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилиши табиий: нечанчи синфда ва қайси мавзуларни ўқитишда ушбу методни қўллаш мумкин? Бизнингча, 7-синф “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” дастуридан ўрин олган “Кўзга кўринмас хатарлар” ва “Ахлоқ-одоб – маънавият негизи” мавзуларини, 8-синф “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” дастурига киритилган “Экологик маданият” ҳамда “Қонун устуворлиги” мавзуларини, 9-синф “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фани дастуридаги “Ғоявий бўшлиқ” ва “Мафкуравий иммунитет” мавзуларини ўқитишда, ушбу мавзулар доирасида миллий ғоянинг мазмун ва моҳиятини, унинг асосий тушунча ва тамойилларини ўқувчилар қалби ва онгига сингдиришда “Ақлий ҳужум” методининг ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор.

Жумладан, 9 синфда мазкур фан дастуридаги “Мафкуравий иммунитет”

мавзусини ўқитишда ўқувчиларга бугунги кунда инсон қалби ва онгига ҳавф солаётган мафкуравий тажовузлар, қалб ва онгнинг хусусиятлари, инсон, гуруҳ ва жамият феъл-атвориға таъсир қилувчи омиллар, уларни тарғиб қилиш услублари, жамият манфаатларига ёт ғояларнинг таҳдидларига қарши кураш услублари, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш йўллари, мафкуравий тарбия ишлари самарадорлигини баҳолаш мезонлари каби мавзуга оид таянч тушунча ва ибораларнинг мазмун ва моҳиятини англаштириш учун “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланиш мумкин.

Бунинг учун “Кичик гуруҳларда ижодий ишлаш” шаклида дарсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Аввало ўқувчиларнинг ижодий гуруҳлари шакллантирилади:

- инсон, гуруҳ ва жамият феъл-атвориға таъсир қилувчи омиллар, уларни тарғиб қилиш услубларини ёритувчи экспертлар;

- мафкуравий иммунитетни шакллантириш усуллари, ёшларда эътиқодни шакллантирувчи услубларни кўрсатиб берувчи мутахассислар;

- жамият манфаатларига ёт ғояларнинг таҳдидларига қарши кураш услублари, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш йўллари, мафкуравий тарбия ишлари самарадорлигини баҳолаш вазифаси юклатилган кузатувчилар.

Ўқувчилар мавзуга оид маълумотлар асосида қуйидаги жадвални тузишлари мумкин:

МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ

	Инсон, гуруҳ ва жамият феъл-атвориға таъсир қилувчи омиллар	Бугунги кунда инсон қалби ва онгига ҳавф солаётган мафкуравий тажовузлар	Мафкуравий иммунитет тушунчаси ва уни шакллантириш усуллари

Сўнг мафкуравий иммунитет тушунчаси ва уни шакллантириш усуллари тавсифлаш учун ўртага саволлар ташланади:

- “Мафкуравий иммунитет деганда нимани тушунасиз?”
- “Нима учун жамият аъзоларида мафкуравий иммунитетни шакллантиришга эҳтиёж сезилади?”
- “Инсон қалби ва онги қандай хусусиятларга эга?”
- “Бугунги кунда инсон қалби ва онгига ҳавф солаётган қандай мафкуравий тажовузлар мавжуд?”
- “Мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашнинг қандай усул ва воситаларини биласиз?”

Ушбу саволларга ўқувчилар томонидан берилган барча жавоблар тингланиб, ҳар бири ўқитувчи томонидан ёзиб борилади.

“Ақлий ҳужум” натижасида билдирилган фикр ва мулоҳазалар жамланиб, эксперт, мутахассис ва кузатувчи қилиб тайинланган гуруҳларнинг фикрлари тингланади.

Сўнг ўқитувчи жавобларни умумлаштиради ва ўқувчилар билан биргаликда фикрларнинг энг сараларини ажратиб олади. Барча иштирокчиларни алоҳида рағбатлантириб, сўнг баҳолайди.

“Мафкуравий иммунитет” мавзусини ўқитишда ушбу методнинг қўлланиши натижасида ўқувчилар:

- аввало ҳар бир жамиятда ёшлар янги ғоя ва концепцияларга нисбатан ўз муносабатини аниқ билдириш, ҳаёт ҳақиқатларини тез илғаб олиш, хулоса чиқариш кўникмаларига эга бўладилар;

- миллат тараққиёти, юксак маънавиятли, билимли ва мафкуравий иммунитетни мустаҳкам бўлган ёшларга боғлиқлиги, уларнинг янгиланаётган жамиятда нафақат эркин ҳаракат қилиш, балки, уни ривожлантириши учун ягона миллий ғоя асосида бирлашиш лозимлигини англаб етадилар.

«ФСМУ» технологиясини қўллаш

«Ҳар бир жамиятнинг, халқнинг миллий ғояси бўлиши лозимми?» деган савол муҳокамага қўйилган.

Фикрингизни баён этинг	Миллий ғоя ҳар бир жамият учун зарурий омил
Қарорнинг сабаби	Бугунги глобаллашув шароитида кишиларни ҳаётини мақсадларидан чалғитувчи омиллар тобора ортиб бормоқда. Шунингдек, баъзи кучлар томонидан мустақил давлатларни ички сиёсатига аралаштириш, ўзининг ҳаёт тарзини, маданиятини сингдиришга уриниш авж олган. Бунга қарши аҳолида, айниқса ёш авлодда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларга жамиятнинг истиқболи, келажак мақсадларини сингдириб боришда миллий ғоя энг муҳим омилдир.
Мисол	Бугун ушбу масалага безътибор бўлган кўпчилик давлатлар, жамиятларда турли номдаги инқилоблар, диний экстремистик ва террористик ҳатти-ҳаракатлар ҳавфи ортиб бормоқда. Қолаверса уларнинг бошқа мамлакатлар таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли юзага келмоқда (Украина, Ироқ, Сурия).

ХУЛОСА

“Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанини ўрганиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Фан талабаларни мамлакатда амалга оширилаётган демократик жамият қуришнинг мақсадлари, унинг шаклланиши ва ривожланиши стратегияси, бу стратегиянинг миллий ғоя билан боғлиқлиги тўғрисидаги ғоялар, қарашлар билан таништиради. Мазкур ғояларнинг талабалар онг ва тафаккурига сингдирилишида, ишонч ва эътиқодларига кўчишида муҳим ўрин тутди. Демократик жамият қуришнинг қонуниятларини билишда, унинг жаҳонда эътироф этилган тамойилларини ҳар бир мамлакат ва халқнинг миллий, маънавий хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш зарурлигини ҳис этиш ва унга амал қилиш кўникмаларини шакллантиради. Ҳақиқий демократия билан сохта демократиянинг фарқини кўришда, уни баҳолаб, муносабат билдиришда, фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. “Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанини ўрганиш орқали эркин, демократик, фуқаролик жамияти қурилишининг назарий асосларини дунёда демократик жамият қуриш билан боғлиқ умумий қонуниятларни билиш билан бирга, демократиянинг ўзига хос миллий кўринишлари, “миллий моделлари”нинг маъно-мазмунини тўғри тушуниб олишга муваффақ бўлиш мумкин.

Тараққиёт ва юксак ривожланишга эришган давлатлар тажрибасига кўра, ҳар бир халқ ўз олдига улуғ ва истикбол мақсадларни қўйиши ҳамда уни амалга ошириш салоҳиятлари билан жаҳон ҳамжамятида муносиб ўрин эгаллайди. Бугун Ўзбекистон ҳам ўз тарихининг ана шундай масъулиятли чорраҳасида турибди, десак, муболаға бўлмайди. Бинобарин, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси истикболимиз тақдирини ҳал этувчи муҳим ва янги давр босқичини ифодаловчи миллий ғояга айланмоқда.

Сўзимиз якуни, жамиятда ижтимоий онгнинг ўзгариши билан ижтимоий муносабатлар ҳам ривожланиб боради. Жамият ва унинг ҳолати аслида инсон онгининг инъикоси. Фуқаролар қандай эзгу амаллар маърифати билан қуролланган бўлса, ана шу руҳий қудрат истакларининг ҳосиласини олади. Бу жараён улкан тўлқин сифатида миллатнинг муштарак мақсадларида намоён бўлади. У, ўз навбатида, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида янги тармоқларнинг, ишчи ўринларнинг пайдо бўлишига, аҳолининг реал даромади ва шунга мувофиқ турмуш даражасининг ўсиб боришига хизмат қилади.

ГЛОССАРИЙ

Термин	Шарҳи
Ғоя	ижтимоий мазмун, моҳиятга, мақсадга йўналган фикрлар мажмуи.
Миллий ғоя	Ўзбекистоннинг ривожланиш концепцияси, мафкуравий жараёнларни тартибга солувчи, ташкил этувчи, йўналтирувчи ва бирлаштирувчи жамият мафкураси.
Миллий истиқлол ғояси	халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодалайдиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғлайдиган, асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган маънавий омилдир.
Мафкура	кўпчиликни ишонч ва эътиқодига, амалий фаолиятига кўчган ғоялар тизими.
Мафкуравий жараёнлар	турли-хил мафкуралар (ғояларни) тизим сифатида жамиятдаги турли-хил ижтимоий ва сиёсий институтлар, шахс, жамият, ижтимоий гуруҳ ва қатламлар манфаатини намоён бўлиши.
Миллий мафкура	миллатнинг этноижтимоий бирлик сифатида мавжуд бўлиши ва риожланишини, эркин ва озод тараққиётини ғоявий асослаш, таъминлашга қаратилган қарашлар тизими.
Тизимли таҳлил	Мафкуравий жараёнларни ташкил этувчи ғоялар, мақсадларни белгиловчи омилларни ҳамда шарт-шароит ва йўналишларни изчил, кетма-кетликда аниқлаш ва қўллаш усули ҳамда методологияси.
Демократия	(юнонча халқ ҳокимияти) – халқ ҳокимияти, фуқароларнинг озодлиги ва тенглиги тамойилларини эълон қилишга асосланган сиёсий тузум шакли.
Миллий кадриятлар	миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ кадрият шакллари.
Умуминсоний кадриятлар	барча халқлар учун ижобий аҳамият касб этувчи, инсониятнинг умумий манфаатларига мос келувчи моддий ва маънавий ҳодисалар, мезонлар, кадрли жиҳатларнинг усутувор бўлишига таянган ғоялар мажмуи.
Фуқаролик жамияти	иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёт соҳасига тўғри келадиган тушунча.
Миллий, маънавий ва маърифий ғоялар	асрлардан бери авлоддан авлодга ўтиб келадиган илғор миллий, маънавий ва маърифий қарашлар, ғояларнинг йиғиндисидир
Ижтимоий-сиёсий ғоялар	миллатлар ва давлатларнинг ижтимоий ва сиёсий соҳада қўлга киритган, шу пайтгача ҳаёт амалиётида ўзини оқлаган ижтимоий ва сиёсий қарашлар мажмуидир.

Фалсафий ва ахлоқий ғоялар	инсониятнинг, асосан Шарқ халқлари, назаркардаларининг асрлар давомидаги илғор фалсафий ва ахлоқий қарашлари, таълимотлари йиғиндисидан иборатдир.
Диний ва дахрийлик ғоялари	кишиларнинг ижтимоий ходиса сифатида юзага келган даврлардан бошлаб, шу кунгача сақланиб қолган қарашлар мажмуини, динга хурфикрлик руҳиятида ёндошишни ташкил этади.
Илмий ғоялар	фан ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги туфайли олиб борилган кузатишлар, экспериментлар, таҳлиллар, инсон билими, тафаккури салоҳиятида яратилган, кашф этилган ғоялардир.
Бадий ғоялар	жамиятда мавжуд адабий, бадий асарлар, театр ва санъат асарларини ўрганиш, уларнинг мазмун ва моҳиятини чақиш орқали шаклланиб, инсон ва жамиятнинг тараққиётини янги босқичга кўтаришга, уларнинг маданияти, маънавияти ва маърифати даражаларини ўстиришга инсон руҳиятини янада мукамал қилишга хизмат этувчи ғоялардир
Бунёдкорлик ва яратувчилик ғоялари	инсониятни эзгулик, яхшилик сари чорлаб, юртни, Ватанни озод ва обод қилиш, жамият халқининг тўқ ва тўкин турмушини таъминлаш, инсониятни ижтимоий тараққиётининг паст поғонасидан юқорисига кўтарилишини, кишиларда ташаббус, яратувчилик ва бунёдкорлик ишларига йўлловчи ғоядир.
Вайронкорлик ва тажовузкорлик ғоялари	инсониятни карамлик, қулликда сақлаш, халқларни бир-бирига қарши қўйиб, улар орасида миллатчилик кайфиятларини шакллантириб, биродаркуш урушлар уюштириб, уруш ва миллий можаролар бўлиб туришидан манфаатдорликни ёқловчи ғоядир.
Диний ақидапарастлик	диннинг бир ақидаси, асоси ёки қондасини рўқач қилиб олиб, мутаассибларча фаолият кўрсатишни тарғиб этади.
Мафкуравий плюрализм	(лот. pluralis – хилма-хиллик, ранг-баранглик) – ижтимоий-сиёсий ҳаётда турли қатлам, партия, гуруҳлар манфаатларини ифода этувчи ғоявий ранг-барангликни, қарашлар ва фикрлар хилма-хиллигини ифодалайдиган тушунча.
Мафкуравий бўшлиқ	жамият, давлат ва меҳнат жамоаларида вужудга келган вазият, ижтимоий муҳит тарбиявий-мафкуравий ишларнинг заифлашиб қолиши.
Мафкуравий беқарорлик	кишилик жамиятига хос муайян хусусиятлардан бири; мафкуравий соҳадаги тамойилларнинг қарор топмагани, доимий бўлмагани, муқим бўлмагани каби маъноларни англатади.
Мафкуравий	муайян минтақа ёхуд мамлакат ҳаётида мафкураларнинг

вазият	Ўрни ва мавқеи, улар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ жараён ва шарт-шароитлар мажмуи.
Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви	Ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши оқибатида унга Ер юзининг барча минтақаларида мафкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этганини ифодаловчи тушунча.
Мафкуравий тизим	мафкуравий ишларни бошқариш, жамиятнинг турли ижтимоий институтлари: оила, мактабгача тарбия муассасалари, умумий таълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, маҳалла кенгашлари, жамоат ташкилотлари, маданий-маърифий уюшмалар тарбиявий имкониятларини мувофиқлаштириш, тартибга солиш, уларни ягона мақсад томон йўналтириш омиллари ва воситалари, услублари яхлит бир бутун уюшмаси.
Дунёнинг мафкуравий манзараси	жаҳонда рўй бераётган ғоявий жараёнлар, мавжуд мафкура шакллари, уларнинг моҳияти, мақсадлари ва ўзаро муносабати билан боғлиқ ҳолат, хусусият ва фаолиятларни яхлит тарзда акс эттирувчи тушунча.
Соғлом мафкура	умуминсонийликнинг устуворлиги тамойилига таянадиган, ижтимоий тараққиётни таъминловчи эзгу ва бунёдкор ғоялар тизимига асосланадиган мафкура шакли..

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони //Халқ сўзи, 2017, 8 февраль.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни. /Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, №1. 2017.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, №6. 2017.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5185-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. АҚШ, 19 сентябрь 2017 йил. Халқ сўзи газетасининг 2017 йил 20 сентябрь № 189 (6883)-сони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т., 22 декабрь 2017 йил. Халқ сўзи газетасининг 2017 йил 23 декабрь № 258 (6952)-сони.
7. «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5430-сон Фармони. -Т.: 2018 йил 4 май.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-3775-сон Қарори// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.06.2018 й., 07/18/3775/1313-сон.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т.: 28 декабрь 2018 йил. Халқ сўзи газетасининг 2018 йил 29 декабр № 258 (6952) – сони.
10. «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида белгиланган вазифалари (27.05.2019).
11. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2016. -56 б.
12. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик -ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган

- иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017.-104 б.
13. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси 07-12-2016.-Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. -48 б.
 14. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017.-491 б.
 15. Мизиёев Ш.М. «Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз» - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. -592 б.
 16. Мизиёев Ш.М. «Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир» - Тошкент: «Ўзбекистон», 2018. -508 б.
 17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг 20 ялпи мажлисидаги нутқи. -Т., 2019.21.06.
 18. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. –Т.: Шарқ, 2003.
 19. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
 20. Жалилов А. бошқалар. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Vaktoria press, 2015.
 21. Фуқаролик жамияти. Дарслик лойиҳаси– Т.: 2016. Ziyonet.uz. Муаллифлар жамоаси. <http://library.ziyonet.uz/uz/book/32900>
 22. Утамурадов А. ва бошқалар. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати. Лотин ёзувида. Т.: Турон-замин-зиё. 2017. 23 б.т.
 23. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилашиш сари / Муаллифлар жамоаси. Т.: Ғафур Ғулом. 2017.
 24. Утамурадов А, Қирғизбоев М, Хожиев Т. Фуқаролик жамияти / Ўқув қўлланма. Лотин алифбосида. – Т.: Мумтоз сўз. 2018. 395 бет.
 25. А.Утамурадов. Фуқаролик жамияти ғоялари эволюцияси. –Т., «Адабиёт учкунлари», 2018. Б.193.
 26. Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуни, 2014 йил 28 декабрь.
 27. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонуни, 2015 йил 9 декабрь.
 28. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев асарлари ва маърузаларидан олинган фикрлар. - Тошкент: «Ёшлар нашриёти уйи», 2019.
 29. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, сиёсий мафкуралар, сийсий маданиятлар. -Т.: Шарқ. 1998.
 30. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. -Т.: Шарқ, 2002.
 31. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари: Ўқув қўлланма / Т. Дўстжонов, М. Мирхамидов, С. Ҳасанов. -Т.: Iqtisod – Moliya, 2006.

32. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. -Т.: Янги аср авлоди, 2006.
33. Абдуазимов О. Фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситалари. -Т.: Академия, 2008.
34. Толибов И.И. Фуқаролик жамияти: тушунчаси, институтлари, асосий принциплари ва функциялари / Ред. А.Х. Саидов. -Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази, 2008.
35. Маликова Г.Р. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари – миллий демократик институт / Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009.
36. Муминов Э.А. Модернизация гражданского общества в Республике Узбекистан и Королевстве Испания. -Т.: ИПТД имени Г. Гуляма, 2011.
37. Мавлонов Ж.Ё. Гражданское общество: от концепта к концепциям и парадигмам (социально-философский анализ). Монография. -Т.: Истиклол нури, 2014.
38. Мавлонов Ж. Коммуникативные основы деятельности институтов гражданского общества: тенденции и инновации / Монография. – Т.: Адабиёт учкунлари, 2018.
39. Нишанбаева Э.З. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий шериклик тамойиллари. -Т.: Шарқ, 2015.
40. Хасанов Р., Ўтамуродов А. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Услубий қўлланма. -Т.: 2016. 14 б.т.
41. Утамуродов А. ва бошқалар. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати. -Т.: Turon-Zamin, 2017. 19,5 б.т.
42. Утамуродов А. Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асослари // Ўқув услубий қўлланма, -Т., «Brok class Servis» 2017. 6,2. Б.Т.
43. Муминов А, Э.Нишанбаева, А.Абдуҳалилов. Ижтимоий шериклик.Т.: «Университет». 2018.

Чет эл адабиётлари:

1. Walzer M. Concept of Civil Society -Walzer M., ed. Toward a Global Civil Society.Providence RI: Berghahn Books. 1995.
2. Schmitter Ph. Civil society East and West// Consolidation the Third Wave Democracies: Themes and Perspectives/ Ed. by L.Diamond et al. Baltimore and London: The Johns Hopkins U.P., - 1997. – P.239-262.
3. O'Connell, Brian. Civil Society: The Underpinnings of American Democracy. Medford, Mass:Tufts University Press, 1999.

Интернет манбалари

1. www.press-service.uz
2. www.ziyonet.uz
3. www.nimfogo.uz
4. www.gov.uz

М У Н Д А Р И Ж А :

	Кириш	
1	“Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари	
2	Миллий ғоянинг назарий концептуал асослари	
3	Жамият мафкурасида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги	
4	Ғоялар хилма-хиллиги ва мафкуравий жараёнларнинг ижтимоий тараққиётга таъсири	
5	Миллий ғоя Ўзбекистон демократик тараққиётининг муҳим омили	
6	Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси – миллий тараққиёт асоси	
7	Глобаллашув даврида ахборот макони ва ғоявий мафкуравий курашлар	
8	Миллий ғояга дахлдорлик ҳисси – барқарор тараққиёт омили	
9	Миллий ғоя тарғиботининг инновацион технологиялари	
	Хулоса	
	Глоссарий	
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	